

ФОЗИЛЖОН ОТАХОНОВ

**ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
МУАММОЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

ФОЗИЛЖОН ОТАХОНОВ

**ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ**

Тошкент – 2019

Отахонов Фозилжон Хайдарович.

Юридик хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари.
Монография / Масъул муҳаррир Тошқулов Ж.Ў. – Т.:
2019. - 289 б.

Масъул муҳаррир: Ж.Тошқулов

юридик фанлар доктори, профессор

Тақризчилар: И.Хамедов

юридик фанлар доктори, профессор

О.Мухаммеджанов

юридик фанлар доктори, профессор

Мазкур монографияда мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг объектив омили сифатида юридик хизматнинг ролини ошириш, юридик хизмат тушунчаси ва моҳияти, тизими, ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг асосий йўналишлари, юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг тарихий ривожланиши, адлия органларининг юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш бўйича ваколатлари, давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатлари, шунингдек, хорижий давлатларда юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятларининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари маротаба монографик тадқиқ этилди. Монографияда тизимли равишда ўрганиш натижаси бўйича асосланган хулоса, тақлиф ва тавсиялар ўрин олган.

Монография Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида 2018-2020 йилларга мўлжалланган Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилаётган “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашда юридик хизматни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги ПЗ-20170928639-сонли амалий тадқиқот лойиҳаси режасига мувофиқ тайёрланган.

Ушбу монографиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, ижро, суд ҳокимияти мутахассислари, ҳуқуқшунос олимлар, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчилар, шунингдек, ушбу масалаларга қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

© Отахонов Фозилжон Хайдарович

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш маркази.

КИРИШ

Дунёнинг барча мамлакатларида мукамал қонунчиликни яратиш, унинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, аҳоли ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш муҳим йўналишлар ҳисобланади. Бу жараёнда давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати муҳим аҳамият касб этади. Юридик хизмат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш жараёнидан бошлаб, то уларнинг ижросини таъминлашгача; хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш ва бажариш; мулкни сақлашни ҳуқуқий воситалар билан таъминлаш; меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш; тегишли органлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судларда ва бошқа ташкилотларда ҳимоя қилиш; ҳуқуқий тарбия ишларида фаол иштирок этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш»¹ каби вазифалар белгиланган. Бу эса юридик хизмат тизими ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда назарий-методологик жиҳатдан янгича ёндашувни, юридик хизматни махсус фан ва ўқув предмети сифатида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., – № 6, 70-м.

ривожлантиришни, хорижий давлатлардаги юридик хизмат тизимини ўрганиш ва унинг ижобий ютуқларидан самарали фойдаланишни, юридик хизмат ҳамда давлат ва нодавлат нотажорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишга оид қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларининг айрим жиҳатлари илмий ва методологик жиҳатдан тадқиқ этилган бўлса-да, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда юридик хизмат фаолиятининг назарий-концептуал масалалари ҳуқуқшунос олимлар ишларида махсус илмий тадқиқот иши мавзуси сифатида тадқиқ этилмаган. Бугунги кунда, бу борада амалга оширилган тадқиқотларнинг кўлами ва даражаси Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқ талабларга жавоб бермайди. Бинобарин, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда методологияси жиҳатидан юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг тарихий ривожланиши билан боғлиқ янги истиқболли йўналишга асос солиниши, ўз навбатида, уни комплекс тарзда ривожлантириш имкониятини яратади. Ушбу монографияда юридик хизматнинг ҳуқуқий муаммолари ва фаолиятининг назарий-методологик асослари ёритиб берилган.

I БОБ.

ЮРИДИК ХИЗМАТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИАТИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ АСОСЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

1-§. Юридик хизматнинг ролини ошириш – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг объектив омили

Давлат ва жамият қадимдан бир-бири билан ўзаро уйғунликда ривожланиб келган. Кишилиқ жамиятининг вужудга келиши ва шаклланиши давлатнинг вужудга келишига туртки бўлган. Фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий давлат инсоният томонидан асос солинган давлат ва жамият ҳаётининг энг олий шакллари дир.

Маълумки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши асосан икки мезон билан ўлчанади. Биринчиси, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашлар ва таълимотларнинг ривожланиши бўлса, иккинчиси, айрим хорижий мамлакатларнинг дунёвий ва демократик давлатнинг шундай шаклини ўз ҳудудида бунёд этиши сари интилишида ва амалий фаолиятида намоён бўлади. Ҳар икки мезон ҳам ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга ижобий таъсир этган.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти муаммолари ҳар доим файласуфлар, сиёсатшунослар, тарихчилар, ҳуқуқшуносларнинг диққат марказида бўлган, аммо уларнинг фикрларида жиддий фарқдан кўра муайян умумийлик кузатилиб келинган¹.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти нима, уларнинг тушунчаси, ривожланиш тарихи ва босқичлари, ҳар икки категориянинг бир-бири билан ўзаро алоқадорлиги, бир-биридан фарқланувчи белгиларини тадқиқ этишга

¹ История политических и правовых учений / Под ред. В.С.Нерсисянца. – М.: 2003. – С.50; Цицерон. О государстве. О законах. – М.: 1994. – С. 265.; Ёкубов А. “Қутадғу билиг”да давлатчилик концепцияси. – Т.: 1997. – 31 б.; Темур тузуклари. – Т.: Шарқ, 2005. – 31 б.; Спиноза Б. Трактаты. – М.: Мысль, 1998. – С. 5-260; Гоббс Т. Сочинение. В 2 т. Пер. с лат. и англ. – М.: Мысль, 1989. Т. 1. – С. 270-506; Локк Д. Сочинение. В 3 т. – М.: Мысль, 1988. – 668 с.; Монтескье Ш.. Избранные произведения. – М.: Госполитиздат, 1955. – С. 159-730; Боден Ж. Антология мировой философии. В 4-х томах. Европейская философия от эпохи Возрождения по эпоху Просвещения. – М.: 1970. Т.4. – С. 144-147; Кант И. Сочинения. Т. 6. – М.: 1966. 400 с.; Гегель Г.В.Ф. Философия права. – М.: Мысль, 1990. – 524 с.; Аристотель. Политика / Сочинения. В 4 т. – М.: Мысль, 1983. Т. 4. – С. 375-644; Руссо Ж.Ж. Трактаты. – М.: Наука, 1969. – С. 151-256.

оид ўқув қўлланмалар, монографиялар, илмий мақолалар нашр этилди¹. Номзодлик, докторлик шаклидаги диссертациялар ҳимоя қилинди². Шунингдек, қатор халқаро илмий-амалий конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, давра суҳбатлари ўтказилди³.

Мамлакатимиз ва МДҲга аъзо бошқа давлатларнинг ҳуқуқшунос олимлари «хуқуқий давлат» ҳамда «фуқаролик жамияти» тушунчаларига турлича нуқтаи назарлар билан ёндашганлар.

Хуқуқий давлат тушунчасини давлатга берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда аниқлаш лозимдир. Чунки, «давлат – жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб турувчи, мажбур этиш аппаратига эга бўлган, ҳамма учун мажбурий бўлган нормалар чиқарувчи сиёсий ташкилотдир»⁴, – деган оммавий таъриф хуқуқий давлатга ҳам хосдир. Фақат давлат механизми қай тартибда шакллантирилиши, ҳуқуқ нормаларининг амал қилиш кучи ва устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимояланганлиги даражаси, ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларини қайси ҳокимият органлари ташкил этишидаги хусусиятларидан келиб чиқиб, давлатни ташкилий жиҳатдан хуқуқий ёки хуқуқий эмаслигига баҳо бериш мумкин. М.Н.Марченко «хуқуқий давлатга тавсиф беришда, ушбу институтнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд

¹ Қаранг: *Козлихин И.Ю.* Идея правового государства. История и современность. – СПб., 1993; *Соколов А.Н.* Правовое государство: идея, теория, практика. – Курск, 1994; *Воротилин Е.А.* Идеи правового государства в истории политической мысли / Политология / Отв. ред. М.Н.Марченко. – М.: 1997. – С. 76-91; Генезис личности, демократической семьи, гражданского общества и правового государства. В 2-х т. СПб., 1999; *Четвернин В.А.* Демократическое правовое государство. – М.: 1993; Гражданское общество: теория, история и современность. – М.: 1999; *Гуторов В.А.* Современные концепции гражданского общества // Гражданский форум. – 2001. – №1. – С. 47-56; *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: 2002. – 320 б.; *Шарифходжаев М.* Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. – Т.: 2002. – 272 с.; *Зокиров С.* Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари. – Т.: 1999. – 120 б.; *Жалилов Ш.И.* Кучли давлатдан – кучли жамият сари. – Т.: 2001. – 160 б. ва ҳоказо.

² Қаранг: *Рахимов Ф.Х.* Теоретические и практические проблемы создания демократического правового государства в Республике Узбекистан. Автореф. дис. ... докт. юрид.наук. – Т.: 2001. ва ҳоказо.

³ Қаранг: Становление институтов гражданского общества: Россия и международный опыт. Материалы международного симпозиума. – М.: 1995.; Гражданское общество в его практическом измерении, материалы научно-практической конференции 27.06.01, СПб., 2001.; Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. Илмий назарий конференция материаллари. – Т.: 2003. ва ҳоказо.

⁴ Давлат ва ҳуқуқ назарияси // Масъул муҳаррирлар Ҳ.Бобоев, Х. Одилқориев. – Т.: 2000. – 67-75 б.

бўлишига қарамасдан, шуни эътиборда тутиш лозимки, у давлат бўлган ва давлат бўлиб қолади» – деб таъкидлайди¹.

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартларидан бири бу – мамлакатда ҳуқуқ-тартиботнинг ўрнатилганлиги, яъни жамият ва давлат ҳаётидаги турли ижтимоий муносабатларнинг қай даражада қонунлар билан тартибга солинганлигидир.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий давлат ҳақида турли фикрлар билдирилган. Хусусан, В.М.Гессеннинг фикрича, ҳуқуқий давлат – инсонпарварлик, қонун ва қонунийлик, одиллик ва адолат тантанаси ҳисобланади². Бу ҳақда Б.А. Кистяковский қисқа қилиб, куйидагича таъриф беради: «ҳуқуқий давлат – инсон томонидан яратилган давлат ҳаётининг энг юқори шаклидир»³. М.Н. Марченко эса, «ҳуқуқий давлатни қонунлар расмий жиҳатдангина мавжуд бўлган давлат эмас, балки барча ижтимоий муносабатларнинг қонунлар билан амалий тартибга солинганлиги кузатиладиган давлатдир» – дейди⁴.

Бу борада О.В. Мартышин кенгроқ ёндашиб, ҳуқуқий давлат – фуқаролик жамиятининг сиёсий жиҳатдан расмийлаштирилган кўриниши бўлиб, жамият ҳаётида демократик институтларнинг ривожланиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришда салмоқли ўринни эгаллаши, фуқаро ва улар ихтиёрий равишда уюшган ташкилотларнинг фаоллиги кузатиладиган давлат эканлигини таъкидлайди. Бундай давлатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади, фуқароларнинг давлат билан бўлган муносабатида ҳимоячи сифатида суднинг мустақиллигига риоя этилади. Аҳолининг эса ўзини ўзи бошқариш қобилятига эга бўлиши, умумий қоидалар ва манфаатларга бўйсунушга тайёрлигини намоён қилиши билан

¹ Общая теория государства и права. Академический курс в 2-х томах. / Отв. ред. проф. М.Н. Марченко. – Т. 1. – С. 371.

² Гессен В.М. Теория правового государства. - СПб. 1905. – С.146

³ Кистяковский Б.А. Государство правовое и социалистическое // Вопросы философии. – 1990. – № 6. – С.141.

⁴ Общая теория государства и права. Т.1. – М.: - С. 374.

алоҳида ажралиб туради¹. Аммо шу ўринда айтиб ўтиш керакки, О.В. Мартышин томонидан берилган ушбу фикр бироз мунозаралидир, яъни ушбу тушунчанинг баъзи жиҳатлари фуқаролик жамиятига хосдир. Ҳолбуки, «хуқуқий давлат» ва «фуқаролик жамияти» тушунчалари айнан бир нарса эмас. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Юқоридаги таърифларнинг, деярли барчасида хуқуқий давлат, энг аввало, қонунларга асосланган давлат эканлиги таъкидланади.

Бизнинг фикримизча, хуқуқий давлат – жамият ҳаётидаги аксарият ижтимоий муносабатлар оқилона ва адолатли, халқ иродасини ифода этувчи қонунлар билан тартибга солинган ҳамда қонунларнинг лозим даражада бажарилиши таъминланган инсонпарвар демократик давлатдир.

Фуқаролик жамияти эса, хуқуқий давлат ривожланишининг юқорироқ босқичи десак муболаға бўлмайди.

М.Н.Марченконинг фикрича, «фуқаролик жамияти – инсонларнинг хуқуқ субъекти сифатида тенглигини, уларнинг хуқуқий жиҳатдан эркинлигини, шартномаларнинг қатъийлиги, хуқуқнинг бузилишлардан ҳимояланганлиги, шунингдек тартибли қонунлар ва обрўли суд (ҳакамлик судлари) мавжуд бўлган жамиятдир»². И.И.Кальной ва И.Н.Лопушанскийлар эса «хусусий мулк эркинлаштирилган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий хуқуқлар расмийлаштирилган ва таъминланган жамиятни»³ фуқаролик жамияти деб ҳисоблашади. А.П. Бутенко ва А.В. Мироновлар бу ҳақда шундай дейди: «фуқаролик жамияти деганда, бозор ва демократик хуқуқий давлатчилик шароитларида эркин ва тенг хуқуқли шахсларнинг давлат белгиламаган ўзаро муносабатларининг хилма-хиллиги тушунилади»⁴. Ушбу олимлар томонидан келтирилган фикрларда эркин бозорнинг вужудга келиши, яъни иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши муҳим белги сифатида қаралган.

¹ Қаранг: *Мартышин О.В.* Несколько тезисов о перспективах государства в России // *Ж. Государство и право.* – 1996. – № 5. – С. 25-26.

² *Общая теория государства и права.* Отв. ред. проф. М.Н.Марченко. Т.1. – С. 338.

³ *Кальной И.И., Лопушанский И.Н.* Гражданское общество. – СПб., 2002. – С. 9.

⁴ *Бутенко А.П., Миронов А.В.* Государство и гражданское общество // *Социально-политический журнал.* – 1997. – №1 – С. 51-57.

Айрим адабиётларда фуқаролик жамиятида жамоат институтлари алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланади, ҳатто баъзи олимлар фуқаролик жамиятини жамоат институтларининг мажмуи тариқасида тушунади. Чунончи, А.Х.Саидов ва У.Т.Таджихановларнинг фикрича, «фуқаролик жамияти – тенг ҳуқуқли инсонларнинг, яқка шахслар ёки жамоалар манфаатларини амалга оширишга кўмаклашадиган жамоат институтларининг тизимидир»¹.

Академик К.Кумарнинг фикрича, фуқаролик жамияти ҳозирги замон кишиси ўз эҳтиёжларини қондирувчи, ўзининг индивидуал хусусиятларини ривожлантирувчи, ижтимоий бирдамлик қадриятларини англаб етувчи муҳитдир². Бу ерда асосан шахснинг манфаатлари фуқаролик жамиятида бирламчи эканлиги олимнинг диққат марказида бўлган.

З.М.Исломов фуқаролик жамиятини «эркин мулкдорлар ва уларнинг уюшмаларининг манфаатларини ифода этувчи давлатдан ва сиёсатдан ташқари бўлган иқтисодий, ижтимоий, маданий, ахлоқий, оилавий ва диний муносабатларнинг йиғиндиси»- деб баҳолайди³.

Ф.Х.Рахимов «фуқаролик жамияти» тушунчаси жамиятга қўйиладиган фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмнинг мавжудлиги, фуқароларнинг эркин ва фаровон яшашлари, сўз эркинлиги, ошкораликнинг ва ўзини ўзи бошқариш тизимининг йўлга қўйилганлиги каби бир қанча муҳим талабларни ўз ичига олишини эътироф этади⁴.

Олимлар томонидан берилган ушбу фикрларда фуқаролик жамиятининг қайсидир белгиларига эътибор қаратилган. Бизнингча, ушбу тушунчалар янада умумлаштирилиши лозим. Аммо «фуқаролик жамияти» тушунчасини бир сўз билан ифодалаш мушкулдир.

Ҳуқуқшунос Ҳ.Т.Одилқориев ва сиёсатшунос Ш.Ғ.Ғойибназаровлар ушбу тушунчани чуқурроқ таҳлил қилган, яъни уларнинг фикрича «фуқаролик

¹ Саидов А.Х., Таджиханов У.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.1. – Т.: 2001. – 238 б.

² Қаранг: Кумар К. Гражданское общество. – М.: 1994. – С. 21.

³ Исломов З.М. Общество. Государство. Право. Т.2. – Т.: 1998. – С. 320.

⁴ Қаранг: Рахимов Ф.Х. Конституциявий ҳуқуқларни таъминлашда давлат органларининг масъулияти.– Т.: 2001.– 8 б.

жамияти» ибораси ҳам кенг, ҳам тор маъноларда қўлланилади. Кенг маънода, фуқаролик жамияти деганда, жамиятнинг давлат ва унинг тузилмалари қамраб олмаган қисми тушунилади. У табиий-тарихий тараққиёт жараёнида эркин, давлатга бевосита боғлиқ бўлмаган соҳа тарзида вужудга келади ва ривожланади. Бу маънода фуқаролик жамияти нафақат демократия, балки авторитаризмга ҳам мос келади, фақат тоталитаризм сиёсий ҳокимият фуқаролик жамиятини тўлиқ, кўпинча – қисман «ютиб юборгани»ни билдиради. Фуқаролик жамияти тор маънода ҳуқуқий давлат билан чамбарчас боғлиқ. Улар бир-бирисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас¹.

Фуқаролик жамиятининг тушунчаси борасидаги файласуфлар ва ҳуқуқшуносларнинг юқорида таҳлил қилинган фикрларида ўзига хослик ва шу билан бир қаторда муайян умумийлик кузатилади. Ўзига хослик аввало уларнинг қайсидир белгиларига эътибор кўпроқ берилганлигида намоён бўлса, умумийлик – уларнинг барчасида шахс ва унинг манфаати асосий қоида сифатида талқин этилади. Фуқаролик жамияти шахснинг бир томондан давлатга мансублигини билдирса, иккинчи томондан, шахснинг эркин жамият аъзоси эканлигидан далолат беради. Умуман олганда фуқаролик жамиятида давлатнинг роли ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида сезиларли даражада жамиятга тақдим этилиши мавжуд. Бундай жамиятда юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган комил инсонларгина яшайди. Ушбу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларни эркинлаштириш борасидаги ислохотлар фуқаролик жамиятига эришиш йўлидаги дадил қадамлардир.

Бизнинг фикримизча, фуқаролик жамияти - бу инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат мавжуд бўлган, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари юксак даражада таъминланган жамиятдир.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг, шунингдек миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсади ҳам – инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш

¹ Қаранг: *Одилқориев Х.Т.: Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият.* –Т.: 2004. – 282 б.

ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш орқали буюк давлатга эришишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўз моҳиятига кўра, демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон халқи иродасининг олий ифодасидир. Бу ирода умумдемократик тамойилларни ўзида мужассам этувчи, инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб эътироф этувчи давлат ва жамият ҳаёти асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган Асосий қонундир¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илгари сурилган ва шу асосда «фуқаро – жамият – давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ечимини топишга интирилган»².

Мамлакатимиз Конституцияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги миқёсида биринчилардан бўлиб қабул қилинган конституциялардан бири ҳисобланади. Шундай экан, МДҲ давлатлари ичида ҳуқуқий давлат қуриш ғояси бизнинг Конституциямизда илк бор ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Сўзимизнинг исботи сифатида, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муқаддимасида «инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлиги» алоҳида таъкидланганлигини кўрсатишимиз мумкин. Шунингдек, Конституциямизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим таркибий элементлари ҳисобланувчи, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги (7-модда), давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши (11-модда), ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши (12-модда), давлат ўз

¹ Қаранг: *Одилқориев Х.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т.: 2002. – 22 б.

² *Каримов И.А.* Ўзбекистон келажаги буюк давлат. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 37 б.

фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши (14-модда), Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинishi (15-модда), мамлакат иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши (53-модда) каби умуминсоний демократик нормалар ўрин олган¹.

Маълумки, қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий тартибот ўрнатиш ҳуқуқий давлатнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг алоҳида субъектлари тизимини ташкил этади. Давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки қўриқлаш функциясини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу тизимга, жумладан прокуратура, адлия, ички ишлар, миллий гвардия каби органлар киради. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида қонунийликни таъминлаш нафақат мазкур органларнинг вазифаси, балки барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳам вазифаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, ҳуқуқий давлатни барпо этишда, қонун ва адолат устуворлигига эришишда давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда юридик хизматнинг оқилона йўлга қўйилганлиги муҳим роль ўйнайди. Юридик хизмат кўмагида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалтирилиб борилади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонун устунлиги таъминланади. Давлат ҳокимияти органларида, айниқса Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталаридаги юридик хизматлар томонидан қонун лойиҳалари экспертизадан ўтказилиши жараёнида уларнинг Конституцияга ва бошқа амалдаги қонунларга мувофиқлиги, ҳуқуқий нормалар ўртасидаги ўзаро муносиблик, тизимлилик таъминланади, аниқланган ички зиддиятлар ва параллелликлар бартараф этилади. Шунингдек, юридик хизмат бошқарув органлари фаолиятида ҳам қонунийликнинг таъминланиши, улар томонидан чиқарилаётган идоравий

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конситуцияси. – Т.: Ўзбекистон, 20018. – 76 б.

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мослиги, юридик техника талабларига мувофиқлигини текширишда муҳим ўрин тутди.

Мазкур органлар, айниқса, парламент, ҳукумат, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар юридик хизмати ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил қилувчи – миллий қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида фаол иштирок этади. Ижтимоий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, башорат қилиш йўли билан жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш ҳамда ўз вақтида мукамал ва сифатли қонунлар қабул қилишда қатнашади.

Юксак ҳуқуқий маданият фуқаролик жамиятининг асосий белгиси, жоиз бўлса пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади¹.

Шунинг учун ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларда фаолият кўрсатувчи юридик хизмат ходимлари ўз меҳнат жамоасида қонунчиликни мунтазам тарғиб қилиш, ходимларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматини ҳар томонлама ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони.

Дарҳақиқат, юридик хизмат ижтимоий ҳаётда ўзига хос ўрин эгаллайди. Ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш муҳим бунёдкорлик вазифаларини рўёбга чиқаришнинг кафолатларидан бири бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, ҳуқуқ назарияси юридик хизматни ўзига хос категория сифатида ҳар томонлама таҳлил этиши лозим. Айни вақтда, юридик хизмат ҳуқуқ назариясининг ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор, ҳуқуқни амалга ошириш ва ҳуқуқ-тартибот категориялари билан узвий боғлиқдир.

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдан мақсад барча субъектларни ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвориға эришишдир. Л.А.Морозованинг таъкидлашича, давлатнинг қонун ижодкорлиги фаолияти айнан шу натижага эришишга йўналтирилган¹. Шу сабабли ҳам ҳуқуқ назарияси фани ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворни шакллантириш қонуниятлари, унга ундовчи сабаблар, ҳуқуқ нормасига риоя қилиш механизмини ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Бироқ, ҳозиргача ҳуқуқ назариясида ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор масаласини, асосан, жисмоний шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ва фаолиятини ҳуқуқ нормалари ва кўрсатмаларига қиёслаш орқали баҳоланади. Шу маънода олганда, давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор мезонлари нуқтаи назаридан баҳолаш ва уни таъминлаш механизми масалалари ҳуқуқ назарияси фани диққат эътиборидан четда қолган. Тўғри, бир қарашда давлат органи ёки хўжалик юритувчи субъект мавҳум тузилмалар бўлиб, уларнинг фаолияти мансабдор шахслар, ходимлар, хизматчилар орқали амалга оширилади. Бироқ, фикримизча, асосий эътиборни жисмоний шахслар хатти-ҳаракатига қаратиш ва бунда давлат органи ва хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқ субъекти сифатидаги фаолиятини назардан қочириш унчалик тўғри бўлмайди. Зеро, давлат органи ва хўжалик юритувчи субъект ходимларининг мазкур органнинг фаолияти билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари охир-оқибатда давлат органи ва хўжалик юритувчи субъект ҳаракатлари деб баҳоланади ва улар учун ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради.

¹ Қаранг: *Морозова Л.А.* Теория государства и права. – М.: Юристъ, 2003.– С. 321.

Жисмоний шахсинг хатти-ҳаракатлари негизида унинг муайян юридик шахсга мансуб ходим сифатидаги корпоратив манфаатлар, жамоа манфаатлари ёхуд давлат органлари хизматчиси сифатидаги маҳкамавий манфаатлар ётади. Шу нуқтаи назардан олганда, давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворини шакллантириш ва таъминлаш масаласи мантиқий асосга эга.

В.В.Оксамытний томонидан ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворга берилган таърифда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган: биринчидан, ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор инсоннинг онгли эрк-иродасига мувофиқ намоён бўлади; иккинчидан, хулқ-атвор ҳуқуқнинг мақсади ва талаблари билан солиштирилган ҳолда баҳоланади; учинчидан, хулқ-атворнинг ички регулятори ёки мотиви шахсинг маданий-маънавий сифатлари ва қарашлари, шунингдек, ҳаётий тажрибаси билан белгиланади¹. Унинг фикрича, ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворнинг қуйидаги белгилари мавжуд: ҳуқуқ томонидан ўрнатилган талабларни бажаришда ижтимоий фойдалилик, намоён бўлишнинг оммавийлиги, онглилик ва фаоллик. Бироқ, ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор фақат жисмоний шахслар доирасида баҳоланса, у тўлақонли оммавийлик касб этмайди. Чунки давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти бундан четда қолади. Шундай бўлиши ҳам мумкин-ки, шахс ўзи яқка субъект сифатидаги ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор моделини танлаб, давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар ходимлар сифатидаги муносабатларда эса ҳуқуққа номувофиқ хулқ-атворни танлаши мумкин ёки аксинча.

Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворига шунчаки унда фаолият юритувчи жисмоний шахслар хатти-ҳаракатларининг механик йиғиндиси сифатида қарамаслик лозим. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар хулқ-атвори доимо онгли, мақсадга мувофиқ ва муайян натижага йўналтирилган фаолиятда намоён

¹ Қаранг: *Оксамытний В.В.* Правомерное поведение личности. Киев, "Наукова думка", 1985. –176 с.

бўлади. Улар фаолиятининг бундай хусусиятлар касб этишида юридик хизмат муҳим вазифани бажаради.

Юридик хизматнинг иш усуллари ва шакллари, айнан жамоада қоидага итоаткорликни, қонун талабларига сўзсиз риоя этишни ва қонун кўрсатмаларини оғишмай, фаол бажарилишини таъминлашга қаратилади. Юридик хизмат ўз вазифасини юқори савияда бажарса, давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар хулқ-атворининг қонунга мувофиқлиги ҳам шу даражада таъминланади. Ҳуқуқ назарияси фани давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар хулқ-атвори ҳуқуққа мувофиқлигини ўрганишда юридик хизмат каби ташкилий-ҳуқуқий воситалардан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор бериши лозим. Албатта, бу ерда юридик хизматнинг ўзи ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворни таъминлашнинг бирдан-бир омили эмас. Бундай вазиятга давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар биринчи раҳбарнинг салоҳияти, жамият ва ҳуқуқ-тартиботдаги реал ҳолат ҳам муайян даражада таъсир қилади. Бироқ, ҳар қандай ҳолатда юридик хизмат давлат органи ва хўжалик юритувчи субъект миқёсида ҳам, шунингдек, алоҳида индивидуал миқёсда ҳам ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворни таъминлашда муҳим вазифаларни бажаради.

Ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор, ўз навбатида, ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида муҳим восита ҳисобланади. Маълумки, ҳуқуқнинг вазифаси ижтимоий муносабатларни мақсадга мувофиқ йўналтириш, турли муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бироқ, юридик нормалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз-ўзидан ижтимоий муносабатларни тартибга сола олмайди. Бунинг учун улар ҳаётга жорий этилиши, яъни амалга оширилиши лозим. Юридик хизмат ҳуқуқни қўллаш, уни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этувчи субъектлардан, иштирокчилардан биридир.

Ҳуқуқни амалга оширишнинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатиш мумкин. **Биринчидан**, у ҳар доим фақат ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор, хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ. Ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор ҳуқуқни амалга ошириш бўйича фаол ҳаракатлар ёхуд ҳуқуққа хилоф ҳаракатлардан тийилиб

туриш бўйича пассив ҳолатлардан иборат бўлиши мумкин. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматлари ўз жамоасида ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвори шакллантирувчи, йўналтирувчи ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда етакчи куч ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, юридик хизмат оқилона ва самарали фаолият юритар экан, ўша жомоада юридик шахснинг яхлит субъект сифатидаги ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвори муайян моделларининг тизими шаклланади. Юридик шахс (давлат органи ёки нодавлат тузилма) муайян вазиятдан келиб чиқиб ҳар доим ўзи учун мақбул, ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор моделларидан бирини танлаб олади. Тўғри, баъзан, кутилмаган, фавқулодда вазиятлар рўй бериши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бироқ, шунда ҳам юридик хизмат ходимлари етарли даражада малака ва маҳоратга эга бўлсалар, тезлик билан ўша шароит ва вазият учун мос, ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор моделини ишлаб чиқишлари мумкин.

Иккинчидан, ҳуқуқни амалга оширилишидан, энг аввало, субъектив ҳуқуқларга эга бўлган субъект манфаатдордир. Ҳар бир субъект хоҳ у давлат органи, хоҳ хўжалик юритувчи субъект бўлсин муайян субъектив ҳуқуқларга эга бўлади ва ушбу субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш орқали ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаради, олдига қўйган мақсадларга эришади. Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматлари, айниқса, субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш соҳасида фаол ҳаракат қилишлари ва жонбозлик кўрсатишлари лозим бўлади. Акс ҳолда, тадбиркорлик субъекти фойда кўриш имкониятидан маҳрум бўлади ёки имкониятлар кескин қисқаради.

Учинчидан, ҳуқуқни амалга ошириш турли шаклларда рўёбга чиқарилади. Бунда турли ҳуқуқ нормалари мазмунининг ўзига хос хусусиятлари, кишилар хулқ-атвори таъсир кўрсатиш воситаларининг ҳар хил эканлиги, ҳуқуқий тартибга солиш тизимида субъектларнинг ҳуқуқий хоссалари ва бошқа омиллари ҳисобга олинади. Субъектлар ҳаракатларининг характери ва фаоллик даражасига қараб, одатда, ҳуқуқни амалга оширишнинг

тўрт шакли: риоя қилиш, ижро этиш, фойдаланиш ва қўллаш фарқланади. Риоя қилиш субъект томонидан ҳуқуқ нормасида тақиқланган ҳаракатларни содир этишдан ўзини тийиб туришни англатади. Ушбу шакл, асосан, тақиқлар қўйиш орқали амалга оширилади. Бу фаолиятнинг пассив шаклидир. У сезилмасдан рўй беради, қайд этилмайди ва асосан, жиноят, маъмурий, солиқ ҳуқуқи нормаларини амалга ошириш учун хосдир.

Юридик хизмат жамоада ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш муҳитини вужудга келтиради, шунингдек, бошқа таркибий тузилмаларга тушунтиришлар, тавсиялар бериши мумкин. Бинобарин, ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш жараёнида юридик хизмат фаол роль ўйнаса ҳам бошқа тузилмаларнинг нисбий мустақиллиги сақланиб қолади.

Ҳуқуқни амалга ошириш субъект томонидан унга юклатилган мажбуриятларни ижро этиш бўйича фаол ҳаракатларни назарда тутди. Ушбу шакл орқали нормалар (масалан, шартнома мажбуриятларини бажариш, солиқ тўлаш, ҳисобот бериш ва шу кабилар) амалга оширилади. Юридик хизмат ўз фаолиятида ижро этиш шаклини ҳам қўллайди.

Ҳуқуқдан фойдаланиш субъект томонидан ҳуқуқ нормасида назарда тутилган имкониятларни амалга оширишда ифодаланади. Ушбу шакл орқали ҳуқуқнинг ваколат берувчи нормалари рўёбга чиқади. Масалан, мулк ҳуқуқи муайян шартнома тузиш орқали ўз эҳтиёжларини қаноатлантириш ҳуқуқини вужудга келтиради ва ҳоказо. Ҳуқуқдан фойдаланиш ҳуқуқ соҳиби бўлган субъект хоҳиш иродасига боғлиқдир. Ўз ҳуқуқларидан фойдаланмаганлик учун қонунчиликда ҳеч қандай жавобгарлик назарда тутилмаган. Бироқ, бу фақат жисмоний шахсларга тааллуқли бўлиб, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари, ҳуқуқларидан фойдаланмаслик ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Бинобарин, давлат органларининг юридик хизматлари тегишли субъектларни ўз ҳуқуқларидан лозим даражада фойдаланишлари бўйича доимий равишда ғамхўрлик қилишлари лозим. Юридик хизмат бўлинмалари давлат органлари раҳбарлари ва ходимларига ушбу субъектларга тегишли

ҳуқуқлар ва уларни амалга ошириш мажбурияти тўғрисида доимий равишда ахборот бериб бориши лозим.

Баъзан юридик нормаларни амалга ошириш учун давлатнинг аралашуви талаб этилади. Бундай ҳолларда ҳуқуқни амалга оширишнинг тўртинчи шакли ҳуқуқни қўллаш содир бўлади. Ҳуқуқни қўллаш деганда ҳокимият ваколатларини рўёбга чиқариш йўли билан муайян субъектларга субъектив ҳуқуқлар тақдим этиш ва юридик мажбуриятлар юклаш, янги юридик фактларни вужудга келтириш, муайян муносабатларни ривожлантириш бўйича ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонунда белгиланган тартибда амалга оширадиган махсус юридик фаолияти ҳисобланади. Ҳуқуқни амалга оширишнинг ушбу шакли қуйидаги хусусиятларга эга: биринчидан, у ҳокимият ваколатларига эга бўлган махсус субъектга тегишли бўлади; иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш ҳаракатлари процессуал шаклда белгиланган қатъий изчиллик ва муайян таомил бўйича рўёбга чиқарилади; учинчидан, ҳуқуқни қўллаш асослари қонунчилик билан тартибга солинади; тўртинчидан, ушбу шакл индивидуал характерга эга бўлиб, муайян оқибатларни белгилашга қаратилган, яъни субъектив ҳуқуқларни вужудга келтириш, юридик жавобгарлик юклаш ва ҳоказо; бешинчидан, унинг натижаси сифатида махсус ҳужжат – ижро учун мажбурий бўлган индивидуал ҳуқуқни қўллаш ҳужжати қабул қилинади.

Умумий қоида бўйича ҳар қандай ҳуқуқни қўллаш жараёни тўрт босқичда ўтади. Биринчи босқичда ишнинг фактик асослари аниқланади, яъни ҳуқуқ нормасида назарда тутилган, юридик аҳамиятга эга бўлган фактлар ва ҳолатлар текширилади. Давлат органлари ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг ушбу босқичида фактик ҳолатларни аниқлаш кўпроқ юридик хизмат томонидан эмас, балки бошқа таркибий тузилмалари томонидан амалга оширилади. Бироқ, юридик хизматнинг бу жараёнда иштироки ҳам истисно этилмайди. Иккинчи босқичда ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг юридик асослари белгиланади. Бунда қўлланиши лозим бўлган нормалар аниқланади, коллизиялар ҳал қилинади, ҳуқуқ нормаси шарҳланади. Ўз-ўзидан ушбу

жараён профессионал юристлар иштирокини талаб этади. Бинобарин, юридик хизмат мазкур жараёнда муҳим, жоиз бўлса, асосий ролни ўйнайди. Учинчи босқичда муайян қарор қабул қилинади ва ҳуқуқий ҳужжат сифатида расмийлаштирилади. Қарор қабул қилинганидан сўнг мавҳум норма индивидуал ҳокимият характерини касб этади.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжати юридик техника қоидалари бўйича расмийлаштирилиши лозим. Чунки у барча учун мажбурий ва давлат мажбурлов кучи билан таъминланган ҳужжатдир. Гарчи қарор қабул қилиш босқичи коллегиял орган ёки мансабдор шахс томонидан амалга оширилса ҳам юридик хизмат унда фаол иштирок этади. Юридик хизматнинг ижобий ҳулосаси ёки визасисиз коллегиял орган ёки мансабдор шахс қарорни имзоламайди.

Ва ниҳоят, сўнги босқич ҳуқуқни қўллаш ҳужжатининг ижроси ҳисобланади. Бунда ижро тегишли субъектлар томонидан амалга оширилади.

Юридик хизмат ҳуқуқ назариясининг энг муҳим категорияларидан бири – ҳуқуқ-тартибот билан ҳам узвий боғлиқдир. Ҳуқуқ-тартибот ўзининг мазмунига, тузилишига, функцияларига ва ўзига хос хусусиятларига эга. Юридик адабиётларда ҳуқуқ-тартибот бўйича турлича қарашлар мавжуд. Энг қисқа таърифга кўра, ҳуқуқ-тартибот ҳуқуққа ва қонунийликка асосланган ижтимоий муносабатларнинг тартибли ҳолатидир. Бошқа бир таърифга кўра ҳуқуқ-тартибот ҳуқуқнинг асосланган ва қонунийлик принципини рўёбга чиқариш натижасида шаклланган ижтимоий муносабатларнинг муайян тартибли ҳолати бўлиб, у мазкур ижтимоий муносабатлар қатнашчиларининг ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаркатларида мужассамланади.

Профессор В.В.Борисов ҳуқуқ-тартибот тушунчасини барча субъектларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини, ҳуқуқ ва қонунийликни, демократик, инсонпарварлик принциплар ва уларнинг норматив асосларини амалга оширишга асосланган ҳуқуқий

муносабатларнинг ички уйғунлиги ва тартибга солинганлигини характерловчи ижтимоий ҳаётнинг объектив зарурати сифатида баҳолайди¹.

Назариётчи олимлар И.М.Погребной ва Л.А.Морозова томонидан ҳуқуқ-тартиботнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари алоҳида ажратиб кўрсатилади: биринчидан, у объектив заруриятдир, чунки ҳар қандай жамият ижтимоий муносабатларнинг муҳим соҳалари тартибли бўлишидан манфаатдордир. Ҳар қандай анархизм (тартибсизлик, тизимсизлик) жамият ва давлат манфаатларига зарар етказди; иккинчидан, у давлат-ҳуқуқий ҳодисадир, чунки у давлатнинг ҳуқуқий воситалари ёрдамида шаклланади; учинчидан, у ҳуқуқий мафкура ва психология билан узвий боғлиқ ҳодисадир, зеро, ҳуқуқ-тартибот ўзининг юридик хоссалари ва хусусиятларини ҳуқуқий ғоялар, қарашлар, принциплардан олади. Улар эса, ўз навбатида, қонунларда, юридик амалиётда мужассамланади. Юридик амалиётнинг таркибий қисми бўлиб эса юридик хизмат ҳисобланади; тўртинчидан, ҳуқуқ-тартибот ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган энг муҳим ижтимоий муносабатларни қамраб олади; бешинчидан, ҳуқуқ-тартибот шундай ҳодиса-ки, унинг негизида инсон манфаатлари, интилишлари, ҳаётий эҳтиёжлари ўз ифодасини топиб, улар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва мажбуриятлари орқали ҳуқуқий расмийлаштирилади; олтинчидан, у барча юридик шакллар ва жараёнларнинг яқунловчи босқичидир, яъни давлат ҳокимияти ва бошқа барча субъектлар интиладиган юридик натижа, оқибатдир. У ҳуқуқий воситалар орқали тартибга солинганлиги ва ҳуқуқий усуллар орқали таъминланганлиги учун ҳам юридик натижа ҳисобланади; еттинчидан, ҳуқуқ-тартибот ижтимоий ҳаётни ташкил этиш шакли ҳисобланади. Маълумки, ижтимоий ҳаёт доим динамик ҳаракатда, яъни ўзгаришда, ривожланишда ва кўплаб омиллар таъсири остидадир. Булар

¹ Қаранг: Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н.И. Матузова и А.В. Малько. – 2-е изд., перераб. и доп. М.: Юристъ, 2000.- С. 562-563.

орасида, айниқса, негатив характердаги омиллар, яъни жинойтчилик, қонунсизлик ҳолатлари, коррупция кабиларни назардан қочирмаслик лозим¹.

Одатда, тадқиқотчилар, ҳуқуқ-тартибот категориясини ўрганганда уни муайян субъектларсиз яхлит, мавҳум тузилма сифатида таърифлайдилар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг фаолияти билан айнийлаштирадилар. Ҳолбуки, ҳуқуқ-тартибот жуда мураккаб ижтимоий ҳодиса ва унинг таркибий тузилишида жуда кўп субъектлар фаолияти ҳисобга олиниши лозим. Ушбу масалани чуқурлаштирмаган ҳолда юридик хизмат билан ҳуқуқ-тартибот категориялари ўртасида узвий алоқа, боғланиш мавжудлигини қайд этамиз.

Кенг маънодаги ҳуқуқ-тартибот билан бир пайтда шартли равишда ҳар бир муассаса, ташкилотда ўзининг микроҳуқуқ-тартиботи мавжуд деб айтиш мумкин. Айнан ўша микроҳуқуқ-тартиботлар мажмуининг иникоси жамиятдаги ҳуқуқ-тартиботни ташкил этади.

Ҳар бир давлат органи ва хўжалик юритувчи субъектнинг юридик хизмати микроҳуқуқ-тартиботни сақлаб турувчи, таъминловчи асосий механизм ҳисобланади. Одатда, ҳуқуқ назариясида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот ўзаро узвий боғлиқ тушунчалар сифатида қўлланилади. Қонунийлик ҳуқуқ-тартиботнинг энг асосий сифат кўрсаткичи экан, у ҳолда юридик хизматни ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи муҳим восита сифатидаги роли ҳеч қандай изоҳга муҳтож эмас.

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг акси, унинг ўзига хос антиподи юридик нигилизмдир (бу ўзига хос жоҳиллик ҳисобланади). Одатда, юридик нигилизмни ҳуқуққа нисбатан салбий ёки ишончсизлик билан қараш, ва ҳатто, ҳуқуқ томонидан ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мумкинлигига ишонмаслик сифатида тушунилади. Юридик нигилизм муайян шахснинг руҳий психологик ҳолати сифатида ўз-ўзидан вужудга келмайди. У муайян тарихий илдизларга эга. Масалан, собиқ иттифоқ даврида коммунистик

¹ Қаранг: *Погребной И.М.* Теория права: Учебное пособие. 3-е изд., испр. и доп. – Харьков: Государственное специализированное издательство "Основа", 2003. – С.112-113.; *Морозова Л.А.* Теория государства и права: Учебник. – М.: Юристъ, 2003.– С. 354-358.

мафкура ақидалари бирламчи бўлган. Мамлакатни бошқариш маъмурий буйруқбозлик тизими асосида директива ва кўрсатмаларни қатъий ва сўзсиз ижро этишга қаратилган. Баъзан “мақсад воситани оқлайди” принципи руҳида иш кўрилган. Белгиланган тартибни, қонунларни, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини бузган ҳолда муайян ижтимоий-иқтисодий самарага эришилган. Бундай шароитда корхона, муассаса ва ташкилотларда юридик хизматларнинг йўқлиги ёхуд уларнинг “тўртинчи ёки бешинчи даражали” эканлиги ажабланарли ҳолат эмас. Албатта, биз бу ўринда ҳуқуқни идеаллаштириш ва юридик фетишизмга, юридик романтизмга берилиш кайфиятидан йироқмиз. Бироқ, ҳуқуққа нисбатан ишончсизлик билан қараш, уни менсимаслик, алоҳида шахс учун ҳам, корхона, ташкилот, муассаса миқёсида ҳам, муайян социал тузилмалар миқёсида ҳам ғоят хавфлидир. Фикримизча, юридик нигилизмни бартараф этиш учун биринчи навбатда мансабдор шахсларни ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлат органлари учун юқори малакали, шу жумладан, юрист кадрларни тайёрлаш лозим.

Юридик нигилизмни олдини олишда юридик хизмат ўзига хос, жоиз бўлса, асосий ўрин эгаллайди. Кузатишларимиз шундан далолат берадики, айрим ҳолларда учраб турадиган юридик нигилизм ҳолатлари ўзининг юридик хизматига эга бўлмаган, ёки у заиф бўлган давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда кўзга ташланади. Аксинча, юридик хизмат фаолияти юқори даражада ташкил этилган субъектларда юридик нигилизмнинг вужудга келишига ҳеч қандай шарт-шароит қолмайди.

2-§. Юридик хизмат тушунчаси ва моҳияти

Мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида давлат органлари ва хўжалик юритувчи

субъектлар¹ юридик хизмати иштирокининг мазмун-моҳиятини очиб бериш учун, аввало, “юридик хизмат” тушунчасини ёритиш лозим.

Маълумки, юридик фаолият билан нафақат юридик хизмат ходимлари, балки тегишли давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотларнинг ходимлари ҳам шуғулланадилар. Шунинг учун ҳам бундай фаолият билан шуғулланувчи ходимларнинг умумий жиҳатлари ва ўзига хос томонларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Аввало, бундай ходимлар юрист малакасига эга бўлиши лозим. Юрист² - юридик маълумотга эга бўлган, юридик билимли, қонунчиликни билувчи, уларни амалий фаолиятда қўллаш кўникмасига эга бўлган шахс³. Юрист касби цивилизация тарихида энг қадимий касблардан бири ҳисобланиб, у ҳуқуқ билан бирга пайдо бўлган ҳамда унинг роли қонунчиликнинг ривожланиши, жамият ҳаётини ҳуқуқий тартибга солиш аҳамияти кучайиши билан ошиб борган. Ҳуқуқни билиш ва уни қўллаш билиш давлатнинг кўп функцияларини амалга ошириш учун муҳим шартга айланди.

Иккинчидан, юрист касбининг муҳим ижтимоий роли мавжуд бўлиб, улар шахс манфаатлари, ҳуқуқлари, эркинликлари, мулки, жамият ва давлат манфаатларини жинойий ва бошқа ҳуқуққа хилоф тажовузлардан ҳимоя қиладилар. Шунингдек, улар адолат, инсонпарварлик, қонунийлик, ҳуқуқ тартибот учун кураш олиб борадилар. Юристининг ижтимоий роли айниқса юридик нормаларга риоя қилиш ва бажаришга катта аҳамият бериладиган ҳуқуқий давлатда кучаяди⁴.

¹ Хўжалик юритувчи субъектлар – товарлар ишлаб чиқариш, сотиш, сотиб олиш ва хизматлар кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар, шу жумладан хорижий юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар // Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 54-модда

Бундан буён диссертация матнида айрим истиснолардан ташқари корхона, муассаса ва ташкилотлар умумий ном – хўжалик юритувчи субъект деб аталади.

² Лотинча “jurispritus” – ҳуқуқ билимдони ёки ҳуқуқда ваколатли.

³ Введение в юридическую специальность. / Под ред. А.П.Корнеева, В.К.Боброва. – М.: Щит-М, 2003. – С.10

⁴ Введение в юридическую специальность. / Под ред. А.П.Корнеева, В.К.Боброва. – М.: Щит-М, 2003. – С.11

Учинчидан, юристлар нафақат ҳуқуқни қўллашда, балки қонунчиликни ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшадилар. Улар қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайдилар ва уларни ваколатли органларга юборадилар, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлайдилар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича хулоса ва фикрлар берадилар.

Тўртинчидан, юрист касбига қайси йўналишда фаолият юритилишидан қатъи назар қуйидаги умумий хусусиятлар хосдир: инсонпарварлик ва адолат принципларини чуқур англаб етиш ва уларга риоя қилиш; давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан бевосита ёки билвосита боғлиқлик; психологик-педагогик касбий маҳоратларга таяниш; ижодий-тадқиқотчилик; қарор қабул қилишда мустақиллик; ташкилотчилик; расмийлик.

Мустақил давлатимизда юристлар судларда, прокуратура, ички ишлар, адлия, солиқ, божхона, давлат хавфсизлик хизмати, миллий гвардия ва бошқа давлат органларида, корхоналар, муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шу жумладан адвокатурада фаолият юритмоқдалар. Юристларнинг фаолият доираси фақатгина юридик мутахассисликлар билан чекланиб қолмасдан, балки илмий-педагогик, сиёсий фаолиятда ҳам фаол намоён бўлмоқда. Масалан, олий ва ўрта махсус таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида, парламент палаталари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларида ҳам юристлар фаолият юритиб, мамлакатда амалга оширилаётган, демократик инсонпарвар ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ислоҳотларда самарали иштирок этмоқдалар.

Профессор А.П.Корнеевнинг фикрича, юридик ишнинг мазмуни, уни қўллаш соҳаси, шакли ва услублари бўйича у тегишли турларга бўлинади. Юридик ишнинг асосий турларига – одил судлов; прокурор назорати; жинойтларни тергов қилиш; фуқаролар ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиш (адвокатлик фаолияти); нотариал ҳаракатларни амалга ошириш; давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳуқуқий ишлар

киради¹. Юридик ишларнинг бундай турларининг мавжудлиги юристларнинг ихтисослашувига олиб келади, чунки бусиз у ёки бу турдаги ишларни малакали ва муваффақиятли бажариш имконияти камаяди.

Юқорида санаб ўтилган юридик ишларга қуйидаги юридик мутахассисликлар мувофиқ келади: судья, прокурор, суриштирувчи, терговчи, адвокат, нотариус, суд ижрочиси, юрисконсулт. Демак, юрисконсулт юридик мутахассисликлардан бири бўлиб, у давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар)да ҳуқуқий ишларни амалга оширади.

А.П.Корнеев юрисконсулт – давлат ҳокимияти органлари, корхоналар (концернлар, бирлашмалар), ижтимоий- маданий муассасалар, ташкилотлар ҳуқуқий хизматининг юридик бўлим (бюро)си бошлиғи, бош (катта) юрисконсулти, юрисконсулти лавозимида бўлган ходим², деб таъриф беради.

Юридик энциклопедик луғатларда ҳам юрисконсулт - корхона, муассаса, ташкилотлар ҳуқуқий хизмати ходими³ - дейилган.

Профессор Ғ.Абдумажидов корхона, муассаса, ташкилот ўзининг доимий ҳуқуқшуносига эга бўлгани унинг қонуний нуқтаи назардан фаолият юритишида нечоғлик фойдали эканлигини таъкидлайди⁴.

М.Ю.Радченко низоли ҳолатлар мураккаб бўлмаса ёки кам келиб чиқса корхонада арбитраж (ҳакамлик) ишларини бажара оладиган ходимни ажратиш етарли эканлигини қайд қилади. Шунингдек у бундай муаммоларни ҳал қилишнинг мақбул йўли корхонада ходимлар сони кўп бўлмаган юридик хизматни ташкил этишдир деган фикрни илгари суради. Агар корхона доимий равишда низо ёки унга яқин бўлган ҳолатларга учраб турса, юридик хизмат

¹ Қаранг: Введение в юридическую специальность. / Под ред. А.П.Корнеева, В.К.Боброва. – М.: Щит-М, 2003. – С.61.

² Қаранг: Введение в юридическую специальность. / Под ред. А.П.Корнеева, В.К.Боброва. – М.: Щит-М, 2003. – С.72.

³ Қаранг: Юридический энциклопедический словарь /М.О.Буянов и др.; отв.ред. М.Н.Марченко. -ТК Белби, Проспект, 2006, с.804.; Барихин А.Б. Большой юридический энциклопедический словарь. – М.: Книжный мир, 2005. – С.712

⁴ Қаранг: *Ғ.Абдумажидов*. Адвокатура ва ҳимоя ҳуқуқи. // Инсон ва қонун. – 2004. – 29 июль

доирасида ёки ҳатто мустақил, фақат арбитраж муаммолари билан шуғулланадиган бўлинма, яъни арбитраж хизмати ташкил қилиниши энг мақбул (кўпинча ягона тўғри) йўл деган хулосага келади¹.

М.Ю.Радченконинг охирги хулосаси билан келишиб бўлмайди, чунки биринчидан, мустақил арбитраж хизматининг ташкил қилиниши корхонада таркибий бўлинмаларнинг сонини кўпайишига олиб келади; иккинчидан, у бажариши лозим бўлган вазифалар жумласига юридик хизматнинг шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш бўйича вазифалари тўлиғича киритилган; учинчидан, бундай бўлинманинг “арбитраж хизмати” деб номланиши ҳам тўғри эмас, сабаби бу хизмат фақат иқтисодий судларда кўриладиган ишларда қатнашиш ва бунинг учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан чекланиб қолмаслиги керак, қолаверса бундай номдаги хизматни ташкил қилиниши уни низоларни ҳал қилувчи халқаро тижорат арбитражи (ҳакамлик судлари) сифатида нотўғри англашнишига олиб келиши мумкин.

Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар юридик хизмати унинг энг муҳим хизматларидан бири ҳисобланади ва усиз корхона самарали фаолият юрита олмайди – деб таъкидлайдилар С.М.Айзин ва М.Ю.Тихомиров. Корхонадаги ҳуқуқий ишлар ўз ичига корхона бошқарув органлари (акциядорлар, иштирокчилар умумий йиғилиши, директорлар кенгаши, бош директор ва ҳоказо) томонидан қабул қилинадиган қарорлар, буйруқлар, фармойишлар ва бошқа ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган ҳужжатларга виза қўйиш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; битимларни режалаштиришда иштирок этиш, шартномалар (контрактлар)ни тайёрлаш ва виза қўйиш, талабнома ва даъво аризаларини тақдим этиш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда вакиллик қилиш орқали корхонанинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек локал ҳужжатларни тизимлаш бўйича ишларни бажариш ва меҳнат жамоасида

¹ Қаранг: *Радченко М.Ю.* Арбитражные споры: Справочник практикующего юриста. – М.: Палеотип: Логос, 2001.– С. 280 – 281

хуқуқий тарбия ишларида иштирок этиш функцияларини олади¹. Юридик хизматнинг ўзига хослиги шундаки, у корхона тузилмасининг таркибий қисми ҳисобланиб, хўжалик фаолиятини юритишни, бизнесни қонуний йўлга йўналтиришни ва айнан қонун нуқтаи назаридан корхонанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаши лозим. К.К.Лебедевнинг таъкидлашича, тадбиркорлик соҳасида хизмат кўрсатаётган юристлар корпоратив юристлар деб номланмоқда². Иқтисодиёт соҳасида юристнинг иши – бу аввало, тижорат тузилмалари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган нотижорат ташкилотларга хуқуқий хизмат кўрсатишдан иборатдир. К.К.Лебедев ва В.А.Злобин «юрист» билан «юрисконсульт», терминларига тенглик аломатини қўйган ҳолда уларни бир хил маънода қўллаганлар³.

Юридик хизматни ва унинг ходимлари лавозимларини қонунчиликда ва амалиётда бир хилда номланишини ва тушунилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этиши тўғрисидаги таклифларимиз⁴ инobatга олиниб, дастлаб 2007 йилда Ҳукумат қарори, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида Низом»да: 1) давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари сонини ҳисобга олган ҳолда белгиланган тартибда «юридик департамент», «юридик бошқарма», «юридик бўлим», «юридик бюро»; 2) юридик хизмат ходимлари – «бош юрисконсульт», «етакчи юрисконсульт», «катта юрисконсульт», «юрисконсульт» деб номланган⁵.

¹ Қаранг: Юридик служба на предприятии: настольная книга юрисконсульта. Третье издание, дополненное и переработанное /С.М.Айзин, М.Ю.Тихомиров. – М.: 2003. – С. 3.

² Лебедев К.К. Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учеб.-практ. пособие. – М.: Юристъ, 2001. – С. 7

³ Қаранг: Адвокатская деятельность: Учебно-практическое пособие /Буробин В.Н., Власов А.А. ва б.; Изд. 2-е, перераб. и допол. – М.: ИКФ “ЭКМОС”, 2003.-С.507-511

⁴ Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар) Монография. – Т.: “Адолат”, 2007. –Б. 26.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сон қарори билан тасдиқланган « Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом» ва “Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва

И.С.Шиткина юридик хизмат (бўлим, департамент) – бу ташкилот фаолиятини ҳуқуқий таъминлашни амалга оширувчи ва унинг ташкилий жиҳатдан мустақил таркибий тузилмасидир¹, деб таърифлайди. А.Н.Титиевский юридик хизмат – корхонада амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат функциясини бажарувчи ва корхона раҳбари, маъмурияти ҳамда таркибий тузилмаларига қонунчиликни қўллаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи корхонанинг мустақил функционал хизматидир², деб таъриф беради. А.Н.Чашин эса юридик хизмат – бу корхонанинг хўжалик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни амалга оширувчи, ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, халқаро ҳуқуқ нормалари, юридик бўлим (юридик хизмат) тўғрисидаги низом, таъсис ҳужжатлари ва бошқа локал норматив ҳужжатларга мувофиқ юритувчи алоҳида бўлинмадир³, деб таърифлайди. Юридик хизмат тушунчасига Л.В.Щербачева, В.П.Иванов, А.Л.Миронов томонидан ҳам шунга ўхшаш таърифлар берилган⁴. Юридик хизматга берилган мазкур таърифлар унинг тушунчасини тўлиқ очиб бермайди, чунки биринчидан, юридик хизмат нафақат ташкилот ёки корхонада, балки у давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқарув органларида, муассасаларда ҳам мавжуд; иккинчидан, юридик хизмат ҳар доим ҳам бўлим, департамент ёки бошқа номдаги таркибий тузилма сифатида фаолият юритмайди, штатдаги юрисконсулт ҳам унинг функцияларини бажариши мумкин; учинчидан, юридик хизматнинг фақат иккита йўналишдаги вазифаларини унинг тушунчасига киритилиши, унинг бошқа вазифаларини эътибордан четда қолишига олиб келади.

ташкilotларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом”// "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 35-36-сон, 355-модда; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкilotларининг юридик хизмати тўғрисида Низом”// "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 30 январь, 4-сон, 50-модда

¹ Предпринимательское право Российской Федерации /Е.П.Губин, П.Г.Лахно и. др. – М.: Юристь, 2003. – С. 983.

² Титиевский А.Н. Организация правовой работы на предприятии // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.distance.ru>] свободный

³ Чашин А.Н. Юридическая служба в Российской Федерации: учебное пособие. – М.: ЗАО ИКЦ “ДИС”, 2005. – С.8.

⁴ Қаранг: Щербачева Л.В., Иванов В.П., Миронов А.Л. Юридическая служба в государственных органах и на предприятиях.– М.: ЮНИТИ, 2006.– 192 с.

Шунинг учун ҳам юқорида қайд қилинган Низомда «юридик хизмат - давлат органи ва ташкилоти фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозим» - деб таъриф берилган ҳамда юридик хизмат бевосита давлат органи ва ташкилотининг раҳбарига бўйсунити белгиланган.

Ушбу Низом давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари учун мажбурий, бошқа ташкилотлар учун тавсиявий хусусиятга эга. Бундан шундай хулосага келишимиз мумкинки, юридик хизматга берилган ушбу таъриф ўзи ичига хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар юридик хизмати тушунчасини қамраб олмайди.

Шу ўринда давлат аппарати, бюрократик тизим ва унда муҳим таркибий тузилма сифатидаги юридик хизматнинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Назарийтчи олим Л.А.Морозова давлат аппаратининг муҳим белгиси унинг таркибида мутахассислар профессионал асосда ишлаши ҳисобланади деб кўрсатади¹. Уларни одатда давлат хизматчилари, мансабдорлар ёки бюрократия деб атайдилар. Афсуски, бюрократия узок вақт фақат салбий маънода талқин қилинган. Аслини олганда, бу ибора дастлаб ҳақ тўланадиган хизматчилар ёрдамида давлат ҳокимиятини амалга ошириш усулини англатган.

Давлат органлари юридик хизмати ходимлари давлат аппаратининг таркибий қисми ҳисобланади. Агар бюрократия (ижобий маънода) замонавий давлат бошқаруви классик доктринасида марказий ўринни эгаллар экан, ушбу доктрина нуқтаи назаридан юридик хизмат давлат бошқарувининг муҳим элементи, «винти», ҳаракатлантирувчи кучи сафатида баҳоланиши лозим. Бюрократия бўйича Вебер назарияси (кўпчилик ғарб мамлакатларининг давлат бошқаруви ҳозирги замон амалиётида кўпроқ унга таянади) қуйидаги

¹ Морозова Л.А. Теория государства и права: Учебник. – М.: Юристь, 2003.– С. 120.

асосий қоидаларга асосланади: биринчидан, бюрократлар профессионал бошқарувчилар ҳисобланиб, давлат шаклида ташкил топган ҳеч бир жамият усиз мавжуд бўлолмайди. Бошқача қилиб айтганда, бу касбий тайёрланган кишилар қатлами бўлиб, уларнинг асосий вазифаси давлат ишларини омилкорлик билан бошқаришдир. Улар давлат аппаратини мутлақ зарурий қисми бўлиб, гарчи ўзлари ҳеч қандай моддий неъмат яратмасаларда, муҳим ижтимоий фойдали функцияларни бажарадилар. Шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, юридик хизмат ушбу давлат аппаратининг асосий ўзакларидан бири бўлиб ҳисобланади; иккинчидан, бюрократик ташкилот – бу рационал (оқилона) институционал қурилма бўлиб, жамиятдаги мураккаб бошқарув вазифаларини ҳал этади ва қонунга тўлиқ мувофиқ равишда ваколатли ва холис ижрочилар томонидан ишларни амалга ошириш билан характерланади; учинчидан, иш юритувини муайян тартибга, шаклга солинганлиги, яъни ҳар бир хизматчи томонидан қатъий риоя қилинадиган, олдиндан белгилаб қўйилган мажбурий процедураларнинг мавжудлиги билан характерланади. Ушбу процедураларга риоя қилмаслик ва улардан четга чиқиш давлат органларининг самарали фаолият юритишига салбий таъсир кўрсатади; тўртинчидан, бўйсунуш поғоналарининг мавжудлиги. Бунда хизматчилар қатъий белгиланган лавозим, субординация асосида бир-бирлари билан ўзаро муносабатни амалга оширадилар (юридик бошқарма бошлиғи, унинг ўринбосарлари, бўлим бошлиғи, бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт ва ҳоказо); бешинчидан, бу узок вақт сақланиши лозим бўлган ёзма ҳужжатлар шаклида амалга ошириладиган ички ташкилий фаолиятдир; олтинчидан, барча хизматчилар ўз касби бўйича юқори малакага эга бўлишлари лозим; еттинчидан, қарор қабул қилишда субъектив таъсирлардан холи бўлиш, яъни бошқарувни муайян шахсга боғламаслик.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, юридик хизмат давлат аппаратининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, уни янада мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Юридик хизмат тушунчасида ҳам фаолият йўналишига, ҳам фаолиятни амалга оширувчи тузилмага – субъектга алоҳида урғу берилган. Агар улар бир-биридан ажратилса, юридик хизмат ўз моҳиятини йўқотади, бошқа тузилмалар ва фаолиятларга аралашиб кетади. Юридик хизмат ҳуқуқий майдонда мустақил тузилма ва фаолият йўналиши сифатида мавжуд бўлиши объектив заруратга эга. Ушбу объектив зарурат қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, кишилиқ жамияти шундай босқичга етдики, бундай босқичда ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи роли барқарор ва муҳим бўлиб қолди. Келгусида ҳуқуқий ва ноҳуқуқий тартибга солиш ўртасидаги нисбат доимий бўлиб, ҳуқуқий омиллар заифлашмайди. Ушбу ҳолат ҳар қандай фаолиятни ҳуқуқий майдонда ва ҳуқуқий омиллар таъсирида амалга оширилишини тақозо этади;

иккинчидан, ҳар бир фаолият соҳасидаги ҳуқуқий ишлар юридик малака асосида ташкил этилиши лозим. Шу сабабли ҳам муайян касб эгаси бўлган шахслар ҳуқуқий жиҳатдан қанчалиқ саводхон бўлмасин, барибир ихтисослашган юридик хизматга муҳтож бўлади;

учинчидан, ижтимоий тараққиёт жараёнлари ниҳоятда тезлашган ҳозирги даврда (бунга ахборот-телекоммуникациялар ривожига катта туртки берди) ижтимоий муносабатлар замирида ҳар бир субъектнинг манфаати, мақсади ётади. Манфаатлар ҳар доим мос келмаслиги баҳсли, мунозарали, низоли масалаларни келтириб чиқаради. Уларни бартараф этиш, юмшатиш мақсадида барча давлат органлари ва хўжалиқ юритувчи субъектлар юридик хизматга муҳтож бўладилар.

Халқаро ҳуқуқ нормаларида ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам юридик хизматнинг ва унинг ходимини номланиши юқоридаги таърифга мос келади. Масалан, БМТ Конгресси томонидан қабул қилинган «Юристарнинг ролига доир асосий принциплар» (Гавана, 1990 йил 27 август – 7 сентябрь)¹ «юрисконсулт» термини қўлланилган. Шунингдек,

¹ Электронный ресурс. Режим доступа: [http://www.un.org/russian/document/convents/role_lawyers.htm] свободный

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2003 йил 22 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқарув органлари бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимлари рўйхатида – юридик бўлим ёки бошқа таркибий тузилма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари – раҳбар (маъмурий-бошқарув ходимлар) тоифасига киритилган бўлса, юрисконсультлар бошқарув ходимлари мутахассиси тоифасига киритилган¹.

Юридик хизмат ходимларини ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, ҳам юридик адабиётларда бир хил – «юрисконсульт»² деб номланиши, уларнинг ҳуқуқий мақомини (вазифаси, ҳуқуқи ва жавобгарлиги) аниқ белгиланишини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда юридик техника қоидаларига риоя қилинишини таъминлайди, шунингдек бу касб эгасининг номини давлат тилига нотўғри таржима қилинишининг олдини олади ҳамда унинг бошқа юридик мутахассисликлардан (судья, прокурор, адвокат, нотариус)³ фарқини аниқ акс эттиради.

Ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнида юридик хизмат ёки юрисконсульт фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган –«ҳуқуқий масалалар», «ҳуқуқий ишлар», «ҳуқуқий ёрдам» («юридик ёрдам»), «ҳуқуқий хизмат кўрсатиш» («юридик хизмат кўрсатиш»), «ҳуқуқий хизмат қилиш» («юридик хизмат қилиш»), «ҳуқуқий маслаҳат» («юридик маслаҳат») каби терминлар қўлланилади. Бироқ, уларнинг мазмуни юридик адабиётларда тўлиқ ёритилмаганлиги оқибатида амалиётда турли муаммолар юзага келиши ҳамда уларни ноўрин қўлланилиши ҳолатлари кузатилмоқда⁴.

Шунинг учун ҳам юқоридаги терминлар тушунчасига батафсил тўхталиб ўтиш жоиздир.

¹ Қаранг: Бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан. – 2003. – № 23.

² Лотинча “juris consultus” – ҳуқуқшунос маъносини билдиради /Қаранг: Барихин А.Б. Большой юридический энциклопедический словарь. - М.: Книжный мир, 2005. – С.712

³ Судья, прокурор, адвокат, нотариус каби юридик мутахассисликлар номи ҳам чет тилларидан олинган бўлсада, улар халқаро даражада эътироф этилган терминлар бўлганлиги сабабли, давлат тилига таржима қилинмасдан қўлланилади.

⁴ Қаранг: *Отахонов Ф.Х.* Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар) Монография. – Т.: “Адолат”, 2007. –Б. 29.

Ҳуқуқий масалалар деганда жисмоний ва юридик шахслар фаолияти давомида юзага келадиган, ҳуқуқ нормалари орқали ечилиши лозим бўлган масалалар тушунилади. Масалан, юридик шахслар ўртасида тузилган хўжалик шартномаси бўйича бир тараф ўз мажбуриятини бажармаган ҳолда, қандай чора кўриш лозимлиги тўғрисидаги масала келиб чиқади, бундай масала қонун нормаларига асосан, судгача низоларни ҳал қилиш ёки иқтисодий судга ёхуд ҳакамлик судига мурожаат қилиш орқали ҳал қилиниши мумкин.

Ҳуқуқий ишлар¹ – бу жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларидаги давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда хўжалик юритиш ва бошқарув самарадорлигини янада ошириш мақсадида қонунийликни таъминлаш, ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда ҳуқуқий воситалардан кенг фойдаланишга қаратилган фаолиятдир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар бир соҳанинг фаолият йўналишидан келиб чиқиб, ундаги ҳуқуқий ишлар ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Демак, «ҳуқуқий ишлар» кенг қамровли тушунча бўлиб, у муайян ҳуқуқ нормасига бўлган эҳтиёжни аниқлаш ҳамда ҳуқуқ ижодкорлигини амалга оширишдан тортиб, ҳуқуқни қўллаш, уни рўёбга чиқаришгача бўлган барча босқичларни ўзида қамраб олади. Бу эса ўз навбатида, нафақат юридик маълумотга эга бўлган шахсларнинг, балки бошқа соҳа вакилларининг фаолияти ҳам «ҳуқуқий ишлар» билан чамбарчас боғлиқ эканлигидан далолат беради². Ҳуқуқий ишларнинг асосий йўналишларига фикримизча қуйидагилар киради: 1) ҳуқуқий ҳужжатларнинг (қонун, фармон,

¹ Қаранг: Предпринимательское право Российской Федерации /Отв.ред.Е.П.Губин, П.Г.Лахно.–М.: Юристъ, 2003. – С. 982-986; Предпринимательское право.Серия «Учебники и учебные пособия». Ростов н/Д, «Феникс», 2003 – С. 626-632; Коммерческое (торговое) право: Учебник /Под ред. Ю.Е.Булатецкого, В.А.Язова. – М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2002. – С. 827-846; Юридическая служба на предприятии: настольная книга юрисконсульта. Третье издание, дополненное и переработанное /С.М.Айзин, М.Ю.Тихомиров.– М.: 2003.– С. 3-4; *Отахонов Ф.Х.* Проблемы юридической службы органов управления Республики Узбекистан. – Т.: Адолат, 1993. – С.9-13; *Бельская Е.В., Каллистратова Р.Ф.* К вопросу о понятии «правовая работа» / Правовая работа в условиях перестройки.– М.: 1989. – С. 95-104.

² Қаранг: *Литень Л.И.* Понятие правовой работы в народном хозяйстве // Ж. Правоведение. – 1987. – № 5. – С. 100-103; *Чащин А.Н.* Юридическая служба в Российской Федерации: учебное пособие. – М.: ЗАО ИКЦ “ДИС”, 2005. – С. 8-9.

қарор, фармойиш, буйруқ ва ҳоказо) лойиҳаларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, уларни қабул қилиш ва ижросини таъминлаш; 2) давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, ташкилотлар, муассасалар) фаолиятида қонунийликни таъминлаш; 3) шартномаларни, шу жумладан хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ишларни амалга ошириш; 4) талабнома-даъво ишларини юритиш, медиация жараёнида иштирок этиш; 5) давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судда, халқаро тижорат арбитражида, ҳакамлик судида ва бошқа ташкилотларда ҳимоя қилиш; 6) ҳуқуқий тарбия ишларини ташкил қилиш, қонунчилик ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун ва моҳиятини ходимларга тушунтириш.

Юқоридаги қайд қилинган «ҳуқуқий ёрдам» ёки «юридик ёрдам» ва бошқа шунга ўхшаш терминларнинг «ҳуқуқий» ва «юридик» сўзлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, юридик адабиётларда, шунингдек амалиётда синоним сифатида муайян фаолият турини ифодалаш учун қўлланилиб келинмоқда. Бошқача қилиб айтганда, «ҳуқуқий» сўзи ҳам, «юридик» сўзи ҳам у ёки бу фаолият тури (йўналиши)нинг ҳуқуқни қўллаш жараёнига бевосита алоқадор эканлигидан далолат беради. Фикримизча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва юридик адабиётларда юқоридаги ҳолатларда «юридик» сўзини қўллаш мақсадга мувофиқ¹. Зеро, биринчидан – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида «юридик ёрдам» термини қўлланилган, иккинчидан – бундай фаолият билан асосан юристлар (адвокат, юрисконсулт ва ҳоказо) шуғулланадилар.

Юридик ёрдам² деганда юристлар томонидан жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини

¹ Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида фуқаролик, жиноят ва оила ишлари бўйича тузган халқаро шартномаларда “ҳуқуқий ёрдам” термини ўринли қўлланилган бўлиб, у бизнинг юқорида билдирган фикримизга мос келади. Чунки, халқаро муносабатларда “ҳуқуқий ёрдам” термини қўланилиши, унинг ички муносабатлардаги “юридик ёрдам” терминидан фарқланишини кўрсатади.

² Қаранг: *Мельниченко Р.Г.* Конституционное право на юридическую помощь.// Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.jurgorod.ru>] свободный; *Лубшев Ю.Ф.* Курс адвокатского права: Учебник. 2-е

таъминлашда, шунингдек юридик шахсларнинг бузилиш хавфи мавжуд бўлган ёки бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўрсатиладиган фаол профессионал ёрдами тушунилади. Таъкидлаш жоизки, юридик ёрдам асосан адвокатлар ва юридик хизмат ходимлари томонидан кўрсатилади, шунингдек бундай ёрдамни судья, терговчи, суриштирувчи, нотариус ва бошқа юридик касб эгалари, юридик клиникаларда эса юридик олий ўқув юртлари талабалари ва магистрантлари ҳам кўрсатишлари мумкин.

Юридик хизмат кўрсатиш¹ деганда асосан юристлар ёки белгиланган тартибда давлат органлари, нодавлат нотижорат ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан шартномага мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга айрим ҳуқуқий масалалар бўйича, қоида тариқасида, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш тушунилади². Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг шартнома мажбуриятлари тизимида илк бор алоҳида боб сифатида киритилган. Унда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг тушунчаси, мазмуни ва турлари; шартномани бажариш; хизматларга ҳақ тўлаш тартиблари; шартномани бузганлик учун ижрочининг жавобгарлиги; шартномани бекор қилиш ҳамда уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш каби нормалар белгиланган. Бу тоифа шартномалар ўз моҳиятига кўра, турли-туман ҳаракат ва фаолиятдан иборат бўлиб, қонунда уларнинг тўла рўйхати берилмаган. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг предмети бошқа хизматлар бўлиши ҳам мумкин. Профессор Б. Ибратов ҳақли равишда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари жумласига юридик хизмат кўрсатишни ҳам киритган. Бу фикр профессорлар М.И.Брагинский ва В.В.Витрянский томонидан эса асослангирилиб берилган³.

издание.– М.: ООО «Профобразование», 2003.– С.289-293.; Конституция Российской Федерации. Постатейный научно-практический комментарий // Электронный ресурс. Режим доступа: [http://www.constitution.garant.ru] свободный; *Тимиевский А.Н.* Организация правовой работы на предприятии // Электронный ресурс. Режим доступа: [http://www.distance.ru] свободный; *Васьковский Е.В.* Организация адвокатуры [http://www.yurpractika.com], свободный.

¹ Бу ерда «юридик хизмат кўрсатиш» деганда русча «юридическая услуга» назарда тутилмоқда.

² Батафсил қаранг: *Попондопуло В.Ф.* Коммерческое (предпринимательское) право: Учебник.– М.: Юристъ, 2003.– С.489-489.

³ Қаранг: : Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (II қисм) –Т.: Адолат, 1999. – Б.187; *Брагинский М.И., Витрянский В.В.* Договорное право. Книга третья: Договоры о выполнении работ и оказании услуг.-М.: Статут, 2002. – С.216-227.

Юридик хизмат қилиш¹ деганда асосан юристлар ёки белгиланган тартибда давлат органлари, нодавлат нотижорат ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан доимий ёки узоқ муддатга тузилган шартномага мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий масалалар бўйича, қоида тариқасида, ҳақ эвазига хизмат қилиш тушунилади². Демак, «юридик хизмат қилиш» «юридик хизмат кўрсатиш»дан биринчидан - доимий ёки узоқ муддат давомида амалга оширилиши, иккинчидан - барча ҳуқуқий масалалар бўйича олиб борилиши мумкинлиги билан фарқланади.

Юридик маслаҳат деганда юристлар ёки давлат органлари, нодавлат нотижорат ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий масалалар бўйича оғзаки ёки ёзма равишда маслаҳат бериши тушунилади.

Юқорида қайд қилинган тушунчаларнинг барчаси юридик хизмат тушунчаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг мазмун ва моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Юридик хизматнинг моҳияти ва роли ҳақида гапирганда, унинг ҳуқуқ назарияси фанининг муҳим категорияларидан бири – ҳуқуқ ижодкорлиги категорияси билан ўзаро нисбатининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқ назариясида шартномавий ҳуқуқ ижодкорлиги категорияси мавжуд бўлиб, Л.А.Морозованинг фикрича, ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солиш соҳасида иш берувчилар ва ходимлар ўртасида тузиладиган жамоа шартномалари ана шундай ижодкорликнинг ўзига хос бир туридир³. Умумий қоида бўйича шартномавий ҳуқуқ ижодкорлиги локал ҳуқуқ ижодкорлигининг бир кўринишидир. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати ҳуқуқ ижодкорлигининг ушбу йўналишида фаол иштирок этадилар. Тўғри, улар

¹ Бу ерда «юридик хизмат қилиш» деганда русча «юридическое обслуживание» назарда тутилмоқда.

² Лебедев К.К. Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учеб.-практ. пособие.- М.: Юристъ, 2001. – С. 284-306.

³ Морозова Л.А. Теория государства и права: Учебник. – М.: Юристъ, 2003.– С. 258.

гўёки бу борада иш берувчи томонидан туриб қатнашаётгандек кўринади. Бироқ, юридик хизмат бошқа таркибий тузилмалардан фарқли ўлароқ фақат қонунга таяниб, қонун асосида иш кўради. Шу маънода олганда, юридик хизмат иш берувчилар ва ходимлар томонидан касаба уюшмалари ёки ўзлари ваколат берган бошқа вакиллик органлари орқали жамоа шартномаларини тузишда тарафлар манфаатларини қонун талаблари билан уйғунлаштириш вазифасини бажаради.

Юридик адабиётларда¹, шунингдек, ҳуқуқ ижодкорлигининг локал ҳуқуқ ижодкорлиги тури ҳам алоҳида ажратиб кўрсатилади. Локал ҳуқуқ ижодкорлиги деганда тижорат ёки нотижорат тусга эга бўлган ташкилот ва муассасалар томонидан ўз ички масалаларини ҳал қилишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ваколати тушунилади. Бундай ҳужжатлар билан муайян ишлаб чиқариш ва бошқарув вазифалари тартибга солинади. Локал ҳужжатлар ташкилот ва муассаса бошқарув органлари (хусусан, акциядорлар ёки иштирокчилар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижро органи, бошқарув раиси ёки директор) томонидан чиқарилиб, чекланган доирада амал қилади. Мазкур ҳужжатлар фақат ушбу ташкилот ва унинг таркибий бўлинмалари ҳамда ходимлари учун мажбурий ҳисобланади. Кўпроқ локал ҳужжатлар уставлар, низомлар, буйруқлар ва фармойишлар шаклида бўлади. Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, локал ҳуқуқ ижодкорлигининг асосий иштирокчиси давлат органлари ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ҳисобланади. Айнан юридик хизмат томонидан локал ҳужжатлар тайёрланади ёхуд экспертизадан ўтказилади. Тўғри, бугунги кунда амалдаги қонунчиликда кўплаб локал ҳужжатларнинг асосий қоидалари белгилаб қўйилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларида акциядорлик

¹ Отахонов Ф., Мақсудов Д. Ўзбекистонда локал норма ижодкорлиги. Монография.–Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти ноширлик бўлими, 2011.–136 б.

жамиятлари уставлари, уларнинг органлари ҳуқуқий ҳолатларини белгиловчи локал ҳужжатларнинг асосий талаб ва шартлари ўз ифодасини топган. Бироқ, ижтимоий ҳаёт ниҳоятда бой ва ранг баранглигини, шунингдек, ундаги ўзгаришлар, ривожланиш даражасининг жуда ҳам тез бораётганини инобатга олиб, айтиш мумкинки, тадбиркорлик субъектлари доимий равишда у ёки бу соҳада янгидан-янги локал ҳужжатлар ишлаб чиқилишига эҳтиёж сезадилар. Бундай вазиятда юридик хизмат амалдаги қонунларнинг умумий руҳидан келиб чиққан ҳолда амалий вазифаларни бажариши лозим бўлади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг муҳим белгиси унинг бунёдкорлик, интеллектуал фаолият эканлигидир. Айниқса, локал ҳуқуқ ижодкорлиги ходисалар ва жараёнлар моҳиятини англаб етиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш заруратини аниқлаш, хатти-ҳаракат қоидаларини шакллантириш, уларни амалга ошириш механизмини белгилаш билан боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, юридик хизмат ходимларидан юқори билим, маҳорат, касб тайёргарлигини талаб этади. Фикримизча, юрист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда уларни локал ҳуқуқ ижодкорлиги кўникмасини эгаллашига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Юридик хизмат ходимлари локал ҳуқуқ ижодкорлигида ижодий, интеллектуал ёндашув ўрнига кўпроқ тайёр андозалар, қолиплар ва кўчирмалар олиш билан машғул бўладилар. Натижада эса локал ҳужжатларда бозор муносабатларини ривожлантиришга, корпоратив манфаатларни ифодалашга, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга оширишга ёрдам берувчи оригинал ғоялар ва ечимларга эга бўлган ҳужжат жуда кам учрайди.

Жамият ҳаётида ижтимоий муносабатлар тобора ривожланиб, тараққий этар экан, унда муайян қарама-қаршилик ва зиддиятли ҳолатлар ҳам келиб чиқиши табиийдир. Эътиборли томони шундаки, бундай қарама-қаршилик ва зиддиятли ҳолатлар нафақат иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, мафкуравий соҳаларда балки ҳуқуқда ҳам ўз ўрнига эга.

Турли коллизиялар ва келиштириш таомиллари ҳуқуқ фанида янги йўналиш – юридик конфликтологиянинг вужудга келишига сабаб бўлди. У юридик конфликтларни олдини олишда ва ҳал этишда фойдаланиладиган янги нормалар, принциплар, институтларни ўрганади¹.

Юридик конфликт кенг ва тор маънода талқин этилади. Тор маънода юридик конфликт ҳуқуқни қўллаш, ўзгартириш, шарҳлаш ёки ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ равишда қарама-қарши ҳуқуқий манфаатлари бўлган ҳуқуқ субъектларини ўзига хос кураши, бир-бирига қарама-қарши туришидан иборат. Кенг маънода юридик конфликт бу ҳуқуқий усуллар билан ҳал этиладиган ижтимоий конфликтдир.

Юридик конфликтлар муайян маънода ижтимоий ҳаётга салбий таъсир кўрсатади. Бироқ, у ўзига хос бунёдкорлик салоҳиятига ҳам эга. Зеро, агар юридик конфликтлар вақтида ўрганилиб ва ҳал этилиб борилса, улар бузғунчи оқибатлар келтириб чиқармайди ва оқибатда ижтимоий тараққиётга туртки беради.

Юридик конфликтларга икки асосий функция хосдир. Биринчидан, улар ҳуқуқий воқеликнинг иникоси, шу жумладан, деформациялар, шунингдек, ҳуқуқий тизимдаги камчиликлар, қонунчиликдаги ва суд амалиётдаги номукамалликлар (ахборот функцияси)ни ўзида акс эттиради. Иккинчидан, у ҳуқуқий воқеликдаги ўзгаришларга таъсир қилади (динамик функция).

Юридик конфликтларни ҳал этишда юридик хизмат жуда катта имкониятларга эга. Юридик хизмат ҳар доим конфликтлар жараёнида фаол иштирок этади ва субъектлар хатти-ҳаракатини йўналтиради. Одатда, юридик хизмат қонунийликни ва ҳуқуққа мувофиқликни таъминловчи махсус ихтисослаштирилган тузилма сифатида юридик конфликтларни қонун асосида ҳал этилишига кўмаклашади. Бироқ, айрим ҳолларда, юридик хизмат корпоратив манфаатлар билан боғланиб қолиб, ўзи мансуб бўлган давлат

¹ Қаранг: *В.Н.Кудрявцев*. Юридическая конфликтология. – М.: Институт государства и права РАН, 1995. – 315 с.; *Худойкина Т.В.* Юридический конфликт (теоретико-прикладное исследование) – дисс. на соискание доктора юридических наук. Нижний Новгород, 2002; *Эргешова Д.Қ., Нажимов М.К.* Юридическая конфликтология. Ўқув қўлланма. Т.: ТДЮУ, 2007. – 118 б.

органи ёки хўжалик юритувчи субъект томонида туриб, субъектлар қарама-қаршилигини кучайтириши ҳам мумкин. Бироқ, агар юридик хизмат ўз фаолиятини қатъий қонунийлик асосида амалга оширса, бундай турдаги субъектив ва бир ёқлама ёндашувларга ўрин бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, юридик хизмат юридик конфликтларни вужудга келиши ҳолатида ҳам, уларни ҳал этишга уринишларда ҳам, юридик конфликтлар оқибатларини бартараф этиш жараёнида ҳам муҳим роль ўйнайди. Бир қарашда ҳуқуқий характерга эга бўлмагандай туюлган конфликтлар ҳам юридик хизмат аралашганидан кейин юридик хусусият касб этади ва ҳуқуқий майдонга кўчади. Бу эса юридик конфликтларни ҳал этишни осонлаштиради. Чунки ҳуқуқ конфликтларни ҳал этиш бўйича энг бой юридик воситалар тизимида эга.

Юридик хизматнинг юридик конфликтларни ҳал этиш жараёнидаги иштироки масалалари ҳар томонлама чуқур ўрганишга, таҳлил этишга лойиқ ҳолат ҳисобланади. Афсуски, ҳуқуқ назарияси фани бунга ҳозирга қадар етарли даражада диққат эътиборини қаратмаган. Тегишли даражада ташкил этилган юридик хизмат субъектив омиллар таъсирида келиб чиқадиган юридик конфликтларни олдини олишда беқиёс аҳамиятга эга. Масалан, юридик хизмат ўз вазифаларини лозим даражада бажариши қонунларни билмаслик, уларнинг мазмунини нотўғри талқин этиш, қонун талабларига нописандлик билан муносабатда бўлиш билан боғлиқ юридик конфликтларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, юридик хизмат юридик конфликтлар объектив сабабларга кўра, яъни қонунлардаги камчиликлар, номукамалликлар, бўшлиқлар сабабли вужудга келган тақдирда ҳам уларнинг салбий таъсирини камайитириш ва конфликтга сабаб бўлувчи ҳолатларни бартараф этиш бўйича етарли имкониятларга эга. Бундай ҳолатларни бартараф этиш бевосита юридик хизмат ёки у мансуб бўлган давлат органи ваколат доирасига кирмаган тақдирда ҳам юридик хизмат тегишли мутасадди ташкилотлар олдига муаммони қўйиши мумкин.

Юридик хизмат томонидан юридик конфликтларни ҳисобга олиш, тизимга солиш ва умумлаштириб бориш қуйидаги ижобий натижаларга олиб келади: биринчидан, бу юридик конфликтларни бир хил усуллар асосида ҳал этишга имкон беради; иккинчидан, ижобий тажрибани кенг ёйишга ва энг асосийси, ижтимоий ҳаётни муайян соҳаларида юридик конфликтларни башорат қилиш, уларни олдиндан кўра билишга хизмат қилади.

Одатда, юридик конфликтларнинг келиб чиқишига кўплаб омиллар сабаб бўлиши мумкин. Ана шундай омиллардан бири бу ҳуқуқдаги бўшлиқлардир. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар у ёки бу даражада ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солинади. Ижтимоий муносабатлар ривожлангани сари уни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқ нормаларига бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб боради. Муайян ижтимоий муносабатни тартибга солиш учун тегишли ҳуқуқ нормаси ва ҳуқуқий механизмнинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқдаги бўшлиқларни келтириб чиқаради. Ҳуқуқдаги бўшлиқлар муайян ҳуқуқий низоларнинг ва турли коллизияларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади ва охири оқибат жамият ва давлат тараққиётига ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

Ҳуқуқдаги бўшлиқларни тўлдиришда давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати муҳим, жоиз бўлса, асосий ўринни эгаллайди. Зеро, юридик хизмат қонун ҳужжатларини амалиётда бевосита қўлловчи ҳамда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ютуқ ва камчиликларини «ичидан билувчи» ташкилий бирликдир.

Фикримизча, давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати томонидан ҳуқуқдаги бўшлиқларни аниқлаш ва «тўлдириш» бўйича, биринчидан, мазкур йўналишда доимий мониторинг олиб бориш, иккинчидан, аниқланган ҳолатлар, яъни бўшлиқларни ўз ваколатлари доирасида «тўлдириш»га қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритиш, учинчидан, ваколатли давлат органларига мавжуд бўшлиқларни «тўлдириш» учун тегишли таклифларни киритиш амалиётини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

3-§. Юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг тарихий ривожланиши

Юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг ривожланиши ва бу борадаги қонун ижодкорлигининг истиқболларини илмий-назарий таҳлил этиш долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Бунда, энг аввало, собиқ иттифоқ даврида юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг ривожланишига тўхталиб ўтиш жоиздир.

Ўзбекистонда дастлаб юридик хизмат тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳукумат томонидан қабул қилинган. Масалан, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг 1928 йил 9 июндаги «Давлат муассасалари, корхоналари ва кооператив ташкилотлар юрисконсултлари тўғрисида»¹ 38-сонли Қарорида юрисконсулт лавозимини эгаллаш тартиби, уларнинг асосий вазифалари, жавобгарлиги, фаолияти устидан назорат қилиш ҳамда амалий ишларини бирлаштириш мақсадида маҳаллий прокурорлар ҳузурида ташкил қилинадиган кенгашлар тўғрисидаги нормалар белгиланган.

Юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг ривожланиш тарихи далолат беришича, юрисконсултларнинг вазифаси кенгайтирилиб, ҳуқуқий ҳолати эса такомиллаштирилиб борилган.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг 1933 йил 11 октябрдаги 718-сонли қарори билан «Умумлаштирилган сектордаги муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар юрисконсултлари (ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчилари) тўғрисида Низом»² тасдиқланган. Мазкур Низом 12 банддан иборат бўлиб, унда юрисконсулт лавозимини эгаллаш тартиби, уларнинг асосий функциялари, жавобгарлиги, фаолияти устидан назорат қилиш ҳамда амалий ишларини бирлаштириш, малакасини ошириш мақсадида Республика прокурори, жойларда шаҳар ва туман прокурорлар ҳузурида ташкил қилинадиган кенгашлар тўғрисидаги нормалар белгиланган.

¹ Қаранг: Систематическое собрание действующего законодательства УзССР. – 1928. – № 6. – ст. 118

² Қаранг: Систематическое собрание действующего законодательства УзССР. – 1933. – 30. – ст. 320

Шундай қилиб, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат республикамизда юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини тўлиқ белгилаб берган биринчи Низом ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1963 йил 20 сентябрдаги 551-сонли қарори билан «Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар юридик (шартнома-юридик) бўлими, (бюроси), бош (катта) юрисконсульти, юрисконсульти тўғрисида Намунавий низом»¹ тасдиқланган. Мазкур қарорда республика вазирлик ва идораларига, Қорақалпоғистон Республикаси Министрлар Совети, Тошкент шаҳар ижроия кўмитасига мазкур Намунавий низом асосида ўзларига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг юридик хизматлари тўғрисида Низомларни тасдиқлаш вазифаси юклатилган.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида бу борада қонун ҳужжатларининг тадрижий ривожланиши асосида бир қатор қонунлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинган². Хусусан, 1978 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон

¹ Қаранг: Собрание постановлений Правительства УзССР. – 1963. – № 10. – ст. 74

² Қаранг: Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1971 йил 15 февралдаги «КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1970 йил 23 декабрдаги “Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишларни яхшилаш тўғрисида”ги 1025-сонли қарори ҳақида”ги 60-сонли қарори// Қаранг: Собрание постановлений Правительства УзССР. – 1971. – № 2. – ст. 6; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1972 йил 3 майдаги “Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишларнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 187-сонли қарори // Қаранг: Постановления Совета Министров Узбекской ССР за май 1972. – С. 25-28; Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1972 йил 10 июлдаги “СССР Министрлар Советининг 1972 йил 22 июндаги “Вазирликлар, идоралар, меҳнаткашлар депутатлари Совети ижроия кўмиталари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар юридик бўлими (бюроси), бош (катта) юрисконсульти, юрисконсульти ҳақидаги Умумий низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги 467-сонли қарори ҳақида” 285-сонли қарори// Постановления Совета Министров Узбекской ССР за июль 1972. – С. 33-34; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1973 йил 6 июлдаги “Сирдарё вилояти меҳнаткашлар депутатлари Совети ижроия кўмиталарида ҳуқуқий ишларнинг аҳволи тўғрисида”ги 283-сонли қарори// Собрание постановлений Правительства УзССР. – 1973. – № 7. – ст. 41; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1973 йил 13 сентябрдаги “Республика вазирликлари ва идораларида ҳуқуқий ишларни кучайтириш тўғрисида” 401-сонли қарори// Собрание постановлений Правительства УзССР. – 1973. – № 9. – ст. 63; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1974 йил 2 апрелдаги “Республика қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий ишларнинг аҳволи тўғрисида”ги 142-сонли қарори// Постановления Совета Министров Узбекской ССР за апрель 1974. – С. 24-26; Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1975 йил 30 июлда қабул қилган “КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1975 йил 25 июндаги “Хўжалик қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 558-сонли қарори ҳақида”ги 425-сонли қарори// Собрание постановлений Правительства УзССР. – 1975. – № 7. – ст. 37; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1976 йил 8 декабрдаги “Республика халқ хўжалигида хўжалик ва меҳнат қонунчилигига риоя қилишни таъминлашда юридик хизматлар ролини ошириш тўғрисида”ги 677-сонли қарори// Постановления Совета Министров Узбекской ССР за декабрь 1976. – С. 69-73; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1977 йил 11 августдаги “Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ижроия кўмиталарига ҳуқуқий хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида” 526-сонли қарори// Постановления Совета Министров Узбекской ССР за август 1977. – С. 60-62; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1979 йил 29 августдаги “Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1974 йил 2 апрелдаги “Республика қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий ишларнинг аҳволи тўғрисида”ги 142-сонли

ССР Министрлар Совети тўғрисида»¹ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ Министрлар Совети томонидан давлат бошқаруви органлари, корхоналар, бирлашмалар ва бошқа ташкилот ва муассасаларда ҳуқуқий ишларни ташкил қилишни таъминланиши белгиланган. «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари вилоят Совети тўғрисида»² 1980 йил 12 ноябрдаги Қонуннинг 32-моддасида халқ депутатлари вилоят Совети ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш чоратadbирларини кўриши, вилоятга бўйсунувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда бу ишларга раҳбарликни амалга ошириши, қонунчиликни тушунтиришни ташкил қилиши ва аҳолига юридик ёрдам кўрсатишига оид нормалар белгиланган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 1985-1990 йилларда республикамизда юридик хизмат ва ҳуқуқий ишлар тўғрисида махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаган ва давлат бошқарув органлари ва корхоналар илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатганлар.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида³ фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун мамлакатимизда босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтиш, давлат мулкани хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ

қарори ижросини КПСС МК июль (1978 й.) Пленуми талаблари асосида бориши ҳақида” 609-сонли қарори// Постановления Совета Министров Узбекской ССР за август 1979. – С. 219-222; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1983 йил 10 февралдаги 79-сонли қарори билан “Ўзбекистон ССР халқ депутатлари вилоят Совети ижроия қўмитаси юридик бўлими (бюроси) тўғрисида Низом”// Постановления Совета Министров Узбекской ССР за февраль 1983. – С. 21-27; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1984 йил 22 октябрдаги “Республика вазирликлари ва идораларида ҳуқуқий ишлар аҳволи ва КПСС XXIV съезди талаблари асосида уларни янада такомиллаштириш тўғрисида” 552-сонли қарори// Постановления Совета Министров Узбекской ССР за октябрь 1984. – С. 105-108.

¹ Қаранг: Ведомости Верховного Совета УзССР. – 1978. – № 36. – ст. 527

² Қаранг: Ведомости Верховного Совета УзССР. – 1980. – № 32. Приложение

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N 1, 4-модда; 1994 йил, N 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, N 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, N 4, 162-модда; 2008 йил, N 12, 637-модда; 2011 йил, N 4, 100-модда, N 12/1, 343-модда; 2014 йил, N 4, 85-модда; 2017 йил, N 4, 135-модда, N 5, 201-модда

ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, юридик хизмат тизими Конституция нормаларида ўз ифодасини топган давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқий асосларига мувофиқ шакллантирилади ва унинг ҳуқуқий мақоми белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширишлиги белгилаб қўйилган. Демак, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари юридик хизматининг асосий вазифаларидан бири улар томонидан қабул қилинадиган ва маъқулладиган қонунларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида эса Вазирлар Маҳкамасининг самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгарлиги; фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштириш ва йўналтириш, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни қилиш; қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаш каби ваколатлари белгиланган. Шу сабабли Вазирлар Маҳкамаси юридик хизматининг фаолияти бевосита мазкур вазифаларни бажаришда иштирок этишга қаратилган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жумладан қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш каби ваколатларни амалга оширади. Ҳокимликлар юридик хизматининг асосий вазифаси эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий ишларни ташкил қилишда иштирок этишдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XII боби жамиятнинг иқтисодий негизлари деб номланади. Мазкур бобнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши ўз ифодасини топган, 54-моддада эса мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этишлиги белгилаб қўйилган. Мазкур қоидалар бевосита хўжалик юритувчи субъектларга (корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар) тааллуқлидир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати эса юридик хизмат тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти асосан шартномаларга асосланганлиги туфайли уларнинг юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларидан бири шартнома ҳамда талабнома-даъво ишларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги қисқа давр ичида юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва бурчларини тартибга солиш, қонунийликни таъминлашда уларнинг роли ва масъулиятини ошириш заруриятидан келиб чиқиб бир қатор қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1992. – № 2. – 98-модда; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 12 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида”ги 523-сонли Қарори// Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг қарорлари тўплами. – 1992. – № 11. – 32-модда; Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида” 1997 йил 30 августдаги Қонуни//“Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1997. – № 9. – 237-модда.

Иқтисодиётдаги чуқур ўзгаришлар, бошқарув тизимини ислоҳ қилиш юридик хизмат фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом»ни¹ тасдиқлади. Ушбу Низом юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини нисбатан тўлиқ тартибга солувчи биринчи норматив-ҳуқуқий ҳужжати бўлиб, у 12 бандни қамраб олган қуйидаги 3 бўлимдан иборат: 1) юридик хизмат ходимлари лавозимини эгаллаш тартиби; 2) бошқарув органлари ва корхоналар юридик хизматининг вазифалари; 3) юридик хизматнинг ҳуқуқи ва масъулияти². Мазкур Низомнинг амал қилиш доираси нафақат давлат бошқарув органлари ва корхоналари юридик хизматига тааллуқли, балки барча мулкчилик шаклларидаги корхоналар юридик хизматига ҳам татбиқ этилиши, уларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулиятларини белгилашлиги билан ҳам тавсифланади.

Юридик хизматнинг шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш соҳасидаги вазифалари ва ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунида³ аниқ белгилаб қўйилди. Хусусан, ушбу қонунга кўра хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш уларнинг юридик хизматлари ёки ана шу мақсадда шартнома асосида жалб этилган адвокатлар томонидан амалга оширилади.

Қонун ижодкорлиги жараёнида юридик хизмат ролини кучайтириш мақсадида 2006 йил 11 октябрдаги «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1993. – № 3. – 8-модда

² Худди шу каби ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамдўстликдаги давлатларда, хусусан, Қозоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5 майдаги “Давлат бошқаруви органлари ва уларга бўйсунувчи ташкилот, муассасаларнинг юридик хизмати ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” ги 624-сонли қарори қабул қилинган. // Юридическая служба на предприятии – Сборник нормативно-правовых актов – Алматы: Жети жарги. 1996. – С. 108.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 170-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига¹ мувофиқ қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг юридик хизмати томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкинлиги белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунида² норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шартлиги, ҳуқуқий экспертиза ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг юридик хизмати томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкинлиги белгиланган.

Мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш шароитларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш сифатини яхшилаш, юридик хизматнинг роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли қарори³ қабул қилинди ва мазкур қарор билан «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида»ги ва «Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида»ги низомлар тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик хизмат ходимларининг касбига муносиблиги даражасини ҳолисона баҳолаш,

¹ Ўзбекистон Республикасининг "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил 8 январь, 1-сон, 8-модда, 2018 йил 15 январь, 2-сон, 24-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири). // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2012 йил, 52-сон, 583-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 35-36-сон, 355-модда.

уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш ҳамда зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариши юзасидан масъулиятини ва малакасини ошириш мақсадида 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарори¹ билан «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлади.

Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январда «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2733-сон Қарори² қабул қилинди. Мазкур Қарор билан «Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида» ва «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида»ги низомлар тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 250-сон Қарори³ билан юридик хизматни ташкил қилиш, юридик хизмат ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилди.

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда адлия органлари муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни, қонун устуворлигини, давлат ва

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 46-47-сон, 472-модда; 2017 йил 10 май, 18-сон, 323-модда

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 30 январь, 4-сон, 50-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 323-модда;

жамият қурилиши соҳасида қонунийликни таъминлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини изчил амалга ошириш Адлия вазирлигининг асосий вазибаларидан ва фаолият йўналишларидан бир ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори¹ билан Адлия вазирлигининг асосий вазибаларидан бири сифатида давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш белгиланди.

Қонун ижодкорлиги соҳасини такомиллаштириш натижасида икки палатали парламент тизими жорий қилинган бўлиб, айти пайтда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Конституция, конституциявий қонунлар ва қонунлар асосида ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Парламент палаталарининг ишини ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида ташкил қилинган бўлимлар орасида юридик бўлим ўзига хос ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг 2018 йил 2 июлдаги 229-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисидаги Низом»да² Қонунчилик палатаси юридик бўлимининг ҳуқуқий мақоми ва ваколат доираси белгилаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг юридик бўлими Сенат Кенгашининг 2017 йил 31 июлдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисидаги Низом»³ асосида ўз фаолиятини юритади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 29-сон, 329-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг 2018 йил 2 июлдаги 229-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисида»ги Низом //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жорий архиви.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 31 июлдаги КҚ-216-Ш-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2017.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 августдаги 616-сон Қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармаси тўғрисида»¹ги Низом тасдиқланган бўлиб мазкур бошқарма Ҳукуматнинг юридик хизмати ҳисобланади ва унинг вазифаларини бажаради.

Мамлакатимизда юридик хизмат фаолиятини самарадорлигини ошириш, юридик хизмат ходимларининг моддий таъминот даражасини кўтариш, малакасини ошириш, уларга услубий раҳбарликни амалга ошириш борасида аниқ тартиб ва меҳанизмларни жорий этишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан сўнгги йилларда қабул қилинган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар² муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармаси тўғрисида низомни тасдиқлаг ҳақида» ги 616-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси ҳукумат қарорлари тўплами. – 2018 йил, август.

² Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 30 ноябрда 2285-сон билан рўйхатга олинган “Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисида Низом” // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011 йил, 48-сон, 497-модда; 2012 йил 9 апрелда 2352-сон билан рўйхатга олинган “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмалар” // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 15-сон, 173-модда; 2013 йил 1 февралда 2420-сон билан рўйхатга олинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома” // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил, 5-сон, 65-модда; 2014 йил 28 февралда 2562-сон билан рўйхатга олинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходими лавозимига тавсия этиладиган номзодларни адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги Низом” // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2014 йил 24 февраль, 9-сон, 100-модда; 2014 йил 28 февралда 2563-сон билан рўйхатга олинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақида Низом” // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2014 йил 24 февраль, 9-сон, 101-модда; 2014 йил 28 февралда 2565-сон билан рўйхатга олинган “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидалари” // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2014 йил 10 март, 10-сон, 110-модда; 2015 йил 6 августда 2708-сон билан рўйхатга олинган “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа давлат ташкилотлари юридик хизматлари ходимларининг адлия органларида стажировка ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2015 йил, 31-сон, 424-модда; 2015 йил 25 декабрда 2745-сон билан рўйхатга олинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2015 йил, 51-сон, 644-модда; 2017 йил 28 февралда 2861-сон билан рўйхатга олинган “Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил, 9-сон, 137-модда; 2017 йил 28 февралда 2862-сон билан рўйхатга олинган “Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг адлия органларида стажировкадан ўтиши

Аммо сўнги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда асосан давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари, давлат корхоналари муассасалари ва ташкилотлари юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми ва асосий вазибалари ҳамда уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга оид нормалар белгиланган. Бу борада хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар юридик хизматлари фаолияти давлат органлари эътиборидан четда қолмоқда.

Вахоланки ушбу ташкилотлар юридик хизматлари нафақат ўзлари фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва нодавлат ноижорат ташкилотлар манфаатларини ҳимоя қиладилар, яъни хусусий функцияни амалга оширадилар, балки уларнинг фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш орқали оммавий функцияни ҳам бажарадилар. Юридик хизмат оммавий функцияни самарали амалга ошириши, яъни хусусий манфаатдан давлат ва жамият манфаатларини юқори қўйиши учун улар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, маълум маънода юридик хизмат ходимлари учун лавозим иммунитетни яратилиши лозим.

Юридик адабиётларда юридик хизмат фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича турли хил нуқтаи назарлар мавжуд. Хусусан, И.Жуманазаров «амалдаги юридик хизмат тўғрисидаги Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозим ҳамда Олий Мажлис томонидан «Юридик хизмат тўғрисида»ги қонун қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди»¹, деган фикрни билдирган. С.А.Савченко эса

тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил, 9-сон, 138-модда; 2017 йил 28 февралда 2863-сон билан рўйхатга олинган “Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил, 9-сон, 139-модда; 2017 йил 28 февралда 2864-сон билан рўйхатга олинган “Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил, 9-сон, 140-модда; 2017 йил 28 февралда 2865-сон билан рўйхатга олинган “Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 9-сон, 141-модда.

¹ Қаранг: *Жуманазаров И.* Қишлоқ хўжалиги соҳасида юридик хизматни ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг айрим масалалари. Ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари //Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: 2004. – 255-257 б.

«Корхоналар ва ташкилотлар юридик бўлими, юридик гуруҳи, юрисконсулти фаолиятида ҳуқуқий ишларни бошқариш тўғрисида»ги Қонун қабул қилишни таклиф қилади ва унда «корхоналарда ҳуқуқий ишларни бошқариш тизимини ўрнатиш, юридик хизматнинг ўрни, мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек юридик хизматга раҳбарлик қилиш ва юридик хизмат ходимларини тайинлаш ва озод қилиш тартибини белгилаш лозимлигини»¹ қайд қилади. С.А.Савченконинг бу таклифи К.К.Лебедев томонидан қаттиқ танқид остига олинган ва бундай қонун қабул қилиниши бозор иқтисодиёти табиатига ва қонуниятларига зид эканлиги таъкидланиб, уни қабул қилишдан ҳеч қандай маъно йўқлиги ва у қабул қилинмаслиги лозим деган фикр билдирилган². К.К.Лебедевнинг фикрига қисман қўшилиб, яъни айнан юқорида зикр қилинган номдаги қонунни қабул қилишга эҳтиёж йўқлигини эътироф этиш керак. Бироқ, юридик хизмат нафақат тадбиркорлик соҳасида балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳам энг муҳим таркибий тузилмаси эканлигини ҳисобга олиб, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини кучайтириш мақсадида юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доимий эътибор берилмоғи лозим.

4-§. Хорижий давлатларда юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятлари

Мамлакатимизда юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда хорижий давлатларнинг юридик хизмат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, уларнинг тизими, фаолияти ва ҳуқуқий мақомини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Юридик хизматдан давлат ва жамият ҳаётида унумли фойдаланиш ривожланган давлатлар ҳамда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилаётган бошқа мамлакатларда йўлга

¹ Савченко С.А. Юридические аспекты управления правовой работой на предприятиях нефтегазового комплекса (на примере Тюменской области): Автореф.дис...канд.юрид.наук – Тюмень. 2000. – 15 с.

² Лебедев К.К. Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учеб.-практ.пособие.- М.: Юристъ. 2001. – С. 13.

қўйилган. Бироқ бу борадаги қонунчиликнинг ривожланиши ҳар бир мамлакат бошқарув ва тузилиш шаклининг ўзига хослиги, эркин бозор муносабатларининг нечоғлиқ йўлга қўйилганлиги, қонун ижодкорлиги жараёни ва уни қўллаш механизмларининг ҳолатига асосланади.

Мазкур диссертация доирасида барча хорижий давлатлардаги юридик хизмат фаолиятини ўрганиш ва ёритиш имконияти чекланганлигини ҳисобга олиб, қуйида Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Германия каби давлатларнинг юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асослари, унинг тизими, ҳуқуқ ва вазифалари илмий таҳлил қилинади.

Россия Федерациясида ҳам мамлакатимиздаги каби юридик хизмат тўғрисидаги қонунчилик, унинг ҳуқуқий мақоми ва фаолият юритиш тартиби ҳамда ҳуқуқий ишларни амалга оширишдаги иштироки юридик хизматни тизимли таҳлил қилиш имкониятини беради. Россия Федерациясида юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг локал ҳужжатлари билан белгиланган. Россия Федерацияси Конституциясининг 48-моддасида «Ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Қонунда белгиланган ҳолларда эса юридик ёрдам кўрсатиш бепул амалга оширилади»¹— деб қайд қилинган бўлиб, мазкур норма юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда муҳим аҳамият касб этади².

Ҳозирги кунда федерал давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий таъминланишида юридик хизматнинг ролини оширишга ҳаракат қилинаётганлигини кузатиш мумкин. Бунга яққол мисол бўлиб, Россия Федерацияси Президенти томонидан 2001 йил 8 майда қабул қилинган «Давлат органларининг юридик хизматини

¹ Конституция Российской Федерации. // Электронный ресурс. Режим доступа: [http://www.constitution.ru] свободный.

² Қаранг: Мельниченко Р.Г. Право на юридическую помощь: конституционные аспекты. Изд-во ВАГС. 2003. – 199 с.

мустақамлашнинг баъзи чора-тадбирлари тўғрисида»¹ги 528-сонли Фармони кўрсатиб ўтиш мумкин. Фармонда федерал давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат органлари раҳбарларига мазкур органлар (уларнинг аппарати) таркибига юридик хизмат мустақил таркибий бўлинма сифатида киритилиши ва бевосита ушбу органлар ёки уларнинг аппаратлари раҳбарларига бўйсунити лозимлиги тавсия этилган. Шунингдек, унда ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, таҳрир қилиш ҳамда ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда иштирок этадиган ва олий юридик маълумотга эга бўлган юридик хизмат ходимларини моддий рағбатлантириш мақсадида мазкур органлар раҳбарларига уларнинг мансаб маошларига устамалар ўрнатиш ҳуқуқи берилган. Фармон билан Россия Федерацияси Ҳукуматида ижроия ҳокимият федерал органларининг юридик хизмати тўғрисида намунавий низомни тасдиқлаш вазифаси юклатилган.

Федерация миқёсидаги ижроия органлар юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2002 йил 2 апрелдаги 207-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ижроия ҳокимият федерал органларининг юридик хизмати тўғрисидаги Намунавий низом»²да белгиланган бўлиб, унда юридик хизмат федерал ижроия орган фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида ташкил этилиши кўрсатилган. Намунавий низомда юридик хизматнинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, шунингдек у федерал ижроия орган марказий аппаратининг мустақил таркибий бўлинмаси (департамент, бош бошқарма, бошқарма, бўлим) сифатида ташкил қилиниши ва бевосита мазкур орган раҳбарига бўйсунити, юридик хизмат раҳбари олий юридик маълумотли бўлиши лозимлиги белгиланган. Юридик хизматнинг асосий вазифалари Намунавий низомнинг алоҳида бандида белгиланган бўлиб, унга қуйидагилар киради: а) ижроия ҳокимият федерал органи фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш; б) ижроия

¹ Қаранг: Указ Президента Российской Федерации от 8 мая 2001 года № 528 «О некоторых мерах по укреплению юридических служб государственных органов». // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.gov.sar.ru>] свободный.

² Қаранг: Юридическая служба на предприятии: настольная книга юрисконсульта./С.М.Айзин, М.Ю.Тихомиров.–М.: Изд-во Тихомирова М.Ю., 2012. – С.38-40.

ҳокимият федерал органи ваколатига кирувчи масалаларни тартибга солувчи Россия Федерацияси қонунчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга ошириш; в) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатини яхшилаш.

Намунавий низомга мувофиқ ижроия ҳокимият федерал органлари томонидан ижроия ҳокимият федерал органи юридик хизмати тўғрисидаги низомлар¹, Россия Федерацияси субъектларида (республика, ўлка, област, федерал миқёсдаги шаҳар, автоном област, автоном округларида) эса тегишли федерация субъектлари ижроия ҳокимияти органлари юридик хизмати тўғрисидаги Намунавий низомлар тасдиқланган².

Россия Федерацияси Парламенти – Федерал Мажлис (Федерал Кенгаш ва Давлат Думаси) юридик хизматлари ҳам мазкур органлар томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият юритадилар³.

Россия Федерациясида корхона, муассаса, ташкилотлар (хўжалик юритувчи субъектлар) юридик хизмати фаолиятини тартибга солувчи янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаган, бироқ ҳозирги кунга қадар собиқ СССР Министрлар Советининг 1972 йил 22 июндаги 467-сон қарори билан тасдиқланган «Вазирликлар, идоралар, меҳнаткашлар депутатлари Совети ижроия кўмитаси, корхона, муассаса, ташкилотларнинг юридик бўлимлари (бюро), бош (катта) юрисконсультлари, юрисконсультлари тўғрисидаги Умумий низом»⁴ ўз кучини сақлаб қолган бўлиб, унда жумладан корхона, муассаса, ташкилотлар юридик хизматининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги белгиланган. Амалда кўпчилик ҳолларда хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматлари юқорида қайд

¹ Қаранг: Приказ министра природных ресурсов Российской Федерации от 8 августа 2002 года № 486 «Об утверждении Положения о юридической службе Министерства природных ресурсов Российской Федерации» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.mnr.gov.ru>], свободный.

² Қаранг: Постановление Кабинета Министров Чувашской Республики от 26 августа 2004 года № 195 «Об утверждении Типового положения о юридической службе органа исполнительной власти Чувашской Республики» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.gov.cap.ru>] свободный.

³ Қаранг: Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.duma.gov.ru>]

⁴ Қаранг: Юридическая служба на предприятии: настольная книга юрисконсульта./С.М.Айзин, М.Ю.Тихомиров.–М.: Изд-во Тихомирова М.Ю., 2012. – С.6; *Чашин А.Н.* Юридическая служба в Российской Федерации: учебное пособие. – М.: ЗАО ИКС “ДИС”, 2005. – С.7; *Пугинский Б.И.* Состояние и перспективы развития юридических служб // Ж. Вестник Российского Союза юристов. – 2003. – № 5-6. – С.18-19.

қилинганидек локал хужжатлар, яъни ички низомлар ҳамда мансаб йўриқномалари асосида фаолият юритадилар¹.

Россия Федерацияси Меҳнат вазирлигининг кўрсатмаларига асосан ташкилотлардаги юристларнинг расмий номланиши – юрисконсулт ҳисобланади². Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат ташкилотларида ҳар бир мансабга нисбатан иш ҳақи разряди белгиланган³.

Россия Федерациясида юридик хизмат тизими.

Россия Федерациясида юридик хизматнинг тузилиши, ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишлари, федерал ёки Россия Федерацияси субъекти органларида фаолият кўрсатишини инобатга олиб, уларни қуйидаги гуруҳ (тур)ларга ажратиш мумкин: а) федерал давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг юридик хизмати (Россия Федерацияси Президенти Давлат-ҳуқуқий бошқармаси, Федерал Мажлис палаталари Ҳуқуқий бошқармалари, Ҳукумат аппаратининг Ҳуқуқий бошқармаси); б) ижроия ҳокимият федерал органларининг юридик хизмати; в) Россия Федерацияси субъектлари (республика, ўлка, област, федерал миқёсдаги шаҳар, автоном област, автоном округлар) давлат органларининг юридик хизмати; г) Россия Федерациясининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари юридик хизмати; д) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизмати.

Россия Федерациясидаги юридик хизмат фаолиятини таҳлил қилиш мақсадида юқорида қайд қилинган гуруҳларга кирувчи айрим давлат органлари ва корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматининг

¹ Қаранг: Положение о юридической службе Жуковской торгово-промышленной палаты // Электронный ресурс. Режим доступа: [[http:// www. zhuktp.ru](http://www.zhuktp.ru)] свободный.

² *Лебедев К.К.* Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учеб.-практ. Пособие. – М.: Юристь, 2001. – С.15

³ Постановления Правительства РФ от 18 марта 1999 г. № 309 «О повышении тарифных ставок (окладов) Единой тарифной сетки по оплате труда работников бюджетной сфере» // Собрание законодательства Российской Федерации. – 1999. – № 13. – С. 1605; Квалификационный справочник должностей служащих. Комментарий к КЗот. Библиотечка журнала «Трудовое право Российской Федерации». – М.: ИНФРА-М, 2000; *Лебедев К.К.* Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учеб. - практ. Пособие.– М.: Юристь, 2001. – С. 16.

хукукий мақоми моҳиятини очиб бериш юридик фан нуқтаи назаридан долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Федерал давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг юридик хизмати. Россия Федерацияси Президентининг 2004 йил 28 майдаги 699-сонли Қарорига асосан «Россия Федерация Президенти Давлат-хукукий бошқармаси тўғрисидаги Низом»¹ тасдиқланган. Бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: а) Россия Федерацияси Президентининг хукукий масалалар бўйича фаолиятини таъминлаш; б) Россия Федерацияси Президенти Маъмурияти фаолиятини хукукий таъминлаш; в) Россия Федерацияси Президенти Маъмурияти бўлинмаларини ахборот-маълумот билан таъминлаш, шунингдек хукукий масалалар бўйича Россия Федерацияси Ҳукумати Аппарати, ижроия ҳокимияти федерал органлари ва Россия Федерацияси субъектлари давлат ҳокимияти органларига маслаҳат ёрдами кўрсатиш; г) Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш ва кодификация қилиш бўйича Кенгаш фаолиятини таъминлаш.

Россия Федерацияси Давлат Думаси Девонининг мустақил таркибий тузилмаси сифатида намоён бўладиган Хукукий бошқарманинг мақоми 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат Думаси Девонининг Хукукий бошқармаси тўғрисидаги Низом»² билан белгиланган бўлиб, унга биноан Хукукий бошқарма зиммасига қуйидаги асосий функциялар юклатилган: Давлат Думаси кенгашининг ёки қонун лойиҳасини тайёрлаш учун масъул бўлган кўмиталарнинг топшириғига биноан Думага келиб тушган қонун лойиҳаларини, Давлат Думасининг қарорлари, аризалари, мурожаатлари, парламент сўровларининг, Россия Федерацияси Конституциявий судига мурожаатларининг лойиҳаларини амалдаги қонунчиликка, халқаро шартномаларга мослиги нуқтаи назаридан

¹ Положение о Государственно-правовом управлении Президента Российской Федерации. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.kremlin.ru>] свободный.

² Положение о Правовом управлении Аппарата Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://base.consultant.ru>] свободный.

хуқуқий экспертизадан ўтказиш, хулосалар тайёрлаш, шу билан бирга кўрсатилган ҳужжатларнинг юридик-техник ва лингвистик қайта ишланишида иштирок этиш; Давлат Думасида қабул қилинган ва тайёрланган барча ҳужжатларни Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгашига ҳамда Россия Федерацияси Президентига юборилиши жараёнида иштирок этиш; Давлат Думаси депутатларига, унинг ички тузилмаларига қонун лойиҳаларини Давлат Думасига киритишдан олдин бу ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларнинг кузатув хатларини тайёрлаш масалалари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш; Давлат Думаси мажлисларини хуқуқий таъминлашда иштирок этиш; Россия Федерацияси қонунчилигининг ҳисобини ва тизимлаштирилишини амалга ошириш; Давлат Думасини хуқуқий ахборотлаштиришда, унинг ахборот фонди ресурсларини шакллантиришда иштирок этиш; Давлат Думаси депутатлари ва унинг девони ходимларининг хуқуқий билимларини оширишда иштирок этиш ва бошқалар.

Ҳуқуқий бошқарма 10 та бўлимдан иборат бўлиб, Давлат Думасининг энг йирик ва асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Бошқарма таркибига кирувчи 10 та бўлимдан 6 таси қонунчилик тармоқлари бўйича хуқуқий экспертизани амалга оширади. Шунингдек бошқармада, қонунчилик техникаси бўлими, қонунчилик фаолияти субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўлими, қонунчиликни ҳисобга олиш ва тизимлаштириш бўлими, қонун лойиҳаларининг лингвистик экспертизаси бўлими фаолият кўрсатади¹.

Ижроия ҳокимият федерал органларининг юридик хизмати.

Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан 2002 йил 2 апрелда қабул қилинган 207-сонли Қарорига мувофиқ федерал ижроия ҳокимият органлари ҳисобланган барча вазирликлар ва давлат қўмиталарида юридик хизмат тўғрисидаги низомлар тасдиқланган. Низомлар ва уларнинг қиёсий таҳлили кўрсатишича вазирликлар ва давлат қўмиталари юридик хизматларининг хуқуқий мақоми юқорида келтирилган Намунавий низом нормаларига

¹ Электронный ресурс Режим доступа: [[http:// www.businesspravo.ru](http://www.businesspravo.ru)] свободный [http://www.gosduma.net/structure/ machinery/departments/](http://www.gosduma.net/structure/machinery/departments/)

асосланган ҳолда белгиланганлиги сабабли, аввало, уларнинг барчасига хос бўлган функциялар ва ҳуқуқларни ёритиб бериш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Россия Федерацияси федерал ижроия ҳокимият органлари ҳисобланган барча вазирликлар ва давлат қўмиталарида юридик хизмат қуйидаги функцияларни амалга оширади: федерал ижроия ҳокимият органи томонидан ишлаб чиқиладиган федерал қонунлар лойиҳалари, шунингдек Россия Федерацияси Президенти фармонлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди ёки тайёрлашда иштирок этади (таҳлил қилади, ҳуқуқий экспертизадан ўтказди); федерал ижроия ҳокимият органи буйруқлари, йўриқномалари, қарорлари, фармойишлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказди ҳамда уларга қўшимчалар киритиш ёки бекор қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлайди; федерал ижроия ҳокимият органига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича хулосалар тайёрлайди; федерал ижроия ҳокимият органи раҳбарига тақдим қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва хулосаларга виза қўяди; федерал ижроия ҳокимият органи фаолияти соҳасидаги давлат бошқарувини такомиллаштириш ва федерал ижроия ҳокимият органи ваколатларини аниқлаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади; бошқа бўлинмалар билан биргаликда қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни федерал ижроия ҳокимият органи раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим этади; халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрланишда иштирок этади, федерал ижроия ҳокимият органи раҳбарининг топшириғига кўра халқаро шартномалар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказди; федерал ижроия ҳокимият органи манфаатларини судлар ва бошқа органларда белгиланган тартибда ифода этади; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли ҳисобга олиш ва сақлашни амалга оширади; федерал ижроия ҳокимият органи тизимига кирувчи ҳудудий органлар ҳуқуқий ишларига услубий раҳбарликни

амалга оширади; федерал ижроия ҳокимият органи, унинг тизимидаги ҳудудий органлар ва ташкилотлар ходимларига федерал ижроия ҳокимият органи ваколатига тааллуқли масалалар бўйича юридик ёрдам кўрсатади; федерал ижроия ҳокимият органи раҳбарияти учун қонунчилик бўйича маълумотномалар тайёрлайди; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини таҳрир қилади; федерал ижроия ҳокимият органи ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини нашр этиш учун тайёрлайди¹. Федерал ижроия ҳокимият органлари юридик хизмати шунингдек муайян федерал ижроия ҳокимият органи юридик хизмати тўғрисидаги низомга ва шу органнинг бошқа ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Россия Федерацияси федерал ижроия ҳокимият органлари юридик хизмати: федерал ижроия ҳокимият органи таркибий бўлинмалари, ҳудудий органлари ва ташкилотларидан белгиланган тартибда ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни сўраш; федерал ижроия ҳокимият органи таркибий бўлинмалари раҳбарлари розилиги билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, шунингдек, ўзига юклатилган функцияларга мувофиқ юридик хизмат томонидан ўтказиладиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ушбу бўлинмалар ходимларини жалб этиш, шунингдек, қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга.

Россия Федерацияси айрим федерал вазирликлари мисолида уларнинг юридик хизмати тузилиши, ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятларини баён этиш нафақат қиёсий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Хусусан, Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигида ҳам юридик хизмат ўзига хос тарзда шакллантирилган. Россия Федерацияси Президентининг 2011 йил 1 мартдаги 248-сонли «Россия Федерацияси Ички

¹ Қаранг: Юридическая служба на предприятии: настольная книга юрисконсульта / С.М.Айзин, М.Ю.Тихомиров. – М.: 2003. – С.38-40.

ишлар вазирлигининг масалалари» тўғрисидаги Фармони¹ билан вазирлик таркибий тузилиши тасдиқланди ва унга биноан Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг Шартномавий-ҳуқуқий департаменти ташкил этилди. Унинг Низоми эса Россия Федерацияси Ички ишлар вазирининг 2011 йил 21 июлдаги 865-сонли буйруғи² билан тасдиқланди. Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Шартномавий-ҳуқуқий департаменти ўзининг таркибий тузилмаларига эга бўлиб, унинг таркибига жумладан: Жиноий-ҳуқуқий бошқарма; Хизмат ҳуқуқий бошқарма; Маъмурий-ҳуқуқий бошқарма; Ҳуқуқий ахборот бошқармаси; Ташкилий бошқарма; Суд-даъво ишларини ташкил қилишни бошқармаси; Халқаро-ҳуқуқий бошқарма киради³.

Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг Шартномавий-ҳуқуқий департаменти ўз тимсолига, юридик хизмати гимни ва ҳуқуқий тузилмаси маршига эга. 19 апрель Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги тизими юридик хизмати куни сифатида байрам қилинади.

Мамлакат ҳудудида амалга оширилаётган ислохотлар Қуроли кучларда ҳам юридик хизматнинг ролини кучайтиришга олиб келди. Россия Федерацияси Қуроли кучларининг юридик хизматини ташкил этиш ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари Россия Федерацияси Мудофаа вазирининг буйруғи билан тасдиқланган Низом⁴ билан белгиланган.

Низомга мувофиқ Юридик хизмат ўз ичига Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Ҳуқуқий департаменти, Талабнома ва суд-ҳуқуқ ишлари департаменти, Россия Федерацияси Қуроли кучларининг ҳарбий бошқармалари марказий органлари, ҳуқуқий таъминлаш ҳудудий бошқармалари ва ҳарбий қисмлар хизматлари, бўлимлари, гуруҳлари,

¹ Указ Президента Российской Федерации от 1 марта 2011 г. № 248 «Вопросы Министерства внутренних дел Российской Федерации» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://base.consultant.ru>] свободный

² Приказ МВД РФ от 21 июля 2011 г. № 865 «Об утверждении Положения о Договорно-правовом департаменте Министерства внутренних дел Российской Федерации». // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://base.consultant.ru>] свободный

³ Структура МВД РФ // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.mvd.ru>] свободный.

⁴ Приказ Министерства обороны РФ от 14 ноября 2017 г. № 700 «О Юридической службе Вооруженных сил Российской Федерации» // Электронный ресурс. Режим доступа: [https://doc.mil.ru/documents/quick_search] свободный.

бўлинмалари ва юридик йўналишдаги мутахассисликка эга бўлиш талаб қилинадиган алоҳида лавозимлари киради. Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Ҳуқуқий департаменти директори Россия Федерацияси Қуролли кучларининг юридик хизмати бошлиғи ҳисобланади ва у ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича юридик хизматга раҳбарликни амалга оширади. Шу билан бир қаторда Талабнома ва суд-ҳуқуқ ишлари департаменти директорининг унинг ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича кўрсатмалари қуйи турувчи юридик хизмат мансабдор шахслари учун мажбурий ҳисобланади.

Россия Федерацияси Қуролли кучлари тизимида юридик хизмат қуйидаги шаклларда, яъни Қуролли кучларнинг барча турларида – юридик хизмат, армия ва флотилияларида – катта юрисконсулт, қўшин, полк ва бригадаларида – қўшин, полк ва бригада командирларининг ҳуқуқий ишлар бўйича ёрдамчиси, муассаса, хизмат, бўлим, қўмита, инспекция, корхона ва ташкилотларида – юрисконсулт лавозимларини киритиш орқали ташкил қилинади. Ҳарбий бошқарув органлари, ҳарбий қисмлар, ҳарбий ўқув муассасаларида юридик хизмат бўлинмалари (алоҳида мансаб) ташкил қилинади. Россия Федерацияси Қуролли кучлари юридик хизмати мансабдор шахслари жумладан қуйидаги ҳуқуқларга эгалар: тегишли ҳарбий бошқарув органларида ҳуқуқий ишлар ҳолатини, шунингдек қуйи турувчи ҳарбий бошқарув органлари юридик хизмати бўлинмалари фаолиятини ташкил қилинишини текшириш; тегишли командирларга (бошлиқларга) қонунчилик бузилишини бартараф қилиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш; ҳарбий бошқарув органлари фаолиятида юза келадиган ҳуқуқий масалалар бўйича хулосалар бериш.

Сўнгги йилларда юридик хизматнинг асосий вазифаси сифатида Қуролли кучларда ҳуқуқий ишлар сифатини ошириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада асосий куч Россия Федерацияси Қуролли кучларида ҳуқуқий ишлар бўйича Кўрсатмани

тайёрлашга йўналтирилди¹. Мазкур Кўрсатма Россия Федерацияси Мудофаа вазирининг 2015 йил 3 декабрдаги 717-сонли буйруғи² билан тасдиқланган бўлиб, унда ҳуқуқий ишларнинг босқичлари: а) ҳуқуқий нормаларни шакллантириш; б) ҳуқуқий муносабатларни вужудга келиши; в) ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш, уларни ижро қилиш ва қўллаш, шунингдек юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳарбий қисм командирларининг ҳуқуқий ишларни амалга ошириш ва юридик хизматга шароит яратиш бўйича мажбуриятлари аниқ белгиланган. Бундан ташқари буйруқ билан барча босқичдаги Қуролли кучлар бошлиқларига ҳуқуқий ишларнинг ҳолати бўйича шахсий жавобгарлик ўрнатилган.

Қуролли кучлар юридик хизматининг ўзига хос жиҳатларидан бири у ўз эмблемасига эгалигидир. Россия Федерациясида Қуролли кучлар юридик хизмати ходимларини маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилади. Бу борада Россия Федерацияси Президентининг 2006 йил 31 майдаги фармони³ билан 29 март – Россия Қуролли кучлари юридик хизмати мутахассиси куни деб белгиланганлиги диққатга сазовор. Россия Федерацияси Мудофаа вазирининг 2001 йил 31 январдаги 5-сонли буйруғи⁴ билан «Россия Федерацияси Қуролли кучлари юридик хизмати» Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги кўкрак нишони таъсис этилиб, унинг низоми тасдиқланган. Бундай кўкрак нишони билан Қуролли кучлар юридик хизматида 5 ёки ундан кўп йил хизмат қилган (ишлаган) ҳарбийлар, фуқаролар Қуролли кучлар органлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлашдаги

¹ Қаранг: Интервью с директором Правового департамента Министерства обороны Российской Федерации (начальником юридической службы Вооруженных сил Российской Федерации) О.Г.Безбабновым //Вестник военного права. 2018. №1, С.18–24.

² Приказ министра обороны Российской Федерации от 3 декабря 2015 г. № 717 «Об утверждении Наставления по правовой работе в Вооруженных силах Российской Федерации" // Электронный ресурс. <http://rulaws.ru/acts/Prikaz-Ministra-oborony-RF-ot-03.12.2015-N-717/>.

³ Указом Президента Российской Федерации от 31 мая 2006 г. N 549 "Об установлении профессиональных праздников и памятных дней в Вооруженных Силах Российской Федерации" // Электронный ресурс. Режим доступа [<http://base.consultant.ru>] свободный.

⁴ Приказ министра обороны Российской Федерации от 31 января 2001 г. № 5 «Об учреждении знака отличия Министерства обороны Российской Федерации " Юридическая служба Вооруженных Сил Российской Федерации" // Электронный ресурс. Режим доступа [<http://base.consultant.ru>] свободный.

муваффақиятлари, қонунийликни таъминлашга қаратилган фаолияти, мансаб вазифаларини бажаришда ўрнатилган кўрсаткичлари учун тақдирланадилар.

Россия Федерацияси Бош прокуратурасида ҳам юридик хизмат вазифаларини амалга ошириш учун мустақил таркибий тузилма сифатида Ҳуқуқий бошқарма ташкил қилинган бўлиб, унинг фаолияти Россия Федерацияси Бош прокурори томонидан 2012 йил 23 январда тасдиқланган «Россия Федерацияси Бош прокуратураси Ҳуқуқий бошқармаси тўғрисидаги Низом»¹ билан тартибга солинади. Низомда Ҳуқуқий бошқарманинг тузилиши, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, бошқарма ходимларининг ваколатлари, ишни ташкил қилиш тартиби белгиланган.

Ҳуқуқий бошқарма фаолиятига раҳбарликни бошқарма бошлиғи – Россия Федерацияси Бош прокурорининг катта ёрдамчиси амалга оширади. Бошқарма таркибига бошқарма бошлиғининг икки ўринбосари – Бош прокурорнинг Россия Федерацияси Федерал Мажлиси палаталаридаги ваколатли вакиллари; прокуратуранинг хавфсизликни таъминлаш ва жиноят судлов ишлари ҳамда давлат қурилиши, фуқаролик ва ижтимоий соҳаларда ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти ҳамда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мониторингини мувофиқлаштириш бўлимлари; давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқий маърифат масалаларида ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш бўйича бўлим; ҳужжатлар билан таъминлаш бўлими киради.

Ҳуқуқий бошқарманинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

1) Россия Федерацияси Бош прокуратураси, унга қарашли органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирокини таъминлаш, Бош прокуратура таркибий тузилмаларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш; 2) Россия Федерацияси Бош прокуратурасининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш; 3) норматив-ҳуқуқий тартибга солиш ва қонун ҳужжатларини

¹ Положение о правовом управлении Генеральной прокуратуры Российской Федерации (утверждено Генеральным прокурором Российской Федерации 23 января 2012 года). // Электронный ресурс. <https://genproc.gov.ru/documents/orders/document-14314/> свободный.

қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш мақсадида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш мониторингини ташкил қилиш; 4) прокуратура органлари ваколатларини самарали олиб бориш мақсадида қонун ҳужжатларини тизимлаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; 5) прокуратура органларининг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги масалалари бўйича ишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш.

Россия Федерацияси субъектлари (республика, ўлка, област, федерал миқёсдаги шаҳар, автоном област, автоном округлар) давлат органларининг юридик хизмати. Федерация субъектлари давлат органларига ҳам вакиллик, ҳам ижроия ҳокимият органлар киради. Уларнинг юридик хизматлари Татаристон ва Чуваш Республикалари ҳамда Ленинград области мисолида кўриб чиқилган ва монографияда батафсил ёритилган¹.

Россия Федерациясининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари юридик хизмати. Маҳаллий давлат ҳокимияти (муниципал) даражасида юридик хизматнинг йўлга қўйилишида ҳам ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Масаланинг ушбу жиҳати Кемерово вилояти Киселевск шаҳри мисолида кўриб чиқилган ва монографияда батафсил ёритилган².

Хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар) юридик хизмати монографияда батафсил ёритилган³.

Россия Федерациясида 2006 йилдан бошлаб ҳар йили «Россиянинг энг яхши юридик департаментлари» танлови ўтказилади. Унда россия компанияларининг юридик хизматлари жамоаси мусобақалашадилар. Танлов корпоратив юристларнинг касбий ютуқларини жамоатчилик томонидан эътироф этилишини таъминлаш, юридик хизматни ташкил қилишнинг энг

¹ Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар) Монография. – Т.: “Адолат”, 2007. –Б. 71–73.

² Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар) Монография. – Т.: “Адолат”, 2007. –Б. 73–74// Қаранг: Положение о правовом отделе Администрации г. Киселевска (Распоряжение Главы города Киселевска от 19 марта 2010 года № 318-р. // Электронный ресурс. www.shahter.ru/adm/pologenie_pravo.doc.

³ Қаранг: Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар) Монография. – Т.: “Адолат”, 2007. –Б. 73–74.

яхши тажрибасини ёйиш, юристларнинг касбий ҳамжамиятини бирлаштириш ва юридик касбнинг мақоми ва аҳамиятини ошириш мақсадида ўтказилади¹. Хусусан, 2018 йилда 12 номинация бўйича 60 номзод юридик департаментлар танловда иштирок этишди.

Россия Федерациясида хўжалик юритувчи субъектларда ҳуқуқий ишларни нафақат штатдаги юридик хизмат ходимлари, балки махсус юридик фирмалар, якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар (юристлар), адвокатлик ҳайъатлари фуқаролик ҳуқуқий шартномалар асосида амалга оширадилар².

Юридик фирмаларнинг кўпчилиги фойда олиш ва унинг иштирокчилари (муассислари) ўртасида тақсимлаш учун тижорат ташкилоти сифатида ташкил қилинади. К.Лебедевнинг фикрича, юридик бизнес – бу фойда олиш мақсадида ҳақ эвазига тижорат асосида юридик фаолиятни амалга оширишдир. Юридик фаолият – бу мижоз-буюртмачининг манфаати йўлида амалга ошириладиган ҳуқуқий ишларни бажариш ва ҳуқуқий хизмат кўрсатишдир. Юридик фирмаларни ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти ҳозирча махсус норматив-ҳуқуқий тарзда тартибга солинмаган, чунки тижорат мақсадида ташкил этилган юридик фирмаларга оид қонунчиликда ҳеч қандай чеклашлар (лицензия олиш, аккредитациядан ўтиш ва ҳоказо) назарда тутилмаган. Шу сабабли бундай фирмалар Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 50-моддасида кўрсатилган барча ташкилий-ҳуқуқий шаклларда, яъни хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари;

¹ «Лучшие юридические департаменты России – 2018» / Legal Insight/<https://www.borenius.ru/2018/06/01/8036/>; Лучшие юридические департаменты России –Интересные факты// <http://legalinsight.ru/luchshie-juridicheskie-departamenty-rossii-interesnye-fakty/>; Александр Завтрик «Деятельность Правового департамента теперь в большей степени ориентирована на проектную работу»// Legal Insight, 2014, №7, С.26–29.

² Батафсил қаранг: *Лебедев К.К.* Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учеб.-практ.пособие. – М.: Юристъ, 2001. – С.11-105; *Чашин А.Н.* Юридическая служба в Российской Федерации: учебное пособие.– М.: ЗАО ИКЦ “ДИС”, 2005. – С.20-27; *Голованя И.В.* Правовая работа и защита прав предпринимателей. – Донецк, 2004. – С. 15-36; *Титиевский А.Н.* Организация правовой работы на предприятиях. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.distance.ru>] свободный.; *Липень Л.И.* Справочник юрисконсульта. – Минск, Дикта, 2005. – С. 75-89; *Сергеев В.И.* Адвокат и юридическая служба // Ж. Юрист. – 2000. – № 3. – С. 16-23; *Клеандров М.И.* Институт юридической службы в предпринимательства. Монография. – “Норма”, “ИНФРА-М”, 2013. – С.35–37.

давлат ва муниципал унитар корхона шаклида ташкил этилиши мумкин¹. Юридик фирмалар асосан тадбиркорлик тузилмаларига хизмат қилади ва юридик амалиётнинг бошқа йўналишларида, масалан, жиноят ишларини олиб бориш ва жиноий жавобгарликка тортилаётган фуқароларни ҳимоя қилиш билан шуғулланмайдилар. Юридик фирмалар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг асосий турлари қуйидагилардан иборат: ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш; таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, уларга ўзгартиришлар киритиш ва янги ташкил қилинаётган юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш; умумий юрисдикция, арбитраж ва ҳакамлик судларида маъмурий ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича ишларни олиб бориш; шартномаларни тузиш, уларга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳамда имзолашда иштирок этиш; таъсис ҳужжатлари, шартномалар ва ишга тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза қилиш².

Адвокатура (адвокатлик бюроси, юридик маслаҳатхона, адвокатлик кабинети) хўжалик юритувчи субъектларга юридик хизмат кўрсатишда муҳим роль ўйнайди. 2002 йил 26 апрелда «Россия Федерациясида адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида»ги Федерал қонун қабул қилинган³.

Россия Федерациясида *якка тартибда фаолият юритувчи юристлар* ҳам хўжалик юритувчи субъектларга юридик хизмат кўрсатиши мумкин. Бундай фаолиятни юритиш учун лицензия талаб қилинмайди. Улар якка тартибда ёки ёзма шаклда оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома)⁴ тузиш орқали икки ёки ундан ортиқ якка тартибда фаолият юритувчи юристлар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларга юридик хизмат кўрсатадилар.

Беларусь Республикасида юридик хизмат.

¹ Гражданский кодекс Российской Федерации//<http://www.consultant.ru/document/cons>

² *Лебедев К.К.* Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учеб. - практ. Пособие. – М.: Юристь, 2001. – С. 26

³Федеральный закон от 31 мая 2002 года №63-ФЗ «Об адвокатской деятельности и адвокатуре в Российской Федерации» // СЗ РФ. – 2002. –№ 23. – Ст. 2102.

⁴ Қаранг: Гражданский кодекс Российской Федерации (ред от 05.12.2017) ст.ст. 1041–1054 // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_9027.

Беларусь Республикасида юридик хизматнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва уни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилади. Қуйида амалдаги норматив-ҳуқуқий ва локал ҳужжатларга асосланган ҳолда Беларусь Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар юридик хизматлари ҳамда уларга юридик хизмат кўрсатиш масалаларига тизимли равишда тўхталамиз¹.

Беларусь Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг (Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси палаталари – Вакиллар палатаси ва Республика Совети ҳамда Министрлар Совети) юридик хизмати.

Беларусь Республикаси парламентининг Вакиллар палатаси юридик хизмати – Бош ҳуқуқий бошқармаси² деб номланади. Унинг асосий вазифалари бўлиб, Вакиллар палатаси ва унинг Котибияти фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш; қонунлар, Вакиллар палатаси ва унинг Кенгаши қарорлари лойиҳаларини ҳамда Вакиллар палатасига келиб тушган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертиза қилиш; Вакиллар палатаси ва унинг Кенгаши қарорлари, бошқа локал норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш; Вакиллар палатаси депутатлари ва палата котибияти ходимларига норма ижодкорлиги масалалари бўйича маслаҳат ёрдами бериш ҳисобланади.

Беларусь Республикаси Миллий Мажлисининг Республика Совети юридик хизмати – Қонунчилик ва давлат қурилиши бош бошқармаси³ деб номланади ҳамда унинг асосий вазифалари Вакиллар палатаси юридик хизмати вазифаларга ўхшайди. Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси ҳар иккала палатаси юридик хизмати уларнинг Котибияти таркибига мустақил тузилма сифатида киритилган.

¹ Батафсил қаранг: *Липень Л.И.* Справочник юрисконсульта.– Минск : Дикта, 2010. – 216 с.; *Прокопович Л.Н.* Организация работы юридической службы. – Минск, УМЦ МСХиП РБ, 2003. – 55 с.

² Палата представителей Национального собрания Республики Беларусь. Главное правовое управление. // <http://www.house.gov.by/ru/glavnoe-ekspertno-pravovoe-upravlenie-ru/>

³ Совет Республики Национального собрания Республики Беларусь. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.sovrep.gov.by>] свободный.

Беларусь Республикаси Президенти Администрацияси тузилмасида юридик хизмат – Давлат-хукуқий бош бошқарма¹ ташкил қилинган. Беларусь Республикаси Президентининг 2017 йил 13 февралдаги 40-сон «Беларусь Республикаси Президенти Администрациясини оптималлаштириш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Давлат-хукуқий бош бошқарманинг асосий вазифалари жумласига Президентнинг фаолиятини хукуқий таъминлаш, давлат органларининг хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини хукуқий экспертизадан ўтказишни ташкил қилиш киради.

Беларусь Республикаси Министрлар Совети Аппаратида юридик хизмат – Юридик бошқарма² деб юритилади ва унга ҳукумат фаолиятини хукуқий жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклатилган.

Министрлик, республика давлат бошқаруви бошқа органилари, Беларусь Республикаси Ҳукуматида бўйсунувчи давлат ташкилоти, маҳаллий ижроия ва бошқарув органи юридик хизмати.

Беларусь Республикасида юридик хизматнинг ролини ошириш ва ишлари сифатини кўтариш мақсадида Беларусь Республикаси Министрлар Советининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган 2070-сонли қарори билан «Давлат бошқаруви республика органи ва Беларусь Республикаси Ҳукуматида бўйсунувчи бошқа давлат ташкилоти, маҳаллий ижроия ва бошқарув органи юридик хизмати Намунавий низоми» ва «Давлат ташкилоти юридик хизмати тўғрисида Намунавий низом» тасдиқланган³.

Давлат бошқаруви республика органи, шу жумладан унинг департаменти ва Беларусь Республикаси Ҳукуматида бўйсунувчи бошқа давлат ташкилоти, маҳаллий ижроия ва бошқарув органи юридик хизмати

¹ Указ Президента Республики Беларусь от 13 февраля 2017 г. № 40 «Об оптимизации Администрации Президента Республики Беларусь» // Национальный правовой Интернет портал Республики Беларусь, 16.02.2017, 1/16902

² Постановление Совета Министров Республики Беларусь 14 февраля 2009 г. № 192 “Об утверждении Положения об Аппарате Совета Министров Республики Беларусь” // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://pravo.by.ru>] свободный.

³ Постановление Совета Министров Республики Беларусь от 31 декабря 2008 г. № 2070 "О некоторых мерах, направленных на повышение роли и качества работы юридических служб. Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь от 27.01.2009 г., №19, ст., 5/29149

деганда Намунавий низомнинг 1-бандига кўра – давлат органи фаолият юритишини ҳуқуқий таъминлаш ва унинг фаолиятида қонунийликка риоя қилиш мақсадида ташкил этиладиган таркибий тузилма (бош бошқарма, бошқарма, бўлим, сектор) ёки жорий қилинадиган бош юрисконсулт лавозими тушунилади.

Беларусь Республикаси Ҳукуматида бўйсунувчи республика давлат бошқарув органида юридик хизмат мустақил таркибий тузилма сифатида, агар унда ишлайдиган ходимлар сони 80 кишидан кам бўлса таркибий тузилма сифатида ташкил қилинади. Низомда қайд қилинган бошқа орган ва ташкилотларда юридик хизмат таркибий тузилма ёки бош юрисконсулт лавозими жорий қилиш орқали тузилади. Давлат органи юридик хизмат ходими олий юридик маълумот ва қонун ҳужжатларида белгиланган мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлиши лозим.

Намунавий низомда давлат органи юридик хизматининг асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унга қўйиладиган талаблар ҳамда жавобгарлик белгиланган. Низомга мувофиқ юридик хизматнинг асосий вазифаларига – давлат органи ва унинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликка риоя қилишга кўмаклашиш; давлат органи раҳбариятига тақдим этилаётган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги қонунчиликка, Беларусь Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш; давлат органининг ваколатига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш; давлат органи мансабдор шахсларини ва ташкилий тузилмалари фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича ҳуқуқий маслаҳат бериш; давлат органи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ҳисобини олиб бориш, Беларусь Республикасида ҳуқуқий ахборотларнинг ягона эталон банкни шакллантиришда иштирок

этиш; давлат органининг манфаатларини судларда ва бошқа давлат органларида ҳуқуқий масалалар бўйича ҳимоя қилиш кабилар киради¹.

Юридик хизматнинг давлат органи томонидан тайёрланган норматив ҳуқуқий ҳужжати лойиҳасини мажбурий равишда юридик экспертиза қилиш; давлат органига келиб тушган қонун ҳужжатлари ва мазкур орган томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли ҳисобини юритиш ва уларни назорат ҳолатида сақлаш; белгиланган тартибда давлат органи ҳуқуқий ҳужжатларини Миллий реестрга киритиш учун Беларусь Республикаси ҳуқуқий ахборот Миллий марказига юборилишини таъминлаш каби функциялари эътиборга моликдир.

Давлат органи юридик хизматига жумладан амалдаги қонунчиликка зид ва сифатсиз тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ижрочиларга камчиликларни тузатиш учун қайтариш, улар бўйича зарур хулосалар ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида маълумотномалар тайёрлаш, шунингдек, давлат органи раҳбарининг топшириғи бўйича мустақил ёки таркибий тузилмалар билан биргаликда мазкур лойиҳаларнинг камчиликларини тузатиш; давлат органи ваколатига кирувчи масалалар бўйича қуйи турувчи органлар, корхона, муассаса ва ташкилотларда қонунийликка риоя қилинишини текшириш каби ҳуқуқлар берилганлиги унга юклатилган вазифаларни лозим даражада бажаришга кенг имконият беради.

«Давлат ташкилоти юридик хизмати тўғрисида Намунавий низом»²да давлат ташкилоти юридик хизматининг асосий вазифалари, функциялари, мажбурияти, ҳуқуқ ва жавобгарлиги белгиланган. Шунингдек Низомда юридик хизмат бевосита давлат ташкилоти раҳбарига бўйсунити қайд қилинган, давлат ташкилоти раҳбарига эса юридик хизмат ходимларини

¹ Постановление Совета Министров Республики Беларусь от 31 декабря 2008 г. № 2070 "О некоторых мерах, направленных на повышение роли и качества работы юридических служб. Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь от 27.01.2009 г., №19, ст., 5/29149

² Постановление Совета Министров Республики Беларусь от 31 декабря 2008 г. № 2070 "О некоторых мерах, направленных на повышение роли и качества работы юридических служб. Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь от 27.01.2009 г., №19, ст., 5/29149

малакасини оширишни, уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юридик адабиёт, ахборот материаллари, ташкилий техника билан таъминлаш каби мажбуриятлар юклатилган.

Нодавлат ташкилотлар юридик хизмати.

Беларусь Республикаси Министрлар Советининг 2008 йил 31 декабрдаги «Юридик хизматларнинг роли ва ишлари сифатини оширишга қаратилган айрим чора-тадбирлар тўғрисида»¹ги 2070-сонли Қарорининг 4-бандида нодавлат ташкилотлар раҳбарларига «Давлат ташкилоти юридик хизмати тўғрисида Намунавий низом»¹дан фойдаланиш тавсия қилинган. Демак мулкчилик шаклидан қатъи назар барча нодавлат ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ҳам Намунавий низомга мувофиқ юридик хизмат тўғрисида ўз ички низомларини қабул қилишлари мумкин.

Нодавлат ташкилотлар юридик хизмати мустақил таркибий тузилма сифатида ёки етакчи юрисконсулт, юрисконсулт лавозимини жорий қилиш орқали ташкил қилинади. Юридик хизмат раҳбари лавозимига олий юридик маълумотли ва мутахассислик бўйича 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган шахслар, юридик хизмат ходими лавозимига эса – олий юридик маълумотли, шунингдек ўрта махсус юридик маълумотли ва юридик мутахассислик бўйича камида 3 йиллик стажга эга бўлган шахслар тайинланадилар.

Юридик хизматнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: а) ташкилот фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш; б) ташкилотнинг ҳуқуқий масалаларини ҳал қилишда иштирок этиш; в) ташкилот фаолиятида қонунийликни таъминлаш; г) ташкилотнинг мулкӣ ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; д) ташкилотда қабул қилинадиган локал норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчиликка мувофиқлигини таъминлаш, агар қонунчиликка зид бундай ҳужжатлар қабул қилинган бўлса, уларни

¹ Постановление Совета Министров Республики Беларусь от 31 декабря 2008 г. № 2070 "О некоторых мерах, направленных на повышение роли и качества работы юридических служб. Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь от 27.01.2009 г., №19, ст., 5/29149

белгиланган тартибда бекор қилиш бўйича чоралар кўриш; е) ташкилот мансабдор шахсларига норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар бериш; ё) ташкилот манфаатларини судларда ва бошқа давлат органларида ҳуқуқий масалалар бўйича ҳимоя қилиш.

Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш шакллари.

Юқорида қайд қилинганидек ташкилотларда ҳуқуқий ишларни нафақат штатдаги юридик хизмат ходимлари, балки адвокатлар, юридик фирмалар ва якка тартибда фаолият юритадиган юристлар ҳам амалга оширишлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган¹.

Беларусь Республикаси Президентининг 2010 йил 1 сентябрдаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги 450-сонли Фармони билан юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш ваколати Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган. Беларусь Республикаси Адлия вазирлиги маълумотга кўра ҳозирги кунда Беларусь Республикасида 1199 та лицензияга эга бўлган юридик хизмат кўрсатиш субъектлари мавжуд бўлиб, улардан 249 таси юридик шахслар, 950 таси якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобланади².

Беларусь Республикасида адвокатура томонидан юридик ёрдам кўрсатиш ривожланган бўлиб, Адлия вазирлиги адвокатлик фаолиятига умумий ва услубий раҳбарликни амалга оширади, «Беларусь Республикасида адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга³ кўра адвокатура фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул

¹ Қаранг: Указ Президента Республики Беларусь 1 сентября 2010 г. № 450 “О лицензировании отдельных видов деятельности” //Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь 3 сентября 2010 г. № 1/11914; Постановление Министерства юстиции Республики Беларусь от 22 января 2016 г. № 12 “Об утверждении Правил осуществления деятельности по оказанию юридических услуг”// Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь 26 февраля 2016 г. № 8/30710; Постановление Министерства юстиции Республики Беларусь от 8 июня 2007 г. № 37 “Об утверждении Правил профессиональной этики лиц, осуществляющих деятельность по оказанию юридических услуг”// Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь 14 июня 2007 г. № 8/16644.

² См.: Список индивидуальных предпринимателей, имеющих специальное разрешение (лицензию) на право осуществления деятельности по оказанию юридических услуг и Список юридических лиц, имеющих специальное разрешение (лицензию) на право осуществления деятельности по оказанию юридических услуг. // https://minjust.gov.by/directions/advocacy/legal_services/

³ Закон Республики Беларусь "Об адвокатуре и адвокатской деятельности в Республике Беларусь" //Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь от 30января 2012 г., №2, 2/1884

қилади, бу фаолият турини лицензиялашни таъминлайди, ўз ваколатлари доирасида адвокатура фаолиятида қонунийликка амал қилиниши устидан назорат олиб боради. Адлия вазирлиги томонидан 2959 та адвокатлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилган. Ҳозирги кунда улар 161 та юридик маслаҳатхоналар ва 81 та адвокатлик бюрolari таркибида ҳамда 321 таси якка тартибда фаолият юритмоқда¹.

Юқоридагилар Беларусь Республикасида Адлия вазирлигига давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ҳамда ташкилотларга юридик хизмат кўрсатиш фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш борасида ҳуқуқий асослар етарли даражада шакллантирилганидан далолат беради².

Қозоғистон Республикаси ҳам ўзининг тарихий ривожланишида янги босқичга кўтарилиб, тегишли ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширган ҳолда бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодий тизимни шакллантирмоқда. Ушбу муҳим вазифаларни ҳал этишда юридик хизмат томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ишларга сезиларли ўрин ажратилмоқда³.

Қозоғистон Республикаси Президенти Аппарати, давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг (Қозоғистон Республикаси Парламенти палаталари – Сенат ва Мажилис ҳамда Ҳукумати), министрликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари (маслиҳат ва акимият), корхона ва муассасалар юридик хизматининг ҳуқуқий асослари тегишли органларнинг норматив ҳужжатлари⁴, шу жумладан Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2006 йил 9 ноябрдаги 1072-сонли Қарори билан тасдиқланган «Давлат органлари юридик хизмати тўғрисидаги Намунавий

¹ Қаранг: <https://minjust.gov.by/directions/advocacy>.

² Қаранг: Постановление Совета Министров Республики Беларусь от 31 октября 2001 г. № 1605 “Об утверждении положения о Министерстве юстиции Республики Беларусь”. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.minjust.by/min/index.htm>] свободный.

³ Қаранг: Юридическая служба на предприятии. – Алматы, Жеті жарғы, 1996. – 192 с.

⁴ Қаранг: Приказ Министра внутренних дел Республики Казахстан от 2 июня 2006 года № 254 «Об утверждении Положения о Юридическом департаменте Министерства внутренних дел Республики Казахстан» // http://mvd.gov.kz/portal/page/portal/mvd/mvd_page/min_activity/mvd_materials/mvd_m_legal_dep; Положение о Юридическом департаменте Министерства по инвестициям и развитию Республики Казахстан // <http://dep-jurid.mid.gov.kz/ru/pages/polozhenie-o-departamente-16>.

(Типовой) низом»¹ билан тартибга солинади. Ушбу Низом 15 бандни ўз ичига олган куйидаги 4 бўлимдан иборат: умумий қоидалар, юридик хизматни ташкил қилиш, юридик хизмат фаолияти, юридик хизмат ходимларини моддий рағбатлантириш. Умумий қоидаларда Низом билан барча давлат органлари юридик хизматини ташкил қилиш ва фаолиятига ягона талаблар ўрнатилган; юридик хизмат мустақил таркибий бўлинма сифатида ташкил қилиниши белгиланган; мазкур органлар ҳуқуқий ишларига Адлия вазирлиги ва бошқармалари услубий раҳбарликни амалга ошириши ҳамда уларнинг тавсиялари барча юридик хизматлар томонидан қўллаш мажбурий эканлиги; юридик хизматнинг асосий вазифалари кўрсатилган. Унга кўра юридик хизматнинг асосий вазифалари куйидагилар: вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижроия органлари ва уларга бўйсунувчи корхона, муассасалар фаолиятида қонунийликка риоя этилишини таъминлаш; юридик шахснинг мулкӣ ва бошқа ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳуқуқий воситалар орқали ҳимоя қилиш; Қозоғистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини тарғиб қилиш ва тушунтириш, умумий ҳуқуқий таълимни ташкил этиш; норматив ҳужжатлар, буйруқлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлашда иштирок этиш ҳисобланади. Давлат бошқарув органлари ва корхона, муассасаларда иш ҳажми, хусусияти ва мураккаблигига қараб раҳбарнинг ҳуқуқий масалалар бўйича ўринбосари, бош (катта) юрисконсулт, юрисконсулт лавозимлари киритилади ҳамда бу лавозимларга махсус юридик маълумотга эга бўлган шахслар тайинланадилар. Юридик хизматни тугатиш ёки қайта ташкил этиш, унинг ходимлари сонини қисқартириш юқори турувчи органнинг қарорига кўра амалга оширилиши лозимлиги тўғрисидаги норманинг Низомда белгиланганлиги юридик хизмат фаолиятининг муҳим кафолати ҳисобланади. Низомнинг учинчи бўлимида вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижроия органлар юридик хизмати ҳамда

¹ Қаранг: Постановление Правительства Республики Казахстан от 9 ноября 2006 года № 1072 “Об утверждении Типового положения о юридических службах государственных органов Республики Казахстан” //Информационно–правовая система нормативных правовых актов Республики Казахстан «Әділет» - <http://adilet.zan.kz/rus/docs/P060001072>.

уларга бўйсунувчи корхона, муассасалар юридик хизмати ваколатлари алоҳида бандларда, уларнинг ҳуқуқлари эса бир хил белгиланган. Давлат бошқарув органлари ваколатларининг ўзига хос жиҳатларидан бири улар зиммасига корхоналар ва муассасалар юридик хизмат ходимларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриши юклатилганлигидир. Низомда юридик хизматнинг ҳуқуқлари жумласига бошқалардан фарқ қилувчи қуйидаги ҳуқуқлар, яъни юридик хизмат норматив ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларига, агар улар амалдаги қонунчиликка мувофиқ бўлмаса виза қўйишни рад қилиши мумкинлиги; ҳуқуқий ишларни ташкил қилиш масалалари бўйича бўйсунувчи корхона ва муассасалар юридик хизмат ходимлари ижро қилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериши; қабул қилинаётган норматив ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар бўйича амалдаги қонунчиликка асосланган фикр ва тавсиялар бериши; раҳбариятнинг розилиги билан давлат органлари ва корхона, муассасалар ходимларини ҳуқуқий ўқитиш учун юридик хизмат ҳузурида контракт асосида ҳуқуқий ўқув мактаби ёки маслаҳат пункти ташкил этиш мумкинлиги тўғрисидаги нормалар белгиланганлиги уларнинг ҳар томонлама мавқеини оширишга хизмат қилади. Низомда, шунингдек, барча ходимлар учун белгиланган мукофотлаш тизими билан бир қаторда раҳбарларга давлат органи ва корхона, муассаса имкониятидан келиб чиқиб юридик хизмат ходимларини қўшимча моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатиш ҳуқуқи берилган.

Юқоридаги норматив ҳужжатлар билан бирга барча вазирлик ва идоралар ўзларининг фаолиятларидан келиб чиққан ҳолда, юридик хизматни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида ички норматив ҳужжатларни ҳам қабул қилганлар¹.

¹ Қаранг: Постановление Правительства Республики Казахстан от 7 июня 2000 года № 868 “О дополнительных мерах по повышению качества юридической работы в центральных и местных исполнительных органах”. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.zakon.kz/law/news/arhiv>] свободный.; Приказ Председателя Налогового комитета Министерства финансов Республики Казахстан 3 ноября 2002 года № 867 «О мерах совершенствования работы юридических служб территориальных органов Налогового комитета Министерства финансов Республики Казахстан». // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://base.zakon.kz>] свободный.

Германияда барча давлат органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда (компаниялар, корхоналарда ва ҳоказо) ҳуқуқий ишларни амалга ошириш учун юридик хизмат ташкил қилинади. Юридик хизмат давлат органлари ва компанияларнинг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, у - юридик бўлим, юридик гуруҳ, юрисконсулт шаклида ташкил қилинади.

Юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолияти махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан эмас, балки давлат органлари ва компанияларнинг ички ҳужжатлари (низомлар, мансаб йўриқномалари, меҳнат шартномаси) билан тартибга солинади. Лекин бу Германияда юридик хизматга оид умуман ҳеч қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас деган хулосага келиш учун асос бўлмайди. Чунки давлат органлари ва компаниялар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек, процессуал қонун ҳужжатларида юридик хизмат томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ишлар ва унинг фаолиятига оид бошқа нормалар, давлат хизматчилари тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган¹.

Масалан, Германиянинг Бремен шаҳридаги изоляция техникаси материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияда юридик бўлим ташкил қилинган. Юридик бўлимда бешта ходим, яъни бўлим бошлиғи, иккита юрисконсулт, иккита юрисконсулт ёрдамчиси ишлайди. Юрисконсулт лавозимига университетни битирган ва биринчи имтиҳонни муваффақиятли тугатган юристлар тайинланади². Юридик бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: ҳуқуқий масалалар бўйича компания раҳбарлари ва мутахассисларига маслаҳатлар бериш; шартномаларни (хўжалик ва меҳнат шартномаларини) тузишда иштирок этиш ва уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш; талабнома ишларини юритиш; судларда компаниянинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун тегишли

¹ Қаранг: Закон о федеральных чиновниках от 14 июля 1953 года в новой редакции от 27 февраля 1985 г.; Рамочный закон о праве чиновников от 1 июля 1957 года в новой редакции от 27 февраля 1985 г., Закон об окладах федеральных служащих от 27 июля 1957 года в редакции 3 декабря 1998 года, Положение о прохождении государственной службы в Федерации от 15 ноября 1978 г. в новой редакции от 8 марта 1990 г.; Федеральный дисциплинарный устав от 20 июля 1967 года. Электронный ресурс. Режим доступа: <http://www.legislature.ru>, свободный.

² Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.frg.ru>] свободный.

хужжатлар ва материалларни тайёрлаш ҳамда уларни адвокатларга тақдим этиш. Юридик хизмат ходимлари ҳам адвокат мақомини олишлари мумкин, аммо улар компанияда ишлаётган пайтида адвокат сифатида фаолият кўрсата олмайдилар.

Германияда компанияларнинг юридик хизмат ходимлари бизнинг мамлакатимиздагидан фарқли ўлароқ, судларда компания ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатига эга эмаслар. Бу вазифани тегишли судларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган адвокатлар амалга оширадилар. Аммо, суд мажлислари очик бўлганлиги сабабли юридик хизмат ходимлари ҳам барча фуқаролар сингари унда қатнашишлари мумкин. Адвокатларга компания даъвогар бўлганда даъво аризаларини ёки жавобгар бўлганда даъво аризасига юзасидан фикрномаларни ёзиш ва уларга илова қилиш учун зарур бўлган барча хужжатлар ва материалларни компания юридик хизмати тайёрлаб беради.

Адвокатларнинг касбий ҳуқуқ ва мажбуриятлари 1959 йил 1 августда қабул қилинган Федерал адвокатура тўғрисидаги Низом¹ билан тартибга солинади. Қонун кучига эга бўлган мазкур Низомга 1994 йил 2 сентябрдаги тузатишлар билан жиддий ўзгартишлар киритилган.

Германияда фуқаролик процесси адвокатнинг мажбурий равишдаги иштироки ёки унинг иштирокисиз амалга оширилади. Германия ФПКнинг² 78-§ мувофиқ округ (ландгерихт) ва бошқа барча юқори инстанция судларида тарафлар адвокат орқали ўз манфатларини ҳимоя қилишлари мумкин. Агар тарафлар адвокат орқали вакиллик қилиши мажбурий бўлмаган ҳолларда, низо судда тарафларнинг ўзи ёки фуқаролик процессуал муомала лаёқатига эга бўлган ҳар қандай шахсни вакил қилиш орқали кўриб чиқиши мумкин.

¹ Қаранг: *Давтян А.Г.* Гражданское процессуальное право Германии. – М.: Городец-издат, 2000. – С. 22.

² Қаранг: *Давтян А.Г.* Гражданское процессуальное право Германии. – М.: Городец-издат, 2000. – С.23; *Жалинский А., Рёрихт А.* Введение в немецкое право. – М.: Спрак, 2001. – С.518-541; *Правовая система Федеративной Республики Германии.* – Бонн, 1996. – 27 с.

Демак, бундай ҳолларда вакил сифатида компаниянинг юридик хизмат ходими иштирок этиши мумкин бўлади¹.

I боб бўйича хулосалар

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг объектив омили сифатида юридик хизматнинг ролини ошириш, унинг тушунчаси, моҳияти ва ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг тарихий ривожланиши ҳамда хорижий давлатларда юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятларини илмий тадқиқ қилиш қуйидаги хулосаларга асос бўлди:

1. Албатта, ҳар қандай давлатда демократия ва халқнинг фаровонлиги унинг ҳудудида ҳуқуқ-тартиботнинг нечоғли ўрнатилганлигига боғлиқдир. Бизга давлат ва ҳуқуқ назариясидан маълумки, «давлат» ва «ҳуқуқ» тушунчалари чамбарчас, бир-биридан ажралмас тушунчалардир. Ҳуқуқ асосан давлат томонидан ўрнатилади ва таъминланади. Давлатда ўрнатилган ҳуқуқ давлатнинг моҳиятини ёритиб беради, яъни, у қандай давлат (ҳуқуқий давлат, этатик давлат), унинг бошқарув тартиби, тузилиши, сиёсий режими ва бошқаларни ўзида акс эттиради. Шу билан бир қаторда ҳуқуқ фақатгина давлат фаолиятини таъминлаб турмасдан, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларнинг фаровон ҳаёт кечиришларига шароит яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг фикримизча, ҳуқуқий давлат – жамият ҳаётидаги аксарият ижтимоий муносабатлар оқилона ва адолатли, халқ иродасини ифода этувчи қонунлар билан тартибга солинган ҳамда қонунларнинг лозим даражада бажарилиши таъминланган инсонпарвар демократик давлатдир.

Фуқаролик жамияти эса - инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат мавжуд бўлган, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари юксак даражада таъминланган жамиятдир.

¹ Қаранг: Қандимов Э. Германия: адвокатура тизими // Инсон ва қонун. – 2002. – 22 сентябрь; Работа юристом в Германии. Рекомендации для иностранного специалиста // <https://www.lastrada.by/news/120/1343/>

Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизимининг оқилона ташкил этилганлиги демократик ҳуқуқий давлатни бунёд этишга, фуқаролик жамиятини шакллантиришга, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, қолаверса жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

2. Ҳар бир давлат органида, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда юридик хизмат ҳуқуқий ишларни амалга оширилишини таъминловчи алоҳида, мустақил тузилма сифатида мавжуд бўлиши тақозо этилади. Бусиз ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти ва бозор тизими нормал фаолият кўрсата олмайди.

Юридик хизматнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ўзига хос ўрни ва аҳамиятини янада бир бор таъкидлаб ўтиш жоиздир. Зеро, юридик хизмат ёрдамида, *биринчидан*, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат ноижорат ташкилотларда ҳуқуқий ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда қонун устуворлигини амалда таъминлаш; *иккинчидан*, хўжалик юритиш ва бошқарувнинг кундалик фаолиятида ҳуқуқ нормаларидан амалда фойдаланишни яхшилаш; *учинчидан*, жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларни амалиётга татбиқ қилишни таъминловчи механизмни ишлаб чиқиш; *тўртинчидан*, ҳар қандай қонун бузилишлар ва жиноятларнинг (айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг) олдини олиш; *бешинчидан*, мансабдор шахслар ва барча тоифадаги мутахассисларнинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш; *ва ниҳоят*, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг ходимлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини шакллантириш мумкин.

3. Собиқ иттифоқ даврида республикамизда юридик хизмат фаолиятига доир ҳукумат томонидан кўплаб қарорларнинг қабул қилинганлиги ва улардаги нормаларнинг такрорланиши – *биринчидан*, иттифоқ қонунлари ва ҳукумати қарорларини тўғридан тўғри ижро қилинмаганлигини; *иккинчидан*, маъмурий буйруқбозлик тизимида юқоридан кўрсатма кутиб ишлашга

раҳбарлар нақадар ўрганиб қолганлигини, *учинчидан*, кўп ҳолларда раҳбарлар юридик хизматга алоҳида ҳуқуқий мақоми ва фаолият йўналишига эга бўлган ўзига хос тузилма сифатида эмас, балки раҳбарнинг ҳар қандай топшириқларини бажарувчи ходим сифатида қараганлигини, *тўртинчидан*, юридик хизмат ҳамма корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда тегишли даражада ташкил этилмаганлигини ва тўлақонли фаолият юритиши таъминланманганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида юридик хизмат ҳамда тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишга оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда: *биринчидан*, давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари, давлат бошқарув органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми (вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги) белгиланди; *иккинчидан*, юридик хизматнинг алоҳида муҳим вазифалари ва ҳуқуқлари (мустақилликка қадар қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқли ўларок) қонунларда ҳам мустаҳкамланди; *учинчидан*, адлия органларининг давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатлари кенгайтирилди; *тўртинчидан*, илк бор давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмат ходимларига махсус унвонлар - мартаба даражаларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланган низом билан белгиланди; *бешинчидан*, тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатувчи давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари доираси ҳамда ваколатлари кенгайтирилди.

4. Мамлакатимизда юридик хизмат фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини ривожлантиришда хорижий давлатларнинг юридик хизмат фаолияти ҳуқуқий асосларини ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва умумлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, Россия Федерациясида миқёсидаги давлат органларининг юридик хизматини мустақкамлашга қаратилган Россия Федерацияси Президентининг Фармони, Ҳукуматининг қарори, вазирларнинг буйруқлари ҳамда улар томонидан тасдиқланган юридик хизмат тўғрисидаги низомлар тасдиқланганлиги, юридик хизмат тизими белгиланганлиги, сўнгги йилларда юридик хизмат фаолиятига оид ўқув ва амалий қўлланмалар, монографиялар, илмий мақолалар чоп этилаётганлиги, илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётганлиги эътиборга молик. Шунингдек, Россия Федерацияси Парламенти – Федерал Мажлис (Федерал Кенгаш ва Давлат Думаси), Россия Федерацияси Президенти Администрациясида мустақил юридик хизматлар ташкил қилинган, масалан Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат Думаси Девонининг Ҳуқуқий бошқармаси таркиби 10 та бўлимдан иборат бўлиб, Давлат Думасининг энг йирик ва асосий бўғинларидан бири ҳисобланади.

Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Юридик хизмати – Шартномавий-ҳуқуқий департаментининг диққатга сазовор жиҳатлари куйидагиларда намоён бўлади: *биринчидан*, унинг таркибига Жиноий-ҳуқуқий бошқарма; Хизмат ҳуқуқий бошқарма; Маъмурий-ҳуқуқий бошқарма; Ҳуқуқий ахборот бошқармаси; Ташкилий бошқарма; Суд-даъво ишларини ташкил қилишни бошқармаси; Халқаро-ҳуқуқий бошқарма киради; *иккинчидан*, у ўз тимсолига, юридик хизмати гимни ва ҳуқуқий тузилмаси маршига эга; *учинчидан*, 19 апрель Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги тизими юридик хизмати куни сифатида байрам қилинади.

Худди шунингдек, Қуролли кучлар юридик хизматининг ўзига хос жиҳатларидан бири у ўз эмблемасига эгалигидир. Россия Федерациясида Қуролли кучлар юридик хизмати ходимларини маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилади. Бу борада Россия Федерацияси Президентининг Фармони билан 29 март – Россия Қуролли кучлари юридик хизмати мутахассиси куни деб белгиланганлиги ҳам диққатга сазовор. Россия Федерацияси Мудофаа вазирининг буйруғи билан «Россия Федерацияси

Қуролли кучлари юридик хизмати» Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги кўрак нишони таъсис этилиб, унинг низоми тасдиқланган.

Россия Федерацияси Бош прокуратурасида ҳам юридик хизмат вазибаларини амалга ошириш учун муваққил таркибий тузилма сифатида Ҳукуқий бошқармаси ташкил қилинган бўлиб, унинг фаолияти Россия Федерацияси Бош прокурори томонидан тасдиқланган «Россия Федерацияси Бош прокуратураси Ҳукуқий бошқармаси тўғрисидаги Низом» билан тартибга солинади. Низомда Ҳукуқий бошқарманинг тузилиши, вазибалари, функциялари, ҳуқуқлари, бошқарма ходимларининг ваколатлари, ишни ташкил қилиш тартиби белгиланган.

Беларусь Республикасида ва Қозоғистонда ҳам юридик хизматнинг ролини ошириш ва ишлари сифатини кўтариш мақсадида Ҳукумат қарорлари билан давлат бошқаруви органлари ва давлат ташкилотлари юридик хизмати тўғрисида Намунавий низомлар тасдиқланган. Намунавий низомлардаги нормаларнинг ўзига хос жиҳатлари қаторига – *биринчидан*, давлат бошқарув органлари Намунавий низом асосида ўзига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ички низомларни тасдиқлашлари лозим; *иккинчидан*, юридик хизмат қонун ҳужжатларига зид бўлган норматив ва бошқа ҳукуқий ҳужжатлар лойиҳаларига эътирозлар билан виза қўйиб, ўз эътирозларини лойиҳага илова қилиши; *учинчидан*, юридик хизмат ходимига ноқонуний таъсир кўрсатишга уриниш ёки ўз вазибаларини бажарганликлари учун уларни таъқиб қилиш давлат органи раҳбарияти томонидан зудлик билан тўхтатилиши, айбдор шахслар эса жавобгарликка тортилиши лозимлиги; *тўртинчидан*, ташкилотларда ҳукуқий ишларни нафақат штатдаги юридик хизмат ходимлари, балки адвокатлар, юридик фирмалар ва яқка тартибда фаолият юритадиган юристлар ҳам амалга оширишлари мумкинлигини киритиш мумкин.

II БОБ.

ЮРИДИК ХИЗМАТ ТИЗИМИ, ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ҒАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1-§. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизими

Мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида юридик хизмат тизимини такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий мақоми асосларини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутди. Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ҳуқуқий ишларнинг самарадорлигини ошириш мустақил давлатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш вазифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу муҳим вазифани амалга оширишда бошқа органлар билан бир қаторда, юридик хизматнинг аҳамияти беқиёсдир.

Бизга маълумки, сўнгги йилларда юрист, айниқса, тадбиркорлик субъектларида, шу жумладан, хусусий корхоналарда юрисконсулт лавозими тобора оммавийлашиб бормоқда¹. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, юридик хизмат давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг энг муҳим фаолият турларидан бири бўлиб, ушбу хизматсиз уларнинг самарали фаолият кўрсатиши қийин.

Маълумки, юридик хизмат давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча бўғинларида (парламент, ҳукумат, вазирлик, давлат қўмитаси, агентлик, ҳокимлик ва бошқаларда), хўжалик бошқаруви органлари (компания, уюшмаларда ва ҳоказо), хўжалик юритувчи субъектларда (корхона, муассаса, ташкилотларда) ҳам мавжуд. Бироқ, давлат ҳокимиятининг олий органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидаги ҳуқуқий ишлар хусусиятлари, ҳажми ва йўналишлари бир-биридан муайян даражада фарқ қилади. Чунончи,

¹ Батафсил қаранг: *Жалинский А.Э.* Профессиональная деятельность юриста. – М.: Юристъ, 1997. С.151; Введение в юридическую специальность. /А.А.Абдурахманов, А.А.Гришин и др.; под ред. А.П.Коренева.- М.: Щит-М. 1999. – 144 с.; Профессиональные навыки юриста: Опыт практического обучения /Л.А.Воскобитова. Л.П.Михайлова и др.; под. ред. Л.А.Воскобитова тахрири остида – М.: Дело, 2001. – 416 с.

иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳуқуқий ишлар хусусиятлари, ҳажми ва йўналишлари турличадир¹. Шу сабабли, турли давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг моҳиятини аниқлашда, ушбу масалага тизимли ёндашиш муҳим аҳамиятга эга.

Юридик адабиётларда юридик хизмат кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ масалалар, аксарият ҳолларда, халқ хўжалигида ҳуқуқий ишларнинг асосий йўналишлари бўйича ёритиб берилган². Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, қайд этилган гуруҳга мансуб юридик хизмат субъектлари фаолиятининг асосий вазифаси бевосита иқтисодиётда тартиб ўрнатишга қаратилгандир.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида рўй бераётган ўзгаришлар, айниқса, парламентнинг ислоҳ қилиниши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларининг аниқ белгилаб қўйилиши, давлат бошқарувида маъмурий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши юридик хизмат тизимида ҳам муайян таркибий янгилинишларни амалга оширилишини тақозо этмоқда. Шу сабабли, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ташкил қилиш борасидаги ўзгаришлар оқибатида уларнинг юридик хизмати ҳам бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилмоқда.

Хусусан, мустақил давлатимизда қонунчилик ҳокимиятининг роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида икки палатали, яъни Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат бўлган Парламент шакллантирилган³, бозор

¹ Бу масалага юридик адабиётларда ҳам эътибор берилган. Қаранг: *Шор Л.М.* Организация юридической службы на предприятиях и совнархозе. – М.: Госюриздат, 1964; *Аристарков Ю.М.* и др. Правовая работа на промышленном предприятии – М.: Юрид. Лит. 1972; *Бухаловский О.Н.* Юридическая служба в народном хозяйстве – Воронеж: Изд-во Воронежского ун-та. 1976; *Отахонов Ф.Х.* Проблемы юридической службы органов управления Республики Узбекистан. – Т.: “Адолат”, 1993, – С.49; *Отахонов Ф.Х.* Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (ўқув қўлланма) – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2003, –27-37 б.

² *Солдатова В.И.* Правовая работа в народном хозяйстве: понятие, задачи и пути совершенствования. // Ж. Сов. гос. и право. – 1988. – № 2. – С. 60-65; *Хангельдыев Б.Б.* Методические руководства органов юстиции правовой работой в народном хозяйстве. // Проблемы совершенствования советского законодательства. Труды ВНИИСЗ. – М.: т.34, 1986, С. 80-90; *Правовая работа в условиях перестройки.* – М. ИГПАН, 1989.– С. 150.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 40 б.; Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2002. – №12. – 213-модда; Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2002. – № 12. – 215-модда.

ислохотларининг талабларига мувофиқ иқтисодий ва бошқаришни янада эркинлаштириш, хўжалик бирлашмалари фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида хўжалик бошқарув органларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, асосий вазифалари ва функциялари қонун ҳужжатларида белгиланган¹, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва амалиётда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни хўжалик юритувчи субъект сифатида умумий ном билан юритиш одатий ҳолга айланган².

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари юридик хизмати деганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати юридик бўлимлари, Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармаси тушунилади.

Қорақалпоғистон Республикасида эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви Олий органлари – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде Давлат-ҳуқуқ бўлими ва Вазирлар Кенгаши Юридик хизмати фаолият кўрсатмоқда³.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари юридик хизматининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва масъулияти мазкур органлар томонидан тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси юридик хизмати. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги “Хўжалик бошқарув органлари тизimini такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3366-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2003. – №24. – 236-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, – 1998. – № 9. – 170-модда; Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1999. – № 1. – 8-модда.

³ Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тузилмаси <http://parliamentrk.gov.uz/ru/about/organizacionnaja-struktura/>; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг юридик хизматининг функционал вазифалари тўғрисидаги Низом // <http://karakalpakstan.uz/uz/page/show/244>.

палатаси тўғрисида»¹ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»²ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатлар фаолиятига хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони томонидан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг юридик бўлими Қонунчилик палатаси Девони таркибига киради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси юридик бўлимининг асосий вазифалари ва функциялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг 2018 йил 2 июлдаги 229-сон Фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисида»³ги Низомида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси юридик бўлими бўлим мудирини, унинг ўринбосарини ҳамда ходимларидан иборат. Юридик бўлимнинг тузилмаси, штатлари, меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдори, моддий-техника таъминоти шароитлари, шунингдек уларни сақлашга кетадиган харажатлар Қонунчилик палатаси Спикери томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг юридик хизмати.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»⁴ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни, «Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2002. – № 12. – 215-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. - № 3-4. – 18-модда.

³ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг 2018 йил 2 июлдаги 229-сон фармойиши билан тасдиқланган.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2002. – № 12. – 213-модда.

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, унинг органлари ҳамда Сенат аъзолари фаолиятига хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг юридик бўлими Сенат Девони таркибига киради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати юридик хизматининг асосий вазифалари ва функциялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 18 апрелдаги 23-І-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида»ги Низомда¹ ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати юридик бўлими бўлим мудир, бўлим мудир ўринбосари ҳамда юридик бўлим ходимларидан ташкил топган. Улар Сенат Раиси томонидан лавозимига тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади. Юридик бўлим ходимларининг меҳнат муносабатлари Сенат ваколатлари муддатига боғлиқ бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик хизмати.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»²ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларига тайёргарлик кўриш, тегишли қарорлар лойиҳаларини, таҳлилий, ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун Вазирлар Маҳкамасининг девони фаолият кўрсатади. Вазирлар Маҳкамасининг девони ва унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 31 июлдаги КҚ-216-ІІІ-сонли Қарори билан тасдиқланган- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2017.

² Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2003. – № 9-10. – 138-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасида юридик хизмат функциясини Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармаси амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 августдаги 616-сон Қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармаси тўғрисида»¹ги Низом тасдиқланган. Бошқарма жумладан Вазирлар Маҳкамаси, унинг Раёсати, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси девони фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи функционал таркибий бўлинма ҳисобланади. Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади ва Вазирлар Маҳкамаси девони бошқарувчисига бўйсунди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Бошқарма тузилмасига Ҳуқуқий экспертиза ҳамда Ташқи алоқаларни ривожлантириш, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги, халқаро шартномалар экспертизаси бўлимлари киради. Бошқармада бошқарма бошлиғи, бўлимлар мудирлари, бош мутахассислар, етакчи мутахассислар, шунингдек инспекторлар фаолият юритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши юридик хизмати.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси юридик хизмати Давлат-ҳуқуқ бўлими деб номланган бўлиб, унинг Аппарати таркибига киради. Бўлимнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 2005 йил 22 июндаги 25-сон Қарори билан тасдиқланган «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Котибияти тўғрисида Низом»²да белгилаб қўйилган.

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармаси тўғрисида низомни тасдиқлаг ҳақида» ги 616-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси ҳукумат қарорлари тўплами. – 2018 йил, август.

² Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг жорий архиви.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Давлат-хуқук бўлимининг функциялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари юридик бўлимларининг функцияларига ўхшашдир.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши таркибий бўлинмаси сифатида Юридик хизмат ташкил қилинган бўлиб, у бевосита Вазирлар Кенгаши Раисига бўйсунди. Юридик хизматнинг вазифалари, функциялари, хуқуқлари ва жавобгарлиги, тузилмаси ва фаолиятини ташкил этиш масалалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги 868-сонли қарори билан тасдиқланган «Вазирлар Кенгаши юридик хизматининг функционал вазифалари тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади¹.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тузилмаларининг ҳокимият ваколатларини қисқартириш, давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини аниқ чегаралаб қўйиш, шунингдек республика давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 2003 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»²ги ПФ-3350-сон Фармони қабул қилинган. Фармонга мувофиқ вазирликлар, давлат кўмиталари, кўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари (марказлар, инспекциялар) республика давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

Республика давлат бошқаруви органларининг асосий вазифалари ва функцияларига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси қонунлари,

¹ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши веб-сайти // <http://sovminrk.gov.uz/uz/pages/show/6624>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-3350-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2003. – № 23. – 229-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш; ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш; мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш; инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш; тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш; солиқлар, божхона тўловларини йиғиш, давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга ошириш¹.

Бозор ислоҳотларининг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштириш, маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқаруви меъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш, хўжалик бирлашмаларини унификациялаш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2003 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»²ги ПФ-3366-сон Фармони қабул қилинган. Фармонга мувофиқ қуйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари хўжалик бошқаруви органлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-3350-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2003. – № 23. – 229-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3366-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2003. – № 24. – 236-модда.

ҳисобланади: таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари; муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқсиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар.

Республика хўжалик бошқарув органлари жумласига – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик компанияси, “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси, “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси, “Ўзкимёсаноат” акциядорлик компанияси, “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти, “Ўзшаробсаноат” акциядорлик жамияти, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва бошқалар кирди¹.

Бошқарув органлари фаолиятида қонунчиликни таъминлаш, тармоқдаги ҳуқуқий ишлар аҳволини яхшилаш мақсадида кўпчилик вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва бошқа органларда юридик хизмат ташкил этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида – Шартнома-ҳуқуқ департаменти², Қишлоқ хўжалиги вазирлиги³ ва Сув хўжалиги вазирлигида⁴ – Юридик бошқарма, Давлат солиқ кўмитаси⁵ ва Давлат божхона кўмитасида⁶ – Юридик бўлим, Қурилиш вазирлигида⁷ – Юридик бюро

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали// <https://gov.uz/uz/organizations/kind/economic>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3654-сонли Қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 й., 07/18/3654/1024-сон.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3671-сонли Қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2018 й., 07/18/3671/1085-сон.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3672-сонли Қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2018 й., 07/18/3672/1086-сон.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли Қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.06.2018 й., 07/18/3802/1402-сон.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3665-сонли Қарори //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 07/18/3665/1071-сон.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3646-сонли Қарори Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2018 й., 07/18/3646/0981-сон.

тузилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмигада¹ – бош юрисконсулт лавозими штат жадвалида назарда тутилган. Шунингдек, маҳаллий бошқарув органлари тузилмасида ҳам юридик хизмат ходимлари лавозими штатлар жадвалига киритилган.

Юқорида қайд этилган барча органларнинг юридик хизмати томонидан олиб бориладиган вазифалар амалга ошириш доираси бўйича иккита гуруҳга бўлинади. Биринчиси – юридик хизмат вазифаларини бевосита бошқарув органининг марказий (ижроия, ишчи) аппаратида амалга ошириш, иккинчиси – бошқарув органига бўйсунувчи ёки таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматига раҳбарлик қилиш.

Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юридик хизмати.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида ҳуқуқий ишларни амалга ошириш учун юридик хизмат ташкил қилинади. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сонли «Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»²ги Қарорига мувофиқ вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг Намунавий тузилмаларида – юридик хизмат (бошлиқ ва бош юрисконсулт), барча шаҳарлар ҳамда туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг Намунавий тузилмаларида эса – бош юрисконсулт лавозими назарда тутилган ва улар бевосита ҳокимга бўйсунуши белгилаб қўйилган. Бу эса ўз навбатида юридик хизматнинг вилоят, туман, шаҳарлар ҳокимликлари фаолиятида тутган ўрни ва мавқеини оширишга хизмат қилмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмига фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3668-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2018 й., 07/18/3668/1080-сон.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3374-сонли қарори таҳририда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.11.2017 й., 07/17/3374/0208-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5497-сонли Фармони таҳририда // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.08.2018 й., 06/18/5497/1604-сон.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўтган давр мобайнида мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада, ташкилий ҳуқуқий шакли акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамият, кўшимча масъулиятли жамият, хусусий корхона ҳамда хўжалик ширкатлари, фермер хўжаликлари кўринишида бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони бир неча минг бараварга кўпайди. Уларнинг фаолиятида қонунчиликни таъминлаш, шартнома ва меҳнат интизомига риоя қилиш устидан назорат қилиш, мулкни сақлашни ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш, мансабдор шахслар ва мутахассисларнинг ҳуқуқий савиясини кўтариш ҳамда бошқа ҳуқуқий ишларни амалга оширишда юридик хизматнинг роли муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар) юридик хизматини ташкил қилиш ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»¹ги Қонуни ва ички низомларда белгилаб қўйилган.

Хўжалик юритувчи субъектларда амалга ошириладиган ҳуқуқий ишларнинг салмоғи, ходимларнинг, таркибий тузилмаларнинг сони ва бошқа мезонларга кўра юридик хизмат – юридик бўлим, юридик гуруҳ, юридик бюро шаклларида мустақил таркибий тузилма сифатида ёки бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт, юрисконсулт лавозимларини штатлар жадвалига киритиш орқали ташкил қилинади.

2-§. Ўзбекистон Республикасида юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, хўжалик бошқарув органларида, шунингдек кўпгина хўжалик юритувчи субъектларда юридик

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 170-модда.

хизмат ўзига хос равишда алоҳида субъект эмас, балки субъект тузилмаси, унинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Маълумки, юридик шахснинг асосий белгиларидан бири унинг ташкилий бирлиги ҳисобланади. Ташкилий бирлик – бу юридик шахснинг муайян ташкилий қисмларидан иборат бўлиб, улар яхлит ҳолда, бир бутунликда ягона субъект сифатида мавжудлигини англатади¹. Масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг бир тури сифатида корхона – бу юридик шахс. Демак, ташкилий бирлик сифатида мавжуд. Корхона таркибидаги тузилма бўлган юридик хизмат бир бутуннинг алоҳида қисмидир. У корхонадан ташқарида алоҳида мустақил ҳолда мавжуд бўла олмайди. Ҳуқуқий муносабатларда иштирокчи-субъект сифатида бевосита корхона қатнашади. Бироқ бу дегани юридик хизмат тузилмаси алоҳида тадқиқот объекти бўлишига муносиб эмас деган маънони англатмайди. Корхонанинг тўлақонли фаолиятини таъминлаш, унинг олдида турган мақсад ва вазифаларни бажариш учун корхонанинг барча таркибий тузилмалари, шу жумладан юридик хизмат ҳам қатъий ва доимий равишда ўз ваколатларини лозим даражада амалга ошириши талаб этилади. Юридик хизмат корхона ташкилий тузилмасида ўзига хос бирлик сифатида ички муносабатларда нисбий мустақилликка эга. Ушбу мустақиллик, энг аввало, унинг бошқа тузилмалар билан бўлган муносабатларида (бу ўзига хос горизонтал муносабатлар бўлиб ҳисобланади) ҳам, шунингдек, муассаса мансабдор шахслари билан бўлган муносабатларда ҳам намоён бўлади. Юридик хизмат тузилмаси ушбу ички муносабатларда ўз номидан қатнашади, ўз номидан ҳаракатлар содир этади ва ушбу ҳаракатлар учун муайян ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради. Юридик хизмат фаолиятини корхоналар миқёсида яхшилаш, унинг мақсадли фаолиятини амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш масаласи

¹ Батафсил қаранг: Гражданское право: В 2 т. Том I: Учебник /Отв. ред. проф. Е.А.Суханов.-2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство БЕК, 2000. С. 183-184.; Хозяйственное право: Учебник / Под ред. В.В.Лаптева.-М.: Юрид.лиТ.: 1983. - 45 с.; *Зокиров И.* Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. – Т.: “Адолат”, 1996. – 52 б.

нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Демак, юридик шахснинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда унинг таркибий тузилмалари, шу жумладан юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми белгиланади. А.Н.Чашиннинг нуқтаи назарича, юридик хизмат ўз фаолиятини белгиланган муайян ҳуқуқлар доирасида ва асосида ҳамда мажбуриятларини бажариш мақсадида амалга оширади. Юридик хизматнинг мана шу барча ҳуқуқ ва мажбуриятларининг умумий ҳажми унинг ҳуқуқий мақомини ташкил этади¹.

Давлат ва хўжалик бошқарув органлари функционал таркибий тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми, қоида тариқасида², уларнинг раҳбарлари ёки ваколат берилган шахслар томонидан тасдиқланадиган ички низомлар билан белгиланади. Аммо уларнинг таркибий тузилмаси сифатида фаолият юритадиган юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар асосида тасдиқланадиган ички низомлар билан тартибга солинади.

Юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми моҳиятини очиб беришда юридик хизмат ходимлари лавозимларини эгаллаш тартиби ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат муайян тизимга эга бўлганлиги туфайли юридик хизмат ходимлари лавозимларини эгаллаш тартиби ва уларга қўйиладиган талаблар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси юридик бўлими бошлиғи ва ходимлари Қонунчилик палатаси Девони раҳбарининг

¹ Чашин А.Н. Юридическая служба В Российской Федерации: учебное пособие.– М.: ЗАО ИКЦ “ДИС”, 2005. – С.13

² *Изоҳ:* давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар бош бухгалтери, бухгалтерия ҳисоби хизматининг ҳуқуқий мақоми норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сон қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”нинг 1-иловасида келтирилган “Банк тизимининг бош бухгалтерлари тўғрисида Намунавий низом”да бош бухгалтернинг вазифалари, ҳуқуқлари ва масъулияти белгиланган // ЎР ҚХТ, 2008 й., 28-сон, 276-модда.

фармойиши билан Қонунчилик палатаси Спикери билан олдиндан келишган ҳолда лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади¹. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Юридик бўлими бошлиғи ва ходимлари Сенат раиси томонидан лавозимига тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади². Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик хизматининг ходимларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармаси тўғрисида»ги Низомда аниқ белгиланмаган, аммо Бошқарма бошлиғи «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»³ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси девонининг бошқа асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари каби Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимига тайинланади. Бошқарманинг бўлим мудирлари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари лавозимга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда тайинланадилар ва озод қилинадилар.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, шунингдек ҳудудий даражадаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари лавозимга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент

¹ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг 2018 йил 2 июлдаги 229-сонли Фармойиши билан тасдиқланган.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 31 июлдаги КҚ-216-III-сонли Қарори билан тасдиқланган- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2017.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 2003. – № 9-10. – 138-модда.

шаҳар адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда тайинланадилар ва озод қилинадилар¹.

Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган Низом² талабларига мувофиқ амалга оширилади.

«Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида»ги Низомга мувофиқ давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик хизмат ходими ёхуд юрисконсулт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган ёки Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс ишлаши мумкин. Юридик хизмат бошлиғи лавозимида юқорида белгиланганларга қўшимча равишда юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш талаб этилади. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар юридик хизмат ходими ва юрисконсулт ёрдамчиси лавозимида ишлаши мумкин эмас.

Юридик хизмат ходими лавозимида биринчи марта тайинланган шахслар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 40-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган Низомда³ белгиланган тартибда адлия органларида стажировкадан ўтадилар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низом //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 30 январь, 4-сон, 50-модда

² Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган “Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисида”ги Низом //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 140-модда, 10.01.2018 й., 10/18/2864-1/0539-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 40-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходими лавозимида биринчи марта тайинланган шахсларнинг адлия органларида стажировкадан ўтиши тартиби тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 138-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.05.2018 й., 10/18/2862-1/1275-сон.

Юрисконсулт ёрдамчиси лавозимида олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлган ёхуд Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс, шунингдек, олий таълим муассасасининг «Юриспруденция» мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалаврият босқичининг битирувчи курси талабаси ёки магистранти ишлаши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати ходимларининг лавозимларини эгаллаш тартиби уларнинг ички ҳужжатлари билан ўрнатилади. Улар ўзларининг ички ҳужжатларини ишлаб чиқишда «Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида»ги Низомдан намуна сифатида фойдаланишлари мумкин.

Мамлакатимизда ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар томонидан юридик хизмат ходимлари лавозимларини эгаллаш тартиби, уларни тайёрлаш ва малакаларини ошириш тўғрисида турлича фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда.

К. Қодировнинг таъкидлашича, корхонадаги юридик хизмат ходимлари асосан ички ишлар, прокуратура, суд тизимидан келган (нафақага чиққан) мутахассислардан ташкил топади, улар узоқ йиллар мобайнида шу тизимларда ишлаб, асосан жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича ихтисослашадилар ва хўжалик қонунчилиги, жумладан, шартнома муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари тўғрисида етарли даражада билимга эга эмасликлари сабабли, янги соҳага кўникишлари ва зарурий тажриба тўплашларига тўғри келади. Ушбу жараён эса анча кўп вақтни талаб этади¹. Ушбу фикрга тўлиқ қўшилмасак-да, юридик хизмат ходими сифатида ўз меҳнат фаолиятини давом эттирмоқчи бўлган суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг собиқ ходимлари учун Ўзбекистон

¹ Қодиров К. Хўжалик шартномаси: расмийлаштириш тартиби, бажарилишини таъминлаш усуллари ва амалиёти. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 18 б.

Республикаси Адлия вазирлигининг Юристар малакасини ошириш марказида махсус (предметларни ўзлаштиришига қараб) 3 ёки 6 ойлик курслар ташкил қилинса ва тегишли гувоҳнома берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. К.Синдоров қишлоқ хўжалиги корхоналарига юридик хизмат кўрсатувчи кичик юрист-иқтисодчи кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш лозимлигини қайд этиб, уни республика бўйича ҳозирда 80 мингдан ортиқ (2018 йил 1 январь ҳолатига 160 мингдан ортиқ¹) фермер хўжалиги фаолият юритаётганлигини ҳисобга олганда ва уларнинг ҳар бештаси учун 1 нафар кичик юрист-иқтисодчи ходим зарур бўлганда, 20 минг нафар кадр талаб этилади ҳамда бу вазифани ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари уддалай олмасликлари табиий, шу сабабли республикамиздаги мавжуд қишлоқ хўжалиги коллежлари, молия ва иқтисод, ҳуқуқшунослик ўрта махсус ўқув юртларида бундай бўлимлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади² - деб асослантиришга ҳаракат қилади. Аммо, К.Синдоровнинг бундай фикрига қўшилиб бўлмайди, чунки биринчидан, амалдаги қонунчиликка кўра юридик хизмат ходими (юрисконсулт) олий юридик маълумотга эга бўлиши лозим; иккинчидан, кичик юрист-иқтисодчиларни тайёрлаш учун ҳам коллежлар етарли даражада малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминланиши керак; учинчидан, ҳатто, олий маълумотли юристарни иқтисодиёт тармоқларида юрисконсулт сифатида ишлашнинг тизимли тарзда ҳал қилиш масаласига етарли эътибор берилмаяпти. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари мавжудлиги ҳам маълум. Шу сабабли, иқтисодиёт тармоқларига юрист кадрларни жалб қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини ҳал этиш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда республикамизнинг бир қатор касб-ҳунар коллежларида «хўжалик ҳуқуқий фаолият» мутахассислиги бўйича қабул эълон қилиниб, ўрта махсус маълумотли «юристар» тайёрланаётганлигини

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 январдаги “Фермер хўжаликларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 25-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.01.2018 й., 09/18/25/0599-сон.

² Синдоров К. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 161 б.

қайд қилиш лозим. Масалан, Тошкент юридик коллежи, Фарғона ҳуқуқшунослик коллежи, Тошкент юридик касб-хунар коллежи, Тошкент геодезия ва картография коллежи, Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежи ва бошқаларда бундай кадрлар тайёрланмоқда¹. Аммо, уларнинг кўпчилиги кейинчалик юридик олий ўқув юртларига кириш мақсадида ўқийдилар ёки битирганлари кўпинча мутахассислик бўйича ишга жойлаша олмайдилар.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бошқарув органлари, давлат корхона, ташкилот ва муассасалари юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми бир қатор қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган низомларда муайян даражада белгилаб қўйилган².

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси юридик бўлими зиммасига жумладан, Қонунчилик палатаси Кенгашининг ёки қонун лойиҳаларини тайёрлаш учун масъул бўлган қўмиталарнинг топшириғига биноан Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларини, шунингдек Қонунчилик палатаси қарорлари, баёнотлари, мурожаатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш ва юридик техника жиҳатидан расмийлаштирилишига ягона ёндашувни таъминлаш каби бир қатор муҳим вазифалар юклатилган³.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати юридик бўлимининг асосий вазифалари Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга тақдим этилган қонун лойиҳалари ва Сенат қарорлари юзасидан ҳуқуқий экспертиза ўтказиш

¹ Қаранг: Ма'rifat. – 2005. – 25, 29 июнь

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 170-модда; “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1993. – № 3. – 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2005. – № 3-4. – 149 модда; «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – № 48-49. – 496-модда ва бошқалар.

³ Қаранг: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг 2005 йил 7 апрелдаги фармойиши билан тасдиқланган

ҳамда Сенат органлари ва сенаторлар фаолиятига юридик ёрдам кўрсатишдан иборат¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари юридик хизмати фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишдан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик хизматининг ҳуқуқий мақоми ҳукумат қарори билан тасдиқланган махсус низом билан белгиланган бўлиб, унда бошқарма фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, бошқарманинг тузилмаси ва бошқарма фаолиятини ташкил этиш тартиби батафсил ёритилган. Мазкур низомнинг бошқа юридик хизмат тўғрисидаги низомлардан фарқли жиҳатларидан бири унда бошқарма бошлиғидан бошлаб то инспекторгача бўлган бошқарма ходимларининг вазифалари ва функциялари аниқ белгилаб қўйилган.

Бошқарма қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини хорижий ҳуқуқ амалиёти мисолида чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида ҳамда улардаги мавжуд нормаларни амалга ошириш аниқ механизмларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжудлиги, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловлар жорий этувчи қоидалар ва нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказди, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар тайёрлайди².

Давлат ва хўжалик бошқарув органлари фаолиятини ташкил қилишда уларнинг таркибий тузилмаси бўлган юридик хизматнинг роли ҳам беқиёсдир.

¹ Қаранг: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2005. - № 3-4. – 149-модда

²Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармаси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 616-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси ҳукумат қарорлари тўплами. – 2018 йил, август.

Мамлакатимизда иқтисодий ва маъмурий ислохотларни амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ваколатларини аниқ чегаралаш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклашда ҳам муҳим ўрин тутди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ (кейинги ўринларда – Ҳаракатлар стратегияси) мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш; «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу борада «Давлат бошқаруви асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган бўлиб, қонун лойиҳасида давлат бошқаруви асослари, давлат бошқаруви органлари турлари (вазирлик, давлат қўмитаси, агентлик, инспекция, марказ), уларнинг вазифа ва ваколатларини белгилаш мезонлари тартибга солиниши белгиланган. Бу ўз навбатида мазкур органлар юридик хизмати фаолиятини самарали ташкил этишни зарурият қилиб қўймоқда.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари юридик хизмати тегишли тизимда унинг ваколатлари киритилган масалалар доирасида ўз фаолиятини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.

амалга оширади. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини ташкил қилишнинг самарадорлик даражаси ҳам бевосита уларнинг юридик хизмати қай даражада йўлга қўйилганлиги билан узвий боғлиқдир.

Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари юридик хизматининг асосий вазифаси ҳокимлик фаолиятида қонунийликни таъминлаш ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий ишларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида маҳаллий ҳокимият органлари роли ва мавқеини янада ошириш баъзи ваколатларни марказдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига босқичма-босқич топшириш, жойларда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш мақсадида ҳокимият вакиллик органлари, ҳокимлар ваколатларини кенгайтириш ва аниқлаштириш уларнинг зиммаларига юклатилган вазифаларни бажарилиши учун масъулиятни ошириш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва таъсирини янада оширишда юридик хизматнинг ўрни ҳам каттадир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматининг фаолияти асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда қонунийликни таъминлаш, шартномавий муносабатларни тартибга солиш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судда ва бошқа органларда ҳимоя қилишда намоён бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект юридик хизмати хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг ҳуқуқий таъминланишини ташкил этади. Бундан ташқари, шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»¹ги Қонунида юридик хизматнинг шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 170-модда.

борасидаги вазифалари белгиланган. Хусусан, ушбу Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати: хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади; шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради; хўжалик шартномалари бажарилиши устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади; хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган хўжалик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади; тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асосланган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради; шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади. Қонунда шунингдек тарафлар хўжалик шартномаларини тузиш учун хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёзма хулосасини олишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини ёритишда унинг ҳуқуқи, мажбурияти ва жавобгарлигига оид масалалар ҳам муҳим ўрин тутади. Юқорида қайд этилган Низомнинг 18-бандига¹ мувофиқ юридик хизмат куйидаги ҳуқуқларга эга: 1) давлат органи ва ташкилотига келиб тушаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш; 2) давлат органи ва ташкилоти, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларнинг мансабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низом //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 30 январь, 4-сон, 50-модда.

олиш; 3) раҳбарият томонидан чақириладиган ҳуқуқий масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш; 4) раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли тузилма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, ҳуқуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш; 5) қонунчиликка зид бўлган, қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ижрочиларига пухта ишлаш учун қайтариш, ўз эътирозларини асослаган ҳолда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳуқуқий хулосалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа тузилмалар билан биргаликда ушбу лойиҳаларни пухта ишланишида иштирок этиш; 6) давлат органи ва ташкилоти тизимига кирадиган тузилмаларда давлат органи ва ташкилоти ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш; 7) давлат органи ва ташкилоти, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларнинг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш; 8) давлат органи ва ташкилотиде, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларда ёки давлат органи ва ташкилоти томонидан ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг яқунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар бериш; 9) талабнома-даво тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробардан кўп бўлмаган миқдорда мукофот олиш.

Юридик хизмат унга Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан юкланган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариши; давлат органи ва ташкилотиде, шунингдек унинг тизимига кирадиган тузилмаларда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-

тўғри юқори турувчи органга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши; белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш билан бирга, юридик хизмат ўзи виза қўйган ҳужжатларнинг ва ўзи берган хулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради. Юридик хизмат ходими эса ўз мажбуриятлари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Юридик хизмат ходимлари ҳам Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ умумий асосларда интизомий ва моддий жавобгарликка тортиладилар, фақат уларни лавозимларидан озод қилиш бундан мустасно. Шу ўринда, фикримизча, юридик хизмат ходимларини жавобгарликка тортишда, уларни Низомда белгиланган барча функцияларни бажармаганликлари учун эмас, балки меҳнат шартномаси билан уларга юклатилган вазифаларни бажармаганлиги учун жавобгарликка тортиш назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир¹.

Адлия органлари давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини тартибга солувчи аниқланган қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйган юридик хизмат ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома киритишга ҳақлидирлар².

Юридик хизмат ва унинг ходимларига қайд қилинган Низомда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди. Бундай тақиқловчи нормани Низомга аниқ киритилганлиги юридик хизмат ходимларига ўзларига юклатилаган функцияларни пухта ва ўз вақтида бажариш имкониятини беради ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

¹ Отахонов Ф.Ҳ. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар). Монография. – Т.: Адолат, 2007. – 117 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низом//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 07/18/3666/1073-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон.

Юридик хизматга юклатилган вазифаларни бажаришга ва унга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишга мансабдор шахслар томонидан қаршилик кўрсатилиши оқибатида қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етса, бундай мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг органлари тақдимномаси бўйича юридик жавобгарликка тортиладилар.

Бу эса яхлит ҳолда амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг ижроси қўйи бўғиндаги хўжалик юритувчи субъектларда юридик хизмат фаолияти қандай ташкил этилганлигидан ҳам дарак беради. Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шакллари, хусусан, акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамият, хусусий корхона, қўшма корхоналар кабиларнинг иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритаётганлиги, улар юридик хизмати ишининг ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга янги талабларни қўймоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати ҳуқуқий мақомининг ўзига хос жиҳати, унинг ички таркибий тузилма сифатида намоён бўлишидадир. Бу ҳолат уларнинг ҳуқуқий мақомини нафақат амалдаги низом, балки тегишли хўжалик юритувчи субъект юридик хизматининг низоми ва бошқа ички ҳужжатлари асосида ўз вазифаси, функцияси ва ваколатларини амалга оширилишидан далолат беради. Шунингдек, улар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши бир томондан, уларнинг мутлақ ваколати доирасида, иккинчи томондан, эса тегишли бўлинмалар фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ муносабатларда ҳам намоён бўлади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида, ўтмишдан фарқли равишда нодавлат ноижорат ташкилотлари юридик хизматининг ҳам ривожланиб бораётганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда юридик хизмат кўрсатувчи субъектларни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, юридик ва консалтинг фирмалар тармоғини кенгайтириш ва такомиллаштириш устувор вазифадир. Чунки, бундай хизмат турларининг

ривожлантирилиши, айниқса, тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш имкониятини яратади. Қолаверса, ҳимоя тизимини кучайтиришга ёрдам беради.

Ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва демократик жамиятни шакллантиришда барча тизимдаги юридик хизматга бўлган эҳтиёж тобора ортади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятини нафақат иқтисодий балки ҳуқуқий асосда ташкил қилишдан бевосита манфаатдордир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг товар бозорларида фаолият юритишининг самарадорлик даражаси ҳам юридик хизмат ваколатларини қай даражада идрок этиб амалга оширишга боғлиқдир.

3-§. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар белгилаб берилди¹.

Мазкур вазифаларни самарали бажарилишида юридик хизмат ҳам ўзига хос роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам бу борада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларини ёритиш орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларда уларнинг ўрнига тўхталамиз.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларига ҳозирги кунда қуйидагиларни киритиш мумкин: а) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси – 22.12.2017 // <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1371>

б) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш; в) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш; г) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш; д) шартномавий-ҳуқуқий ва талабномадаво ишларини юритиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Бу йўналишлар барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юридик хизматига хосдир, аммо, юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзига хос вазифалари ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда бошқа йўналишлар ҳам киритилиши мумкин¹.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни таъминлаш этишда юридик хизматнинг роли. Ушбу йўналишдаги юридик хизмат фаолиятининг мазмун ва моҳиятини очиб бериш учун, аввало, “қонунийлик”, “қонунийликни таъминлаш” тушунчаларини ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Юридик адабиётлар ва изоҳли луғатларнинг кўпчилигида қонунийлик – деганда барча давлат органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар, жамоат бирлашмалари томонидан Конституция ва қонунлар, шунингдек улар асосида қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилиш ва уларни ижро қилиш тушунилади².

¹ Қаранг: *Отахонов Ф.Х.* Проблемы юридической службы органов управления. – Т.: “Адолат”, 1993. – С.74-75

² Қаранг: *Матузов Н.И., Малько А.В.* Теория государства и права: Учебник. – М.: Юристъ, 2001. – С.408; *Морозова Л.А.* Теория государства и права: Учебник. – М.: Юристъ, 2003. – С.348; Ўзбекистон

Дарҳақиқат, қонунийликнинг моҳияти амалдаги қонунларга ҳуқуқнинг барча субъектлари томонидан қатъий ва сўзсиз риоя қилиниши ва уларни ижро этилишида намоён бўлади, шу билан бирга ҳуқуқшунос олимлар томонидан қонунийликни бундай талқин қилиш жамият ҳаётининг замонавий сиёсий-ҳуқуқий жараёнларини ўзида акс эттирмаётганлигига эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, профессор З.Исломовнинг фикрича юқорида қонунийликка берилган таърифда асосий урғу ҳуқуқ нормаларининг ижросига қаратилган бўлиб, уларнинг мазмуни тўғрисидаги масала очиб берилмаган. Шундан келиб чиқиб, у «қонунийлик» тушунчаси ёзилган ҳуқуқ мазмунини унинг амалий рўёбга чиқарилиши, ҳуқуқий тизимнинг ғоявий-сиёсий асослари, унинг энг муҳим ижтимоий-сиёсий институтлар, мазкур жамиятнинг сиёсий режими билан алоқаси нуктаи назаридан очиб беради деган фикрни илгари суради. З.Исломов қонунийликни қуйидагича таърифлайди: «қонунийлик қонун ижодкорлиги жараёнида давлат қонунларида ҳамда қонуности ҳуқуқ ижодкорлигида ҳуқуқнинг реал ифода этишнинг ғояси, талаби ва тизимини (режимини) англатади»¹.

А.Лисютин эса: «Қонунийлик – амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий ва оғишмай риоя қилиш ҳамда уларни ижро этиш орқали жамиятни ташкил қилишнинг давлат-ҳуқуқий шакллариини такомиллаштириш ва ижтимоий адолат ғоясини рўёбга чиқариш жараёнини акс эттирувчи сиёсий-ҳуқуқий ходисадир»²–деб таърифлайди. Шунингдек, у қонунийликнинг маъносини, мазмуни ва ролини нисбатан тўлиқ акс эттирувчи қуйидаги тамойилларни кўрсатиб ўтган: а) қонунийликнинг бир хиллиги; б) фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланганлиги; в) содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлиги; г) қонунийлик ва мақсадга

миллий энциклопедияси. 11-жилд.–Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” –Т.: Давлат миллий нашриёти, 2005.– 63 б.; Большая юридическая энциклопедия.– М.: Изд-во Эксмо, 2005. –С.194-195; *Барихин А.Б.* Большой юридический энциклопедический словарь. – М.: Книжный мир, 2005. – С.185.

¹ *Исламов З.М.* Общество.Государство.Право. Книга вторая. Теория права.–Т.: “Адолат”, 1998. – С.238-242.

² Теория государства и права: Курс лекций / Под.ред. Н.И.Матузова и А.В.Малько. – Саратов, 1995. – С.422.

мувофиқликни қарама-қарши қўйилишига йўл қўйилмаслиги; д) қонунийлик ва маданиятликнинг ўзаро алоқадорлиги.

Шу ўринда, В.Потапов томонидан қонунийликка берилган қуйидаги таъриф диққатга сазовордир: «қонунийлик – бу фуқаролар ва ҳуқуқнинг бошқа субъектлари томонидан қонунларга қатъий ва сўзсиз риоя қилиш, уларни ижро этиш, қўллаш, шунингдек, уларда назарда тутилган ҳуқуқлардан (эркинликлардан) лозим даражада фойдаланишдир»¹. В.Кудрявцев, «қонунийлик – бу нафақат ҳуқуқнинг юзаки тамойили, балки жамият тузумининг демократик моҳиятини акс эттирувчи муҳим категорияси ҳамдир»²–деб таъкидлайди. Шунингдек, бошқа олимлар томонидан ҳам қонунийлик тушунчасига янгича таъриф беришда асосли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда³.

Демак, «қонунийликка» берилган юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, у ўз ичига қуйидаги элементларни қамраб олади: а) ҳуқуқ субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилиш ҳамда ижро этиш; б) ҳуқуқ субъектлари томонидан қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлардан (эркинликлардан) лозим даражада фойдаланиш; в) уни ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнига ҳам татбиқ қилиниши.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида: «Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар»⁴– деб белгиланган. Конституциямизда «биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилган»⁵лиги

¹ *Потапов В.А.* Законность и правомерное поведение граждан в условиях реформирования России (региональный аспект): Автореф. дисс...канд. юрид. наук. – Новгород, 1995

² *Кудрявцев В.Н.* Право как элемент культуры. // Ж.Право и Власть. – М.: 1990.– С.249.

³ Қаранг: *Малькин Н.С.* О законности в условиях переходного периода // Теория права: новые идеи. Вып.4. – М.: ИГПАН, 1995. – С.27; *Шабуров А.С.* Законность и правопорядок // Теория государства и права: Учебник для вузов. – М. 1997. – С.436-437.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.

⁵ *Каримов И.А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. –5 б.

мамлакатимизда «ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун» эканлигидан далолат беради.

Мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришда давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва унинг ўтиши борасида қонунда белгиланган тартиб ҳамда таомилларга риоя этилиши, шунингдек, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслилиги ва уйғунлиги муҳим аҳамиятга эга. Бундан қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ҳам қонуний бўлиши шартлиги келиб чиқади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, фикримизча, **қонунийлик деганда барча ҳуқуқ субъектлари томонидан қонунлар ва унга зид бўлмаган бошқа қонун ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилиш ҳамда уларни ижро этиш; қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлардан (эркинликлардан) лозим даражада фойдаланиш; давлат органларининг қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнида қонунда белгиланган тартиб ҳамда таомилларга риоя этиши, шунингдек, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслилиги ва уйғунлигини таъминлаши тушунилади .**

Юридик адабиётларда «қонунийликни таъминлаш» тушунчасига умумий таъриф берилмаган, аммо давлат органларида қонунийликни таъминлаш ҳамда қонунийлик кафолатлари тушунчалари кенг ёритилган¹. Хусусан, профессор З.Исломовнинг фикрича, давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш тизими қонунийликнинг бузилишини олдини олиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндисини ўзида акс

¹ Қаранг: *Исламов З.М.* Общество.Государство.Право. Книга вторая. Теория права.–Т.: “Адолат”, 1998. –С.245-250; *Матузов Н.И., Малько А.В.* Теория государства и права: Учебник. – М.: Юрист, 2001. – С. 423-427.; *Смиронова А.А.* Обеспечение законности нормативно-правовых актов органов исполнительной власти субъектов Российской Федерации // *Ж.Правоведение.*–2003.–№3. –С.66-74; *Жетписбаев Б.А.* Обеспечение законности и дисциплины в системе деятельности органов исполнительной власти в Республике Казахстан // *Инновации и образование. Сборник материалов конференции, Серия “Sumposium”, выпуск 29.* – СПб, Санкт-Петербургское философское общество, 2003. – С.503-510.

эттиради¹. Қонунийлик кафолатлари деганда қонунийликни рўёбга чиқариш жараёнини таъминлаб берувчи, ижтимоий ривожланиш қонуниятларига боғлиқ бўлган шароит, омил ва воситалар тизими тушунилади². Мазкур кафолатлар умумий ва махсус турларга бўлинади. Қонунийликнинг умумий кафолатларига иқтисодий, сиёсий, ғоявий, маънавий шароит ва воситалар киради. Махсус кафолатларга қуйидаги юридик шароит ва воситалар киради: а) қонунчиликнинг ҳолати, шу жумладан, унинг тўлиқлиги, барқарорлиги, юридик техниканинг даражаси, ҳуқуқий тартибга солишнинг фойдаланиладиган воситалари; б) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш воситалари; в) ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва тўхтатиш воситалари; г) юридик жавобгарлик ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларининг самарадорлиги; д) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, судлар ишининг сифати; е) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш устидан назорат қилиш даражасининг юқорилиги; ж) аҳолининг ҳуқуқий онги ва юксак ҳуқуқий маданияти.

Қонунийликнинг ушбу махсус кафолатлари бевосита давлат органлари юридик хизмати фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Юридик адабиётларда юридик хизматнинг бу борадаги фаолиятининг кўпроқ амалий жиҳатлари ёритилган. Масалан, А.Чашин – «юридик хизмат фаолиятининг йўналишларидан бири қонунийликни таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари хабарлари бўйича ўз вақтида чора кўриш устидан назорат қилиш ҳисобланади» – деб кўрсатади ва бу йўналишда юридик хизмат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни санаб ўтади³. С.Айзин ва М.Тихомиров эса юридик хизматнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини

¹ *Исламов З.М.* Общество.Государство.Право. Книга вторая. Теория права.– Т.: “Адолат”, 1998. – С.248; Шу ўринда, Россия Федерациясининг “Россия Федерацияси субъектлари давлат ҳокимиятининг қонунчилик (вакиллик) ва ижроия органларини ташкил қилишнинг умумий принциплари тўғрисида”ги Федерал қонунининг бешинчи боби Россия Федерацияси субъекти давлат ҳокимиятининг қонунчилик (вакиллик) органи ва ижроия органлари ҳамда олий мансабдор шахси фаолиятида қонунийликни таъминлаш деб номланган бўлиб, унда қонунийликни таъминлашнинг воситалари батафсил ёритилганлиги эътиборга моликдир. Қаранг: Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.sikrf.ru>] свободный

² *Морозова Л.А.* Теория государства и права: Учебник. – М.: Юристъ, 2003. – С.351-352

³ Қаранг: *Чашин А.Н.* Юридическая служба в Российской Федерации: учебное пособие. – М.: ЗАО ИКЦ “ДИС”, 2005. – С.96-98.

«қонунийликни бузилишини олдини олиш бўйича ишлар»¹ деб юритадилар. К.Лебедев юридик хизматнинг асосий вазифалари ва функцияларини ёритган ҳолда унинг қонунийликни таъминлаш бўйича фаолиятини алоҳида йўналиш сифатида тадқиқ қилмасдан, фақат ташкилотнинг ички ва ташқи муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш масалалари билан биргаликда баён қилиш билан чекланган².

Фикримизча, юридик хизматнинг давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашдаги иштироки – унинг энг муҳим фаолият йўналишидир, чунки юридик хизматнинг бошқа йўналишлардаги фаолиятида ҳам қонунийликни таъминлаш билвосита намоён бўлади. Юридик хизматнинг бу йўналишдаги фаолияти қуйидаги функцияларни: а) ташкилий; б) назорат; в) ҳуқуқий тарбия ишларини олиб бориш билан амалга оширилади.

Юридик хизматнинг ташкилий функцияси – қонунийликни таъминлаш бўйича ҳамда ҳуқуқий ишлар даражасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Давлат органлари юридик хизматининг бу функцияси марказий аппаратда, шунингдек, унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан қонунчиликни тўғри қўлланилишини таъминлашга қаратилади ва амалга оширилади. Масалан, бирорта йўналиш бўйича қонун, Президент қарори қабул қилинса ва шу норматив-ҳуқуқий ҳужжат муайян вазирлик ёки идорага тегишли бўлса, шу вазирлик ёки идоранинг юридик хизмати уни ижро этиш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирларда иштирок этади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни³ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 мартдаги «Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3624-сон Қарори⁴ қабул қилинган. Мазкур қонун ва қарор

¹ Қаранг: Юридическая служба на предприятии: настольная книга юрисконсульта. Третье издание, дополненное и переработанное /С.М.Айзин, М.Ю.Тихомиров. – М.: 2003. – С. 12-16.

² Қаранг: *Лебедев К.К.* Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учеб.-практ. пособие. – М.: Юристъ, 2001. – С.108-136

³ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2018 й., 03/18/472/1050-сон.

⁴ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2018 й., 07/18/3624/0939-сон.

ижросини таъминлаш ва уларни амалга ошириш механизмини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 11 июлдаги 219-сон буйруғи билан «Давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар тўғрисида»ги Низом тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 августда рўйхатдан ўтказилган (рўйхат рақами 3057)¹. Мазкур Низом агентликнинг юридик хизмати иштирокида ишлаб чиқилиб, белгилаган тартибда рўйхатдан ўтказилган.

Юридик хизматнинг назорат функцияси – у бажарадиган вазифалар ҳажми ва ваколат доираси бўйича асосий функция ҳисобланади. Юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши унинг қонунийликни таъминлашга қаратилган фаолиятида мустақиллигини кучайтиришга йўналтирилаётганлигини кўрсатмоқда. Натижада юридик хизмат ходимлари нафақат давлат органлари раҳбарларига ёки бошқа мансабдор шахсларга ҳуқуқий масалаларда маслаҳатлар беради, балки қонунчиликка риоя қилиш устидан назорат қилиш функциясини ҳам кенг кўламда амалга оширади. Юридик хизмат давлат органлари фаолиятига тааллуқли бўлган барча қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини, шу жумладан, ўзларининг локал ҳужжатлари ижроси устидан назоратни олиб боради.

Юридик хизматнинг назорат функцияси² – давлат органлари томонидан амалга ошириладиган назорат ҳамда назорат-таҳлилий фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланиб, у қуйидаги воситалар орқали амалга оширилади: 1) давлат органлари, уларнинг тизими ёки таркибий бўлинмалари томонидан қабул қилинган қарорлар, буйруқлар ва бошқа ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар қонунга мувофиқлиги нуқтаи назаридан текширилади ёки ўрганилади. Бунда асосан юридик кучга кирган ҳужжат текширилади ва бундай ҳужжатнинг

¹ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.08.2018 й., 10/18/3057/1783-сон.

² Қаранг: Юридическая служба в народном хозяйстве. Под ред. К.С.Юдельсон, И.М.Зайцев. – Изд-во Саратовского университета, 1976. – С.16–21; Отахонов Ф.Х. Юридическая служба в Республике Узбекистан //Ташкент, «Адолат», 2008. С.76–78.

қонунга зидлиги аниқланса, юридик хизмат томонидан тегишли чоралар кўрилади, яъни тегишли раҳбарга бу ҳақида ахборот берилади. Парламент палаталари юридик бўлимлари ҳам амалдаги қонунларнинг ижроси бўйича парламент қўмиталари, депутатлар, сенаторлар томонидан олиб бориладиган назорат-таҳлил фаолиятида иштирок этадилар¹; 2) давлат органи тизимидаги ташкилотларнинг ҳуқуқий ишлари аҳолини ва юридик хизмати фаолиятини текширади. Масалан, таъсис ҳужжатлари, хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш, давлат органлари ва унинг таркибий бўлинмаларида қонунчиликка риоя қилинишини ўрганиш ва умумлаштириш юридик хизматнинг функциясига киради. Мазкур ишларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаб, давлат органи раҳбарияти ва ҳайъатига киритади.

Юридик хизматнинг ҳуқуқий тарбия ишида иштироки. Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш алоҳида ўрин тутади. «Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Яъни, мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳуқуққа эгалик ҳам демакдир»².

Мансабдор шахслар ва ходимларнинг ҳуқуқий маданияти деганда, уларнинг ҳуқуқни билиши, тушуниши ҳамда унинг қоидаларини англаган ҳолда бажаришлари тушунилади. Уларнинг ҳуқуқий маданияти асосий юридик билимларни ўзлаштирганликларида, қонунни ҳурмат қилишида, ҳуқуқ нормаларини онгли равишда бажаришларида, юридик жавобгарликни тушунишларида ҳамда ҳуқуқбузарликка қарши курашнинг муқаррарлигини англашларида намоён бўлади. Мансабдор шахслар ва ходимларнинг ҳуқуқий

¹ Қаранг: Парламент назорат: назария ва амалиёт масалалари. Илмий-амалий семинар материаллари. –Т.: 2005.– 321 б.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 29 б.

маданияти ва билимларини ошириш ҳуқуқни ташвиқот қилиш ҳамда қонунийликни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш воситалари орқали рўёбга чиқарилади.

Мустақиллик йиллари мобайнида аҳолининг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, «Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти кафолати» деган ғоя остида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони билан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси» тасдиқланди¹. Ушбу Концепцияда жумладан қуйидагилар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланди: а) аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида «Жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!» деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш; б) давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасизлик муносабатини шакллантириш; в) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш; г) юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон.

тизимини ривожлантириш; д) жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «шу борада яна бир муҳим ҳужжат – «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида» янги Қонун қабул қилинди. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имконияти янада оширилди. Бундан кейин фуқароларимиз ҳар қандай давлат органи, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳуқуқий ахборотни ҳеч қандай чекловсиз олиши кафолатланади»¹.

Бизга маълумки, ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти ҳам демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Профессор А.Черданцевнинг фикрича, қонунийликнинг ҳолати, биринчи навбатда, давлат аппаратиغا қанчалик даражада қонунийлик руҳи сингдирилганлигига, айнан шу ерда қонунийлик қанчалик мустаҳкамлигига бевосита боғлиқдир. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қонунга итоаткорлиги ҳолати эса мансабдор шахслар фаолиятида қонунийлик ҳолатига боғлиқдир².

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий тарғибот ва тарбия, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қай даражада ҳуқуқдан хабардор бўлишлиги жамият ва давлатда қонунийлик ва адолатни қарор топтиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шу маънода, бундай йўналишдаги фаолиятнинг самарадорлик даражаси ҳам юридик хизматнинг вазифа ва функцияларини бажаришга

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1328>

² Черданцев А.Ф. Теория государства и права: Курс лекций. – Екатеринбург, 1996. – С.249

боғлиқ. Агар ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали жумладан, қонун ҳужжатлари ва локал ҳужжатларга (масалан, ички меҳнат тартиби қоидаларига) риоя қилинишига эришилса, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали эса, жумладан, ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши олди олинишига ҳам эришилади.

Мансабдор шахслар ва ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда юридик хизмат ҳуқуқий тарбиянинг қуйидаги шакллари кенг фойдаланади: ҳуқуқий таълим (ўқитиш ёки ўқиш); ҳуқуқий тарғибот (оғзаки ва оммавий ахборот воситалари орқали); қонунлар ва юридик амалиётнинг тарбиявий таъсири; ҳуқуқий ташвиқот; ҳуқуқий ахборот бериш; шахсий ҳуқуқий тарбиявий иш¹. Ҳуқуқий тарбиянинг мазкур шакллари монография ва бошқа илмий мақолаларимизда батафсил ёртилиганлиги сабабли уларнинг мазмуни-моҳияти, бир биридан фарқли жиҳатлари ҳамда уларни амалга ошириш механизмларига тўхталмасдан, юридик хизматнинг бу борадаги фаолияти унинг энг муҳим фаолияти йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаш билан чекланамиз.

Маълумки, давлат бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бошқарув органлари фаолияти бир-биридан тубдан фарқ қилганлиги учун уларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Масалан, ички ишлар органларига оид қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қишлоқ хўжалиги ёки енгил

¹ Батафсил қаранг: *Отахонов Ф.Ҳ.* Юридик таълим: сифат ва самарадорлик // *Нуқуқ ва Вурч*. – 2006. – № 2. – 6-8 б.; *Побежимова Н.И.* Актуальные проблемы юридического образования в России. // *Ж. Юрическое образование и наука*. – 2003. – № 4. – С. 4.; *Дудырев Ф.* Российское юридическое образование в эпоху реформ (опыт сравнительно-исторического анализа). // *Ж. Государство и право*. – 2005. – № 1. – С. 89.; *Акимова Т.И.* Правовая пропаганда как способ формирования позитивных элементов правового сознания, определяющих показатель лояльности правосознания. // *Электронный ресурс*. Режим доступа: [<http://tsu.tmb.ru>] свободный; *Крыгина И.А.* Правовая культура, правовое воспитание и управление правовоспитательным процессом в современном российском обществе: Дисс.: канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону - 1999 г.; *Певцова Е. А.* Правовое воспитание как средство формирования правовой культуры // *Ж. Современное право*. – 2003. – № 8.; *Певцова Е.А.* Современные дефинитивные подходы к правовой культуре и правовому сознанию // *Ж. Журнал российского права*. - 2004. – № 3; *Отахонов Ф.Ҳ.* Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва юридик хизмат -амалий қўлланма. – Т.: “Адолат”, 2018. – 34-36 б.

саноат соҳасидаги ҳужжатлардан ўзининг мақсади, мазмуни ва моҳиятига кўра тубдан фарқ қилиши табиий. Ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган бундай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тегишли субъект фаолиятига тўғри ва аниқ татбиқ этишда юридик хизмат муҳим ўрин эгаллайди. Бошқача қилиб айтганда, муайян соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юбориш, эълон қилиш, ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиришни назорат қилиш, ўз фаолияти соҳасига оид ҳуқуқий ахборот фондларини шакллантириш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юритиш ҳамда раҳбарни, шунингдек, тегишли бошқарма (бўлим, хизмат) ходимларини бу ҳақда доимо хабардор қилиб туриш бевосита юридик хизматнинг вазифаларидан бирини ташкил этади.

Давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида юридик хизматнинг иштироки. Ҳуқуқ ижодкорлиги ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий, бошланғич бўғини, ҳуқуқий ишларнинг муҳим таркибий қисми ҳамда давлат органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади¹.

Маълумки, ҳуқуқ ижодкорлиги ўз ичига қонун ижодкорлиги ва бошқа қонун ҳужжатлари ижодкорлигини қамраб олади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятининг асосий йўналиши қонун ижодкорлиги бўлиб, бу жараёнда уларнинг юридик бўлимлари фаол иштирок этади.

Масалан, Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат юридик бўлимларининг фаолиятлари таҳлили қилинганда 2016 йил сентябрь ойидан 2018 йил сентябрь ойига қадар улар томонидан 80 дан ортиқ қонун лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, тегишли ҳуқуқий хулосалар тайёрланган.

¹ Батафсил қаранг: *Исламов З.М.* Общество.Государство.Право. Книга вторая. Теория права. –Т.: Адолат, 1998. –С.98-103; *Матузов Н.И., Малько А.В.* Теория государства и права: Учебник. – М.: Юристъ, 2001. – С.297-306.; *Морозова Л.А.* Теория государства и права: Учебник. – М.: Юристъ, 2003. – С. 253-269; *Лазарев В.В., Липень С.В.* Теория государства и права: Учебник для вузов . - 2-е изд., испр. и доп. – М.: Спарк, 2000. –Б. 276-283; *Арзамасов Ю.Г.* Ведомственное нормотворчество как тип юридической деятельности // Ж. Государство и право. –2006. – № 9.– С.11-17; *Отахонов Ф.Х.* Проблемы юридической службы органов управления. – Т.: “Адолат”, 1993. – С.126–140..

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Медиация тўғрисида»ги, «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги ва бошқа қонун лойиҳалари шулар жумласидандир¹.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ваколатлардан ташқари Қонунчилик палатаси юридик бўлими Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 237-II / 150-II-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш Қоидалари»²га мувофиқ Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида маъқуллаш учун юборишга тайёрлашда иштирок этади, шу жумладан қонунга илова қилинадиган қиёсий жадвални расмийлаштириш; қонун матнини расмийлаштиришга қўйиладиган техник талабларга риоя қилиниши ва қонун матнига виза қўйишни ваколатли шахслар – Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари, масъул қўмиталар раислари, Қонунчилик палатаси девонининг раҳбари, бўлим мудирлари амалга оширишини назорат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқ ижодкорлигида энг фаол иштирок этувчи орган ҳисобланади. У ўзининг бу фаолиятини қонун лойиҳаларини тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган қарорлар қабул қилиш орқали амалга оширади³. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси // <http://lex.uz/search/nat>

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 2011 й., 1-сон, 15-модда.

³ Батафсил қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил, 14 февралдаги 62-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти», Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 227-сон қарори билан тасдиқланган «Қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисида»ги Низом.

томонидан агар 2016 йилда жами 423 та қарор (шундан 216 таси норматив-ҳуқуқий ҳужжат) қабул қилинган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 1043 (558 таси норматив-ҳуқуқий ҳужжат) тани ташкил қилди¹. Давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун буйруқ ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади².

Давлат бошқаруви органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколати Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири)³ ва уларнинг Низомларида белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги 500-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тўғрисида»ги Низом⁴ вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Амалдаги Низомга мувофиқ давлат бошқаруви органларининг юридик хизмати а) норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида, амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилишда иштирок этади; б) давлат

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси // <http://lex.uz/search/nat>; "Норма" ахборот-ҳуқуқий портали // <https://www.norma.uz/uz/>.

² Батафсил қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2000 йил 19 майдаги 197-сонли «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ва «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари» (рўйхат рақами 2565, 28.02.2014 й.).

³ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

⁴ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.07.2018 й., 09/18/500/1475-сон.

бошқаруви органи ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишда иштирок этади; в) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органи ва ташкилотининг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда хўжалик ва ижтимоий-маданий соҳадаги, тармоқ бошқарувидаги ҳуқуқий ишларини яхшилаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимини такомиллаштириш, аввал қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш ва уларнинг сонини кўпайиб кетмаслиги зарурлигига эътиборни қаратиш лозим. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаб қўймаслиги керак.

Давлат бошқарув органи юридик хизматининг ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этишининг асосий шакли бу – ҳуқуқий экспертизадир¹. Масалан, давлат бошқарув органлари юридик хизматлари 2016 йилда 305 та, 2017 йилда 481 та, 2018 йилда 564 та мазкур органларнинг умуммажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб, тегишли ҳуқуқий хулосалар берганлар ва мазкур ҳужжатлар Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган².

Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низомга мувофиқ давлат бошқаруви органининг юридик хизмати

¹ Саидов А. Қонун ҳужжатларини экспертиза қилиш – ҳуқуқий назария ва амалиёт бирлигининг инъикоси. – 14-20 б.; Исломов З., Чўлпиев Ш. Правовая экспертиза, как средство обеспечения законности. – 27-32 б.; Отахонов Ф. Юридик хизматнинг қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича фаолияти. – 69-72 б. // “Қонун ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари”. Илмий-амалий семинар материаллари. –Т.: 2005. – 198 б; Файзиев О. Ҳуқуқий экспертиза идоравий норматив-ҳуқуқий - ҳужжатлар сифатини яхшилади // <http://huquqburch.uz/uz/article/5170>; Дадажонов А., Парпихўжаев Н., Шодиев Ш. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби бўйича Услубий қўлланма // www.minjust.uz/.

² Қаранг: Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умуммажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2016, 2017 ва 2018 йиллар учун Рўйхати // "Норма" ахборот-ҳуқуқий портали // <https://www.norma.uz/uz/>.

раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиши ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди¹. Демак, юридик хизматнинг ҳуқуқий ишининг бу борадаги асосий вазифаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа юридик (ҳуқуқий) тусдаги ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлашдан иборат.

Юридик (ҳуқуқий) тусдаги ҳужжатлар дейилганда, нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (йўриқномалар, низомлар, қоидалар) тушунилади, балки норматив характерга эга бўлмаган (ҳуқуқни қўллашга оид) буйруқ ва фармойишлар ҳам тушунилади. Масалан, ходимни ишга қабул қилиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, ходимга таътил бериш каби буйруқлар норматив характерга эга бўлмай, балки муайян шахсгагина тааллуқли бўлади. Бундай буйруқлар ҳам ҳуқуқий экспертизада ўтказилиши шарт².

Юридик хизмат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини таҳлил этаётганда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим: мазкур ҳужжатни қабул қилиш зарурлиги етарли даражада асосланганми; давлат бошқарув органи мазкур ҳужжатни қабул қилиш ваколатига эгами; у амалдаги қонунчиликка зид эмасми; ундаги ҳаволаки нормалар тўғри қўйилганми; ушбу масала юзасидан аввал норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганми; лойиҳада назарда тутилган ҳуқуқий чоралар асосланганми; ҳужжатнинг шакли тўғри танланганми; янги ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан аввалги ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки уларни бекор қилиш масалалари унда ёритилганми.

Юридик хизмат лойиҳаларнинг ҳуқуқий экспертизаси давомида мазкур лойиҳаларнинг уларда давлат бошқаруви органлари тизимида коррупция,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низом //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 30 январь, 4-сон, 50-модда.

² Қаранг: *Масъ Л. В.* Руководство юрисконсульта для предприятий различных форм собственности /Серия: Закон и практика. – Санкт-Петербург: Питер, 2005. – С.63–69; *Отахонов Ф.Ҳ.* Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар). Монография.–Т.: Адолат, 2007.– 136-138-б.

бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳам таҳлилини амалга оширади¹.

Юридик хизматнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан ишлашдаги фаолиятининг асосий мазмунини ҳуқуқий таҳрир қилиш ташкил этади. Юридик хизмат томонидан матнни таҳрир қилишдан мақсад ҳуқуқий ҳужжатни тушунарли бўлмаган, ноаниқ ифодалардан холи қилиш ва ундаги қоидаларни турлича талқин қилиш имкониятини бартараф этишдан иборат.

Асосий ижрочи томонидан тайёрланган лойиҳа тегишли таркибий бўлинмалар билан, зарур бўлган ҳолларда манфаатдор давлат бошқарув органлари билан келишилади. Лойиҳада манфаатдор шахсларнинг визаси мавжуд бўлгандагина у келишилган ҳисобланади. Агарда манфаатдор шахсларнинг лойиҳа мазмуни бўйича эътирозлари бўлса, улар эътирозларини ва таклифларини ёзма равишда тақдим этадилар. Тайёрланган лойиҳа тегишли таркибий бўлинмалар билан келишилганидан сўнг, амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини таҳлил этиш учун юридик хизматга топширилади. Юридик хизмат, агарда лойиҳа тегишли тартибда келишилмаган ва унда манфаатдор шахсларнинг визаси мавжуд бўлмаса ёки лойиҳа юзасидан келишмовчилик туғилган бўлса ва уни манфаатдор шахслар билан ҳал этиш имкони мавжуд бўлмаса, лойиҳага виза қўймасдан, мазкур масалани қонуний ҳал этиш бўйича ўз мулоҳазасини билдиради ёхуд лойиҳани тегишли бўлинмалар билан келишиш учун қайтариб юборади.

Юридик хизмат томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишларини олиб бориш. Юридик хизматнинг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 9 апрелда 2352-сон билан рўйхатга олинган, Адлия вазирлиги Буйруғи билан тасдиқланган «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида Услубий кўрсатмалар»нинг VII, IX боблари // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 15-сон, 173-модда

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишлари ўз ичига қуйидагиларни: а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондини ташкил қилиш; б) таркибий бўлинмаларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни билан таъминлаш; в) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни белгилаб бориш, бекор қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фойдаланишдан чиқариш ва бу ҳақда таркибий бўлинмаларни хабардор қилиш; г) суд амалиёти материалларини йиғиш кабиларни олади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш ва қонун ҳужжатлари расмий нашрларини сақлаш вазифаси юридик хизмат ходимига (юрисконсультга) юклатилади, юрисконсульт моддий жавобгар шахс ҳисобланади ва у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Унинг йўқлигида ушбу вазифа давлат бошқаруви органи раҳбари томонидан бошқа шахсга юклатилади¹.

Давлат бошқаруви органларининг юридик хизмати асосан ўзларининг соҳасига тегишли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни туркумлаштирилган ҳисобини юритишни таъминлайди ҳамда уларнинг сақланишини ташкил этади. Муайян давлат бошқаруви органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ туркумлаштирилган ҳисобини юритишни фақатгина шу органларнинг юридик хизматлари амалга ошира олади. Бу вазифани юридик хизматга алоқадор бўлмаган шахсга доимий равишда юклатилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Юридик хизмат фақатгина расмий манбаларда эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритиши лозим. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 14 февралда 2326-сон билан рўйхатга олинган, Адлия вазирлиги Буйруғи билан тасдиқланган “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш Қоидалари”// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 7-сон, 72-модда; 2015 й., 3-сон, 38-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.05.2018 й., 10/18/2326-2/1229-сон.

нашрлари мазкур органларнинг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир¹.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасида мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш жисмоний ва юридик шахслар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини даврий нашрларда, веб-сайтларда, қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимларида эълон қилиш, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга доир рисолалар, тўпламлар ва шарҳлар эълон қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Кодексларни, қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр қилишда, шунингдек қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимларини реализация қилишда улар нашр қилинаётган (реализация қилинаётган) санадаги назорат ҳолатига келтирилган бўлиши лозим. Шундан келиб чиқиб, юридик хизмат муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатини олиши билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матнига тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни белгилаб қўйиши лозим. Мазкур ҳолатда юридик хизмат ўзгартириш ва қўшимча киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг аввалги матнини, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолатдаги матнини ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатининг матнини биргаликда сақлаши лозим.

Бундан кўзланган мақсад: *биринчидан*, ҳуқуқ субъектларига қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида етиб боришини таъминлаш; *иккинчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нотўғри қўлланилишини олдини олиш; *учинчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга ёхуд ўз кучини йўқотгунга қадар келиб чиққан муносабатларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг олдинги таҳрири қўлланилишини эътиборга олишдан иборат.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” ги Қонуни (янги таҳрири)// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

Масалан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинганда ҳам унинг эски, яъни ўз кучини йўқотган таҳрири сақлаб қолиниши керак. Чунки, айрим ҳолларда бир неча йил ёки бир неча ой аввал бўлиб ўтган ҳуқуқий муносабатлар бўйича низолар келиб чиқиши, шунингдек, мазкур муносабатларни шу пайтда тартибга солган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнига ўзгартириш ва қўшимча киритилган бўлиши ёки ўша ҳужжат ўз кучини йўқотган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда келиб чиққан низони ҳал этиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг эски матнига ёки ўз кучини йўқотган матнига мурожаат этиш талаб этилади. Бунга сабаб Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг (янги таҳрири) 31-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмаслиги ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилиши белгилаб қўйилган. Демак, қонуннинг мазкур моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эски матнлари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар юзасидан келиб чиққан низоларни шу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ёки янги таҳрири матни қоидалари асосида ҳал этишга йўл қўйилмайди.

4-§. Хўжалик бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари

Хўжалик бошқарув органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари. Мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштириш, маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқарув меъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш, хўжалик бирлашмаларининг фаолиятини ташкил қилиш ва самарадорлигини ошириш муҳим ўрин тутди¹. Шу мақсадда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқарув органлари

¹ Қаранг: Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бошқаруви: ваколатларни чеклаш ва вазифаларни номарказлаштириш // Халқ сўзи – 2004. – 1 май.

тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига¹ мувофиқ хўжалик бошқарув органлари тармоқ ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш; маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашиш; корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, ушбу мақсадларда хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга ёрдам бериш; таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматларини кўрсатиш; кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш каби асосий вазифалар ва функцияларни бажарадилар.

Хўжалик бошқарув органлари вазифаларини амалга оширишда уларда ташкил қилинган юридик хизматнинг ўзига хос ўрни бор. Хўжалик бошқарув органлари ваколатига давлат бошқаруви, шу жумладан тақсимлаш вазифалари, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув кирмайди. Шунинг учун ҳам хўжалик бошқарув органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари давлат бошқарув органлари юридик хизмати фаолиятидан фарқланади.

Хўжалик бошқарув органлари юридик хизмати фаолияти қуйидаги икки асосий йўналишда амалга оширилади. Биринчиси, хўжалик бошқарув органининг ижроия (ишчи) аппарати фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда иштирок этиш; иккинчиси, хўжалик бошқарув органи таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектларда ҳуқуқий ишлар ва уларнинг юридик хизматига услубий раҳбарликни амалга оширишда иштирок этиш. Ушбу йўналишлардаги фаолиятни амалга ошириш мақсадида хўжалик бошқарув органларининг кўпчилигида юридик хизмат ташкил этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2003. – № 23. – 236-модда.

банкида¹, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясида – юридик департамент²; «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясида³, «Ўзбекистон темир йўллари»⁴ ва «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятларида – юридик бошқарма⁵, «Ўзтўқимачиликсаноат» ассоциацияси⁶ «Ўзбекнефтегаз»⁷ ва «Олмалиқ КМК»⁸ акциядорлик жамиятлари – юридик бўлим, «Ўзкимёсаноат»⁹ акциядорлик компанияси ва «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмасида¹⁰ – бош юрисконсулт; «Ўзчармсаноат» уюшмасида¹¹, «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамиятида¹² – юридиконсулт лавозимлари штат жадвалларида назарда тутилган. Шунингдек маҳаллий хўжалик бошқарув органлари тузилмасида ҳам юридик хизмат ходимлари лавозими штатлар жадвалига киритилган.

Шу ўринда хўжалик бошқарув органлари томонидан юридик хизматларни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган шаклларга ҳар доим ҳам мувофиқлаштириш чора-тадбирлари кўрилмаётганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, юридик хизмат – «Ўзқурилишматериаллари»¹³, «Тошшаҳартрансхизмат»¹⁴ акциядорлик жамиятларида – 1 кишидан иборат бўлишига қарамасдан унинг номланиши

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки веб-сайти // www.nbu.uz.

² Қаранг: «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси веб-сайти // www.uzbekinvest.uz.

³ Қаранг: «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси веб-сайти // www.uzavtosanoat.uz.

⁴ Қаранг: «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти веб-сайти // www.railway.uz.

⁵ Қаранг: «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамияти веб-сайти // www.uzbeksteel.uz/.

⁶ Қаранг: «Ўзтўқимачиликсаноат» ассоциацияси веб-сайти // www.uzts.uz.

⁷ Қаранг: «Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамияти веб-сайти // www.ung.uz.

⁸ Қаранг: «Олмалиқ КМК» акциядорлик жамияти веб-сайти // www.agmk.uz.

⁹ Қаранг: «Ўзкимёсаноат» акциядорлик компанияси веб-сайти www.uzkimyosanoat.uz.

¹⁰ Қаранг: «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси веб-сайти // www.uzsavdo.uz.

¹¹ Қаранг: «Ўзчармсаноат» уюшмаси веб-сайти // www.uzcharm.uz.

¹² Қаранг: «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамияти веб-сайти // www.uzvtorcvetmet.uz.

¹³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 25 октябрдаги «Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2641-сон Қарори // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2016 йил 14 ноябрь, 45-сон, 521-модда.

¹⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиниш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2048-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 41-сон, 545-модда; 2017 й., 8-сон, 116-модда.

«бош юрисконсулт», «Ўзагротехсаноатхолдинг»¹ акциядорлик жамиятида 2 кишидан иборат бўлишига қарамай «юридик бюро» деб эмас, балки «юридик хизмат», «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компаниясида² эса 3 кишидан иборат «Ходимлар ва юридик масалалар бўйича бўлим» деб тасдиқланган.

Юридик хизматнинг хўжалик бошқарув органининг ижроия аппарати фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда иштироки. Ушбу йўналишдаги юридик хизматнинг фаолияти қуйидагиларни: а) хўжалик бошқарув органи ижроия аппарати фаолиятида қонунийликни таъминлашда иштирок этишни; б) ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг қабул қилинишда қатнашишни; в) хўжалик шартномаларини тузиш ва ижро этиш жараёнларида қатнашишни; г) мулкни сақлашни ҳуқуқий воситалар орқали таъминлашда иштирок этишни; д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишларини олиб боришни ўз ичига олади.

Хўжалик бошқарув органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизматнинг иштироки давлат бошқарув органлари юридик хизмати фаолиятига ўхшаш бўлганлиги сабабли унга батафсил тўхталмасдан, унинг айрим ўзига хос жиҳатларини ёритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хўжалик бошқарув органлари, қоида тариқасида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколатига эга эмас, бундан айрим ҳолларда давлат органлари билан биргаликда қабул қилган умуммажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мустасно. Шунинг учун ҳам хўжалик бошқарув органлари асосан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини

¹Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3929-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 5 сентябрь.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 апрелдаги «Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган «Ўзагроэксспорт» ташки савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2515-сон Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил 18 апрель, 15-сон, 143-модда

таъминлаш мақсадида ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар, яъни ҳуқуқни қўллаш бўйича ҳужжатлар қабул қилади.

Ҳуқуқни қўллаш фаолияти ҳуқуқ ижодкорлиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, у ҳуқуқий ишларнинг алоҳида бир қисмини ташкил қилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилинадиган ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини ижтимоий муносабатларга индивидуал ҳуқуқий таъсир этиш воситаси сифатида қарамоқ керак. Агарда ҳуқуқий норма ижтимоий муносабатларни ифодаловчи расмий, норматив, давлат ҳокимият воситаси сифатида намоён бўлса, ҳуқуқни қўллаш ҳужжати муайян хусусий ҳолат учун тааллуқли бўлган индивидуал ҳужжат ҳисобланади. Масалан, ходимни ишга қабул қилиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, ходимга таътил бериш каби буйруқлар норматив тусга эга бўлмай, балки муайян шахсгагина тааллуқли бўлади.

Хўжалик бошқарув органлари юридик хизматининг бу борадаги фаолияти хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолияти билан бир хил бўлганлиги сабабли, бу масалага қуйида алоҳида тўхталамиз.

Хўжалик бошқарув органлари юридик хизмати сўнгги йилларда қонун ижодкорлиги жараёнида ҳамда ҳукумат томонидан қабул қилинаётган ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ҳам иштирок этмоқдалар. Масалан, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси юридик хизмати Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган «Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом»¹ лойиҳасини ишлаб чиқишда ва унга Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 январдаги 34-сонли Қарори² билан ўзгартиришлар киритилиши жараёнида иштирок этган. Шунингдек, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси юридик хизматлари билан биргаликда «Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2006. № 22. 191-модда.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 23 январь.

операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш тўғрисида»ги Йўриқнома¹, «Донни сақлаш, қуритиш, тозалаш, ташиш ва қайта ишлаш жараёнидаги камайиш ва йўқотишларни қоплаш учун молиявий захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Низом² лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнларида қатнашган.

Юридик хизматнинг хўжалик бошқарув органи таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектларда ҳуқуқий ишлар ва уларнинг юридик хизматига услубий раҳбарликни амалга оширишдаги иштироки. Юридик хизматнинг ушбу йўналишдаги фаолиятига қуйидагилар киради: а) ҳуқуқий масалалар юзасидан услубий кўрсатма ва тавсияномалар, шу жумладан, намунавий хўжалик шартномалар ишлаб чиқиш ва йўллаш; б) хўжалик юритувчи субъектларда ҳуқуқий ишлар аҳволи ва юридик хизмат фаолиятини ўрганиш ҳамда уларнинг ижобий тажрибасини тармоқда ёйиш; в) хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати ходимлари билан семинарлар ўтказиш, шунингдек, юридик хизмат ходимларининг ижроия (ишчи) аппаратнинг бошқа таркибий бўлинмалари ўтказадиган семинар ва йиғилишларда қатнашишини таъминлаш; г) юридик хизмат ходимлари малакасини ва тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳуқуқий билимларини ошириш ишларида қатнашиш.

Хўжалик бошқарув органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлардаги ҳуқуқий ишлар аҳволини ва юридик хизмат фаолиятини ўрганиш мақсадли равишда ва муайян тизимга солинган ҳолда амалга оширилиши лозим. Шу сабабли бу борадаги ишларни ташкил қилишда махсус дастурга эга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унда қуйидаги асосий масалаларнинг аниқланиши назарда тутилиши мумкин: 1) юридик хизматнинг қандай ташкил этилганлиги, ходимлари, уларнинг иш шароитлари, юридик адабиёт ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланганлиги; 2) хўжалик юритувчи субъектда қонунийликни таъминлашда юридик

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 22-сон, 231-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 22-сон, 230-модда.

хизматнинг роли, ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларга виза қўйишнинг мажбурий тартиби белгиланганлиги, виза қўйишдан бош тортиш ҳоллари, юридик хизмат ходимлари аниқлайдиган хатоларнинг хусусияти ва улар томонидан кўриладиган чоралар; таркибий бўлинмалар томонидан чиқарилган буйруқ ва фармойишларнинг қонунийлигини назорат қилиш, хўжалик юритувчи субъект раҳбарларининг буйруқларига прокуратура томонидан тақдимнома ёки протест киритиш ҳолатларининг ҳамда ноқонуний буйруқлар чиқариш фактларининг мавжудлиги; 3) талабнома ва даъво ишларини ташкил қилиниши, тақдим этилган талабнома ва даъволарнинг хусусияти, миқдори ҳамда уларни кўриб чиқиш муддатлари ва натижаларининг таҳлили; судга асоссиз даъво тақдим қилиш фактлари; юридик хизмат ходимининг иқтисодий судда қатнашиши; даъво муддатларини ўтказиб юбориш ҳолларининг мавжудлиги; 4) хўжалик шартномаларини тузиш ишларининг ташкил қилиниши; шартнома тузмасдан ёки харидорнинг буюртмасини олмасдан маҳсулот етказиб бериш фактларининг мавжудлиги; шартнома алоқаларининг ўрнатилиши; шартнома олди низолари ва уларнинг тавсифи; тузилаётган шартномаларнинг юридик жиҳатдан асосланганлиги; шартномалар тузиш чоғида хўжалик юритувчи субъектнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш етарли даражада таъминланиши, шартномаларда маҳсулот етказиб берувчи ва истеъмолчи муносабатларидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятларнинг кўзда тутилиши; 5) юридик хизматнинг ўғирлик, камомад ва етишмовчиликларга қарши курашдаги роли, материалларни тергов идораларига йўллаш муддатлари ва асослилиги ҳамда етказилган зарарни ундирилишини таъминлаш; 6) талабнома-даъво, суд ва ҳакамлик судида кўрилган ишлар натижаларини умумлаштириш иши, юридик хизматнинг хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти олдига хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш борасида қандай масалаларни қўйиши ва ушбу камчиликларни бартараф этиш чоралари; 7) юридик хизматнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилишни таъминлашда ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда иштирок этиши; 8)

юримдик хизмат ходимларининг қонунчиликни тарғиб қилиш борасидаги (сухбат, маъруза, матбуотда чиқиш ва ҳоказо) ва ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш борасидаги ишлари.

Хўжалик юритувчи субъект юримдик хизмати фаолиятини яхшилаш мақсадида ҳуқуқий ишларни аҳволини ўрганиш бевосита уларга ёрдам кўрсатиш билан биргаликда олиб борилади. Шунингдек, бу борадаги юримдик хизматларнинг ижобий тажрибасини тармоқда кенг ёйиш бўйича чоратadbирлар белгиланади.

Хўжалик юритувчи субъектда ҳуқуқий ишга хўжалик бошқарув органлари томонидан услубий раҳбарликнинг муҳим шакли улар томонидан ўтказиладиган юримдик хизмат ходимлари семинарлари ва йиғилишларидир. Масалан, компаниялар ва уюшмаларда хўжалик юритувчи субъектлар юримдик хизмат ходимларининг йиғилишлари ўтказилади, уларда юримдик хизмат ходимлари томонидан ўрганилган ҳуқуқий ишларнинг аҳволи натижалари муҳокама қилиниб, ҳуқуқий ишларни ташкил қилишни яхшилаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ва бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини яхшилаш учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни кучайтириш чоралари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади¹.

Амалиёт материаллари билан танишиш шунини кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъектларда ҳуқуқий ишлар ва уларнинг юримдик хизматиға услубий раҳбарликни амалға ошириш хўжалик бошқарув органларида бир хил даражада олиб борилмаяпти. Бунинг сабаблари: биринчидан, кўпгина хўжалик бошқарув органлари уставларида тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий ишлари ва юримдик хизматиға услубий раҳбарлик қилиш кўзда тутилмаган; иккинчидан, айрим компания ва уюшмаларда ҳуқуқий ишларнинг асосий ташкилотчиси фақат бир кишидан иборат. Ва табиийки, у асосан ижроия аппарат доирасида маслаҳат бериш, буйруқ,

¹ Қаранг: «Юримдик хизмат ва ҳакамлик судлари: ҳуқуқий асослари ва амалиёт» мавзусида семинар ташкил қилинди <http://chamber.uz/uzk/news/3119//10.09.2018>.

йўриқнома ва фармойишларнинг қонунийлигини назорат қилиш билан шуғулланади .

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, айниқса, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектларда амалга ошириладиган ҳуқуқий ишлар самарадорлигини оширишни ва улардаги юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларини аниқ белгилашни тақозо этмоқда.

Ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлашга турлича ёндашмоқдалар. Хусусан, А.Чашин томонидан ёзилган «Россия Федерациясида юридик хизмат» ўқув қўлланмасининг махсус қисмида юридик хизмат бевосита иштирок этадиган қуйидаги саккизта йўналиш ёритилган: 1) шартнома компанияси; 2) даъво ишлари ва судда вакиллик; 3) корхона жамоат ташкилотларига юридик ёрдам кўрсатиш; 4) талабнома ва даъво ишларининг таҳлили; 5) юридик хизматнинг қонунийликни таъминлаш бўйича фаолияти; 6) локал норма ижодкорлиги; 7) меҳнат қонунчилигига риоя қилишни таъминлаш; 8) юридик хизматнинг юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқишни таъминлаш бўйича фаолияти¹.

Фикримизча, бунда юридик хизматнинг фаолият йўналишларини аниқлашда изчиллик, уйғунлик, комплекслилик етишмайди, шунингдек юридик хизматнинг юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқишни таъминлаш бўйича фаолиятини барча хўжалик юритувчи субъектлар бир хилда хос бўлган фаолият қаторига киритиб бўлмайди, натижада юридик хизмат фаолияти йўналишларини яхлит тизимга солишга эришилмаган.

Мазкур ўқув қўлланмада терминларни қўллашга ҳам бир хилда ёндашилмаган. Масалан, бир жойда – «юридик бўлимнинг шартнома

¹ Чашин А.Н. Юридическая служба в Российской Федерации: учебное пособие. – М.: ЗАО ИКЦ «ДИС», 2005. – С.78–124.

компаниясини ташкил этиш ва кузатиб бориш бўйича ишлари қуйидаги фаолият йўналишларини ўз ичига олади: шартномалар билан ишларни ташкил қилиш бўйича буйруқ лойиҳасини тайёрлашда иштирок этади ва ҳоказо», иккинчи жойда – «юримдик хизматнинг талабнома ишларини ташкил қилиш ва юритиш мазмуни қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади: талабнома ишларини юритиш тартиби тўғрисидаги буйруқ лойиҳасини манфаатдор бўлинмалар билан биргаликда тайёрлаш ва ҳоказо», учинчи жойда – «даъво ишлари жараёни юримдик хизмат ходимларининг қуйидаги ҳаракатларини ўз ичига олади: даъво аризаларини тайёрлаш ва ҳоказо»¹ – деб юримдик хизматнинг бир қатор функциялари санаб ўтилган. Бу ўз навбатида юримдик хизмат «фаолияти», «фаолиятининг асосий йўналишлари», «вазифалари» ва «функциялари» тушунчаларининг бир бирига қоришиб кетишига олиб келади ҳамда уларнинг моҳиятини очиб беришни қийинлаштиради.

Л.Лебедев амалиётчи юристларнинг асосий вазифалари ва функцияларини икки кичик гуруҳга, яъни ташкилотнинг ички ва ташқи муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш ҳамда шартнома-ҳуқуқий ишлар ва судда юритиладиган ишлар бўйича корпоратив юристнинг ишларига алоҳида тўхталади. У шунингдек амалиётчи юрист «фаолиятининг предмети», «функционал мажбуриятлари доираси» тушунчаларига эътиборни қаратади².

С.Айзин ва М.Тихомиров юримдик хизмат ишларининг йўналишлари сифатида: а) қонунийликнинг бузилишини олдини олиш бўйича ишлар; б) корхонанинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар; в) шартнома ишлари; г) ҳуқуқий ихтилофларни ҳал қилишда иштирок этиш кабиларни ёритганлар³.

Л. Масъ хўжалик юритувчи субъект юримдик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларига: а) қонунийликни ва корхонанинг иқтисодий

¹ Чашин А.Н. Юримдик хизмат в Российской Федерации: учебное пособие. – М.: ЗАО ИКЦ «ДИС», 2005. С.78, 86–87.

² Лебедев К.К. Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учеб.-практ. пособие.- М.: Юристъ, 2001. – С. 105–279

³ Юримдик хизмат на предприятии: настольная книга юрисконсульта. Третье издание, дополненное и переработанное / С.М.Айзин, М.Ю.Тихомиров.– М.: 2003.– С. 12-26;

хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишлар; б) шартномавий ишлар; г) ходимлар томонидан етказилган зарарни ундириш билан боғлиқ ишлар; д) талабнома-даъво ишларини киритган¹. Л.Масъ томонидан бозор иқтисодиёти шароитида рақобат, шу жумладан фирром рақобат муҳити ҳам ривожланиб бориши эътиборга олинган ҳолда корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда юридик хизматнинг иштирокига алоҳида урғу берилганлиги диққатга сазовордир, аммо амалдаги қонун ҳужжатларида юридик хизматга бундай вазифа юклатилмаган.

М.Клеандровнинг «Тадбиркорликда юридик хизмат институти» монографиясида юридик хизмат фаолиятининг йўналишлари жумласига қуйидагилар киритилган: а) тадбиркорлик тузилмалари фаолиятида қонунийликни таъминлаш; б) тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; в) шартномавий ишларни ҳуқуқий таъминлаш; г) ички норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашда юридик хизматнинг роли; д) ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий тарбия ишларида юридик хизматнинг роли².

Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларига қуйидагиларни: а) хўжалик шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича ишларда иштироки; б) талабнома-даъво ишларини ташкил қилиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли; в) мулкни сақлаш бўйича ҳуқуқий таъминлаш ишларини ташкил қилиш; г) меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги родини киритиш мумкин.

Бизнинг юридик хизмат фаолиятини мазкур тўртта асосий йўналишларга ажратишимизга сабаб, биринчидан, бу йўналишлар барча хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятига хослиги; иккинчидан, уларнинг бир-бирини тарорламаслиги, аксинча, бир-бирини

¹ Масъ Л. В. Руководство юрисконсульта для предприятий различных форм собственности /Серия: Закон и практика. – Санкт-Петербург: Питер, 2005. – С.39–93

² Клеандров М.И. Институт юридической службы в предпринимательстве. Монография. – М. “Норма, “Инфра-М”. 2013. – С.51,68,70,71.

тўлдириши, яъни комплекслиги, уйғунлиги ва изчиллиги; учинчидан, юридик хизматнинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган вазифа ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда тизимга солинганлигидир.

Бизга маълумки, шартномавий муносабатларнинг аниқ ва тушунарли механизмини амалда шакллантириш, шартнома мажбуриятларининг қатъий бажарилиши учун назорат ва масъулиятни кучайтириш устувор йўналиш бўлиб ҳисобланади¹.

Шартномавий-ҳуқуқий ишларни ташкил қилиш мураккаб жараён бўлиб, унда деярли хўжалик юритувчи субъектнинг барча таркибий бўлинмалари иштирок этади. Бу борада хўжалик юритувчи субъектларда фаолият кўрсатаётган юридик хизмат муҳим ўрни тутади².

Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати: а) хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади; б) хўжалик шартномалари бажарилиши устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади; в) хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган хўжалик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади; г) тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асослаган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради; д) шартномавий

¹ Қаранг: Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар: амалий қўлланма. / Масъул муҳаррир – Ҳ.Раҳмонқулов, ЎзР ФА академиги, юф.д., проф. Тошкент: Turon-iqbol, 2011. – 560 б.; Отахонов Ф.Х. Шартномалар, давво аризалари ва ҳакамлик судлари. Амалий қўлланма – Тошкент:Адолат, 2016. – 440 б.; Шартнома тузишдаги эркинлик ва қонун таянчи. // Солиқ ва божхона хабарлари. – 1998. – 19-25 ноябрь

² Ҳуқуқий манбаларда корхоналар юридик хизматига алоҳида аҳамият берилади. Қаранг: Заубова И.А. Юридическая служба предприятий (объединений) в условиях радикальной экономической реформы.//Автореф. дисс... канд. юрид. наук. –Москва: 1988.; Айзин С.М.: Тихомиров М.Ю. Юридическая служба на предприятии: настольная книга юрисконсульта. Москва: 2003. –С. 18–21; Мась Л.В. Руководство юрисконсульта для предприятий различных форм собственности /Серия: Закон и практика. – Санкт-Петербург: Питер, 2005. – С.75–82

муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади¹.

Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Юридик хизматнинг шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишдаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузиладиган шартномаларни пухта ҳуқуқий экспертизадан ўтказмасдан туриб, унинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш мураккаб масаладир. Тарафлар хўжалик шартномаларини тузиш учун хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасини олишга ҳақли². Хулосада, қоида тариқасида, қуйидагилар кўрсатилади: хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши; хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги; тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги³.

Юридик хизмат амалиёти бўйича ҳуқуқий экспертизани амалга оширишда энг аввало, қонун талабларига қатъий риоя этишлари зарур, ҳуқуқий манбаларда айрим турдаги битимларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг хусусиятларини ёритишга эътибор берилмоқда⁴.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. № 9. – 170-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 33-сон, 439-модда.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. № 9. – 170-модда.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Юридическая экспертиза сделок // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://deenta.narod.ru/article>] свободный.

К.Қодировнинг «юридик хизмат ходими, агар у ҳақиқатдан ҳам малакали ва тажрибали бўлса, шартнома шартларини ўзгартириш ҳақида таклиф киритиши, у ёки бу шартнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириб бериши, ўзининг таклифларини бериши мумкин. Шартнома - ҳар бир ҳолатда аниқ бир шарт-шароитларни ва тарафларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил тузиладиган ўзига хос ҳужжатдир ва намунавий шартнома шакли ҳеч қачон малакали мутахассиснинг ўрнини боса олмайди»¹ деган фикрига қўшилиш мумкин. Чунки, ҳақиқатан ҳам амалиётда кўпчилик ҳолатларда намунавий шартномаларга ҳеч қандай ўзгартириш ёки аниқликлар киритилмасдан шартномалар тузилади ва бунинг оқибатида иқтисодий низолар келиб чиқади. Айниқса айрим турдаги шартномаларни тузишда юридик хизмат ходимига катта масъулият юкланади².

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий ишларнинг асосий босқичларидан ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг самарали воситаларидан бири талабнома ва даъво ишларини тўғри ва ўз вақтида юритишдир.

Талабнома ва даъво ишлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлса-да, ҳар бирининг мустақил роли, вазифалари, аҳамияти ва амалга оширишнинг алоҳида тартиби мавжуд³. А.Титиевскийнинг фикрича, талабнома ишлари – бу ташкилот, унинг таркибий бўлинмалари ва ходимларининг талабномаларни

¹ Қодиров К. Хўжалик шартномаси: расмийлаштириш тартиби, бажарилишини таъминлаш усуллари ва амалиёти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.– 19–20 б.

² Джурович Р. Руководство по заключению внешнеэкономических контрактов (Пер. с серб-хорв) Отв.ред. и автор передис. А.С.Комаров. –Москва: Российское право,1992. –15 с.; Знаменский Т.А. Общественный хозяйственный порядок и законодательство // Государство и право. 1994.№4. – С.61–69; Мась Л.В. Руководство юрисконсульта для предприятий различных форм собственности: Серия: Закон и практика. – Санкт-Петербург: Питер, 2005. – С.75–81.

³ Батафсил қаранг: Абдусаломов М.Э., Отахонов Ф.Ҳ. Контракция шартномалари: талабнома ва даъво аризалари. – Тошкент: Адолат, 1998. – 224 б.; Отахонов Ф.Ҳ. Халқ хўжалигида юридик хизмат: талабнома-даъво ишларини юритиш. – Тошкент: Адолат, 1997. – 200 б.; Отахонов Ф.Ҳ. Юридик хизматнинг талабнома ишларини ташкил қилишдаги роли // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари – ҲУ-Республика илмий назарий конференциясининг маърузалар тўплами. –Т.: 1997. 84-86 б.; Радченко М.Ю. Арбитражные споры: Справочник практикующего юриста. – Москва: Палеотип: Логос, 2001.– С.280 – 281.

тақдим этиш ва кўриб чиқиш ҳамда бу жараёнда олинган ахборотлардан фойдаланиш бўйича ҳаракатлари йиғиндисидир¹.

Талабнома ишларини юритишни тўғри ташкил этиш хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий аҳволини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар учун қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этгандан кейингина иқтисодий судда даъво қўзғатиши мумкин².

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 17 ва 18-моддаларида талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари белгиланган бўлиб, унга кўра ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақлидир. Талабнома ёзма шаклда билдирилади. Талабномада қуйидагилар кўрсатилади: а) талабнома билдирган хўжалик юритувчи субъектнинг ва талабнома билдирилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг номи; б) талабнома билдирилган сана ва унинг рақами; в) талабнома билдириш учун асос бўлган ҳолатлар; г) талабномада баён этилган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар; д) арз қилувчининг талаблари; е) талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби, арз қилувчининг тўлов ва почта реквизитлари; ж) талабномага илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати. Талабнома хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади. Талабнома буюртма ёки кимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган

¹ *Титиевский А.Н.* Организация правовой работы на предприятии // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.distance.ru>] свободный

² Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон.

бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Ўзига талабнома билдирилган хўжалик юритувчи субъект талабномани олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт. Талабномага жавоб хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади ва муҳр (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади. Талабнома тўлиқ ёки қисман тан олинган тақдирда хўжалик юритувчи субъект арз қилувчига ўзи тан олган суммани ихтиёрий равишда ўтказиши мумкин. Агар талабномани тан олиш тўғрисидаги жавобда тан олинган сумма ўтказилиши ҳақида маълумот бўлмаса, талабнома билдирган тараф жавоб олингандан сўнг йигирма кун муддат ўтгач, банк муассасасига қарздор тан олган суммани сўзсиз тартибда ўтказиш тўғрисидаги фармойишни тақдим этишга ҳақли. Фармойишга қарздорнинг жавоби илова қилинади¹.

Амалдаги қонунга кўра хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматига талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган. Аммо, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан «Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида»ги Низомга мувофиқ юридик хизмат тўғрисидаги ички Низом тасдиқланган ҳолатда юридик хизмат хўжалик юритувчи субъектнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва давлат органи ва ташкилотига нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда иштирок этиши ҳам мумкин.

Демак, хўжалик юритувчи субъектнинг юридик хизмати талабнома ишларини юритишда икки хил шаклда иштирок этишлари мумкин: 1) талабнома ишларини юритишда иштирок этиш; 2) талабнома ишларини юритишни назорат қилиш. Юридик хизматнинг талабнома ишларини юритишдаги иштироки бевосита ёки билвосита амалга оширилиши мумкин. Агар хўжалик юритувчи субъектда юридик хизмат учун етарли шароитлар

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. № 9. – 170-модда.

(ходимлар сони, моддий-техник базаси ва бошқа таркибий бўлинмалардан тезкор ахборот олиш имконияти) яратилган бўлса, юридик хизмат талабнома ишларини мустақил юритиши ҳам мумкин¹.

Юридик хизмат томонидан бевосита олиб бориладиган талабнома ишлари ўз ичига қуйидагиларни олади: а) талабномани расмийлаштириш учун керакли бўлган маълумот ва ҳужжатларни йиғиш, талабнома ёзиш ва уни расмийлаштириш ҳамда тегишли хўжалик юритувчи субъектларга юбориш; б) хўжалик юритувчи субъектга келиб тушган талабномаларни кўриб чиқиш, улар бўйича керакли ҳужжатларни ўрганиб, талабномани тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ёхуд рад этиш ҳақида хулоса бериш ва жавобни расмийлаштириб, уни жўнатиш; в) юборилган ва келиб тушган талабномалар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб, уларни таҳлил қилиб, ишлаб чиқариш, хўжалик, молия, ҳисоб-китоб, меҳнат интизомининг бузилиши каби ҳолатларнинг олдини олиш бўйича таклифлар киритиш ва чора-тадбирлар белгилаш².

Юридик хизмат томонидан билвосита, яъни талабнома ишлари бошқа таркибий бўлинмалар (бухгалтерия, молия, таъминот, маҳсулотларни реализация қилиш ва ҳоказо) томонидан олиб борилганда юридик хизмат талабнома ишларини юритишда қуйидагича иштирок этади: бошқа бўлинмалардаги талабнома ишларини юритувчи ходимларга иш юритиш тартибини тушунтиради; амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан таништиради; зарур ҳолларда уларни ҳуқуқий тайёргарликдан ўтказди; уларга амалий ёрдам беради; мураккаб масалалар бўйича талабномаларни тайёрлашда уларга зарур маслаҳатлар беради; талабнома лойиҳаларига виза қўяди; тегишли бўлинмалар билан бирга талабнома ишларини юритишни

¹ *Клеандров М.И.* Институт юридической службы в предпринимательстве. Монография. Москва: Норма, Инфра-М. 2013. – С.68.; *Мась Л.В.* Руководство юрисконсульта для предприятий различных форм собственности: Серия: Закон и практика. Санкт-Петербург: Питер, 2005. – С.81.; *Отахонов Ф.Ҳ.* Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар). Монография. Тошкент: Адолат, 2007. – 155-б.

² *Отахонов Ф.Ҳ.* Халқ хўжалигида юридик хизмат: талабнома-даъво ишларини юритиш. – Тошкент: Адолат, 1997. – 200 б.; *Чащин А.Н.* Юридическая служба в Российской Федерации: учебное пособие. – Москва: ЗАО ИКЦ “ДИС”, 2005.– С.86–87.

яхшилаш юзасидан хўжалик юритувчи субъект раҳбарига таклифлар киритади.

Юридик хизмат талабнома ишларини юритишни назорат қилишда тегишли таркибий бўлинмалар томонидан талабнома билдириш ва унинг кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини бузилмаслигига алоҳида эътибор қаратади ҳамда унинг салбий оқибатларини олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар кўриш учун раҳбариятга маълумот беради.

Иқтисодий низони судгача ҳал қилиш – талабнома юбориш ва унга ўз вақтида жавоб бериш орқали ҳал қилиш ҳар икки тараф учун ҳам фойдали. Бунда, биринчидан, талабнома юборувчи тараф ўзининг бузилган ҳуқуқи ёки қонуний манфаатларини қисқа муддатларда тиклашга эришади; иккинчидан, иқтисодий муносабатларга киришган тарафлар даъво аризасини расмийлаштириш ва уни иқтисодий судга тақдим этиш, иқтисодий судда ишни кўриш жараёнида иштирок этиш ва ҳоказо ҳаракатлар учун сарфланадиган вақт ва харажатларни тежайдилар; учинчидан, давлат божи ва бошқа суд харажатларини тўлашга кетадиган маблағлар, яъни самарасиз сарф-харажатлар олди олинади; тўртинчидан, шартномавий муносабатларга киришган тарафларнинг бири-бирига бўлган ишончи ортади ва ўзаро ҳамкорликни давом эттиришга ортиқча монелик бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунида¹ қайд қилинганидек, даъво ишларини олиб бориш вазифаси юридик хизмат зиммасига юклатилган. «Даъво ишлари – бу ташкилот, унинг таркибий бўлинмалари ва ходимларининг даъво материалларини тайёрлаш ва даъвони тақдим этиш, шунингдек, унга қарши қўзғатилган даъводан ҳимояланиш бўйича ҳаракатлари йиғиндисидир»².

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 1998.№ 9. – 170-модда.

² *Титиевский А.Н.* Организация правовой работы на предприятии // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.distance.ru>] свободный.

Даъво аризасига қандай ҳужжатларни илова қилиш, улар нусхасининг сони, давлат божи ёки ҳакамлик йиғими миқдори, қайси иқтисодий ёки ҳакамлик судида даъво қўзғатиш ва бошқа масалалар бўйича ишлар юридик хизмат томонидан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси¹, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуни² ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб борилади. Зарур ҳолларда, даъво материалларини тузишда мутахассис иштирок этиши, судда, ҳакамлик суди ёки халқаро тижорат арбитражида унинг қатнашиши тақозо қилинса, юридик хизмат хўжалик юритувчи субъект раҳбари билан келишган ҳолда уларни бу ишга жалб қилиши мумкин.

Юридик адабиётларда иқтисодий судлов ишларида иштирок этадиган юридик хизмат ходимларига муайян талабларни қўйиш мақсадга мувофиқ деган фикрлар билдирилган. Хусусан, К.Лебедев юридик хизмат ходимлари, биринчидан – фуқаролик ва тижорат (тадбиркорлик) ҳуқуқлари бўйича зарур даражада назарий тайёргарликка, қонунчилик бўйича билимга эга бўлишлари; иккинчидан – суд тизимининг ташкилий тузилишини билишлари ва процессуал қонунчиликни эркин эгаллашлари; учинчидан – судда иш юритиш тажрибасига эга бўлишлари лозим деган фикрни илгари сурган³.

Бизнинг фикримизча, юридик хизмат ходимлари суд иш юритуви тартиби ва асосларини мукамал билиш билан биргаликда уни амалиётга татбиқ этиш қобилиятига эга бўлсагина, уларнинг бу борадаги фаолиятининг самарадорлигини оширишга эришилади⁴. Шунингдек юридик хизмат ходими ҳакамлик муҳокамасида иштирок этиши учун нафақат амалдаги қонун талабларини, балки муайян Ҳакамлик суди қоидаларини (регламенти ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон.

² Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрдаги ЎРҚ-64-сонли «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 42-сон, 416-модда.

³ Лебедев К.К. Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учеб.-практ. пособие. – Моква: Юристь, 2001.– С.189–197

⁴ Отахонов Ф.Х. Участие юридической службы в экономическом судопроизводстве // Международный научно-популярный журнал «Наука и жизнь Казахстана», 2018. № 4 (63). – С.106–113.

низомини) ҳам диққат билан ўрганиши лозим бўлади, чунки ҳар бир Ҳакамлик судининг ўз қоидалари мавжуд бўлиб, улар ўзига хос хусусиятларга эга¹.

Юридик хизмат ходимида даъвогар ёки жавобгарнинг вакили сифатида иқтисодий суд, ҳакамлик суди ёки халқаро тижорат арбитражида ишда иштирок этиши учун хўжалик юритувчи субъект томонидан ишончнома берилиши лозим. Ишончномага хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган шахс имзо чекади ва бу имзо хўжалик юритувчи субъектнинг муҳри (мавжуд бўлса) билан тасдиқланади.

Юридик хизмат ходимининг ишда иштирок этувчи тарафларнинг (даъвогар ёки жавобгарнинг) вакили сифатидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари хусусан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 42 ва 63-моддаларида белгилаб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, кўчирма нусха олиш, рад қилиш тўғрисида ариза бериш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида юзага келадиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш)².

Бозор иқтисодиётига ўтиш кўп жиҳатдан мулкчиликнинг турли шаклларида ҳам боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида «давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судининг Регламенти (ЎзР ССП Ижроия қўмитасининг 08.10.2007 й. 43-сон Қарори билан тасдиқланган).

² Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир»¹- дейилган. Маълумки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида иқтисодиётда давлат мулки улушини тобора камайтириш жараёни ўзининг самарасини бермоқда.

Бозор муносабатлари шароитида нафақат давлат мулки, балки бошқа барча шаклдаги мулклар ҳам жамият фаровонлигини оширишнинг иқтисодий манбаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча шаклдаги мулкларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва кўпайтириш лозим, бу эса ўз навбатида уларнинг сақланишини зарур даражада таъминлашга боғлиқ.

Хўжалик юритувчи субъектлар мулкни ҳуқуқий воситалар билан сақлашни ташкил этишда юридик хизмат муҳим роль ўйнайди. Юридик адабиётларда, жумладан, Б.Пугинский, В.Неверов, А.Чашин, В.Анохин, Л.Масъ, М.Клеандров томонидан бу масалага алоҳида эътибор берилган².

Юридик хизмат мулкни сақлашни ҳуқуқий таъминлаш ишларини куйидаги шаклларда амалга оширади: мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қонунга мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади; бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда ўғирлик, камомад ва самарасиз харажатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ва уларни бартараф қилиш тадбирларини амалга оширади; моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳаси ҳамда бузилишлар ва суиистеъмолликлар аниқланган аудиторлик текширувлари ва қайта рўйхатга олиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар беради; хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарларни қоплаш чораларини кўради; дебиторлик қарзларини тугатиш ишларида қатнашади; суд ва тергов органларига жўнатиш учун пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 76 б.

² Батафсил қаранг: *Пугинский Б.И., Неверов О.Г.* Правовая работа. Учебник для вузов. – Москва: Зерцало-М, 2004. – 168 с.; *Чашин А.Н.* Юридическая служба в Российской Федерации: учебное пособие. – Москва: ЗАО ИКЦ “ДИС”, 2005.– С.98–107; *Анохин В.С.* Правовая работа в народном хозяйстве в новых экономических условиях. – Воронеж: ВГУ, 1991.– 328 с.; *Масъ Л.В.* Руководство юрисконсульта для предприятий различных форм собственности /Серия: Закон и практика. – Санкт-Петербург: Питер, 2005. – С.75–82; *Клеандров М.И.* Институт юридической службы в предпринимательстве. Монография. – Москва: Норма, Инфра-М. 2013. – С.69.

камомади ва уларни ўғирлашлар бўйича материалларни расмийлаштиради; мулкни сақлашни таъминлаш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини ташвиқот қилади.

Юридик хизмат бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектга келиб тушадиган моддий бойликларни қабул қилишни ташкил қилиш, уларни омбордан ишлаб чиқаришга ўтказиш, ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳисобини ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобини юритишни; хўжалик юритувчи субъектга моддий зарар етказилган ҳолатлар аниқланганда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ва муддатларини белгиловчи буйруқ (йўриқнома) лойиҳасини тайёрлайди. Мазкур буйруқда юқоридаги вазифаларни бажариш учун масъул бўлган шахслар аниқ кўрсатилади. Юридик хизмат маҳсулотларни сони ва сифати бўйича қабул қилишни хўжалик шартномасида ва қонунчиликда белгиланган тартибига риоя қилиниши, қабул қилиш далолатномаларини тўғри тузилиши устидан назоратни олиб боради.

Хўжалик юритувчи субъектда мулкни сақлашни таъминлашда моддий жавобгар шахслар алоҳида роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам юридик хизмат бундай лавозимга илгари қасддан жиноят содир қилган ва суд томонидан моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларни қабул қилмаслик; моддий жавобгар шахслар билан ўз вақтида тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузиш; ҳар бир моддий жавобгар шахсни лавозими бўйича ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисидаги мансаб йўриқномаси билан тилхат орқали мажбурий таништириш; моддий жавобгар шахсларга ҳар йили моддий бойликларни топшириш йўли билан меҳнат таътили бериш чораларини кўришга эътиборини қаратади.

Юридик хизмат хўжалик юритувчи субъектда аниқланган ўғрилиқ, камомад ва самарасиз харажатлар бўйича материалларни тергов ва суд органларига топшириш билан чекланиб қолмасдан, балки бунга йўл қўйган

шахсларни тегишли жазога тортилиши ҳамда етказилган зарарни тўлиқ ва тезроқ ундирилишини таъминлаш чораларини ҳам кўради.

Хўжалик юритувчи субъектларда уларнинг мулкани сақлашни ҳуқуқий таъминлаш, аввало, мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини шакллантиришга, мулк эгаси бўлган тадбиркорлар, акциядорлар ҳуқуқларини ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга, қолаверса жиноят ва етказилган зарар учун жазони муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка амал қилишни таъминлаш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш хўжалик юритувчи субъект юридик хизмати бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда амалга оширадиган ҳуқуқий ишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади¹. Чунки, «меҳнат муносабатларини лозим даражада ҳуқуқий тартибга солиниши», – дейди А.Титиевский, корхонанинг барча хўжалик ва бошқа устав фаолиятининг сифатига жиддий таъсир кўрсатади»².

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг бу борадаги асосий ишлари қуйидагилардан иборат: хўжалик юритувчи субъектнинг меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларини – жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, мукофотлаш ва рағбатлантиришлар тўғрисидаги низомларни – ишлаб чиқишда қатнашиш; хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзоланган учун тақдим қилинаётган меҳнат муносабатларига оид буйруқлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини таъминлаш; меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишга келмаганлик, кечикиш ва ишлаб чиқаришдаги бошқа тартиб ва интизомни бузганлик учун қонунчиликда кўзда тутилган жавобгарлик чораларини тўғри қўллашда хўжалик юритувчи субъект

¹ Батафсил қаранг: *Отахонов Ф.Ҳ.* Юридик хизматнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги роли // *Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.* 2001.№ 7-8. – 25–27 б.; *Чашин А.Н.* Юридическая служба в Российской Федерации: учебное пособие. – Москва: ЗАО ИКЦ “ДИС”, 2005. – С.113–115; *Турсунов Й.* Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. – Тошкент: Адолат, 2018, – 864 б.; *Соколов Е.А., Раҳманбеков Ж.Н.* Труд и право работников предприятий, или Как защитить свои трудовые права и гарантии. – Ташкент: Адолат, 2016, – 584 б.

² *Титиевский А.Н.* Организация правовой работы на предприятии // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.distance.ru>] свободный

рахбари ва мутахассисларга юридик ёрдам кўрсатиш; хўжалик юритувчи субъектда меҳнат ҳақидаги қонунчилик ва корхонани ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларини назоратда тутишни тартибли ҳисобга олиш бўйича ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш; меҳнат жамоасидаги мавжуд касаба уюшмаси кўмитаси, меҳнат низолари комиссияси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш; меҳнат жамоаси аъзоларига меҳнат қонунчилигини тарғиб қилиш ва тушунтириш.

Хўжалик юритувчи субъектда меҳнат қонунчилигини қўллаш масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжатларни юридик хизмат тегишли таркибий бўлинмалар билан ҳамкорликда, айрим ҳолларда мустақил тайёрлайди.

Жамоа шартномаси – хўжалик юритувчи субъектда иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи локал ҳужжатдир. Юридик хизмат жамоа шартномалари лойиҳаларини тайёрлаш ва уни тузиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси¹ ва бошқа қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаши лозим.

Меҳнат қонунчилигини қўллашда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Ички меҳнат тартиби қоидалари ҳисобланади. Унда, жумладан, иш берувчи ва ходимнинг меҳнат фаолияти жараёнидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади. Юридик хизмат хўжалик юритувчи субъектнинг Ички меҳнат тартиби қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этар экан, мазкур хўжалик юритувчи субъект иши хусусиятини иложи борида тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаши керак. Шу мақсадда тегишли таркибий бўлинма мутахассисларини мазкур ҳужжатни тайёрлашга жалб қилиш тўғрисида таклиф киритиши ва Ички меҳнат тартиби қоидалари иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда тасдиқланишига эътиборни қаратиши лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 140 б.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим қилинаётган меҳнат муносабатларига оид буйруқлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини таъминлаш юридик хизматнинг асосий вазифаларидан биридир. Юридик хизмат бу вазифани бажарар экан, биринчи навбатда, қуйидагиларни аниқлайди: хўжалик юритувчи субъект раҳбари мазкур масала бўйича буйруқ чиқаришга ҳақлими ёки лойиҳада кўзда тутилган масалаларни ҳал қилиш бошқа органларга тегишлими; мазкур лойиҳа касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишишни талаб қиладими; қонун бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тўғри таянилганми ва ҳоказо.

Хўжалик юритувчи субъектнинг деярли ҳар кунлик фаолиятида қабул қилинадиган ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар – меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқдир. Юридик хизмат меҳнат шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш жараёнида – унинг ёзма шаклига риоя қилинганлигини; унинг мазмунини ташкил қилувчи шартлар: иш жойи (хўжалик юритувчи субъект ёки унинг бўлинмаси), ходимнинг меҳнат вазифаси-мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим, ишнинг бошланиш куни, меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилганда унинг амал қилиш муддати, меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари ёритилганлигини кўриб чиқиб, у тўғри расмийлаштирилган бўлса, меҳнат шартномасининг хўжалик юритувчи субъектда сақланадиган нусхасига виза қўяди.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш-жамоат бойлигининг сармоя сарфлашни талаб қилмай, улкан самара берадиган захирасидир. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, саноатда иш вақтининг йўқотилишини икки баравар қисқартириб, меҳнат унумдорлигини анча ошириш мумкин. Меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналиш ва услублари қонун ҳужжатларида белгиланган. Улар интизомни мустаҳкамлашга комплекс ёндашишни, интизомни бузиш ҳисобини такомиллаштиришни, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бўлинмалари раҳбарларининг интизом

аҳволи учун жавобгарлигини оширишни, интизомни бузувчиларга мурасасозлик билан ёндашиш фактларини йўқотишни, бу мақсадларда амалдаги қонунчилик меъёрларидан самарали фойдаланишни, сидқидилдан қилинган меҳнат учун моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кенг қўллашни, меҳнат жамоалари ва жамоатчилик ташкилотлари ролини оширишни, уларнинг ҳуқуқларидан самарали фойдаланишни ўз ичига олади. Ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича ишларни ташкил этиш ҳуқуқий воситалардан кенг фойдаланишни тақозо этади.

Юридик хизмат хўжалик юритувчи субъектда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Бунинг учун юридик хизмат кадрлар бўлими билан ҳамкорликда иложи борича жамоат ташкилотлари иштирокида хўжалик юритувчи субъект бўйича меҳнат интизомининг бузилиш ҳоллари ҳақидаги маълумотларни вақти-вақти билан таҳлил қилиши, бу нуқсонларнинг сабабларини аниқлаши ва уларни бартараф этишда ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш борасида таклифлар киритиши керак.

Юридик хизмат меҳнат интизомини бузувчиларга қонунчилик нормаларини қўллаш тажрибаларини умумлаштиришда иштирок этади. Бунда ҳуқуқий чораларни жамоатчилик таъсири тадбирлари билан моҳирона қўшиб қўллаш, ишга келмайдиган ва бошқа меҳнат интизомини бузувчиларга интизомий чоралар қонунчиликда (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасида)¹ кўзда тутилган жазоларни (жумладан - «хайфсан», «ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима», «меҳнат шартномасини бекор қилиш») қўллашга, қўлланган чоралар ҳақидаги ахборотни жамоа аъзоларига етказилишига, яъни ошкораликка эътибор бериши лозим. Чунки, интизомий жазо чорасининг нотўғри қўлланилиши ёки қонунда кўрсатилмаган чоранинг (масалан,

¹ Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги бўйича меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 90 б.

«танбех», «огоҳлантириш», «қаттиқ хайфсан» каби) қўлланилиши, бундай чораларни бекор қилиш ёки ноқонуний деб топишга олиб келади. Натижада, меҳнат интизомини бузган ходим ҳақиқатда жазосиз қолиши мумкин, чунки кўпчилик ҳолларда интизомий жазо қўллашнинг бир ойлик муддати ўтиб кетади. Бу ўз навбатида жамоада меҳнат интизомини бўшашиб кетишига олиб келади.

Юридик хизмат томонидан ташкил этиладиган семинарларда хўжалик юритувчи субъектда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, уюшқоқлик ва тартиб учун барча ҳуқуқий воситалар ҳамда қонун кучидан фойдаланиш зарурлигини ҳар томонлама таъкидлаш муҳимдир¹.

II боб бўйича хулосалар

Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизими, ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий йўналишлари илмий-амалий таҳрири қуйидаги хулосаларни асослашга хизмат қилди:

1. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизимида қуйидаги гуруҳларни киритиш мақсадга мувофиқ: а) давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг юридик хизмати; б) давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати; в) вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юридик хизмати; г) хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар) юридик хизмати.

2. Юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомига қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда тушунча бериш мақсадга мувофиқ: *биринчидан*, юридик хизмат давлат органи ва ташкилотининг бевосита раҳбарига бўйсунадиган мустақил таркибий тузилмаси эканлиги; *иккинчидан*, юридик хизмат ходимларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланганлиги; *учинчидан*, юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари ва функциялари қонун ҳужжатларида аниқ кўрсатилганлиги; *тўртинчидан*, юридик хизматга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмаслиги. Демак,

¹ Қаранг: Саъдуллаев Н. Уюшмада ҳуқуқшунос штати // Ишонч. 2006. 21 март

юримдик хизматнинг ҳуқуқий мақоми деганда мустақил таркибий тузилма сифатида ўзига юклатилган функцияларни бажариш борасидаги унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари йиғиндиси ҳамда жавобгарлиги тушунилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг девонлари тўғрисидаги низомларда юримдик бўлимларнинг, бўлим мудирлари ва ходимларининг вазифаларигина белгиланган бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари, жавобгарлиги масалалари лозим даражада ўз ифодасини топмаган, шунингдек уларда юримдик хизмат ходими лавозимини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар ҳам белгиланмаган. Бу эса улардаги юримдик хизматнинг ҳуқуқий мақомини янада такомиллаштиришни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Юримдик бўлимларини Юримдик департаментга айлантириб, юримдик хизмат ходимларини сонини ошириш ҳамда юримдик хизматлар тўғрисида алоҳида низомлар ишлаб чиқиш ва уларни палаталар Кенгашлари томонидан тасдиқлаш мақсадга мувофиқдир.

4. Амалдаги юримдик хизмат тўғрисидаги Низомда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари юримдик хизмати ҳуқуқий мақоми бир хил белгиланган. Бунда мазкур органларнинг ҳуқуқий мақоми ўзига хос хусусиятга эга эканлиги эътибордан четда қолган. Шунинг учун ҳам Низомда белгиланган нормаларни хўжалик бошқаруви органлари юримдик хизматига нисбатан тўлиқ татбиқ этиш масаласи баҳслидир¹. Чунки, *биринчидан*, хўжалик бошқаруви органлари давлат бошқаруви органлари каби уларнинг таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар бажариши мажбурий бўлган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилмайди; *иккинчидан*, хўжалик бошқарув органларининг асосий вазифалари ва функциялари жумласига уларнинг таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектларда ҳуқуқий ишларга раҳбарликни амалга ошириш вазифаси киритилмаган. Бошқача қилиб айтганда, хўжалик бошқарув органлари уларнинг таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун «юқори турувчи орган» сифатида эмас, балки

¹ Қаранг: «Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари»// Илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 101-106 б.

«хўжалик бирлашмалари» сифатида ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган тузилмадир.

Бундай номутаносибликни бартафар қилиш учун хўжалик бошқаруви органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари, функциялари ҳамда ҳуқуқий мақомини мазкур хўжалик бошқарув органлари ҳуқуқий мақомига мос равишда қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқ ижодкорлигида энг фаол иштирок этувчи орган ҳисобланишини эътиборга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган қарорларни икки туркумга ажратиб, яъни: 1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; 2) норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлмаган (ҳуқуқни қўллаш) ҳужжатлар сифатида алоҳида рақамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, *биринчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат ҳисобланиб, уни қабул қилиш тартиби махсус қонун билан белгиланган; *иккинчидан*, ҳуқуқни қўллашга оид ҳужжатлар умум мажбурий хусусиятга эга бўлмай, фақат унда кўрсатилган ҳуқуқ субъекти (субъектларига) тааллуқли бўлиб, уни қабул қилиш тартиби махсус қонун билан тартибга солинмайди, *учинчидан*, ҳар икки туркумдаги ҳуқуқий ҳужжатларга кетма-кетликда рақам берилиши улардан фойдаланиш ва уларни тизимлаштиришда муайян қийинчиликлар туғдиради, *тўртинчидан*, юридик хизматнинг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнидаги иштироки самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш имкониятини мураккаблаштиради.

6. Давлат бошқаруви органларида юридик хизматнинг идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини уч йўналишга ажратиш мумкин, яъни: *биринчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини бевосита юридик хизматнинг ўзи томонидан ёки айрим ҳолларда бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда тайёрлаши; *иккинчидан*, бошқа таркибий тузилмаларга

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда кўмаклашиш; *учинчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш¹.

7. Ҳуқуқий экспертиза қуйидаги элементлардан иборат: қонунийликни текшириш, матнни ҳуқуқий ва умумий таҳрир қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклининг белгилаб қўйилган талабларга жавоб бериши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатга манфаатдор шахслар томонидан виза қўйиш тартиби, норматив-ҳуқуқий ҳужжат юбориладиган шахслар рўйхати.

8. Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларига қуйидагиларни: а) хўжалик шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича ишларда иштироки; б) талабнома-даъво ишларини ташкил қилиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли; в) мулкни сақлаш бўйича ҳуқуқий таъминлаш ишларини ташкил қилиш; г) меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги ролини киритиш мумкин.

Шу ўринда фикримизча низони судгача ҳал қилишга нафақат талабнома билдириш, балки низони музокаралар ва медиация орқали ҳал қилишни ҳам киритиш лозим². Чунки бунинг учун ҳуқуқий асос яратилди ва хорижий тажриба низоларни бундай муқобил ҳал қилиш усуллари қанчалик самарали эканлигини кўрсатмоқда³. Юридик хизматнинг низоларни судгача ҳал қилиш, шу жумладан медиация жараёнида ҳамда ҳакамлик муҳокамаси ва халқаро тижорат арбитражида иштироки масалаларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш лозим.

9. Хўжалик бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва унинг амалиётини изчил такомиллашуви мазкур субъектлардаги ҳуқуқий ишлар самарадорлиги

¹ *Отахонов Ф.Х.* Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар). Монография. Тошкент: Адолат, 2007. – 135-б.

² Қаранг: *Отахонов Ф.Х.* Низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари: муаммо ва ечимлар //Низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари ривожлантиришнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент: ТДЮУ, 2016. –Б. 7–15.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ-482-сонли «Медиация тўғрисида»ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 9 июль, 27-сон, 536-модда.

ошириш орқали уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш, молиявий кўрсаткичларини яхшилаш, ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтириш, мансабдор шахслар ва ходимларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ҳамда юридик хизмат ходимларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

III БОБ.

АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ, НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА УСЛУБИЙ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛАРИ

1-§. Адлия органларининг юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқлари ва функциялари

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш жараёнида, биринчи навбатда, ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг яхлит тизимини жорий этиш йўли билан амалга оширишни кўзловчи адлия органлари ва муассасаларига муҳим роль ажратилмоқда.

Адлия органларини «одилона қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир» деган концептуал ғояни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ягона давлат ҳуқуқий сиёсати амалга оширилишини таъминлайдиган профессионал хизматга айлантириш улар фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади¹.

Сўнгги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида, айниқса, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, уларнинг юридик хизматларини мувофиқлаштириш, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш масалалари бўйича адлия

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5415-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 16 апрель, 15-сон, 308-модда.

органлари ва муассасаларининг роли ва масъулиятини ошириш имконини берди¹.

Хусусан, адлия органларининг давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бошқарув органлари юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш, уларнинг юридик хизмат ходимларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилишда иштирок этиш, малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш ҳамда бошқа масалалар бўйича фаолиятининг ҳуқуқий асослари бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади². Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш соҳасида қуйидаги функцияларни амалга оширади: 1) юридик хизматлар фаолиятини, улар томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқий ишлар ҳолатини ўрганади; 2) юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи аниқланган қонун ҳужжатлари талаблари бузилишларини бартараф этиш, шунингдек айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш бўйича чоралар кўради; 3) юридик хизматлар ходимларини лавозимига тайинлаш ва озод қилишда иштирок этади; 4) юридик хизматларга ҳуқуқий ишларга оид кўрсатмалар беради; 5) юридик хизматлар ходимларининг малакасини

¹ Батафсил қаранг: *Файзиёв Х.* Вазифа, ваколат ва бурч // Адвокат. 2018, 3-сон, 6–9 б. *Матрасулов Д.Р.* Правовые основы организации управления органами юстиции в Республики Узбекистан: Автореферат. канд. юрид. наук. Тошкент: 2002. – 20 б.; *Абдусаломов М.Э.* Становление и развитие органов юстиции Узбекистана. – Тошкент: «Адолат», 1996. 44 с.; *Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т.* Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. 2-нашр. Тошкент: 2003. – 367 б.; *Назаров К.* Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2004. – 214 б.; *Хакимов Г.* Маъмурий ҳуқуқ. Махсус қисм. Ўқув қўлланма. Тошкент: 2005. – 331 б.; *Отахонов Ф.Х.* Конституция ва адлия органларининг юридик хизматни ривожлантиришдаги роли // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг асоси - Илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент: 2003. – 94-98 б.; *Отахонов Ф.Х.* Проблемы юридической службы органов управления Республики Узбекистан. Тошкент: Адолат, 1993. – С. 156–160.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5415-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 16 апрель, 15-сон, 308-модда; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3666-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 23 апрель, 16-сон, 330-модда; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 30 январь, 4-сон, 50-модда ва бошқалар.

оширишни ташкил қилади; 6) юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди, аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома беради; 7) юридик хизматлар ходимларининг ҳисобини юритади; 8) юридик хизматларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартибини, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилайди; 9) юридик хизматлар ходимларини лавозимига тайинлаш ва озод қилиш масаласини адлия органлари билан келишиш тартибини белгилайди; 10) юридик хизматлар ходимларининг адлия органларида стажировка ўташ тартибини белгилайди; 11) юридик хизмат ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг стажировка ўташини ташкил этади; 12) юридик хизматлар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади; 13) юридик хизматлар ходимларининг иш жойини моддий-техник жиҳатдан таъминлашга қўйилган минимал талабларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди¹.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 250-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига: а) давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари томонидан юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишининг мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинги олиб борилишини ва таҳлил қилинишини таъминлаш; б) зарурат бўлганда юридик хизматлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритиш; в) юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларининг юридик хизмат ходимлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан бузилиши ҳолатларини белгиланган

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 23 апрель, 16-сон, 330-модда.

тартибда бартараф этишга қаратилган чораларни кўриш каби вазифалар ҳам юклатилган¹.

Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомда бевосита вазирлик ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга эканлиги қайд қилинган: а) давлат органлари ва ташкилотларида норма ижодкорлиги фаолияти, ҳуқуқий ишлар, юридик хизматлар фаолияти, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш ҳолатини текшириш; б) давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати фаолиятида аниқланган ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиш; в) юридик хизматларни фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқланганда ҳамда адлия органларининг қонуний талаблари бажарилмаганда, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш; г) юридик хизмат ходимининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш.

Унда шунингдек вазирлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкинлиги белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5415-сонли Фармонида Адлия вазирлигига давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида, шу жумладан халқаро арбитражлар ва суд ишлари бўйича ўқиш ва малакаларини ошириш учун ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларига юбориш

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 323-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.02.2018 й., 09/18/107/0697-сон.

хукуқи берилган¹, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида»ги Низомга кўра давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражаларини бериш тартиби уларнинг эгаллаб турган лавозимини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланиши назарда тутилган². «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш Қоидалари»нинг бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади³.

Янги ташкил қилинган туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг асосий вазифалари этиб жумладан давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларида ҳукуқий ишларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва методик таъминлаш белгиланганлиги, бу соҳадаги ишларни туман ва шаҳарлар миқёсида амалга ошириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда Адлия вазирлигининг юридик хизматга идоралараро раҳбарлик қилиш функцияси вазирликда Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса Ҳукуқий

¹Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Давлат ҳукуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПФ-5415-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 16 апрель, 15-сон, 308-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида»ги Низом, //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 50-модда, 25-сон, 521-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2018 й., 0618/5306/0593-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон, 08.08.2018 й., 06/18/5504/1629-сон.

³ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 07/18/3666/1073-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон)

экспертиза ва юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимлари томонидан амалга оширилмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2018 йил 4 майдаги 134-ум-сон буйруғи билан тасдиқланган Низомга² мувофиқ Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларига қуйидагилар киради: а) давлат органлари ва ташкилотларида ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш, шунингдек уларни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқиш; б) давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларининг юридик хизмат ходимлари ва мансабдор шахслар томонидан бажарилишини назорат қилиш; в) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, услубий раҳбарлик қилиш ва назорат қилиш.

Бошқарма ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун жумладан қуйидаги ҳуқуқларга эга: 1) давлат органлари ва ташкилотлардан, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалалар юзасидан ҳужжатларни, статистика ва бошқа маълумотларни, таҳлилий материалларни, хулосалар ва бошқа ахборотларни сўраш, талаб қилиш ва олиш; 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонунчиликни такомиллаштириш масалалари бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш; 3) вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, таълим, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлардан қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича хулосалар олиш ҳамда кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда ушбу лойиҳаларни тайёрлаш бўйича комиссиялар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Давлат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3666-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 23 апрель, 16-сон, 330-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2018 йил 4 майдаги 134-ум-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси тўғрисида»ги Низом // <http://www.minjust.uz/uz/about/apparat/>

(ишчи гуруҳлари) ташкил этиш; 4) давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлар соҳасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва раҳбариятга тақдим этиш; 5) давлат органлари ва ташкилотларида ҳуқуқий ишлар аҳволини, шунингдек уларнинг юридик хизматлари фаолиятини текшириш, улардан амалга оширган ишлари тўғрисида маълумотлар тақдим этишларини талаб қилиш, кўрсатилган органларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ёки уларнинг айби билан давлатга ёки ташкилотга етказилган моддий зарарни қоплаш тўғрисидаги масала билан юқори турувчи органларга ёки судга мурожаат қилиш; 6) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ушбу органларнинг норма ижодкорлиги фаолияти устидан мониторинг олиб бориш жараёнида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида, ишлаб чиқиш муддатини кўрсатган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш зарурлиги тўғрисида, улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш зарурлиги тўғрисида, қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ёхуд уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида тақдимномалар киритиш¹; 7) юридик хизмат ходимининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатиш бўйича аттестация комиссиясига таклиф киритиш; 8) юридик хизмат ходимларининг мартаба даражасидан маҳрум қилиш ёки уни пасайтириш юзасидан аттестация комиссиясига таклиф киритиш; 9) вазир топшириғига асосан ҳамда иш режаларга мувофиқ ҳудудий адлия органлари фаолиятини ўз ваколатига

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2018 йил 4 майдаги 134-ум-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси тўғрисида”ги Низом // <http://www.minjust.uz/uz/about/apparat/>

тегишли масалалар бўйича текшириш, натижалари бўйича вазирлик раҳбариятига маълумотнома тақдим этиш.

Юқорида баён қилинганлар шундан далолат берадики адлия органларининг давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш соҳасидаги ваколатлари қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, улар ўз фаолиятни мазкур ваколатлар доирасида амалга оширади.

2-§. Адлия органларининг юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш бўйича фаолияти

Адлия органлари давлат органлари ва ташкилотлар юридик хизматлари фаолиятини, улар томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқий ишлар ҳолатини ўрганиш жараёнида мазкур давлат органлари ва ташкилотларида бу соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишади, маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қилади ҳамда ижобий тажрибасини кенг оммага етказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўради ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар беради. Бунда юридик хизмат қай тартибда йўлга қўйилганлиги; давлат органлари ва ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг, жамоа шартномаси ва ички меҳнат тартиби қоидаларининг мавжудлиги ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги; юридик хизмат тўғрисидаги Низом талаблари қай даражада бажарилаётганлиги; юридик хизмат фаолиятини режали тартибда ташкиллаштирилганлиги, уларнинг бажарилиши, фаолият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжудлиги ва бошқа масалалар ўрганилади¹.

Адлия вазирлигининг маълумотига кўра 2017 йилда адлия органлари томонидан 533 нафар давлат органлари ва ташкилотлар юридик хизматларининг фаолияти ўрганилган. Бу жараёнда 9 887 та камчилик аниқланган, камчиликлар юзасидан 694 та тақдимнома киритилган.

¹ Қаранг: Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.partner.dn.ua>] свободный.

Тақдимномалар бўйича 217 та мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 130 таси эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган¹.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган «Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисида»ги Низомга² мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими лавозимига тайинлаш ва ундан озод этишга тақдим этилган номзодларни адлия органлари билан келишиш уларнинг тавсия этилган лавозимга лаёқатини ва касбига муносиблигини аниқлаш, шунингдек юридик хизмат ходимларини ноқонуний таъсир кўрсатишдан ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади. Бунда республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари юридик хизмати ходимлари лавозимга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, шунингдек ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари лавозимга тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда тайинланади ва озод қилинади.

Хусусан, 2017 йилда адлия органлари билан давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг 610 нафар ходимини лавозимга тайинлаш ва 204 нафарини лавозимдан озод этиш учун келишилган³.

Низомга кўра қуйидагилар юридик хизмат ходимини лавозимидан озод этишни келишишни рад этиш учун асос бўлади: а) юридик хизмат ходимини лавозимидан озод этиш учун сабаблар етарли эмас деб топилганда; б) юридик хизмат ходимининг зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқмайдиган

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида маълумот / <http://www.minjust.uz/uz/about/statistics/>

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 140-модда, 10.01.2018 й., 10/18/2864-1/0539-сон, 10.09.2018 й., 10/18/2864-2/1860-сон.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида маълумот / <http://www.minjust.uz/uz/about/statistics/>.

ишларни бажармаганлиги ёки уни ўзига юклатилган мажбуриятларини бажарганлиги учун таъқиб қилинганлиги ҳолати аниқланганда.

Мамлакатимизда юридик таълим тизимини шакллантиришда, аввало, унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва мунтазам такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Бугунги кунда ушбу соҳада етарлича ҳуқуқий замин яратилган бўлиб, юридик кадрларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни¹, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури², шунингдек, Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари асосида амалга оширилмоқда.

Бу борада Адлия вазирлиги давлат органларининг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш; уларни Тошкент давлат юридик университети, Тошкент юридик коллежи, Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейда тайёрлаш ишларини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш; замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, ҳуқуқшунослар ўртасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш каби чора-тадбирларни амалга оширади.

Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар малакасини ошириш маркази томонидан амалга оширилади. Юридик хизмат ходимлари малакасини ошириш ҳар уч йилда камида бир марта амалга оширилади. Малака ошириш муддати икки ҳафтадан кам бўлиши мумкин эмас. Юридик хизматларнинг малака оширишдан ўтган ходимларига белгиланган намунадаги сертификат берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон Қарори³ билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юридик хизматларнинг кадрлар таркиби, ушбу хизматлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 1997. № 9. – 225-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 1997. № 11-12. – 295-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 46-47-сон, 472-модда; 2013 й., 50-сон, 650-модда; 2015 й., 23-сон, 302-модда; 2017 й., 18-сон, 323-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон.

ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган маълумотлар базасини марказлаштирилган тартибда шакллантириш ва юритиш йўли билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматлари тўғрисидаги ахборотларнинг зарур даражада ҳисобга олиниши ва тизимлаштирилишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари эса юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини оширишнинг қарор билан тасдиқланган муддатлари ва тартибига қатъий амал қилинишини таъминлаш зарурлиги белгиланган. Мазкур Қарор билан «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом¹ тасдиқлаган бўлиб, унда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби белгиланган.

Юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш уларнинг касбига муносиблиги даражасини холисона баҳолаш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш ҳамда зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариши юзасидан масъулиятини ошириш мақсадида амалга оширилади.

Юридик хизмат ходимлари малакасини ошириш юриспруденция соҳасидаги назорат ва амалий билимларни чуқурлаштириш ва янгилаш, уларнинг касбий тайёрлигининг бажариладиган вазифалар ва функцияларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 46-47-сон, 472-модда; 2013 й., 50-сон, 650-модда; 2015 й., 23-сон, 302-модда; 2017 й., 18-сон, 323-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон

Юридик хизмат ходимлари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтиши шарт. Юридик хизмат ходимларининг улар ишлаётган ташкилотлар томонидан аттестациядан ўтказилиши тақиқланади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг марказий аппаратлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари юридик хизмати ходимларини аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, туманлар ва шаҳарлар ҳокимиятлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимларини аттестациядан ўтказиш ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида камида беш кишидан иборат таркибда аттестация комиссиялари тузилади. Аттестация комиссиялари таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида вазирнинг тегишли ўринбосари, ҳудудий адлия органларида эса – ҳудудий адлия органи раҳбари аттестация комиссиясининг раиси ҳисобланади. Аттестация комиссиялари таркибига, келишувга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, илмий ва олий таълим муассасалари вакиллари киритилиши мумкин. Ҳудудий адлия органларининг аттестация комиссиялари таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратининг тегишли бўлинмаси ходими мажбурий тартибда киритилади. Аттестация комиссияси, агар унинг мажлисида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса ваколатли ҳисобланади. Юридик хизмат ходими ишлайдиган ташкилотнинг вакили аттестация комиссияси мажлисида маслаҳат овози билан қатнашиши

мумкин¹. Аттестация тугандан кейин вакилнинг фикр-мулоҳазаси эшитилади. Аттестация суҳбат шаклида ўтказилади. Юридик хизмат ходими билан унинг касб фаолиятига боғлиқ бўлган қонунчилик соҳаси, шу жумладан конституциявий ҳуқуқ соҳаси, фуқаролик ва меҳнат қонунчилиги асослари, шартномавий-ҳуқуқий фаолият, суд ишларини юритиш асослари бўйича суҳбат ўтказилади.

Аттестация комиссияси юридик хизмат ходимининг билимлари ва иш тажрибасини ҳисобга олиб: а) юридик хизмат ходимини аттестациядан ўтган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳақида; б) юридик хизмат ходимини аттестациядан ўтмаган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Юридик хизмат ходими аттестациядан ўтмаган ташкилот мазкур ходимни такрорий аттестациядан ўтказиш учун аттестация ўтказилган кундан камида уч ой ўтгач, бироқ олти ойдан кечикмай мурожаат қилиши мумкин. Агар юридик хизмат ходими такрорий аттестациядан ўта олмаса ёки кўрсатилган муддатда такрорий аттестациядан ўтиш учун мурожаат қилмаса, аттестация комиссияси унинг иш жойига билдиришнома юборади. Ташкилот раҳбари билдиришнома олинган кундан кейин ўн кун мобайнида ходимни меҳнат қонунчилигига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ёхуд бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга ва кўрилган чоралар тўғрисида уч кун муддатда тегишли адлия органини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Масалан, Юридик хизмат ходимларидан 125 таси 2014 йилда, 699 таси 2015 йилда, 377 таси 2016 йилда, 527 таси 2017 йилда ўз малакаларини оширганлар. 2014 йилда 180 та, 2015 йилда 426 та, 2016 йилда 367 та, 2017 йилда 521 та юридик хизмат ходими аттестациядан ўтказилган². Демак жами

¹Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар). Монография. Тошкент: Адолат, 2007. – Б.186.

²Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг веб-сайти <http://www.minjust.uz/uz/activity/coordination/89446/>.

штат бирликларидаги 4753 та юридик хизмат ходимларидан 1728 таси, яъни 36 фоизи малакасини оширган, 1494 таси, яъни 31 фоизи аттестациядан ўтказилган халос. «Бироқ, номзодлар орасида юридик хизмат ходими лавозимига нолайиқ бўлган номзодлар ҳам кўп учрамоқда. Жумладан, Марказий банкнинг Юридик бошқармаси бўлим бошлиғи бир неча йил давомида мазкур лавозимда ишлаб келганлигига қарамасдан аттестациядан ўтмаган деб топилган. Шунингдек, «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг Юридик бўлим бошлиғи лавозимига тавсия этилган 1 нафар, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси юрисконсулти лавозимига тавсия этилган 3 нафар номзодлар келишувдан ўтмаган деб топилган»¹.

Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган юридик хизмат ходимларининг 64 фоизи малакасини оширмаган ва 69 фоизи аттестациядан ўтмаган ҳолда ишлаб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, туманлар ва шаҳарлар ҳокимиятлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ҳуқуқий ишлар аҳволига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Фикримизча, адлия органларининг юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш борасидаги фаолиятини жонлантириш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли таъсир чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги назоратни кучайтириш лозим.

Юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, бу борада яхлит тизимни яратиш, юридик таълим муассасаларида ўқув адабиёти ва ўқув дастурларини наشر этиш ва таъминлаш, юридик таълим муассасаларидаги илмий ва ўқув-услубий кенгашлар фаолиятини

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Русланбек Давлетовнинг қабул қилинаётган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамиятини аҳолига етказиш, қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлигини таъминлаш бўйича Парламент эшитувидаги маърузаси // <http://www.minjust.uz/uz/about/meetings/72787/>.

мувофиқлаштиришни янада такомиллаштириш бўйича профессор-ўқитувчилар, амалиётчи ҳуқуқшунослар томонидан билдирилган таклифларни қўллаб-қувватлаймиз¹.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари юридик хизматларнинг ходимлари ҳисобини юритади. Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ва уларнинг ходимлари ҳисобга олинишини ва улар тўғрисидаги ахборотнинг тизимлаштирилишини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик хизматларнинг кадрлар таркиби, ушбу хизматлар ходимлари аттестациядан ўтиши ва малака ошириши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган юридик хизматлар маълумотлари базасини шакллантиради ва уни марказлаштирилган тартибда юритади.

Масалан, Адлия вазирлигининг маълумотига кўра давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, туманлар ва шаҳарлар ҳокимиятлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмат ходимлари штат бирликлари сони 2016 йилда 3362 тани ташкил қилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич – 4753 тагача кўтарилган².

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 39-мқ-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомга³ кўра маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ва

¹ Батафсил қаранг: *Рустамбаев М.Х.* Юридик фанларни ривожлантириш ва тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш муаммолари; *Умаров Т.* Юридик Фан ва таълимни ривожлантиришнинг баъзи масалалари; *Тулаганов А.* Юридик таълим ва тарбияни ривожлантириш жиҳатлари; *Самарходжаев Б.* Развитие юридического образования в Республике Узбекистан; *Хамедов И.А.* К вопросу о совершенствовании юридического образования и науки; *Воинова М.Г., Жигандарова Н.В.* Теория и практика применения инновационных технологий в процессе подготовки юристов //Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари /Масъул муҳаррир: Ф.Х.Отахонов. Тошкент: 2006.– 82-89, 125-129, 199-203, 405-411, 423-431, 440-443 б.; *Оқюлов О.* Юридик хизмат ходимларини тайёрлаш масалалари // Тадбиркорлар ҳуқуқларини химоя қилишда юридик хизматнинг роли. Илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент: 2006. – 26-31 б.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг веб-сайти <http://www.minjust.uz/uz/activity/coordination/89446/>.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 137-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.05.2018 й., 10/18/2861-1/1278-сон.

уларнинг ходимларини ҳисобга олиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларидаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги ягона, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар базасини яратиш ва унинг янгилаб турилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 40-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг адлия органларида стажировкадан ўтиши тартиби тўғрисида»ги Низомга¹ мувофиқ стажировка стажёрнинг касбий билимлари, ўқув ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш ва шакллантириш, шунингдек ишнинг ўзига хослиги, тайинланаётган лавозими бўйича функционал вазифаларини сифатли бажариши учун илғор тажрибани эгаллаб олишини таъминлаш мақсадида ўталади.

Юридик хизмат ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахслар республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари юридик хизмати ходимлари учун - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида; ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари юридик хизмати ходимлари учун - тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида ўталади². Стажёр стажировкадан ўтиш вақтида юридик хизмат ходимининг функционал вазифалари ва уларни бажаришда билиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш,

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 138-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.05.2018 й., 10/18/2862-1/1275-сон)

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 138-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.05.2018 й., 10/18/2862-1/1275-сон.

шартномавий-ҳуқуқий ва даъво ишларни юритиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, шунингдек мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиши лозим. Мисол учун 2017 йилда давлат органлари ва ташкилотларининг 145 нафар юридик хизмат ходимлари адлия органларида стажировка ўтаган¹.

Адлия вазирлиги томонидан Юридик хизмат ходими кутубхонаси туркумида бир қатор услубий қўлланмалар тайёрланиб, давлат органлари ва ташкилотларига юборилган ҳамда вазирликнинг веб-сайтига жойлаштирилган. Хусусан, «Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбариятига юридик хизматнинг ташкилот фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни тaminлаш аҳволи юзасидан ҳисоботи лойиҳаси», «Меҳнат муносабатларига оид ҳужжатлардан намуналар – услубий қўлланма», «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби бўйича услубий қўлланма», «Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик хизматида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш – услубий қўлланма», «Шартнома ва талабнома-даъво муносабатларига оид ҳужжатлардан намуналар – услубий қўлланма»² тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 41-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган «Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талаблар» белгиланганлиги уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш хизмат қилмоқда.

¹Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида маълумот / <http://www.minjust.uz/uz/about/statistics/>.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг веб-сайти // <http://www.minjust.uz/uz/activity/coordination/89341/>

Бундан ташқари давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати учун қуйидагиларни ўзида мужассам этган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фонди яратилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси кодексларининг расмий нашрлари; «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами» расмий нашрлари; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси тизимидан узлуксиз фойдаланиш имконияти; ҳуқуқий нашрлар ва бошқа юридик адабиётлар (сони ва миқдори заруриятга кўра).

Мазкур талаблар билан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари юридик хизмат фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилиши учун шахсан жавобгар эканлиги белгиланган.

Юридик хизматлар ходимларининг иш жойини моддий-техник жиҳатдан таъминлашга қаратилган минимал талаблар махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланиб, бунинг учун жавобгарлик ҳам кўрсатилганлиги юридик хизмат ходимларининг фаолияти самарадорлигини оширишга ва уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишини олдини олиш хизмат қилади. Шунингдек юридик хизмат ходимларини бошқа таркибий тузилмалар ходимлари билан ўзаро муносабатларини самарали йўлга қўйиш учун имконият яратади¹.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 264-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомга² мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимларининг мартаба даражаларига тавсия этилган номзодлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғига асосан тузиладиган Юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича

¹ Отахонов Ф.Х. Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва юридик хизмат. Амалий қўлланма. Тошкент: Адолат, 2018, – Б.76-77.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 933-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.02.2018 й., 10/18/2919-1/0693-сон.

аттестациядан ўтказиш комиссияси томонидан аттестациядан ўтказилади. Мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш юридик хизмат ходимининг навбатдаги аттестациядан ўтиши деб ҳисобланмайди ҳамда аттестациядан ўтиш муддатининг узайтирилишига асос бўлмайди. Аттестация комиссиясининг фаолияти қонунийлик, одиллик, холислик, беғаразлик ва коллегиялик принциплари асосида амалга оширилади. Мартаба даражаларига тавсия этиш ҳақидаги ҳужжатлар тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси ёки унинг ҳудудий шўъбалари томонидан кўриб чиқилади ҳамда тегишли таклифлар билан аттестация ўтказиш масаласини кўриб чиқиш учун аттестация комиссиясига тақдим этилади. Мартаба даражаларига тавсия этилган юридик хизмат ходимларининг аттестацияси тегишли ҳужжатлар аттестация комиссиясига тақдим этилган кундан бошлаб бир ой ичида ўтказилади. Аттестация комиссияси йиғилишида мартаба даражасига тавсия этиш масаласи маълумот-тавсифномада келтирилган иш фаолияти натижалари, касбий тайёргарлик даражаси инobatга олинган ҳолда юридик хизмат ходимининг иштирокисиз кўриб чиқилади. Зарур ҳолларда, мартаба даражаларига тавсия этилган номзодлар аттестация комиссияси томонидан суҳбатдан ўтказилиши мумкин. Ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича аттестация комиссияси томонидан қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади: а) номзодга мартаба даражаси бериш мумкинлиги тўғрисида; б) номзодга мартаба даражаси бериш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида. Аттестация комиссияси адлия вазирига давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тавсия этилган мартаба даражасидан юқори ёки паст мартаба даражаси бериш таклифи билан чиқиши мумкин. Аттестация комиссиясининг хулосаси мартаба даражасини бериш масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига тақдим этилади. Мартаба даражаси Адлия вазирининг ташаббусига кўра берилганда аттестация ўтказилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 265-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 7-бандига¹ кўра давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларига қуйидаги лавозимларга мувофиқ мартаба даражалари берилади: 1-даражали адлия маслаҳатчиси – юридик департамент ёки юридик бошқарма бошлиғи; 2-даражали адлия маслаҳатчиси – республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг юридик бўлим ёки юридик бюро бошлиғи; 3-даражали адлия маслаҳатчиси – республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг бош юрисконсульти, ҳудудий (вилоят) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг юридик бўлим ёки юридик бюро бошлиғи; 1-даражали юрист – республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг етакчи юрисконсульти, ҳудудий (вилоят) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг бош юрисконсульти; 2-даражали юрист – республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг катта юрисконсульти ва юрисконсульти, ҳудудий (вилоят) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг етакчи юрисконсульти, туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг бош юрисконсульти; 3-даражали юрист – ҳудудий (вилоят) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг катта юрисконсульти ва юрисконсульти, туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг етакчи, катта юрисконсульти ва юрисконсульти.

Битта штат бирлигидан иборат республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимларига республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг бўлим бошлиғи учун белгиланган, яъни 2-даражали адлия маслаҳатчиси мартаба даражаси берилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 934-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.12.2017 й., 10/17/2920-1/0441-сон, 13.02.2018 й., 10/18/2920-2/0694-сон, 09.03.2018 й., 10/18/2920-3/0876-сон.

Битта штат бирлигидан иборат ҳудудий (вилоят) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимларига ҳудудий (вилоят) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг бош юрисконсулти учун белгиланган, яъни 1-даражали юрист мартаба даражаси берилади.

Битта штат бирлигидан иборат туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимларига туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг бош юрисконсулти учун белгиланган, 2-даражали юрист мартаба даражаси берилади.

Мартаба даражаларини бериш учун давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларига тавсиянома билан мурожаат қилинади (ҳодим Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ташаббусига кўра мартаба даражаларига тавсия этилган ҳоллар бундан мустасно). Мазкур тавсияномага ходимнинг касбий фаолияти, ишчанлик ва ахлоқий жиҳатлари акс эттирилган маълумот-тавсифнома, паспорти нусхаси, меҳнат дафтарчасининг иш жойида тасдиқланган нусхаси ёхуд ундан кўчирма ёки юридик мутахассислик бўйича иш стажини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, малака ошириш курсларида ўқиганлик тўғрисидаги сертификат нусхаси (агар малака оширган бўлса), аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома нусхаси (агар аттестациядан ўтган бўлса), олдинги иш ёки хизмат жойида махсус унвонлар берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ҳужжатлар) нусхаси (агар махсус унвонлар берилган бўлса) илова қилинади. Маълумот-тавсифномада ходимнинг амалдаги мартаба даражаси (агар мавжуд бўлса), сўнгги икки йил давомидаги иш сифати ва кўрсаткичлари, қонунчиликни мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида амалга оширилган ишлари, судлардаги иштироки, хулқи, касбий-ахлоқий томонлари, меҳнат фаолияти давомидаги ютуқлари ва бошқа муҳим масалалар кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг умуммажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини юридик экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатига олиш

функциясини бажаришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўрганиш орқали мазкур идораларнинг юридик хизмати фаолиятини таҳлил қилади ва унга баҳо беради, яъни юридик хизмат фаолияти устидан билвосита назоратни амалга оширади. Хусусан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг талаб даражасида расмийлаштирилмаганлиги ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид эканлиги ушбу идора юридик хизмати фаолиятидаги камчиликдан далолат беради. Чунки, ҳар қандай идоравий ҳуқуқий ҳужжатни, айниқса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқишда юридик хизмат фаол иштирок этиши шарт. Башарти, Адлия вазирлиги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни рўйхатга олишда ундаги камчиликларни аниқласа, шундай камчиликларга йўл қўйган юридик хизмат ходимини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли идорага тақдимнома киритиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотларига кўра, вазирлик томонидан 2017 йилда вазирлик ва идораларнинг 3 163 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, уларнинг сони 2016 йилга нисбатан қарийб икки бараварга ошган (2016 йилда – 1 737 та). Ҳуқуқий экспертиза натижасига кўра, 2 171 та (68,6%) лойиҳа юзасидан ҳулосалар берилиб, уларнинг 2 017 тасига (92,9%) розилик имзоси қўйилган (632 таси эътирозларсиз, 1 385 таси эътирозлар билан), 154 та лойиҳа (7%) ҳуқуқий экспертиза натижасига кўра имзоланмаган, 992 та (31,3%) лойиҳа Ҳукумат регламенти талабларига риоя этилмай киритилганлиги сабабли, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қайтарилган. Шунингдек ҳудудий адлия органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 1 144 та норматив тусдаги қарорлари лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган (шундан, 1 002 таси ҳоким қарорлари, 142 таси халқ депутатлари кенгашлари қарорлари). Ҳуқуқий экспертиза натижасига кўра 956 та (83,5%) қарор

лойихасига розилик имзоси қўйилиб, 185 таси (16,1%) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга зид равишда киритилганлиги учун қайтарилган¹.

Адлия вазирлиги томонидан давлат реестрига киритилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш мақсадида турли вазирлик ва идораларга 2013 йилда 289 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида – 98 та, 2014 йилда 188 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида – 72 та, 2015 йилда 218 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида – 70 та, 2016 йилда 78 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида 45 та, 2017 йилда 284 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида – 102 та тақдимнома киритилган, аммо киритилган тақдимномалар асосида қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг аксарияти қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилмаган. Масалан, 2013 йилда 165 та ёки 57 фоиз, 2014 йилда 141 та ёки 75 фоиз, 2015 йилда 116 та ёки 53 фоиз, 2016 йилда 39 та ёки 50 фоиз, 2017 йилда 141 та ёки 49 фоиз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш таъминланмаган².

Бундай ҳолат мазкур вазирлик ва идоралар юридик хизмати фаолиятини етарли даражада йўлга қўйилмаганлигидан ёки уларга етарли шароит яратилмаганлигидан ёхуд юридик хизмат ходимларининг масъулиятсизлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам юридик хизматнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятига жиддий эътибор қаратиш, уни тизимли равишда йўлга қўйиш ва назоратни кучайтириш талаб қилинади.

Юридик адабиётларда адлия органлари томонидан юридик хизматга идоралараро раҳбарлик қилиш масаласига турлича қарашлар ва ёндашувлар шаклланган. Айрим олимлар адлия идоралари юридик хизматга умуман раҳбарлик қилмаслиги лозим, деб фикр билдирсалар, бошқалар бунинг аксини

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг веб-сайти // <http://www.minjust.uz/uz/activity/nprojcts/89498/>.

² *Файзиев О.Р.* Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фаолияти самарадорлигини ошириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент: Ўзбекистон. 2018. – Б.28.

таъкидлайдилар. Хусусан, С.А.Савченконинг – «Россия Федерацияси Адлия вазирлигининг корхоналардаги ҳуқуқий ишларга услубий раҳбарлик қилиш функциясини тиклаш»¹ лозим деган фикрига К.К.Лебедев қўшилмайди. Унинг фикрича, Россия Федерацияси Адлия вазирлигига «услубий раҳбарлик» деб аталувчи функция умуман керак эмас ва бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бу фақат бюрократик қоғозбозликни кўпайтиради ва катта юрист-чиновниклар аппарати мавжудлигини оқлашга хизмат қилади, - деб таъкидлайди².

Фикримизча, ҳар икки нуқтаи назарларда ҳам ўзига хос мазмун мужассамлашган. Адлия вазирлигининг юридик хизматга идоралараро услубий раҳбарлиги керак, бироқ бу раҳбарлик маъмурий раҳбарликка, давлат органлари ва ташкилотларнинг ички ишларига аралаштиришга айланмаслиги лозим. Идоралараро услубий раҳбарлик деганда, бизнингча, юридик хизмат фаолиятини бошқариш, йўналтириш эмас, балки улар фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида назорат олиб бориш ҳамда конструктив тавсиялар ва таклифлар бериш назарда тутилиши лозим. Ана шундагина мазкур функция ўз самарасини бериши мумкин.

Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилаётган идоралараро услубий раҳбарлик бозор иқтисодиёти шароитида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари фаолиятини ҳуқуқий таъминлашда ва норматив-ҳуқуқий асосини тартибга солишда юридик хизмат ролини янада ошириш имконини яратади.

3-§. Юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш механизмларини такомиллаштириш истиқболлари

Адлия органларининг юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу борада ўз ечимини

¹ Савченко С.А. Юридические аспекты управления правовой работой на предприятиях нефтегазового комплекса (на примере Тюменской области). Автореф.....дис.канд.юрид.наук. Тюмень, 2000. – С. 15.

² Лебедев К.К. Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учеб.-практ. пособие. Москва: Юристъ, 2001. – С. 13.

кутаётган муаммоларни чуқур илмий таҳрир қилиш, уларни бартараф қилишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

Юриспруденция соҳасида, аввало, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб ифода этадиган мутахассисларнинг кескин етишмаслиги сақланиб қолмоқда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида талаб юқори бўлган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича юридик кадрлар, айниқса юридик хизмат ходимларини тайёрлаш тизими мавжуд эмас¹.

Дарҳақиқат, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бир ҳисобланади. Бунинг учун вазирликда барча ҳуқуқий асослар ва ташкилий тузилмалар мавжуд. Хусусан, Адлия вазирлигига адлия органлари ва муассасалари, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида, шу жумладан халқаро арбитражлар ва суд ишлари бўйича ўқиш ва малакаларини ошириш учун ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларига юбориш ҳуқуқи берилган². Шунингдек, Адлия вазирлиги тизимида Тошкент давлат юридик университети, Тошкент юридик коллежи, Юристар малакасини ошириш маркази фаолият кўрсатмоқда.

Аmmo, Тошкент давлат юридик университетида юридик хизмат ходимларини тайёрлаш бўйича ўқув жараёнида махсус курс ҳам, ўқув предмети (фан) ҳам назарда тутилмаган. 1993 йилдан 2007 йилга қадар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5415-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 16 апрель, 15-сон, 308-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5415-сон Фармони //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 06/18/5415/1072-сон.

мавжуд бўлган «Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат» фани ўқув режасидан бутунлай чиқариб ташланган.

Фикримизча «Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат» ёки «Юридик хизмат» ўқув предмети бакалаврларни тайёрлаш бўйича қуйидаги мутахассислик йўналишлари 5240100 “Юриспруденция” (Давлат-ҳуқуқий фаолият), 5240100 “Юриспруденция” (Фуқаролик-ҳуқуқий фаолият), 5240100 “Юриспруденция” (Тадбиркорлик-ҳуқуқий фаолият(бизнес ҳуқуқи) ва 5240100 “Юриспруденция” (Халқаро-ҳуқуқий фаолият) ўқув дастурларига ҳамда магистрларни тайёрлаш бўйича тегишли йўналишлар ўқув дастурларига киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ўз навбатида юқори малакали юридик хизмат ходимларини тайёрлашга хизмат қилади, чунки умумий фанларни ўқитилиши касбий малакани ва солоҳиятни шакллантириш учун етарли эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бошқарув органлари, давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари, тадбиркорлик субъектлари юридик хизматлари фаолиятини назарий ва амалий муаммоларини илмий тадқиқ қилиш Адлия вазирлигининг эътиборидан четда қолмоқда. Мустақиллик йилларида бу соҳада деярли илмий тадқиқотлар олиб борилмади, битта номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди холос, бирорта ҳам докторлик диссертацияси ҳимоя қилинмади, магистрлик ишлари йўқ даражада, илмий мақолалар ҳам жуда кам, бу эса ўз навбатида юридик хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган хулоса бериш имкониятини чекламоқда.

Шунинг учун ҳам бу борада Адлия вазирлиги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиши лозим ва бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПФ-5415-сон Фармони билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ташкил этилиши айтилган бўлди.

Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтининг асосий вазифалари сифатида жумладан: қонунчиликни ва унинг тармоқларини ривожлантириш соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий концепциялар ишлаб чиқиш ҳамда давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш белгиланди. Мазкур институт юридик хизмат соҳасини ҳам фундаментал ва амалий тадқиқотлар режасига киритса ва бу соҳа учун етук илмий ходимлар тайёрлашга эътиборни кучайтурса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг қарийиб етмиш фоизи аттестациядан ўтмаган. Бу ўз навбатида, мазкур соҳадаги ишлар талаб даражасида эмаслигидан далолат беради. Бу борада илмий ишларимизда билдирилган фикримиз, яъни юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби ва мезонларини аниқлаштириш ҳамда аттестация комиссиялари таркибида «маслаҳат овози» билан тегишли юридик хизмат ходими ишлаётган ташкилот вакили иштирок этишини таъминлаш лозимлиги эътиборга олинганлигини қайд этиш лозим.

Адлия вазирлиги томонидан юридик хизматга фаолиятига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қуйидаги камчиликлар бартараф қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

1) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 40-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг адлия органларида стажировкадан ўтиши тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 16-бандини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади: *«16. Стажёр стажировкадан ўтиши режасида белгиланган тадбирларни тўлиқ бажариши лозим»*. Чунки Низомнинг 10-бандида белгиланган қуйидаги жумлалар, яъни:

«Стажировкадан ўтиш режасида стажёр томонидан юридик хизмат ходимининг функционал вазибалари ва уларни бажаришда билиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати, норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш, шартномавий-ҳуқуқий ва даъво ишларни юритиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, шунингдек мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш билан боғлиқ тадбирлар белгиланиши лозим»¹ тўлиқ такрорланаётганлиги сабабли мазкур бандни янги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ;

2) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мқ-сон буйруғи билан тасдиқланган «Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг² 24-бандининг иккинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади: «Ходим ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса, мазкур масаланинг комиссия томонидан кўриб чиқилиши талаб этилмайди, *юридик хизмат ходими комиссияда бу масалани кўриб чиқиши тўғрисида ёзма мурожаат қилган ҳолат бундан мустасно*». Бундай таклиф киритишимизга сабаб амалиётда, айниқса давлат органи ва ташкилотининг раҳбари ўзгарган ҳолларда, юридик хизмат ходимини ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза ёзиб беришни талаб қилиниш ҳолатлари учрайди. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ушбу масала комиссия томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур Низомнинг 28¹-бандидан *«ҳамда юридик хизмат штат бирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатилганда»* деган жумлани чиқариб ташлаш таклиф қилинади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 138-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.05.2018 й., 10/18/2862-1/1275-сон)

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 140-модда, 10.01.2018 й., 10/18/2864-1/0539-сон, 10.09.2018 й., 10/18/2864-2/1860-сон.

2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 2-бандида давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан уларнинг ҳудудий тузилмаларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган энг кам меъёр ва мезонларга асосан, мажбурий тартибда юридик хизматлар ташкил этилиши ва бунда юридик хизматнинг мавжуд штат бирликларини қисқартирилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Шунинг учун ҳам давлат органи ва ташкилоти юридик хизмат штат бирлигини тугатилишига йўл қўйилмайди;

3) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 264-мқ-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг¹ 2-бандини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади: «2. Мазкур Низом талаблари: Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти *Администрацияси* бошқарув ходимларига; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти *Администрацияси* ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизматлари ходимларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига ҳамда унинг аппарати етакчи мутахассисига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили ва унинг аппарати мутахассисларига; *Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили девонининг бошқарув ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди*».

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 933-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.02.2018 й., 10/18/2919-1/0693-сон.

Бунга асос Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5519 сонли Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси деб ўзгартирилган. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 августдаги ПФ-5504-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида»ги Низомнинг 3-банди куйидаги таҳрирдаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилган – «Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили девонининг бошқарув ходимларига татбиқ этилмайди».

Мазкур Низомнинг куйидаги мазмундаги «Мартаба даражаси Адлия вазирининг ташаббусига кўра берилганда аттестация ўтказилмайди» деган 13-бандини чиқариб ташлаш таклиф қилинмоқда. Чунки Низомнинг ушбу банди мазкур Низомнинг 2-банди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида»ги Низомнинг 3-банди талабларига зиддир;

3) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 265-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-бандини куйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади: «2. Мазкур Низомнинг аттестация қисми бўйича амал қилиши: Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти *Администрацияси* бошқарув ходимларига; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси

ва Сенатининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизматлари ходимларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига ҳамда унинг аппарати етакчи мутахассисига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили ва унинг аппарати мутахассисларига; *Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили девонининг бошқарув ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди*». Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5519 сонли Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси деб ўзгартирилган. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 августдаги ПФ-5504-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида»ги Низомнинг 3-банди қуйидаги таҳрирдаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилган – «Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили девонининг бошқарув ходимларига татбиқ этилмайди».

III боб бўйича хулосалар:

Адлия органларининг юридик хизматлар фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш бўйича ваколатларини илмий таҳрир қилиш қуйидаги хулосаларға келиш учун асос бўлди:

биринчи, мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Адлия вазирлиги юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш, уларнинг ходимларини аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгиланди;

иккинчи, Адлия вазирлигида Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса Ҳуқуқий экспертиза ва юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимлари мустақил таркибий тузилма сифатида ташкил қилинди. Шу ўринда чоп этилган илмий ишларимизда адлия органлари тизимида айнан шундай мустақил таркибий тузилмаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифимиз амалга оширилганини қайд қилиш лозим¹ ;

учинчи, адлия органларига юридик хизмат фаолиятига идоралараро раҳбарлик қилиш бўйича бир қатор янги функциялар юклатилди, шу жумладан: а) юридик хизматлар ходимларини лавозимига тайинлаш ва озод қилишда иштирок этиш; б) юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш, аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома бериш; в) юридик хизматлар ходимларининг ҳисобини юритиш; г) юридик хизматлар ходимларининг адлия органларида стажировка ўташ тартибини белгилаш ва уларни стажировка ўташини ташкил этиш; д) юридик хизматлар ходимларининг иш жойини моддий-техник жиҳатдан таъминлашга қўйилган минимал талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш²;

тўртинчи, мамлакатимизда илк бор туманлар ва шаҳарлар миқёсида адлия бўлимлари ташкил қилинди ва уларнинг асосий вазифаларидан бири сифатида давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларида ҳуқуқий ишларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, шунингдек,

¹ Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар). Монография. Тошкент: Адолат, 2007. – Б. 240.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 23 апрель, 16-сон, 330-модда.

уларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва методик таъминлаш белгиланди;

бешинчи, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмат ходимларига махсус унвонлар – мартаба даражаларини бериш тартибини ўрнатилиб, 3, 2 ва 1-даражали адлия маслаҳатчиси, шунингдек, 3, 2 ва 1-даражали юрист мартаба даражалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан берилиши белгиланди.

IV БОБ.

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛАРИ

1-§. Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиши тушунчаси ва мазмуни

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда қуйидагиларни назарда тутадиган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши, яъни: 1) давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш; 2) қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш; 3) иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш; 4) ижтимоий соҳани ривожлантириш; 5) хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мазкур вазифаларни амалга оширишда, дарҳақиқат, давлат органлари алоҳида ўрин тутди. Давлат органи – бу давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган ва давлат томонидан ўрнатилган тартиб-қоидалар асосида ўз ваколатларини амалга оширадиган давлат аппаратининг бир қисмидир¹.

Юқоридаги таърифдан кўриниб турибдики, давлат органлари ҳокимият ваколатларига эгаллиги, уларнинг ҳаракатлари мажбурлов хусусиятига эга эканлиги билан бошқа органлар, жамоат ташкилотларидан фарқланади. Улар ўз ваколатлари доирасида ижро этилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладилар, мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлайдилар. Ҳар бир давлат органининг ваколат доираси улар томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳамда фаолият кўрсатадиган соҳаларга боғлиқ бўлиб, у қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Эркин бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий ишларини такомиллаштиришда давлат органларининг фаолияти ўзига хос аҳамият касб этади. Зеро, биринчидан, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳуқуқий саводхонлиги етарли даражада шаклланмаганлиги; иккинчидан, уларнинг юридик хизмат ходимларини доимий асосда ишга жалб қилиш учун молиявий имкониятларнинг чекланганлиги; учинчидан, собиқ мустабид тузумдан қолган саркитлардан халос бўлмаслик оқибатида давлат органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга ёки юқори турувчи органларга мурожаат қилишга ҳар доим ҳам тадбиркорлик субъектлари раҳбарларининг журъати етишмаслиги давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишини тақозо этмоқда.

Айниқса фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш; коррупцияга қарши курашишнинг

¹ Большая юридическая энциклопедия. – М.: Изд-во Эксмо, 2005. – С.139

ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва бу борадаги тадбирлар самарадорлигини ошириш; аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, ва бунда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш; юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш борасида давлат органлари тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагиларга: а) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга; б) назорат қилувчи органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтиришга, в) тадбиркорлик фаолиятининг асоссиз чекланишига йўл қўймасликка; г) тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган.

Давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам бериш тушунчасини кенг ва тор маъноларда тушуниш лозим.

Давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиши деганда, *кенг маънода*, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ваколатларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва уларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш тушунилади.

Масалан: Олий Мажлис томонидан 1998 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»¹ги Қонунида тадбиркорлик

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 1998, № 9. – 170-модда.

субъектлари юридик хизматининг шартномавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш соҳасидаги вазифалари ва ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилган. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, парламент томонидан тадбиркорлик ва иқтисодиёт соҳасига оид қабул қилинган ва қабул қилинаётган деярли барча қонунлар у ёки бу жиҳатдан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштиришга қаратилгандир. тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялаш ва амалда тўлиқ таъминлаш, аксарият ҳолларда, мазкур қонун ҳужжатларининг қанчалик мукамал ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга тўғри татбиқ этилганлигига бевосита боғлиқдир.

Сўнгги йилларда бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган қуйидаги фармон ва қарорлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида»²ги, «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»³ги, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»⁴ги, «Тадбиркорлик фаолияти

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги ПФ-4933-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон, 41-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПФ-5037-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 333-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 522-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон.

соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ги, «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»²ги, «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»³ги фармонлари ҳамда «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁴ги Қарори.

Давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиши деганда, *тор маънода*, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилган ҳамда бу борада тегишли ваколатларга эга бўлган давлат органларининг мазкур йўналишдаги профессионал фаолияти тушунилади.

Тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатувчи давлат органларини уларнинг ваколат доирасига қараб икки гуруҳга: умумий ва махсус ваколатли органларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ – умумий ваколатли органлар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш орқали уларга билвосита юридик ёрдам кўрсатадилар. Бундай органлар жумласига вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини киритиш мумкин. Масалан, Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунга мослиги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5490-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.04.2018 й., 06/18/5409/1059-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5409-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.07.2018 й., 06/18/5490/1584-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 06/18/5552/2038-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги ПҚ-2750-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 61-модда.

қонуний манфаатлари бузилишини олдини олади. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг бевосита юридик ёрдам сўраб давлат органларига мурожаат қилиш ҳолатларини камайтиради.

Иккинчи гуруҳ – махсус ваколатли органлар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини уларга бевосита юридик ёрдам кўрсатиш орқали ҳимоя қиладилар. Бундай давлат органлари жумласига прокуратура органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти (кейинги ўринларда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил деб юритилади)ни¹ киритиш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»²ги 2001 йил 29 августдаги (янги таҳрирда) Қонунига асосан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш прокуратура органларининг асосий вазифалари қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили тўғрисида»ги ЎРҚ-440-сон Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат: а) тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш; б) давлат органлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида»ги ПФ-5037-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 333-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5504/1629-сон.

² Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» (янги таҳрирда) Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2001. № 20. – 139-модда

томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш; в) тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш амалга оширилаётганда уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш; г) тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилишини ўрганиш; д) қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсири самарадорлигини баҳолаш; е) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга, уларни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш¹.

Махсус ваколатли давлат органлари тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича қуйидаги функцияларни амалга оширади: а) тадбиркорлик субъектлари ходимлари ва мансабдор шахсларини қабул қилади ва муурожаатларини кўриб чиқади; б) тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди (ваколат доирасида); в) тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантиради; г) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга, шу жумладан, иқтисодий судларга даъво аризалари тақдим қилади; д) тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суд муҳокамасининг барча босқичларида иштирок этади; е) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кўради (ваколат доирасида); ж) тадбиркорлик субъектлари ходимлари ва мансабдор шахсларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида семинарлар, давра суҳбатлари ташкил қилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 915-модда
203

Давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятининг ўзига хос бўлган қуйидаги жиҳатларни кўрсатиш мумкин: *биринчидан*, давлат органларининг ҳокимият ваколатига эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиши; *иккинчидан*, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириши; *учинчидан*, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан ваколат доирасида тегишли жавобгарлик чораларини кўриши.

Эркин иқтисодий муносабатлар ва рақобат шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органлари ва мансабдор шахслар, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш муаммоларини ўрганиш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб бормоқда. «Бунга кўп жиҳатдан ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг мазкур сектори учун барқарор қулайлик, имтиёз ва кредитлар тизимини шакллантириш масалаларига жиддий эътибор берилаётгани туфайли эришилди»¹. Бугунги кунда юртимизда 525 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиғи кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган бўлиб, улар республикамиз меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 78 фоиздан ортиғини иш билан таъминламоқда².

¹ *Каримов И.А.* Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим / Фуқаролик жамияти - Гражданское общество - Civil society. 2006. № 1. – 8 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا ШАРХ//Халқ сўзи, 2017 йил 20 июнь.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти соҳасида бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда, уларнинг ҳал этилиши бизнесни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш имконини беради¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этар эканмиз, бунда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга юридик ёрдам кўрсатишда давлат органлари ва муассасаларининг фаолиятигина етарли эмас. Бу борада нодавлат ноижорат ташкилотлар ҳам муҳим ўрин эгаллаши давр талабидир. Зеро, биринчидан, давлат органлари ва мансабдор шахслар тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишда, хоҳлаймизми ёки йўқми, барибир давлат манфаатлари ҳимояси, керак бўлса, устуворлиги нуқтаи-назаридан ёндашади; иккинчидан, тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишда давлат органларининг айрим мансабдор шахслари ва мутахассислари томонидан ўзининг шахсий, ғараз мақсадлари йўлида тамагирилик қилиш, коррупцияга берилиш каби иллатлардан ҳеч ким кафолатланган эмас; учинчидан, биз фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, унинг биринчи ва асосий талаби ўзини ўзи бошқариш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўзи ва уюшган ҳолда турли хил жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар воситасида биргаликда ҳимоя қилиш ҳамда рўёбга чиқаришдан иборат эканлигини доимо назарда тутишимиз даркор.

Шундан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда уларга юридик ёрдам кўрсатишда нодавлат ноижорат ташкилотларнинг ўрни ва ролини тадқиқ

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5490-сон Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 30 июль, 30-сон, 621-модда

этиш, уларнинг мавқеи ва фаоллигини ошириш бугунги кунда муҳим вазифалардан саналади.

Айрим давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ижро интизомига амал қилмаслик, тадбиркорларнинг ариза ва шикоятларини рўйхатга олмаслик, уларни кўриб чиқиш муддатларига риоя қилмаслик ёки асосиз равишда, умуман паст савияда, ҳатто қонунларга зид бўлган жавоблар юбориш ҳолатлари аниқланмоқда.

Бундай қонунбузарлик ҳолатларининг асосий сабаблари нимада? Биринчидан, тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва бурчларини тўлиқ англаб етмаётганликлари ёки бошқача айтганда, ҳуқуқий билим савиясининг пастлиги; иккинчидан, андишага ёки назорат қилувчи органларнинг айрим ходимлари билан келишувчиликка бориб, бузилган ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, тегишли органларга мурожаат қилмаётганликлари; учинчидан, назорат қилувчи органлар раҳбарлари томонидан ходимлар фаолиятига баҳо бериш мезони сифатида текширув натижалари бўйича қанча хато ва камчиликлар, қонун бузилиш ҳолатлари аниқлангани, жарима ва пенялар ундирилгани, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбаридан қанчаси маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилганининг олинishi; тўртинчидан, текширишларни амалга ошириш кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб борилаётгани; бешинчидан, нафақат текширилувчи тадбиркор, балки назорат қилувчи орган ходими ҳам улар билан тўлиқ танишиш имкониятига эга бўлмаётгани; олтинчидан, назорат қилувчи органлар айрим ходимларининг тамагирлиги; еттинчидан, текширишлар жараёнида ошкораликнинг етарли даражада таъминланмаётганлигидир.

Шу билан бир қаторда, қайд этиш лозимки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга юридик ёрдам кўрсатиш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлар

фаолиятининг сустиги ҳам бундай қонунбузарликларнинг вужудга келишида асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.

Дарҳақиқат, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини жонлантириш бир томондан, тадбиркорларда ўз бугуни ва келажагига тўлақонли эгалик ҳиссини уйғотса, иккинчи томондан, давлат тизимларига муқобил куч сифатида ижтимоий манфаатлар мувозанатини таъминлашга ҳамда адолат тарозисини ҳаётда ҳукмрон қилишга хизмат қилади.

«Барчамиз бир ҳақиқатни ҳаёлимиздан чиқармаслигимиз зарур. Яъни, ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин - барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини суиистеъмол қилишга, коррупцияга қарши, айти вақтда, барча ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорларни қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбир, деб тан олинади. Бундай тушунчани кенг жамоатчилик орасида татбиқ этиш ва бу йўналишда ўзимизга мос, ўзимизга хос тегишли қонун ва нормаларни ишлаб чиқиш, унинг амалда бажарилишини таъминлаш биз қураётган демократик жамиятнинг асосий бир аломати ва қондасига айланиши зарур»¹.

Кейинги вақтларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чора-

¹ Каримов И.А. Янгилаш ва ўзгаришлар жараёни ортага қайтмайди. Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясидаги маъруза. 2002 йил 4 апрель // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10.– Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 325-326 б.

тадбирлар кўрилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик кадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда¹.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш куйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамияти институти бўлиб, уларни ташкил қилишнинг асосий мақсадларидан бири аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади; иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки таъсис ҳужжатларида тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш вазифаси ва ҳуқуқи белгиланган; учинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлар юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус юридик хизматни ташкилий тузилма ёки юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилот сифатида ташкил қилиши мумкин; тўртинчидан, айрим нодавлат нотижорат ташкилотлар аъзоларига юридик ёрдам кўрсатишда давлат томонидан имтиёзлар берилган; бешинчидан, юридик ёрдам мазкур ташкилотлар аъзоларига, қоида тариқасида, текинга ёки имтиёзли шартларда кўрсатилади; олтинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан юридик ёрдам уларга аъзо бўлмаган тадбиркорлик субъектларига ҳам шартнома асосида кўрсатилиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5430-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 7 май, 18-сон, 360-модда

2-§. Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишининг ҳуқуқий асослари

Прокуратура органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишининг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади¹. Ушбу конституциявий нормалар Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунида янада ривожлантирилган ва мазмунан бойитилган. Унга кўра прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширади: вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш; фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш; судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш; қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш².

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг (янги таҳрири) 9-моддаси 2-бандида ҳам «Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 76 б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001. № 9-10. – 168-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

масалалар судлар томонидан кўриляётганда прокурор иштирок этади»¹ - деб белгилаб қўйилган.

Прокуратура органларининг қонунчилик ижросини таъминлаш борасидаги масъулиятини янада ошириш ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини сўзсиз амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелда «Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ПФ-5019-сон ва 2018 йил 15 февралда «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5343-сон фармонлари² қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташкилий-штат тузилмасида – Тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ташкилий-штат тузилмасида – Тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими ташкил қилинган.

Бош прокуратуранинг Тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисидаги Низомда³ жумладан қуйидагилар вазифалар белгиланган: 1) тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида қонунийлик аҳволи ва прокурор назорати амалиётини

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001. № 1-2. – 10-модда

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 17-сон, 285-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2017 й., 06/17/5196/0034-сон; 04.05.2018 й., 06/18/5428/1158-сон, 08.05.2018 й., 06/18/5436/1175-сон, 10.05.2018 й., 06/18/5438/1189-сон, 24.05.2018 й., 06/18/5446/1251-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.02.2018 й., 06/18/5343/0703-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 31 майдаги 187-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг жорий архиви.

тизимли таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бунга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш; 2) ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ қисмининг оғишмай ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш, олиб борилаётган ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган омиллар ва тизимли камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш; 3) тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга, тадбиркорлик субъектлари, энг аввало, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя этишга, шунингдек, улар билан тўғридан-тўғри очик мулоқот қилишга қаратилган қонунлар ижроси ҳамда уларнинг мурожаатлари ўз вақтида қонуний ҳал этилиши устидан назоратни амалга ошириш; 4) хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишда белгиланган тартиб ва муддатларга риоя этилишини таъминлаш; 5) хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашув ва тўсқинлик қилиш, имтиёз ва преференцияларни қўллашни асоссиз рад этиш ҳолатларига нисбатан қатъий муносабат билдириш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини эркин амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган сабаб ва омилларни бартараф қилиш чораларини кўриш; 6) тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шу мақсадда профилактика, жамоатчилик назорати, қонунчилик нормаларини етказиш ва тушунтиришнинг таъсирчан механизмларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш; 7) тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатилиши аҳволини ўрганиб бориш, уларнинг сифатини яхшилаш, давлат хизматларидан фойдаланишни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш; 8) тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятини тўхтатиш сабабларини ўрганиш, масъул органлар билан биргаликда улар фаолиятини тиклаш юзасидан чоралар кўриш; 9) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи, уларнинг

иқтисодий эркинликларига тўсқинлик қилувчи қоидалар, норматив ҳужжатлар, маъмурий таомилларни аниқлаш бўйича мониторинг ўтказиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш; 10) тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида суиистеъмолчилик ва қонунбузилишига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш бўйича таклиф киритиш.

Ислоҳотлар самарадорлиги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг янги таъсирчан механизмларини жорий этиш ҳамда мамлакатимизда янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш билан узвий боғлиқлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 1) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун ҳужжатларининг давлат органлари томонидан оғишмай ижро этилишини ўрганиш; 2) тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширувларини ўтказишнинг қонунийлиги мониторингини амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралashiш фактларининг олдини олиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифлар киритиш; 3) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ёзма равишда огоҳлантиришлар эълон қилиш; 4) қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига белгиланган муддатларда кўриб чиқиши

мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш; 5) тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб аризалар ва даъволар билан судларга давлат божи тўламасдан мурожаат этиш; 6) давлат органлари ва ташкилотларидан ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан статистик, таҳлилий материалларни, хулосаларни ва бошқа ахборотни сўраш ҳамда олиш; 7) давлат органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлисларида иштирок этиш; 8) зарур бўлган ҳолларда, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органларининг, илмий муассасаларнинг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб этиш, ишчи гуруҳлар тузиш; 9) тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинаётган, айбланаётган ва ҳукм қилинган тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан учрашиш учун қамоқда сақлаш жойларига, жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш.

Ушбу институт келгусида тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги самарали мулоқотнинг янги механизмларини жорий қилишга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган давлат ҳимоясининг қўшимча қафолатларини яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик фаолияти субъектларини бирлаштирувчи нодавлат ноижорат ташкилоти бўлиб ҳисобланади ва у тадбиркорлик ташаббусини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларни таъминлаш, бизнес ҳамжамияти ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар ўртасида ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини барча чоралар билан қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни¹, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги «Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3068-сон Қарори², Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Устави³ ва бошқа локал ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (кейинчалик - Палата деб юритилади) зиммасига жумладан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ривожланишига, уларнинг устуворлик ролини, шунингдек дахлсизлигини таъминлашга, мамлакат аҳолисини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга барча чоралар билан кўмаклашиш; тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш, тадбиркорлик субъектларининг ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасини ташкил этиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнларига жалб этиш; давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти, шунингдек банк-молия ташкилотлари ва бозор инфратузилмасининг бошқа субъектлари билан ҳамкорликни амалга ошириш каби вазифалар юклатилган.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида Палата қуйидаги функцияларни амалга оширади: а) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.07.2018 й., 03/18/483/1482-сон.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 3 июль, 26-сон, 578-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Устави // Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Курултойининг 2017 йил 20 июндаги 1-сонли баёни билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 октябрда 353н-сон билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

ҳолатининг таҳлилини ўтказди; б) тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилишини таъминлайди; в) давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига нисбатан даъво аризалари берган тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ифода этади; г) Палата аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг мониторингини амалга оширади ҳамда ушбу фаолиятни текширишларда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонунининг 21-моддасида Палатанинг ҳуқуқлари белгилаб берилган бўлиб, улардан қуйидагилари бевосита тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ: 1) тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ёки унинг ривожланишини чеклаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида таклифлар киритиш; 2) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш ва тадбиркорликнинг бошқа масалаларини муҳокама қилиш учун тадбиркорлик субъектлари иштирокида эксперт кенгашларини тузиш; 3) тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги низонинг ҳал этилишини таъминлаш; 4) тарафлар ўртасидаги низоларни судгача ҳал этишни амалга ошириш; 5) Палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан даъволар тақдим этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш; 6) жиноят ишлари бўйича иш юритишда тадбиркорлик субъектларининг жамоатчилик ҳимоячилари сифатида иштирок этиш; 7) давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинганда тадбиркорлик субъекти номидан суд

муҳокамасининг исталган босқичида иштирок этиш (иккала тараф Палата аъзолари бўлган ҳоллар бундан мустасно), шунингдек даъво аризалари билан бир қаторда апелляция, кассация шикоятлари, аризалар, шу жумладан назорат тартибида протест келтириш ҳақида илтимосномалар бериш; 8) тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш; 9) тадбиркорлик субъектларининг фаолияти масалаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва муҳокама қилишда иштирок этиш; 10) иқтисодий низоларни ҳал қилиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳакамлик судларини, шунингдек халқаро тижорат арбитраж судини ташкил этиш; 11) Палата аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда иштирок этиш.

Қонунга мувофиқ Палатага аъзолик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ихтиёрий, бошқа тадбиркорлик субъектлари учун эса мажбурийдир. Палатага аъзолик тадбиркорлик фаолияти субъекти ёки тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмаси ёхуд тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган бошқа ташкилот, чет эл компанияларининг ваколатхоналари ва Палата ўртасида шартнома тузиш йўли билан расмийлаштирилади. Палата аъзолари Палата уставида ҳамда аъзолик тўғрисидаги шартномада белгиланган тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Палата томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, Палата фақатгина унга аъзо бўлган ва доимий равишда аъзолик бадалларини тўлаб бораётган тадбиркорлик субъектларига текинга ёки имтиёзли шартларда юридик ёрдам кўрсатади. Палата унга аъзо бўлмаган тадбиркорлик субъектларига ҳам шартнома асосида юридик ёрдам кўрсатиши мумкин, бироқ бундан давлат божи тўламасдан судга даъво тақдим этиш ҳуқуқи мустасно.

Аммо, юқорида қайд қилинган Палатанинг мақсади, вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари таҳлили шундан далолат берадики, Палата унга

аъзо бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бевосита ҳимоя қилса, унга аъзо бўлмаган тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини билвосита ҳимоя қилади.

Палатанинг бундай ваколатлари унинг қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги иштироки ва тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишида яққол намоён бўлади.

Палата норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун улар юзасидан хулосалар берувчи ваколатли орган ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари мажбурий тартибда Палата билан келишилиши лозим. Палата норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг мазмунига умуман ёки унинг бирор қисмига рози бўлмаган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органга тегишли хулоса киритишга ҳақли.

Палата ва унинг ҳудудий бошқармалари тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини жумладан қуйидаги йўллар билан амалга оширади:

- а) давлат органларининг, биринчи навбатда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бажарилиши, тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича фаолиятига доир зарур маълумотларни сўраб олиш ҳамда таҳлил қилиш;
- б) давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларнинг жамоатчилик-маслаҳат кенгашлари фаолиятида мажбурий равишда иштирок этиш;
- в) давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш соҳасидаги фаолияти тўғрисида тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўров ўтказиш ҳамда уларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш;

г) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш юзасидан жамоатчилик экспертизасини тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда ўтказиш.

Палатанинг тизимида куйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси; Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари; тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари; ҳакамлик судлари; халқаро тижорат арбитраж суди; Палатанинг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Палата унитар корхоналар, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар ташкил этишга ҳақли.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»¹ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»²ги қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар³ ҳамда 2017 йил 21 сентябрда тасдиқланган Кенгаш Низомида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддасида фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида бирлашиши,

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 й., 40-41-сон. – 433-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5199-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2017 й., 06/17/5199/0078; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3318-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2017 й., 07/17/3318/0094-сон; 19.01.2018 й., 06/18/5304/0591-сон; 27.04.2018 й., 07/18/3680/1110-сон; 04.05.2018 й., 06/18/5428/1158-сон; 03.07.2018 й., 07/18/3824/1427-сон, 01.08.2018 й., 06/18/5497/1604-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3680-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.04.2018 й., 07/18/3680/1110-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3824-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2018 й., 07/18/3824/1427-сон; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 июндаги «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 433-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/433/1335-сон; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 январдаги «Фермер хўжалиқларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва қўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 25-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.01.2018 й., 09/18/25/0599-сон.

маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш бўйича уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Худди шундай норма «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасида ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3680-сон Қарори билан 2018 йил 1 июлдан бошлаб барча фермер ва деҳқон хўжаликларининг Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги мажбурий, томорқа ер эгалари учун эса ихтиёрий қилиб белгиланди¹.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинчалик – Кенгаш деб юритилади) уларни шартнома асосида ўзининг аъзолари сифатида бирлаштиради, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил нодавлат ташкилоти ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини иқтисодий мустақиллик ва ўз-ўзини бошқариш тамойиллари асосида амалга оширади.

Кенгашнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб жумладан қуйидагилар белгиланган: 1) фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш жараёнида ҳамда судларда ишларни кўриб чиқишда ҳимоя қилиш; 2) қишлоқ хўжалигида шартнома интизомини мустаҳкамлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, аграр соҳада меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3680-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.04.2018 й., 07/18/3680/1110-сон;

комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; 3) қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник ҳамда бошқа масалалар бўйича консалтинг хизматини, шунингдек маҳсулотни ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш, сотиш, таъминот ва хизмат кўрсатиш бўйича фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг бошқа ташкилотлар билан кооперациясининг турли шакллари ташкил этиш ва кенгайтириш, бу соҳада илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш; 4) қишлоқ хўжалигида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари иштирокидаги шартномавий мажбуриятларнинг ижросини мониторинг қилиш ва жамоатчилик назоратини олиб бориш¹.

Шунингдек фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Кенгаш билан келишилиши шарт.

Кенгашларга ўз вазифаларини амалга ошириш учун жумладан қуйидаги ҳуқуқлар берилган: а) фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини кўзлаб судга давлат божи тўламасдан даъво аризалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар тақдим этиш. Бунда даъво аризасини қаноатлантириш рад этилганда манфаати кўзлаб даъво аризаси киритилган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан давлат божи ундирилмайди; б) фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3318-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2017 й., 07/17/3318/0094-сон; 19.01.2018 й., 06/18/5304/0591-сон; 27.04.2018 й., 07/18/3680/1110-сон; 04.05.2018 й., 06/18/5428/1158-сон; 03.07.2018 й., 07/18/3824/1427-сон; 01.08.2018 й., 06/18/5497/1604-сон;

*Адвокатура томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси*¹, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Адвокатура тўғрисида»²ги ҳамда 1998 йил 25 декабрдаги «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»³ги, 2018 йил 11 октябрдаги «Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»⁴ги қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5441-сон Фармони⁵ белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатишлиги белгилаб қўйилган. Адвокатура - ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда республикамизда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун жами 4114 нафардан зиёд адвокат лицензия олган. Улар 68 та адвокатлик ҳайъати, 403 та адвокатлик фирмалари ҳамда 1220 та бюроларга бирлашиб фаолият кўрсатишмоқда⁶.

«Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида адвокатлик фаолиятининг турларига жумладан, тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш ҳам кўрсатилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –76 б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. № 2. – 48-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 1999. № 1. – 12-модда.

⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/4972044-сон.

⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2018 й., 06/18/5441/1210-сон

⁶ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тезкор маълумоти.

Хулоса қилиб айтганда, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш уларнинг иқтисодий кўрсаткичларининг кўтарилишига, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишини олдини олишга ва тикланишига, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни камайишига хизмат қилмоқда.

3-§. Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиши бўйича фаолияти

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг¹ асосий вазифалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва ундан манфаатдор бўлиши учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Бундан ташқари, қонунда тадбиркорлик субъектларининг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, бошқа ташкилотларнинг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Шунингдек, қонун билан тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш; ўз маҳсулоти (ишлари, хизматлари) ва даромадлари (фойда)ни тасарруф этиш; ташқи иқтисодий фаолият ва ахборот олиш эркинлиги ҳамда пул маблағларини тасарруф этиш; мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари; хомашё, товарлар ва хизматлар бозорида эркин фаолият юритиш; кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш; фирма номи, товар белгиси (хизмат

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 5-сон, 133-модда.

кўрсатиш белгиси)дан фойдаланиш; тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик ва бошқа кафолатлари мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда қонунийликнинг бузилишига йўл қўймаслик, юқорида келтирилган ҳолатларга чек қўйиш мақсадида бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими шакллантирилди ва унинг ташкилий механизми яратилди¹. Мазкур ҳуқуқий ҳимоя тизимида юқорида қайд қилинганидек давлат органлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси², Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва адвокатуранинг алоҳида ўрни бор.

Маълумки, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларида турли хил ҳуқуқий муносабатларга дуч келадилар. Шу сабабли, уларга давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича бир қатор функциялар амалга оширилади. Улар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг асосий вазифа ва функциялари қаторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: 1) ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бериш³; 2) тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш, таъсис ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш⁴; 3) шартномаларни, шу жумладан хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ишларни амалга ошириш, улар бўйича юридик хулосалар бериш⁵; 4) даъво ишларини юритиш⁶; 5) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ўзаро

¹ Қаранг: Тадбиркорга қулайлик // Частная собственность. 2006. 15-21 июня.

² Қаранг: Услуги должны получить развитие // Вечерний Ташкент. 2006. 30 май.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Адвокатура тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. № 2. – 48-модда.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2006. № 20. – 233-модда.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 1998. № 9. – 170-модда.

⁶ Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар), Тошкент: Адолат, 2007, 219 б.

хамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда шунингдек, судда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш¹.

Прокуратура органлари томонидан юридик ёрдам тадбиркорлик субъектларининг аризасига мувофиқ ёки бевосита прокуратура органининг ташаббуси билан кўрсатилади. Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади. Хусусан, прокуратура органлари томонидан 2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни талабларининг сўзсиз бажарилиши устидан назоратни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Мурожаатларнинг муддатида, тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқилишини ҳамда қонунбузилишига йўл қўйган айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлашга қаратилган назорат тадбирларини тизимли равишда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича: 9581 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди; 2733 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Бевосита прокуратура органлари томонидан 289307 та мурожаатлар ҳал этилди. Фуқароларнинг қабулига, шу жумладан, уларни бевосита прокурорлар томонидан жойларда қабул қилинишига жиддий эътибор қаратилиб, 235322 нафар фуқароларнинг қабули таъминланди².

Тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг шаклларидан бири прокуратура органлари уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан бузилганлик ҳолатларини аниқлаганда тегишли чораларни кўриш ҳисобланади. Прокуратура органлари аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув каби ҳужжатларни чиқаради.

Масалан, 2017 йилда прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида: қонунларни

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005.№ 1. – 3-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси веб-сайти // <http://new.prokuratura.uz/uz>

тарғиб қилиш бўйича 6629 та тадбирлар ўтказилди; 543 та телеэфир, 459 та радио орқали чиқишлар ташкил қилинди, 354 та мақолалар чоп этилди.

Бош прокуратуранинг мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш Марказининг қатор вазирлик ва идоралар билан ўзаро электрон алоқа тармоғи самарали фаолият кўрсатиб, мурожаатлар ҳал этилиши устидан ахборот-коммуникация технологиялари воситасида тизимли электрон назорат амалга оширилмоқда.

Марказ томонидан 2017 йилда 102 009 та мурожаатлар қабул қилиниб, улардан 15934 таси (15,6 %) қаноатлантирилди. Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши натижасида: ноқонуний қарорларга 178 та протестлар келтирилди; қонун бузилиши сабабларини бартараф этиш ҳақида 120 та тақдимномалар ҳамда судларга 5,6 млрд. сўм пул маблағларини ундириш ҳақида 383 та аризалар киритилди; 720 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 165 та жиноят иши кўзғатилди.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш, ноқонуний текшириш ўтказиш ҳамда мурожаатларини кўриб чиқишдаги қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш борасида ўтказилган назорат тадбирларида: 961 нафар мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди; 44 та жиноят иши кўзғатилди; 49 866 нафар тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Ҳамкорликда кўрилган чоралар натижасида 2797 та тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланди¹.

Прокуратура органлари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини судга, шу жумладан, иқтисодий судларга даъво ариза билан мурожаат қилиш орқали ҳам юридик ёрдам кўрсатади. «Прокурор апелляция, кассация инстанция судларида икки шаклда: биринчидан, суднинг ноқонуний қарорлари устидан протест келтириш йўли билан; иккинчидан, фуқаролик процесси иштирокчилари суд қарорларидан норози бўлиб ариза

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси веб-сайти // <http://new.prokuratura.uz/uz>.

берганда процессда фикр бериш йўли билан иштирок этади»¹. Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

Прокуратура органларининг юридик ёрдам бериш шаклларида яна бири тадбиркорлик субъектлари ходимлари ва мансабдор шахсларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда намоён бўлади. Хусусан, прокуратура органлари томонидан қонунийликни мустаҳкамлаш, қонунлар мазмунини кенг жамоатчиликка етказиш, шунингдек, ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш мақсадида 119119 та, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида 22 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди².

Хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларда тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича прокуратура органлари деярли фаолият юритмайди ва бу борада алоҳида ваколатларга ҳам эга эмас³. Мамлакатимизда прокуратура органларига ушбу соҳада ваколатларнинг берилганлиги Ўзбекистонда прокуратура тизимининг ўзига хослигини кўрсатиш билан бир қаторда, тадбиркорликни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётганлиги ҳамда алоҳида ғамхўрлик қилинаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш вазифаси бевосита Палатанинг Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармаси зиммасига юклатилган бўлиб, унга: тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш; тадбиркорлик субъектлари мурожаатларининг кўриб чиқилишини таъминлаш; вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) кесимида жойлардаги ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ҳамда қонунчиликдаги меъёрлар ва талабларнинг амалга оширилиши натижалари бўйича ҳар чоракда таҳлил

¹ Назаров F. Юқори инстанция судларида прокурор иштироки. // Ҳуқуқ. 2006.6-сентябрь.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси веб-сайти // <http://new.prokuratura.uz/uz>.

³ Батафсил қаранг: Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.minjust.by>; <http://www.minjust.kz>; <http://www.minjust.kg>] свободный.

ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ваколатли органларга уларни яхшилаш бўйича таҳлилий материаллар ва таклифларни тақдим этиш учун тайёрлаш; тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчиликнинг, аввало маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишнинг амалий механизмини жорий этиш ҳамда уларнинг фаолияти бўйича мустақил баҳолашни тайёрлаш; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва ходимларига нисбатан шикоят аризалари берган тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифалар юклатилган¹. Шу билан бирга мазкур Бошқарманинг Низомида унинг ҳуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини баҳоловчи мезонлар, бошқарма фаолиятини ва иш юритишини ташкил қилиш, бошқарма бошлиғи ва унинг ходимлари ваколатлари белгиланган.

Палатанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бошқармаларида Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш секторлари ташкил қилинган. Ушбу секторнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва масъулияти юқорида қайд қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Палатасининг ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилиб, тегишли бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланган сектор тўғрисидаги низом ва бўлим ходимларининг мансаб йўриқномаларида белгиланган.

Демак тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Палата ва унинг таркибий бўлинмалари ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган экан, амалда бу ўз натижасини беряптими деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бунга қуйидаги мосоллар орқали жавоб олиш мумкин.

Хусусан, Тадбиркорлик субъектлари ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахслар томонидан Палатанинг Ижроия қўмитаси ва унинг ҳудудий

¹ Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисида Низом // Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг 2017 йил 17 июлдаги 09-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

тузилмаларига тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида 2018 йилнинг 2-чораги мобайнида жами 7 421 та мурожаатлар келиб тушган. Мазкур мурожаатларнинг 267 таси бевосита Палата раҳбарияти ва масъул ходимларининг қабули жараёнида қайд этилган.

Мазкур мурожаатларда асосий кўтарилган масалаларнинг мазмун-моҳияти сараланма таҳлил этилганда: - 35 та солиқ; - 135 та ер ва биноиншоотлар; - 191 та банклар фаолиятига доир қонун ҳужжатлари юзасидан; - 39 та суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилмаётганлиги юзасидан эканлиги маълум бўлган.

Ушбу мурожаатлар юзасидан Палата Ижроия қўмитаси ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан Палата аъзолари манфаатида судларга жами 10156 та ҳолатда умумий суммаси 1,63 трлн. сўм, 10,6 млн АҚШ долларига тенг бўлган миқдорда даъво аризалари киритилди.

Шундан, 7748 та даъво аризалари тўлиқ қаноатлантирилган, 101 та даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган, 190 та даъво аризалар кўрмасдан қолдирилган. Ушбу кўрсаткичларнинг судларга тааллуқлилиги юзасидан тақсимланганда, жумладан: - 6 124 таси иқтисодий судлар;- 4 015 таси фуқаролик ишлари бўйича судлар;- 17 таси маъмурий судлар ҳиссасига тўғри келади.

Мисол учун, Палатага унинг аъзоси «Асака» АТБ мурожаат қилиб, 222 649,86 Евро миқдоридаги қарздорликни ундирилишида амалий ёрдам беришни сўраган. Мазкур мурожаат юзасидан, Палата томонидан «Асака» АТБ манфаатида қарздор корхонага нисбатан судга кассация шикояти киритилган. Ушбу кассация шикояти юзасидан Тошкент шаҳар иқтисодий суди томонидан 2018 йил 25 сентябрда қабул қилинган қарор билан Палатанинг кассация шикояти қаноатлантирилиб, «Асака» АТБ нинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинган¹. Шу билан бирга, 303 та ҳолатда тадбиркорлик

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси веб-сайти / <http://www.chamber.uz/uzk/page/3461>.

субъектлари ўртасида вужудга келган низолар судгача низони ҳал этиш (медиация) жараёнида ҳал этилган.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тегишли қарор ва ҳукмлари юзасидан келиб чиққан норозиликлар бўйича 11 та ҳолатда муаммоли масалалари юзасидан Ўзбекистон Ресубликаси Бош прокуратураси ва Олий судига назорат тартибида протест киритилиши тўғрисида илтимосномалар юборилган. Шундан, 3 ҳолатда назорат тартибида протест келтирилган бўлиб, қолган ҳолатлар кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, давлат ташкилотларига нисбатан ҳамда улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар устидан 30 та ҳолатда судларга даъво аризаси киритилган бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинган¹.

Хорижий мамлакатларда ҳам мамлакатимизда бўлганидек, Савдо-саноат палаталари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бундай нодавлат нотижорат ташкилотларнинг асосий вазифалари сифатида белгиланган. Хусусан, Россия Федерацияси, Украина, Беларусь Республикаси ва бошқаларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши юқорида қайд қилинган ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда Кенгашга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун Кенгаш ижро аппаратининг тузилмасида Кенгаш раисининг ҳуқуқий масалалар бўйича ўринбосари лавозими, Ҳуқуқий масалалар ва фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратининг Намунавий тузилмасида – Ҳуқуқий масалалар ҳамда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бош мутахассис лавозими; Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратининг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси веб-сайти / <http://www.chamber.uz/uzk/page/2068>.

Намунавий тузилмасида – Ҳуқуқий масалалар ҳамда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича икки кишидан иборат бўлган гуруҳ назарда тутилган.

Кенгашларнинг мазкур тузилмалари томонидан 2018 йил 9 ой мобайнида суммаси 92,5 млрд. сўм бўлган 12714 талабномалар киритилган бўлиб улардан 4681 таси бўйича 45,9 млрд.сўм фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фойдасига ундирилган; бошқа масалалар, жумладан ер, солиқ, сув, кредит, моддий ресурсла ажратиш масалалари бўйича 2030 та мурожатлар юборилган; оммавий ахборот воситаларида 80 дан ортиқ ҳуқуқий масалаларда чиқишлар амалга оширилган, 706 та ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича анжуманлар ташкил қилинган. Кенгашлар томонидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатида суммаси 20,6 млрд.сўм бўлган 1768 та даъво аризалари судларга давлат божи тўланмасдан тақдим қилинган, шундан 1249 та даъво аризаси қаноатлантирилиб, 13,1 млрд.сўм ундирилган; 18 та апелляция ва кассация шикоятлари киритилган¹.

Мамлакатимизда фермер хўжалиқларининг сони 160 мингтадан ошганини инобатга олсак, Кенгаш ортида тадбиркорлик субъектларининг катта бир қатлами турганлигини англаш мумкин². Бу ўз навбатида, Кенгаш зиммасига улкан масъулият юклайди. Кенгашнинг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ вазифаларига қуйидагилар киради: а) уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органларида, судгача ва судларга мурожаат қилиш орқали ҳимоя қилиш; б) фермерлар, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва ходимлари ҳамда томорқа ер эгаларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш

¹ Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ижро аппарати жорий архиви.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 январдаги «Фермер хўжалиқларининг ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш ва кўшимча даромад олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 25-сон Қарори// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.01.2018 й., 09/18/25/0599-сон.

мақсадида ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш; в) шартномавий муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга кўмаклашиш.

Кенгаш фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини ифода ва ҳимоя қилишда турли хил нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. Бу борада сиёсий партиялар, хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати ЎзЛиДеП билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Партия сиёсий сахнада тадбиркорлар, жумладан фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини ифода этади¹.

Адвокатура томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиши. Тадбиркорлик субъектлари билан адвокатура (адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва бюрolari) ўртасида кўрсатиладиган юридик ёрдам ҳажми, муддатлари ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда уч хил кўринишдаги шартнома тузилиши мумкин. Булар қуйидагилардан иборат: а) ахборот-юридик ёрдам кўрсатиш; б) алоҳида топшириқлар бўйича юридик ёрдам кўрсатиш; в) барча масалалар бўйича юридик ёрдам кўрсатиш.

Ахборот-юридик ёрдам кўрсатиш шартномаси бўйича адвокатлар тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва мутахассисларини ҳамда тадбиркорларни амалдаги қонун ҳужжатлари билан таништирадилар ва уларни амалда тўғри қўллаш бўйича маслаҳатлар берадилар. Бундай шартнома маълум бир муддатга (масалан, бир йилга) ёки бир марта ахборот олиш учун тузилиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон адвокатлар палатасининг маълумотига кўра адвокатлар томонидан 2017 йилда жами 92 413 оғзаки юридик маслаҳатлар берилган, шундан 85518 таси бепул².

Алоҳида топшириқлар бўйича юридик хизмат кўрсатиш шартномасига кўра тадбиркорлик субъектлари адвокатларга, жумладан маълум шартномани

¹ Мақсадимиз – электоратимиз бўлган фермерларимизни қўллаб-қувватлаш, дейишмоқда сурхондарёлик маслақдошларимиз // <http://www.uzlidep.uz/news-of-party/3204>; Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш комиссияси 10 кунда бир марта бюрократик тўсиқларни мониторинг қилади <http://www.uzlidep.uz/news-of-party/2967>.

²Қаранг: Ўзбекистон адвокатлар палатаси веб-сайти // <https://paruz.uz/index.php/uz/features-3/statisticheskie-dannye>

тузишда ёзма ҳуқуқий хулоса беришни ёки иқтисодий низо бўйича унинг вакили сифатида судда қатнашишни таклиф қилишлари мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»¹ги Қонунининг 20-моддасида хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш уларнинг юридик хизматлари ёки ана шу мақсадда шартнома асосида жалб этилган адвокатлар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Алоҳида топшириқлар бўйича юридик ёрдам кўрсатиш шартномаси бир марталик хусусиятга эга бўлиб, у ижро этилгандан кейин ўз кучини йўқотади.

Барча масалалар бўйича юридик ёрдам кўрсатиш шартномаси, одатда, муайян муддатга (бир йил ёки ундан ортиқ муддатга) тузилади ва адвокатура тадбиркорлик субъектининг барча фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш мажбуриятини олади ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида юзага келадиган барча ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашади. Мазкур шартномага мувофиқ адвокатура юридик хизмат тўғрисидаги низомлар асосида тадбиркорлик субъектининг юридик хизматига юклатилган вазифаларни бажаради ва уларга тақдим этилган ҳуқуқлардан фойдаланади. Мазкур юридик ёрдам кўрсатиш шартномасида адвокат тадбиркорлик субъектининг хўжалик фаолиятини чуқур ўрганиш ҳамда рўй бераётган ҳуқуқбузарликларни ва келиб чиқаётган низоларни таҳлил этиш орқали уларни олдини олиш чораларини кўришдан манфаатдор бўлади. Акс ҳолда тадбиркорлик субъектининг фаолиятида ҳуқуқбузарликлар ва иқтисодий низолари кўпайиши, адвокатнинг иш ҳажмини ортишига олиб келади.

Тадбиркорлик субъектига юридик ёрдам кўрсатаётган адвокат юридик хизмат тўғрисидаги низомларда белгилаб қўйилган ҳуқуқлардан ташқари, адвокат сифатида махсус ҳуқуқларга ҳам эга. Мазкур ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида белгилаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1998. №9. – 170-модда

қўйилган бўлиб, уларга жумладан қуйидагилар киради: тегишли масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлган барча органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг топшириғига мувофиқ уларнинг манфаатларини ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; судларда, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган органларда далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш; юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш; юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларини ишонч билдирувчи шахсининг (ҳимоя остидаги шахсининг) розилиги билан сўраш ва олиш; ишга тааллуқли ахборотдан хабардор бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ва уларнинг розилиги билан ёзма тушунтириш олиш; тўпланган материалларни ўз ишонч билдирувчи шахсининг (ҳимоя остидаги шахсининг) иши юзасидан иш юритаётган судларга ва бошқа давлат органларига тақдим этиш; мансабдор шахсларга илтимосномалар билдириш ва шикоятлар бериш ҳамда улардан ёзма шаклда асослантирилган жавоблар олиш.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида ҳам адвокатура асосий юридик ёрдам кўрсатувчи ташкилот вазифасини бажармоқда. Масалан, Ўзбекистон адвокатлар палатасининг маълумотиغا кўра адвокатлар томонидан 2017 йилда жами 7318 локал ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланган ва улар белгиланган тартибда қабул қилинган ёки тасдиқланган¹. Шунингдек, Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий низоларини ҳал этиш ва хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан

¹Қаранг: Ўзбекистон адвокатлар палатаси веб-сайти // <https://paruz.uz/index.php/uz/features-3/statisticheskije-dannye>

ўтказиш учун адвокатура хизматидан фойдаланиш имкониятларининг кенгаётганлиги уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон адвокатлар палатасининг маълумотига кўра адвокатлар томонидан 2017 йилда жами 20 994 та шартномалар лойиҳалари тайёрланган, 56 636 та шартнома лойиҳалари бўйича ҳуқуқий ҳулосалар берилган¹.

Профессионал юридик ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш тартиботини соддалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 майдаги ПФ-5441-сон Фармони амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 675-сон Қарори билан «Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисида»ги ва «Юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотларининг реестрини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомлар тасдиқланди². Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари тегишли ҳудудларда юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотлари реестрини юритадилар. Юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотлари, шунингдек ушбу ташкилотларда ишлаётган юридик маслаҳатчилар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Демак мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ профессионал юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи нафақат нодавлат нотирожат ташкилотлар, балки тижорат ташкилотларига ҳам берилганлиги диққатга сазовор.

¹Қаранг: Ўзбекистон адвокатлар палатаси веб-сайти //https://paruz.uz/index.php/uz/features-3/statisticheskie-dannye

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2018 й., 09/18/675/1885-сон

IV боб бўйича хулосалар

Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатларини илмий тадқиқ қилиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатилиши объектив зарурат бўлиб, бу бир томондан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинганлик даражаси юқорилиги улар фаолиятига ноўрин аралашувлар ва тазйиқларни, тўсиқларни, турли хил ўзбошимчаликларни чеклашга, иккинчи томондан, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

2. «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» модели ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўпгина масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич нодавлат нотижорат ташкилотларига, жамоат тузилмаларига ўтказиб боришни талаб этади. Бунинг учун эса, аввало, давлатнинг иқтисодий соҳага, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини чеклаш зарур. Бошқача қилиб айтганда, ушбу модел тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда уларга юридик ёрдам кўрсатишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат тузилмалари ролини мунтазам ошириб боришни тақозо этмоқда.

3. Тадбиркорлик субъектларига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилиши уларда боқимандалик кайфиятини кучайишига, турли имтиёзларни кенгайтиришга эмас, балки мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилиши учун тегишли чора-тадбирлар кўрилиши ҳам мақсадга мувофиқ.

4. Юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотларини ташкил қилиш ва фаолиятини ривожлантиришга давлат органлари томонидан

эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотлари ходимларини ҳам «юридик маслаҳатчи» деб эмас, балки «юрисконсульт» деб юритилиши тўғри ва қонун ҳужжатларига мос келади.

5. Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотлари томонидан келажакда тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишда «сунъий интеллект» имкониятларидан фойдаланишни кенг ва тизимли йўлга қўйиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Мустақил мамлакатимизда юридик хизматнинг ҳуқуқий муаммоларини яхлит илмий-назарий тадқиқ этиш натижалари қуйидаги концептуал хулосаларга асос бўлди:

I. Илмий-назарий хулосалар.

1. Юридик хизмат деганда – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат корхона, муассаса ва ташкилотлари, хўжалик бошқаруви органлари, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат ноижорат ташкилотларда ҳуқуқий ишларни амалга оширилишини таъминлайдиган, бевосита уларнинг раҳбарига бўйсунадиган, ташкилий жиҳатдан мустақил бўлган таркибий тузилма (юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро) ёки лавозим (бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсулт) тушунилади.

2. Қонунийлик деганда – барча ҳуқуқ субъектлари томонидан қонунлар ва унга зид бўлмаган бошқа қонун ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилиш ҳамда уларни ижро этиш; қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлардан (эркинликлардан) лозим даражада фойдаланиш, давлат органларининг қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнида қонунда белгиланган тартиб ҳамда таомилларга риоя этиш, шунингдек, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслилиги ва уйғунлигини таъминлаши тушунилади.

3. Давлат органларининг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиши деганда – давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган ва ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўрнатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, уларнинг бузилиш хавфи мавжуд бўлган ёки бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўрсатиладиган фаол профессионал ёрдами тушунилади.

4. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиши деганда, улар томонидан белгиланган тартибда ўз аъзоларига, қоида тариқасида, текинга ёки имтиёзли шартларда ва бошқа юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларга шартнома асосида ҳақ эвазига ҳуқуқий масалалар бўйича хизмат кўрсатиши тушунилади.

II. Юридик хизматни ташкил қилиш ва фаолиятини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар

5. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шароитида юридик хизмат тизимини такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутди. Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ҳуқуқий ишларнинг самарадорлигини ошириш мустақил давлатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш вазифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу муҳим вазифани амалга оширишда бошқа органлар билан бир қаторда, юридик хизматнинг аҳамияти бекиёсдир.

Мамлакатимизда давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда фаолият кўрсатаётган юридик хизматни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ: а) давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг юридик хизмати; б) давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юридик хизмати; в) вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг юридик хизмати; г) хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар) юридик хизмати.

6. Давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизмат қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган, бевосита давлат органи ва ташкилоти раҳбарига бўйсунадиган, мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозим ҳисобланади. Юридик хизматнинг мавжуд штат бирликларини қисқартириш ва уларни давлат органи ва ташкилотининг бошқа таркибий тузилмаларига қайта тақсимлашга йўл қўйилмайди. Демак, давлат органлари ва

ташкilotлари юридик хизмати давлат томонидан кафолатланган иммунитетга эга.

Аммо хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари юридик хизмати бундай иммунитетга эга эмас, кўпчилик ҳолатларда юридик хизмат бошқа тузилманинг таркибида ташкил қилинади, раҳбар ўринбосари ёки таркибий тузилма бошлиғига бўйсунди. Бу эса уларнинг самарали фаолият юритишига, айниқса, қонунийликни таъминлашга қаратилган фаолиятини тўлиқ амалга оширишга имконият бермайди.

Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектларда ҳам юридик хизматни бевосита раҳбарга ёки юқори бошқарув органига бўйсундиган мустақил таркибий тузилма сифатида ташкил қилиш лозим. Хусусан, акциядорлик жамиятларида юридик хизматни ички аудит хизмати каби кузатув кенгашига бевосита бўйсундириш мақсадга мувофиқ.

7. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларига ҳозирги кунда қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ: а) давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизматнинг роли; б) давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида юридик хизматнинг иштироки; в) юридик хизмат томонидан соҳавий ва ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишларини олиб бориш.

Юридик хизматнинг давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашдаги иштироки – унинг энг муҳим фаолият йўналишидир, чунки юридик хизматнинг бошқа йўналишлардаги фаолиятида ҳам қонунийликни таъминлаш билвосита намоён бўлади. Юридик хизматнинг бу йўналишдаги фаолияти қуйидаги функцияларни: а) ташкилий; б) назорат; в) ҳуқуқий тарбия ишларини олиб бориш билан амалга оширилади.

Юридик хизматнинг соҳавий ва ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда юридик амалиёт бўйича маълумотнома ишлари ўз ичига қуйидагиларни: а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондиди ташкил қилиш; б) таркибий бўлинмаларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни билан

таъминлаш; в) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни белгилаб бориш, бекор қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фойдаланишдан чиқариш ва бу ҳақда таркибий бўлинмаларни хабардор қилиш; г) суд амалиёти материалларини йиғиш кабиларни олади.

Юридик хизматнинг бу йўналишдаги фаолиятдан кўзланган мақсад: биринчидан, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқ субъектларига ўз вақтида етиб боришини таъминлаш; иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нотўғри қўлланилишининг олдини олиш; учинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга ёхуд ўз кучини йўқотгунга қадар келиб чиққан муносабатларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг олдинги таҳрири қўлланилишини эътиборга олишдан иборат.

8. Мамлакатимизда иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштириш, маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқарув меъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш, хўжалик бошқарув органлари фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини оширишда юридик хизмат муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам, хўжалик бошқарув органларининг асосий вазифалари жумласига улар таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматига услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси киритилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, биринчидан, тегишли тармоқнинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юридик хизмат фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади; иккинчидан, тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектларда мавжуд бўлган ўхшаш ҳуқуқий муаммоларни тезкорлик билан сифатли бартараф этишга имконият яратади; учинчидан, тармоқдаги хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат ходимларига кўмаклашиши учун қонуний асос яратилади, ва ниҳоят хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат ходимларининг малакасини ошириш сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир қилади.

9. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўтган давр мобайнида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, айниқса, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга

алоҳида эътибор берилмоқда. Бу, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларда амалга ошириладиган ҳуқуқий ишлар самарадорлигини ошириш ва улардаги юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларини аниқ белгилашни тақозо этмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат фаолиятининг асосий йўналишларига қуйидагилар киради: а) хўжалик шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича ишлардаги иштироки; б) талабнома-даъво ишларини ташкил қилиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли; в) мулкни сақлаш бўйича ҳуқуқий таъминлаш ишларини ташкил қилиш; г) меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги роли.

Юридик хизмат фаолиятини мазкур тўртта асосий йўналишга ажратишга сабаб, биринчидан, бу йўналишлар барча хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятига хослиги; иккинчидан, уларнинг бир-бирини такрорламаслиги, аксинча, бир-бирини тўлдириши, яъни комплекслилиги, уйғунлиги ва изчиллиги; учинчидан, юридик хизматнинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган вазифа ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда тизимга солинганлигидир.

10. Адлия органларининг юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш бўйича фаолиятини илмий таҳлил қилган ҳолда тадқиқотчи, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни таъминлаш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бир ҳисобланиши ва бунинг учун вазирликда барча ҳуқуқий асослар ва ташкилий тузилмалар мавжудлигини эътироф этиб, у юридик хизмат ходимларини тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратиши, бунда ягона давлат стандартлари юритилишини таъминлаши, ўзига хос мувофиқлаштирувчи марказ вазифасини ўташи, олий

юримдик ўқув юртлири ўқув дастурларига “Юримдик хизмат” фанини киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

11. Мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юримдик ёрдам кўрсатилиши объектив зарурат бўлиб, бу бир томондан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинганлик даражасининг юқорилиги улар фаолиятига ноўрин аралашувлар ва тазйиқларни, тўсиқларни, турли хил ўзбошимчаликларни чеклашга, иккинчи томондан, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

12. Хорижий давлатларда ва қисман мамлакатимизда чоп этилаётган юримдик адабиётларда ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш, айниқса тадбиркорлик субъектлари ва бошқарув органлари юримдик хизмати фаолиятини илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга эътибор берилмоқда. Бундан ташқари, унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллашни такомиллаштириш заруратини инобатга олиб, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш юримдик фаннинг муҳим вазифасидир. Айниқса, унинг тизими ва ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ масалалар юзасидан хулоса, тақлиф ва тавсияларни асослаб бериш зарурати пайдо бўлмоқда.

Юримдик фанда янги йўналиш сифатида юримдик хизмат фанини ривожлантириш истиқболли вазифадир. Шу сабабли, юримдик хизматнинг долзарб муаммоларини тадқиқ қилиш зарурати мавжудлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Бундан ташқари, юримдик хизматни ўқув-услубий жиҳатдан олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида ўрганишнинг йўлга қўйилганлиги ҳам бу ҳуқуқ соҳасини янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.

13. Юримдик хизмат ходимларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, уларнинг касбий тайёргарлиги ва малака оширишини ташкил этиш; юримдик хизмат фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, юрисконсультларнинг ижобий

иш тажрибасини оммалаштириш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш; юридик хизмат ходимлари томонидан қонун ҳужжатларига, юрисконсулт касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон юрисконсултлари ассоциациясини ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

III. Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар

14. Юридик хизмат, унинг тизими ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг ривожланиши ва бу борадаги қонун ижодкорлигининг истиқболларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

«Давлат органлари ва ташкилотларнинг юридик хизмати тўғрисида Низом» фақат давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари учун мажбурий, бошқа ташкилотлар учун эса тавсиявий хусусиятга эга. Шунга кўра хўжалик бошқарув органлари таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари юридик хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асослари, асосан, ички низомлар ва мансаб йўриқномалари билан тартибга солинмоқда. Юридик хизмат мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этишга қаратилган оммавий функцияни амалга оширади. Шунинг учун ҳам юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Юридик хизмат тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Зеро, қонун билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари барча бўғинлари, хўжалик бошқарув органлари, барча хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар юридик хизмати, хўжаликлараро юридик хизматларнинг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, юридик хизмат

ходимларини лавозимларига тайинлаш ва озод қилиш тартиби, юридик хизматга раҳбарлик қилиш шакл ва услублари белгиланиши лозим.

Юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш давлат ва ижтимоий-сиёсий тузилишни демократик жиҳатдан янгилашнинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, мамлакат суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 40-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг адлия органларида стажировкадан ўтиши тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 16-банди 10-банддаги нормани тўлиқ такрорлаётганлиги сабабли, уни қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади: «16. Стажёр стажировкадан ўтиш режасида белгиланган тадбирларни тўлиқ бажариши лозим».

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган «Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 24-банди иккинчи хатбошисини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади: «Ходим ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса, мазкур масаланинг комиссия томонидан кўриб чиқилиши талаб этилмайди, юридик хизмат ходими комиссияда бу масалани кўриб чиқиш тўғрисида ёзма мурожаат қилган ҳолат бундан мустасно». Бундай таклиф киритишимизга сабаб амалиётда, айниқса, давлат органи ва ташкилотининг раҳбари ўзгарган ҳолларда, юридик хизмат ходимини ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза ёзиб беришни талаб қилиш ҳолатлари учрайди. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ушбу масала комиссия томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган «Юридик хизмат ходимини лавозимга

тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 281-бандидан «ҳамда юридик хизмат штат бирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатилганда» деган жумлани чиқариб ташлаш таклиф қилинади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сонли «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 2-бандида давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан, уларнинг ҳудудий тузилмаларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган энг кам меъёр ва мезонларга асосан, мажбурий тартибда юридик хизматлар ташкил этилиши ва бунда юридик хизматнинг мавжуд штат birlikларининг қисқартирилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизимини оқилона ташкил этишга эришиш, ўз навбатида, демократик ҳуқуқий давлат бунёд этишга, фуқаролик жамиятини шакллантиришга, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, қолаверса, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2018.– 76 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси // Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги бўйича меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Тошкент: Ўзбекистон, 2005.– 140-б.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида» ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. № 2. – 48-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. № 9. – 225-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қонуни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. № 11–12. – 295-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. № 9. – 170-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. № 1. – 8-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. №1. – 12-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 514-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда.

10. Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. № 5. – 115-модда.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000. №5-6. –140-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда) // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 52-сон, 583-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

13. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2001. № 20. – 139-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

14. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. №12. –213-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон.

15. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. № 12. – 215-модда.

16. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. № 9-10. – 138-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

17. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004. № 40-41. – 433-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.12.2018 й., 03/18/506/2356-сон.

18. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.07.2018 й., 03/18/483/1482-сон.

19. Ўзбекистон Республикасининг «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2006. №41.–406-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, , 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон.

20. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2006. № 42. – 416-модда.

21. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 944-модда.

22. Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 03/18/482/1447-сон.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги ПФ–1791-сон «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.1997.№ 7. –179-модда.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3350-сон «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003. № 23. – 229-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2017 й., 06/17/5204/0114-сон; 06.04.2018 й., 06/18/5399/1018-сон, 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон, 01.08.2018 й., 06/18/5497/1604-сон, 12.12.2018 й., 06/18/5594/2269-сон.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 11-12-сон, –185-модда; 2007 й., 25-26-сон, – 258-модда.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ–3619-сон «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005..№ 23-24. –167-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги ПФ–3622-сон «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш

тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. № 25-26. – 178-модда.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ–3665-сон «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. № 40. – 303-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2018 й., 06/18/5329/0846-сон, 30.07.2018 й., 06/18/5490/1584-сон.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ–4966-сон «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сон «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 522-модда.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.07.2018 й., 06/18/5490/1584-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон, 02.11.2018 й., 06/18/5566/2153-сон.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2017 й., 06/17/5199/0078.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги ПФ-5343-сон «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // Национальная база данных законодательства, 15.02.2018 г., № 06/18/5343/0703, 11.07.2018 г., № 06/18/5475/1489, 23.11.2018 г., № 06/18/5580/2202, 13.12.2018 г., № 06/18/5597/2300.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 апрелдаги ПФ–5395-сон «Амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.04.2018 й., 06/18/5395/1003-сон.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сон «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.04.2018 й., 06/18/5409/1059-сон.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПФ–5415-сон «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 06/18/5415/1072-сон.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ–5430-сон «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.05.2018 й., 06/18/5430/1164-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПФ–5441-сон «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2018 й., 06/18/5441/1210-сон.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон.

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги ПҚ-100-сон «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. – № 23–24. – 168-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2018 й., 06/18/5428/1158-сон.

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. № 4. – 50-модда.

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПҚ-3068-сон Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 26-сон, 578-модда.

48. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг 2018 йил 2 июлдаги 229-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисидаги Низом»//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жорий архиви.

49. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 31 июлдаги КҚ-216-III-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Девони тўғрисида» ги Низом //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2017.

50. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 2005 йил 22 июндаги 25-сонли Қарори билан тасдиқланган «Қорақалпоғистон

Республикаси Жўқорғи Кенгеси Котибияти тўғрисида Низом» // Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси жорий архиви.

51. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 31 декабрдаги 868-сонли қарори билан тасдиқланган «Вазирлар Кенгаши юридик хизматининг функционал вазифалари тўғрисида»ги Низом// Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши веб-сайти // <http://sovminrk.gov.uz/uz/pages/show/6624/>.

52. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисида»ги Низом. // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1993. № 3. – 8-модда.

53. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 июлдаги 212-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш марказининг уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2012. № 29. – 330-модда.

54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2016. №42. – 484-модда.

55. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1000-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг функционал бўлимлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий архиви.

56. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1013-сонли «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини

амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2017 й., 09/17/1013/0459-сон.

57. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 9 апрелда 2352-сон билан рўйхатга олинган «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмалар» // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 15-сон, 173-модда.

58. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 1 февралда 2420-сон билан рўйхатга олинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома» // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил, 5-сон, 65-модда.

59. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 28 февралда 2565-сон билан рўйхатга олинган «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидалари» // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2014 йил 10 март, 10-сон, 110-модда.

60. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 25 декабрда 2745-сон билан рўйхатга олинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиёти» // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2015 йил, 51-сон, 644-модда.

61. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 февралда 2861-сон билан рўйхатга олинган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низом» // «Ўзбекистон

Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 6 март, 9-сон, 137-модда.

62. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 февралда 2862-сон билан рўйхатга олинган «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг адлия органларида стажировкадан ўтиши тартиби тўғрисидаги Низом» // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 й., 9-сон, 138-модда.

63. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 февралда 2863-сон билан рўйхатга олинган «Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талаблар» // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил, 9-сон, 139-модда.

64. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 февралда 2864-сон билан рўйхатга олинган «Юридик хизмат ходимини лавозим тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги Низом» // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 6 март, 9-сон, 140-модда.

65. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2001 йил 30 ноябрдаги ажрими // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси. 2002. № 7. – 20-22 б.

66. Федеральный закон от 31 мая 2002 года № 63–ФЗ «Об адвокатской деятельности и адвокатуре в Российской Федерации» // Собрание законодательства Российской Федерации. 2002.– № 23. – ст. 2102.

67. Постановления Правительства РФ от 18 марта 1999 г. № 309 «О повышении тарифных ставок (окладов) Единой тарифной сетки по оплате труда работников бюджетной сфере» // Собрание законодательства Российской Федерации. 1999. № 13. – С. 1605.

68. Полный сборник кодексов Российской Федерации: 21 действующий кодекс РФ с последними изменениями и дополнениями (по состоянию на 15

октября 2004 года; включая изменения, вступающие в силу с 1 января 2005 года). – Новосибирск: Сиб.унив. изд-во, 2004.

69. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

70. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир // Халқ сўзи. – 2007. – 13 февраль.

71. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборатошкент – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 64 б.

72. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз // <https://president.uz/uz/lists/view/111>.

73. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи . – 2016. – 7 декабрь.

74. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 36 б.

75. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак // Халқ сўзи . 2017. 13 июль.

76. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <https://president.uz/uz/lists/view/1328>.

77. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси– Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 25 б.

78. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир /

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. // <https://president.uz/uz/lists/category/5>.

79. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

II. Монография, илмий мақола, илмий тўпламлар.

80. Абдусаломов М.Э. Становление и развитие органов юстиции Узбекистана. – Тошкент: Адолат, 1996.

81. Адвокатская деятельность: Учебно-практическое пособие / Буробин В.Н., Власов А.А. и др. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва.: ИКФ «ЭКМОС», 2003.

82. Адвокатская деятельность в Республике Узбекистан: Учебник для студентов бакалавриата: в 2-х тошкент /Отв.ред. М.Х.Рустамбаев, Л.Б.Хван. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006.

83. Административная реформа в России. Научно-практическое пособие / Под. ред. С.Е. Нарышкина, Т.Я. Хабриевой. – Москва.: Юридическая фирма «Контракт»: Инфра-М, 2006. – 352 с..

84. Азизхўжаев А.А. Демократия халқ ҳокимияти демакдир. – Тошкент: Шарқ, 1996.–226 б.

85. Айзин С.М., Тихомиров М.Ю. Юридическая служба на предприятии: настольная книга юрисконсульта. – Москва.: Юринформцентр, 2003. – 685 с.

86. Алимов Б. Ўзбекистон Республикаси давлат тизимида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари. Монография. Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 368 б.

87. Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик. 2-нашр. –Тошкент, 2003. – 367 б.

88. Анохин В.С. Правовая работа в народном хозяйстве в условиях рыночной экономике. 2-е изд. Воронеж: ВГУ, 1996.– 328 с.

89. Аристотель. Политика //Сочинения. В 4 Т. Москва: «Мысль», 1983.– Т. 4.

90. Бердияров Ш. Юридик техника. Монография. Тошкент: «Наврўз», 2018. – 216 б.
91. Белых В.С. Правовое регулирование предпринимательской деятельности: монография. Москва: 2005.
92. Бельская Е.В., Каллистратова Р.Ф. К вопросу о понятии «правовая работа» // Правовая работа в условиях перестройки. – Москва.: 1989.
93. Бобоев Ҳ.Б. Ўзбек давлатчилиги тарихи: Дарслик. – Тошкент: Фан, 2004. – 294 б.
94. Боден Ж. Антология мировой философии. В 4-х т. – Москва: 1970. Т. 4: Европейская философия от эпохи Возрождения по эпоху Просвещения.
95. Бойдадаев М. Фуқаролик жамияти ва давлат бошқарувининг долзарб муаммолари. Тошкент: ТДЮИ, 2003. – 52 б.
96. Бодакова О. В. Организация правовой службы на предприятии : курс лекций. Минск : Академия управления при Президенте РБ, 2007. - 216 с.
97. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право // Книга третья: Договоры о выполнении работ и оказании услуг. Москва.: «Статут», 2002.
98. Бухаловский О.Н. Юридическая служба в народном хозяйстве. Воронеж: Изд-во Воронежского ун-та., 1976. – 186 с.
99. Введение в юридическую специальность. А.А. Абдурахманов, А.А. Гришин и др./ Под ред. А.П. Коренева. Москва.: «Щит-М», 1999. – 144 с.
100. Введение в юридическую специальность: Учебное пособие / Под ред. А.П. Корнеева, В.К. Боброва. Москва : «Щит-М», 2003.
101. Воротилин Е.А. Идеи правового государства в истории политической мысли // Политология / Отв. ред. М.Н. Марченко. Москва: 1997.
102. Гегель. Философия права. Москва: «Мысль», 1990. – 524 с.
103. Генезис личности, демократической семьи, гражданского общества и правового государства. В 2-х Т. СПб., 1999. – 203 с.
104. Гессен В.М. Теория правового государства. СПб., 1905.

105. Гоббс Т. Сочинение: Пер. с латинского и английского. в 2-х т. Москва: «Мысль», 1989. – Т. 1.
106. Голованя И.В. Правовая работа и защита прав предпринимателей. – Донецк, 2004. – 168 с.
107. Гражданское общество: теория, история и современность. – Москва: 1999. – 279 с.
108. Гражданское право: Учебник: в 2 т. / Отв. ред. проф. Е.А. Суханов. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: Издательство БЕК, 2000. – Т. 1.
109. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. / Масъул муҳаррирлар Ҳ.Бобоев, Х. Одилқориев. – Тошкент: 2000.
110. Давтян А.Г. Гражданское процессуальное право Германии. – Москва: Городец-издат, 2000.
111. Договорное право // Книга третья: Договоры о выполнении работ и оказании услуг. – Москва: Статут, 2002.
112. Жалилов Ш.И. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. Тошкент: 2001. – 160 б.
113. Жалинский А., Рёрихт А. Введение в немецкое право. Москва: Спрак, 2001.
114. Жалинский А.Э. Профессиональная деятельность юриста. Москва: Юристь, 1997. – 151 с.
115. Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Тошкент: Адолат, 1996.
116. Зокиров С. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари. Тошкент, 1999. – 120 б.
117. Ибраева А. С. Формирование правовой культуры в условиях утверждения правового государства и развития гражданского общества // Алматы, Қазақ университеті 2014. – 15 с.
118. Ибраева А.С., Сартаев С.А. и др. Формирование антикоррупционной культуры и антикоррупционного сознания: проблемы теории и практики // Алматы. Қазақ университеті 2017. – 306 с.

119. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.– Тошкент:Адолат, 2007. –916 б.
120. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 264 б.
- 121.История политических и правовых учений / Под ред. В.С.Нерсисянц. Москва: 2003.
- 122.Калной И.И., Лопушанский И.Н. Гражданское общество. СПб., 2002.
- 123.Кант И. Сочинения. Москва 1966. – Т. 6.
- 124.Карягин Н.Е., Михайлов А.В., Челышев М.Ю. Комментарий к законодательству о государственном регулировании предпринимательской деятельности. СПб., 2003.
- 125.Клеандров М.И. Институт юридической службы в предпринимательстве. Монография. – Москва: «Инфра-М», 2013. – 136 с.
- 126.Книпер Р., Назарян В. Очерки к проблеме законодательной техники. Эшборн, 1999. – 62 с.
- 127.Козлихин И.Ю. Идея правового государства: История и современность. СПб., 1993. – 126 с.
- 128.Коммерческое (торговое) право: Учебник./ Под ред. Ю.Е. Булатецкого, В.А. Язова. Москва: ИД ФБК-ПРЕСС, 2002.
- 129.Коршунова Н.М., Иванова Т.М. Предпринимательское право. – Москва: Юриспруденция, 1999.
- 130.Кудрявцев В.Н.. Юридическая конфликтология. Москва: Институт государства и права РАН, 1995.
- 131.Кумар К. Гражданское общество. Москва: 1994.
- 132.Лазерев В.В., Липень С.В. Теория государства и права: Учебник для вузов. 2-е изд., испр. и доп. Москва: Спартак, 2000.
- 133.Лебедев К.К. Правовое обслуживание бизнеса (корпоративный юрист): Учебно-практическое пособие. Москва: Юристъ, 2001. – 475 с.

- 134.Липень Л.И. Справочник юрисконсульта. Минск: Дикта, 2005. – 240 с.
- 135.Локк Д. Сочинение. в 3-х Т. Москва: Мысль, 1988. – 668 с.
- 136.Лубшев Ю.Ф. Курс адвокатского права: Учебник. 2-е издание. Москва: ООО «Профобразование», 2003. – 395 с.
- 137.Малькин Н.С. О законности в условиях переходного периода // Теория права: новые идеи. – 4-й вып. Москва: ИГПАН, 1995.
- 138.Мась Л.В. Руководство юрисконсульта для предприятий различных форм собственности: Серия: Закон и практика. Санкт-Петербург: Питер, 2005. – 147 б.
- 139.Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права: Учебник. Москва: Юристъ, 2001.
- 140.Мельниченко Р.Г. Право на юридическую помощь: конституционные аспекты. Москва: Изд-во ВАГС. 2003. – 199 с.
- 141.Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. Москва: Госполитиздат, 1955.
- 142.Морозов М.Э. Правовая природа законодательства, регулирующего третейское судопроизводство. Новосибирск. Экор-книга, 2008. – 176 с.
- 143.Морозова Л.А. Теория государства и права: Учебник. Москва: Юристъ, 2003.
- 144.Мухамедов Ў.Х. Қонун ҳужжатларини кодекслаштириш. Монография. Тошкент: 2007. – 96 б.
- 145.Мухамедов Ў.Х. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни тизимлаштириш. Тошкент: Фан, 2009. – 150 б.
- 146.Назаров К. Маъмурий ҳуқуқ: Ўқув қўлланма. Тошкент: 2004.–214 б.
147. Общая теория государства и права. Москва: Юриздат, 2002. Т.1.
- 148.Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: 2002.
- 149.Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадриятлар. Тошкент: SMI-ASIA, 2010. – 400 б.

150.Оксамытний В.В.. Правомерное поведение личности. Киев, "Наукова думка", 1985.

151.Оқюлов О., Отахонов Ф.Х. Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш муаммолари. Монография. Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2010. – 206 б.

152.Организация правовой работы в народном хозяйстве. / Коллектив авторов. – Казань: Изд-во Казанского ун-та., 1988.–178 с.

153.Отахонов Ф.Х. Проблемы юридической службы органов управления Республики Узбекистан - Тошкент: Адолат, 1993. –174 б.

154.Отахонов Ф.Х. Халқ хўжалигида юридик хизмат: талабнома-даъво ишларини юритиш (ўзбек ва рус тилларида). Тошкент: Адолат, 1997. – 200 б.

155.Отахонов Ф.Х. Тадбиркорларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш масалалари. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – 50 б.

156.Отахонов Ф.Х. Хўжалик процессида адвокатнинг иштироки: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 140 б.

157.Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва амалий муаммолар). Монография. Тошкент: Адолат, 2007. – 279 б.

158.Отахонов Ф.Х. Юридическая служба в Республике Узбекистан. Учебник. – Ташкент: Адолат, 2008. – 308 с.

159.Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган тўртинчи нашри. Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 312 б.

160.Отахонов Ф., Максудов Д. Ўзбекистонда локал норма ижодкорлиги. Монография. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти ноширлик бўлими, 2011.– 136 б.

161.Отахонов Ф.Х. Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва юридик хизмат /Амалий қўлланма/ Тошкент: Адолат, 2018. – 84 б.

162.Otakhonov F, Umirdinov A. Law and practice of international arbitraion in the CIS region. – Printed in the United Kindom. Edited by Kaj Hober, Yarik kryvoi: Wolters Kluwer, 2017. – 650 б.

163. Пирштук И.И. Юридическая служба предприятия (объединения) Беларуси в современных условиях. – Минск. : НО ООО «БИП-С», 2003. - 141 с.
164. Погребной И.М. Теория права: Учебное пособие. 3-е изд., испр. и доп. Харьков: Государственное специализированное издательство «Основа», 2003.
165. Попондопуло В.Ф. Коммерческое (предпринимательское) право: Учебник. Москва: Юристь, 2003.
166. Правовая работа в условиях перестройки. Москва: ИГПАН, 1989. – 150 с.
167. Правовая система Федеративной Республики Германии. Бонн, 1996. – 27 с.
168. Предпринимательское право Российской Федерации / Е.П. Губин, П.Г. Лажно и др.; под ред. Е.П. Губина. Москва: Юристь, 2003.
169. Предпринимательское право: Серия «Учебники и учебные пособия». Ростов на Дону: Феникс, 2003.
170. Прокопович Л.Н. Организация работы юридической службы. Минск: УМЦ МСХиП РБ, 2003. – 55 с.
171. Профессиональные навыки юриста: Опыт практического обучения / Л.А. Воскобитова. Л.П. Михайлова и др.; под ред. Л.А. Воскобитова. Москва: Дело, 2001. – 416 с.
172. Пугинский Б.И., Неверов О.Г. Правовая работа: Учебник для вузов. Москва: Зерцало-М, 2004. – 168 с.
173. Рахимов Д. Ҳукукий хизмат кўрсатиш (Адвокатура, нотариат ва ҳукукий хизмат кўрсатувчи хусусий идоралар мисолида). Ургенч, 2005. – 184 б.
174. Рахимов Ф.Х. Конституциявий ҳуқуқларни таъминлашда давлат органларининг масъулияти. Тошкент: 2001.
175. Руссо Ж.Ж. Трактаты. Москва: «Наука», 1969.
176. Рустамбаев М.Х. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 565 б.

177. Рўзиназаров Ш. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш: (Қонун ҳужжатлари ва суд амалиёти масалалари) / Масъул муҳаррир Ҳ. Раҳмонқулов. Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 258 б.
178. Саидов А.Х., Таджиханов У.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Тошкент: 2001. Т.1. – 238 б.
179. Саидов А.Х. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. Тошкент: Tasvir, 2018. – 864 б.
180. Саломов Б. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. Тошкент: Адолат, 2000.
181. Сборник научно-методических и практических материалов по юрид. клиническому образованию. Тошкент: Патент Пресс, 2004. – 272 с.
182. Синдоров К. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
183. Соколов А.Н. Правовое государство: идея, теория, практика. Курск, 1994. – 320 с.
184. Спиноза Б. Трактаты. Москва: Мысль, 1998.
185. Темур тузуклари / Сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир М. Али. Форсчадан тарж. А.Соғуний, Ҳ.Караматов. Тошкент: Шарқ, 2005.
186. Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н.И. Матузова и А.В. Малько. Саратов, 1995.
187. Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н.И. Матузова и А.В. Малько. – 2-е изд., перераб. и доп. Москва.: Юрист, 2000.
188. Тультеев И.Т. Правотворческая деятельность и прогнозирование. Тошкент: МВД РУз, 2008. – 210 б.
189. Тўлаганов А.А. Конституция ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси. Тошкент: Адолат, 1996. – 126 б.
190. Турғунов И.Т. Ички ишлар идоралари ходимларида инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш. Тошкент: Наврўз, 2016. – 183 б.
191. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. Тошкент: Akademiya, 2005.

192. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи (II қисм). Тошкент: Адолат, 1999.
193. Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Тошкент: 1994.
194. Файзиев М.М. Миллий давлатчилик тараққиёти. Тошкент: ЖИДУ, 2002.
195. Хайитов Х. Қонун ижодкорлигида экспертиза институти. Монография. Тошкент: Lesson Press, 2018. – 236 б.
196. Хақимов Г. Маъмурий ҳуқуқ: Ўқув қўлланма (Махсус қисм). Тошкент: 2005. – 331 б.
197. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи: соҳта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 45 б.
198. Хамедов И. Административное право. Тошкент: УМЭД, 2004. – 234 б.
199. Хван Л.Б. Адвокат и производство по делам об административных правонарушениях в Республике Узбекистан: Учебное пособие. Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 160 б.
200. Хозяйственное право: Учебник / Под ред. В.В. Лаптева. Москва: Юрид. лит, 1983. – 45 с.
201. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари. Тошкент: Университет, 1994. – 132 б.
202. Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. Тошкент: Адолат, 2013. – 452 б.
203. Цицерон. О государстве. О законах. Москва.: 1994. – 123 с.
204. Чашин А.Н. Юридическая служба в Российской Федерации: Учебное пособие. Москва: ЗАО ИКЦ «ДИС», 2005.
205. Четвернин В.А. Демократическое правовое государство. Москва: 1993. – 206 с.
206. Чориев У. Правотворчество правительства союзной республики (На материалах Узбекской ССР). Тошкент: Фан, 1991. – 124 с.

207. Чориёров У., Исломов З. Ўзбекистон ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий соҳаларга раҳбарлиги. Тошкент:Адолат, 1997, 128 б.

208. Чориёров У. Олий ва маҳаллий Кенгашларнинг ижроия идоралари тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар. Тошкент:Фан, 1992. – 117 б.

209. Шабуров А.С. Законность и правопорядок // Теория государства и права: Учебник для вузов. Москва: 1997.

210. Шарифходжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. Тошкент: 2002. – 272 с.

211. Шишко Г. Б. Юридическая служба предприятия: Учеб. пособие для студ. вузов по спец. «Правоведение» и «Экономическое право». Минск: Книжный дом, 2003. – 320 с.

212. Жилина Е.А. Юридическая служба предприятия: создание и управление : практическое пособие. Москва: Кнорус, 2010. - 165 с

213. Шомухамедова З.Ш. Рим хусусий ҳуқуқи: Дарслик / Масъул муҳаррир. Ҳ. Раҳмонкулов. Тошкент: Консаудитинформ, 2002.

214. Шор Л.М. Организация юридической службы на предприятиях и совнархозе. Москва: Госюриздат, 1964, – 189 с.

215. Щербачева Л.В., Иванов В.П., Миронов А.Л. Юридическая служба в государственных органах и на предприятиях. Москва: ЮНИТИ, 2008.–192 с.

216. Юридическая клиника: Сборник материалов по организации новых форм и методов оказания юридических услуг населению. Бишкек.: Гид Наргуль Трэвэл, 2001.

217. Юридическая служба в народном хозяйстве. Саратов: Саратовский университет, 1976.

218. Юридическая служба на предприятии: настольная книга юрисконсульта. / С.М. Айзин, М.Ю. Тихомиров. 3-е изд., доп. и перераб. Москва: 2003.

219. Юридическая служба на предприятии: Сборник нормативно-правовых актов. Алматы: Жеті жарғы, 1996.

220. Юридическая служба в государственных органах и на

предприятиях: Учеб. пособие / Под ред. С.С. Маиляна, А.А. Иванова. 3-е изд. Москва: 2009.

221. Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. Монография. Тошкент: Lesson Press, 2018. – 206 б.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

222. Адилходжаева С.М. Эволюция политико-правовых идей либерализма, проблемы их реализации на современном этапе: вопросы теории и практики. Автореф. дис... докт. юрид. наук. Тошкент: 2003. – 28 с.

223. Антиперович Е.Р. Оптимизация профессионального взаимодействия юрисконсульта социальной сферы: на примере деятельности юриста агентства недвижимости: Дис. ... канд. психолог. наук. Москва: 2011.

224. Ахмедшаева М.А. Давлат ҳокимияти тизимида ижро ҳокимияти. Автореф. дисс.. юрид. фан. докт. Тошкент: 2010. – 40 б.

225. Браток А.Н. Организационно-правовые вопросы контроля, осуществляемого юридической службой Министерства обороны Российской Федерации. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Москва: Воек. ун., 1998.

226. Еременко В.И. Юридическая работа в условиях рыночной экономики: Дисс. канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2000.

227. Золотухин Г.А. Правовые основы организации деятельности юридической службы Вооруженных Сил Российской Федерации: Дис. канд. юрид. наук. Москва: ВУ, 2000.

228. Корх С.Э. Теоретико-правовые вопросы межотраслевого статуса субъекта предпринимательства в современном Российском праве: Автореф. дис... канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону, 1998.

229. Марченкова Н.В. Правовой статус военного юрисконсульта: Дис. ... канд. юрид. наук. Москва: 2004.

230. Матрасулов Д.Р. Правовые основы организации управления органами юстиции в Республики Узбекистан: Автореф ... канд. юрид. наук. Тошкент: 2002. – 20 б.

231.Мухаммеджанов О.З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш. юрид... фан... доктошкент..дис. Тошкент: 2004. – 325 б.

232.Плинка Я.В. Правовое обслуживание предпринимательских объединений в России и за рубежом: Дис. ... канд. юрид. наук. Москва: 2000.

233.Потапов В.А. Законность и правомерное поведение граждан в условиях реформирования России (региональный аспект): Автореф. дисс...канд. юрид. наук. Новгород, 1995. –25 с.

234.Примов Ф.А. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш. Автореф... юрид.фан. фалсафа докт (PhD) .Тошкент:2018.– 58 б.

235.Рахимов Ф.Х. Теоретические и практические проблемы создания демократического правового государства в Республике Узбекистан. Автореф. дис...докт. юрид. наук. Тошкент: 2001. – 43 с.

236.Рузметов Х.И. организационно-правовые основы деятельности местных органов исполнительной власти в Узбекистане. Дисс...докт.. юрид. наук . Тошкент: 2011.

237.Савченко С.А. Юридические аспекты управления правовой работой на предприятиях нефтегазового комплекса (на примере Тюменской области). Автореф. дис...канд. юрид. наук. Тюмень, 2000. – 25 с.

238.Саломов Б. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти, унинг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси (тажриба ва муаммолари): Автореф... юрид.фан. докт. Тошкент: 2005.– 41 б.

239.Тультеев И.Т. Ҳуқуқ ижодкорлиги прогнози: назария, методология, амалиёт. Тошкент Автореф... юрид.фан. докт. Тошкент: 2009.– 47 б.

240. Харитонов С.С. Организационно-правовые основы договорной работы в воинской части: Дисс. канд. юрид. наук. Москва: ВУ, 2000. – 209 с.

241. Шагиев Б.В. Юридическая деятельность в современном российском обществе: теоретико-правовой аспект. Автореф. дис...канд. юрид. наук. Москва: 2003. – 36 с.

242. Щуковская О.М. Правовое регулирование деятельности по оказанию правовых услуг: Дис. канд. юрид. наук. СПб., 2001. - 213 с.

243. Азизов Х. Низоларни судгача ҳал этишда юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари/ Низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 18–25-б.

244. Жетписбаев Б.А. Обеспечение законности и дисциплины в системе деятельности органов исполнительной власти в Республике Казахстан // Инновации и образование. Сборник материалов конференции, (Серия «Sumposium», выпуск 29). – СПб, Санкт-Петербургское философское общество, 2003. – С. 503–510.

245. Жуманазаров И. Қишлоқ хўжалиги соҳасида юридик хизматни ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг айрим масалалари. // Ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент: 2004. – 255–257-б.

246. Икрамов А. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ўрни / «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент: ТДЮУ, 2017. – 57–62-б.

247. Исманов А. Корхона, ташкилот ва муассасалар юридик хизматининг аҳоли ҳуқуқий маданиятини оширишдаги ўрни // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. Республика YII илмий назарий конференция материаллари. Тошкент: 2000. – 34–37-б.

248.Йўлдошев И. Қонун лойиҳаларини юридик-техник жиҳатдан тўғри расмийлаштириш – қонунлар сифатини оширишнинг муҳим омили. / Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт Toshkent Seminar материаллари. Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 171-б.

249.Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари // Илмий-назарий конференция материаллари. Тошкент: 2003. – 279 б.

250.Матрасулов Д. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юридик хизматга раҳбарликнинг амалга оширилиши ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари //Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизматнинг роли: Илмий-амалий семинар материаллари./Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. Тошкент: 2006. – 15–22-б.

251.Оқюлов О. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини ривожлантиришдаги янги босқич/ «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент: ТДЮУ, 2017. – 13–16-б.

252.Отахонов Ф. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда давлат органи юридик хизматининг роли/ «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент: ТДЮУ, 2017. – 62–65-б.

253.Отахонов Ф. Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизматнинг роли / “Юридик хизмат ва давлат хизматларини кўрсатиш:асосий йўналишлари ва истиқболлари» мавзусидаги илмий-амалий семинар мақолалари тўплами. Тошкент: 2018. Б. 19–34.

254. Отахонов Ф. Юридическая служба в Узбекистане: правовые основы /»Юридик хизмат ва давлат хизматларини кўрсатиш:асосий йўналишлари ва истиқболлари» мавзусидаги илмий-амалий семинар мақолалари тўплами. Тошкент: 2018. Б. 109–120.

255. Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари // Илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 321 б.

256. Раҳмонқулов Х. Юридик фанларни ривожлантиришнинг истиқболлари. // Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2006. – 698 б.

257. Рустамбоев М.Х. Юридик фанларни ривожлантириш ва тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш муаммолари // Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент: 2006. – 82–89-б.

258. Расулов З. Юридик хизмат самарадорлигини ошириш тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бевосита ҳимоя қилишнинг бирламчи омилидир/ «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент: ТДЮУ, 2017. – 347–354-б.

259. Самарходжаев Б. Развитие юридического образования в Республике Узбекистан // Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент: 2006. – 405–411-б.

260. Северин В.А. Теория и практика правовой работы в коммерческих организациях // Коммерческое право: актуальные проблемы и перспективы развития: Сб. ст. Москва:2011.

261. Современное состояние адвокатуры в странах Центральной Азии: проблемы и перспективы // Материалы региональной конференции / Ответственные редакторы Г.А. Ишанханова, Л.Б. Хван, .Б. Азизов и др. Ташкент: 2003. – 224 с.

262. Становление институтов гражданского общества: Россия и международный опыт // Материалы международного симпозиума. Москва: 1995. – 326 с.

263. Тўлаганов А. Юридик таълим ва тарбияни ривожлантириш жиҳатлари // Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент: 2006. – 199–203-б.

264. Файзиев Х. Давлат хизматларини кўрсатишда юридик хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари /»Юридик хизмат ва давлат хизматларини кўрсатиш: асосий йўналишлари ва истиқболлари» мавзусидаги илмий-амалий семинар мақолалари тўплами. Тошкент: 2018. – Б. 47–51.

265. Хамедов И. Некоторые вопросы дальнейшего совершенствования организационно-правового механизма законотворчества в Республики Узбекистан /Актуальные вопросы информационно-аналитического обеспечения законотворческого процесса на современном этапе: опыт Германии и Узбекистана (сборник научных статей). Тошкент: ИМЗД, 2014. – С. 49-50.

266. Хангельдыев Б.Б. Методические руководства органов юстиции правовой работой в народном хозяйстве // Проблемы совершенствования советского законодательства: Труды ВНИИСЗ. Москва: 1986. Т. 34.

267. Абдумажидов Г. Развитие адвокатуры в Республике Узбекистан. // Адвокат . 2005. № 2. – С. 33–35.

268. Арзамасов Ю.Г. Ведомственное нормотворчество как тип юридической деятельности // Государство и право. 2006. № 9. – С. 11–17.

269. Багиров Анар Рамиз Оғлы. Правовое регулирование рынка юридических услуг на примере Англии // Ученые труды российской академии адвокатуры и нотариата. 2018. №1. С. 118–123.

270. Багрова Е.А. Вопросы эффективной организации работы юридической службы компании // Юрист, 2013, № 1.

271. Бондаренко О. Роль юридического отдела в транснациональной компании // Корпоративный юрист. 2010. № 9. С. 31 – 34.

272. Goebel J. Roger. Professional Qualification and Educational Requirements for Law Practice in a Foreign Country: Bringing the Cultural Gap // Tulane Law Review. February 1989. Volume 63. # 3/

273. Golberg S. Dispute Resolution: Negotiation, Mediation and Other Process. Little, Brown and Company. 1992, 1995 Supplement

274. Гуторов В.А. Современные концепции гражданского общества // Гражданский форум. 2001. №1. – С. 47–56.

275. Давыдов Н.А. Современная подготовка юристов в вузах: теория и практика ее научного проектирования // Юридическое образование и наука. 2008. № 4.

276. Draisen L. Daniel. The Model Rules of Professional Conduct and Their relationship to Legal Malpractice actions: A Practical Approach to Use of the Rules // The Journal of the Legal Profession. 1997. Volume 21. С.67-87

277. Дудырев Ф. Российское юридическое образование в эпоху реформ: (опыт сравнительно-исторического анализа) // Государство и право. 2005. № 1. – С.89.

278. Золоева Я. Повышение эффективности юридических служб компаний становится одним из первостепенных вопросов // Legal Insight . 2015. №1. – С. 5–9

279. Квалификационный справочник должностей служащих: Комментарий к КЗотошкент // Библиотечка журнала «Трудовое право Российской Федерации». Москва: ИНФРА-М, 2000.

280. Crampton C. Roger. Delivery of Legal Service to Ordinary Americans // Case Western Reserve Law Review. Winter 1994. Volume 44.' # 2

281. Кудрявцев В.Н. Право как элемент культуры. // Право и Власть. Москва:1990. № 8. – С.249.

282. Липень Л.И. Понятие правовой работы в народном хозяйстве // Правоведение. 1987. №5. – С.100-103.

283. Lawrence J. Michael. The Fortified Law Firm: Limited Liability Business and the Property of Lawyer Incorporation // Georgetown Journal of Legal Ethics. Fall 1995. Volume IX. # 1. С.207-228.

284. Мартышин О.В. Несколько тезисов о перспективах государства в России // Государство и право. 1996. № 5. – С. 25–26.

285. Миракулов М. Давлат бошқаруви: демократлаштиришнинг муҳим ҳуқуқий асоси // Ҳуқуқ ва бурч, 2015. 10-сон, Б.15–17.

286. Отахонов Ф.Х. Юридик таълим: сифат ва самарадорлик // Нуқуқ ва Бурч. 2006. №2. – 6–8 б.

287. Отахонов Ф.Х. Правовые основы развития предпринимательства в Узбекистане /Россия– Узбекистан: история и современность (ч.VIII). Тема номера: История среднеазиатского предпринимательства. //Журнал «ЕвроАзия», февраль 2010. № 1. Москва. – С.123–134

288. Отахонов Ф.Х. Развитие законодательства о юридической службе в Республике Узбекистан // Экономика и право, 2017. №5 –С. 74-79; 2017. №6 – С. 71-77.

289. Отахонов Ф.Х. Актуальные вопросы реформирования системы юридической службы в Узбекистане // Жамият ва бошқарув, 2018. – 1-сон – Б. 113–119.

290. Отахонов Ф.Х. Участие юридической службы в экономическом судопроизводстве // Международный научно-популярный журнал «Наука и жизнь Казахстана» 2018. – № 4 (63). – С.106–113.

291. Певцова Е. А. Правовое воспитание как средство формирования правовой культуры // Современное право . 2003. № 8. – С.25-29

292. Певцова Е.А. Современные дефинитивные подходы к правовой культуре и правовому сознанию // Журнал Российского права. 2004. № 3. – С. 37-43

293. Побежимова Н.И. актуальные проблемы юридического образования в России// Юридическое образование и наука. 2003.№ 4. –С. 4.

294.Раупов С. Тадбиркор ҳукуқи (Адлия вазирлигида ўтказилган «Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материалларидан) // Ҳаёт ва қонун. 2002. – № 1. –15-18 б.

295.Россол С.П. Построение юридической службы на предприятии малого и среднего бизнеса // Корпоративный юрист. 2010. № 10. –С. 12 – 17.

296.Рўзиназаров Ш., Отахонов Ф.Ҳ., Қишлоқ тадбиркорларига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 1995. №1. – 58–59-б.

297.Рябоконе О., Майсюра Е. Международная сертификация юридических фирм // Корпоративный юрист. 2007. N 8. – С. 47 - 49.

298.Саломов Б. Адвокатура ва жамият // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2006.№ 3. – 35–38 б.

299.Сергеев В.И. Адвокат и юридическая служба // Юрист. 2000. №3. – С. 16–23.

300.Сиренко А.В. Правовое регулирование оказания юридических услуг через Интернет // Право и экономика. 2010. № 1.

301.Смиронова А.А. Обеспечение законности нормативно-правовых актов органов исполнительной власти субъектов Российской Федерации // Правоведение.2003.№3(248). –С.66–74.

302. Trotter M. H. Profit and the practice of law. 1997. University of Georgia Press. P. 44.

303.Турсунов А.С. Давлат ва суверен тенглик // Ҳаёт ва қонун. 2002. 1-сон. –7–9 б.

304.Шагиева Р.В. Правовая деятельность: эволюция теоретических представлений и ее современное осмысление // Государство и право. 2014. № 6. - С. 63-70.

305.Шиткина И. Правовое обслуживание бизнеса: идеология и практика // Корпоративный юрист. 2008. № 3. – С. 35 – 44.

306.Барихин А.Б. Большой юридический энциклопедический словарь. Москва: Книжный мир, 2005.

307. Большая юридическая энциклопедия. Москва: Изд-во Эксмо, 2005.
308. Большой юридический энциклопедический словарь. Москва: Книжный мир, 2005.
309. Радченко М.Ю. Арбитражные споры: Справочник практикующего юриста. Москва: Палеотип: Логос, 2001.
310. Современный словарь иностранных слов. Москва: Рус. яз., 1992.
311. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. – Т. 5.
312. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – Т. 8.
313. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. – Т. 11.
314. Юридический энциклопедический словарь / М.О.Буянов и др.; отв. ред. М.Н.Марченко. ТК Белби, Проспект, 2006.
315. Акимова Т. Правовая пропаганда как способ формирования позитивных элементов правового сознания, определяющих показатель лояльности правосознания. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://tsu.tmb.ru>] свободный.
316. Беларусь Республикаси Президентининг 2003 йил 14 июлдаги «Фаолиятнинг алоҳида турларини лицензиялаш тўғрисида»ги 17-сонли Декрети ва 2002 йил 12 августдаги «Юридик ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришнинг баъзи бир чора-тадбирлари тўғрисида»ги 20-сонли Декрети; Беларусь Республикаси Адлия вазирлигининг 2000 йил 19 апрелдаги юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошираётган шахсларнинг касбий ахлоқ Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 6-сонли қарори // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.minjust.by.>], свободный.
317. Государственный военно-промышленный комитет Республики Беларусь. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.vpk.gov>], свободный.

318.История создания правовой службы. // Электронный ресурс Режим доступа: [<http://www.mvdinform.ru>.], свободный.

319.Қозоғистон Республикаси Хукуматининг 2004 йил 28 октябрдаги 1120-сонли қарори билан тасдиқланган «Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг Аҳолига юридик хизмат кўрсатиш ва ҳуқуқий ёрдамни ташкил этиш кўмитасининг Низоми» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.government.kz/ru/doc>.], свободный.

320.Конституция Российской Федерации // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.constitution.ru>], свободный.

321.Конституция Российской Федерации: Постатейный научно-практический комментарий // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.constitution.garant.ru>], свободный.

322.Мельниченко Р.Г. Конституционное право на юридическую помощь.// Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.jurgorod.ru>], свободный.

323.Министерство иностранных дел Республики Беларусь. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.mfa.gov.by>.], свободный.

324.Министерство культуры Республики Беларусь. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://kultura.by/index.jsp>.], свободный.

325.Министерство лесного хозяйства Республики Беларусь. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.komleshoz.org>.], свободный.

326.Министерство образования Республики Беларусь. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.minedu.unibel.by>.], свободный.

327.Министерство природных ресурсов и охраны окружающей среды Республики Беларусь. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://minpriroda.by>.], свободный.

328.Министерство сельского хозяйства и продовольствия Республики Беларусь. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://mshp.minsk.by>], свободный.

329.Министерство торговли Республики Беларусь. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.mintorg.gov.by>.],свободный.

330.Нормативные правовые акты, регламентирующие деятельность учреждений юстиции Республики Беларусь // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.minjust.by>.], свободный.

331.Организация работы юридической службы по соблюдению законодательства о труде и укреплении трудовой дисциплины // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://helpiks.org/3-44128.html>, свободный.

332. Палата представителей Национального собрания Республики Беларусь. Главное экспертно-правовое управление. // Электронный ресурс Режим доступа: [<http://house.gov.by>.], свободный.

333.Пеньков Д.С., Классификация прав человека и правовой статус: проблема соотношения.// Сборник научных трудов юридического факультета – Севкав.: ГТУ, 2005. – Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.ntstu.ru>.], свободный.

334.Положение «О юридическом управлении» Министерство Экономики Республики Беларусь // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://w3.economy.gov.by>.], свободный.

335.Положение о Государственно-правовом управлении Президента Российской Федерации. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.kremlin.ru>.], свободный.

336.Положение о Правовом управлении Аппарата Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://base.consultant.ru>.],свободный.

337.Положение о юридической службе Жуковской торгово-промышленной палаты. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.zhuktp.ru>], свободный.

338.Положение о юридической службе ЗАО «ВОЛГА» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://dallakian.narod.ru>.], свободный.

339.Положение о юридической службе Министерства природных ресурсов Российской Федерации // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.mnr.gov.ru>], свободный.

340.Положение о юридическом отделе администрации г. Киселевска (Приложение № 1 к Распоряжению Главы города Киселевска от 04.01.2001 г. № 4-р). // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.shahter.ru>.], свободный.

341.Положение об Аппарате Президента Республики Татарстан (утв. Указом Президента РТ от 20 марта 2006 г. № УП-114) // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.tatar.ru>.], свободный.

342.Положение об Управлении правового обеспечения Генеральной Прокуратуры Российской Федерации (утверждено Генеральным прокурором Российской Федерации 19 июня 1996 года). // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.businesspravo.ru>.], свободный.

343.Постановление 19 февраля 1997 г. № 96 «Об утверждении структуры аппарата Совета Министров Республики Беларусь. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://pravo2000.by.ru>.], свободный.

344.Постановление Кабинета Министров Чувашской Республики от 26 августа 2004 года № 195 «Об утверждении Типового положения о юридической службе органа исполнительной власти Чувашской Республики» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.gov.cap.ru>], свободный.

345.Постановление Минюст Чувашии «Об утверждении Типового положения о юридической службе органа исполнительной власти Чувашской Республики» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://gov.cap.ru>.], свободный.

346.Постановление Правительства Республики Казахстан от 7 июня 2000 года № 868 «О дополнительных мерах по повышению качества юридической работы в центральных и местных исполнительных органах»// Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.zakon.kz/law/news/arhiv>.] свободный.

347. Постановление Правительство Ленинградской области от 12 ноября 2004 г. № 260 «Об утверждении штатного расписания и положения о юридическом комитете администрации Ленинградской области». // Электронный ресурс. Режим доступа: [[http:// gov.sar.ru.](http://gov.sar.ru.)], свободный.

348. Постановление Президиума ГС РТ от 18.05.2006 № 2184-III ГС «О структуре аппарата Государственного Совета Республики Татарстан». // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://povolgfo.consultant.ru.>], свободный.

349. Постановление Совета Министров Республики Беларусь от 22 марта 1999 г. №386 «Об утверждении примерного положения о юридическом управлении (отделе), главном юрисконсульте, юрисконсульте министерства, иного республиканского органа государственного управления, объединения (учреждения), подчиненного правительству Республики Беларусь, местного исполнительного и распорядительного органа»// Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://pravo.levonevsky.org.>], свободный.

350. Постановление Совета Министров Республики Беларусь от 31 октября 2001 г. №1605 «Об утверждении положения о министерстве юстиции Республики Беларусь». // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.minjust.by/min/index.htm.>], свободный.

351. Права и обязанности членов БелООЮХ. // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://info@lex.by/about/prava.shtml.>], свободный.

352. Приказ Министерство обороны РФ от 21 марта 1998 г. № 100 «О Юридической службе Вооруженных сил Российской Федерации» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.businesspra.>], свободный.

353. Приказ ГТК РФ от 21 февраля 2000 г. № 133 «Об утверждении Положения о Правовом управлении» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://garant.park.ru.>], свободный.

354. Приказ МВД РФ от 20 ноября 2004 г. № 755 «Вопросы Правового департамента МВД России и Центра правовой информации МВД России» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://base.consultant.ru.>], свободный.

355.Приказ МВД РФ от 23 июля 2001 г. № 686 «Об утверждении Положения о Главном правовом управлении Министерства внутренних дел Российской Федерации» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://base.consultant.ru.>], свободный.

356.Приказ МВД РФ от 9 сентября 1998 г. N 556 «Об утверждении Положения о Главном управлении правовой работы и внешних связей МВД России». // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://kref.ru.>], свободный.

357.Приказ министра обороны Российской Федерации от 31 января 2001 г. № 5 «Об учреждении знака отличия Министерства обороны Российской Федерации «Юридическая служба Вооруженных Сил Российской Федерации» // Электронный ресурс. Режим доступа [<http://base.consultant.ru.>], свободный.

358.Приказ Министра транспорта и коммуникаций Республики Казахстан от 3 февраля 2004 года «О некоторых вопросах деятельности юридических служб Министерства транспорта и коммуникаций Республики Казахстан и его ведомств в 2004 году» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.mtk.gov.kz.>], свободный.

359.Приказ Председателя Налогового комитета Министерства финансов Республики Казахстан 3 ноября 2002 года № 867 «О мерах совершенствования работы юридических служб территориальных органов Налогового комитета Министерства финансов Республики Казахстан». // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://base.zakon.kz.>], свободный.

360.Россия Федерацияси Табиат ресурслари вазирининг 2002 йил 8 августдаги 486-сонли «Табиат ресурслари вазирлиги юридик хизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.mnr.gov.ru>], свободный.

361.Семенова Е.А. Организация правового обслуживания предпринимательства // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://syu.ru/articles/2010/7/4708.html>], свободный.

362. Сколько человек работает в Правовом управлении Государственной Думы? // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.akdi.ru>.], свободный.

363. Совет Республики Национального собрания Республики Беларусь. // Электронный ресурс. Режим доступа [<http://www.sovrep.gov.by/>.], свободный.

364. Типовое положение о юридической службе предприятия (объединения) в Республике Беларусь: Приказ Министра юстиции Республики Беларусь № 371 от 24.12.1998. // БНПИ. – 1999. – №2 – Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.pravo.ru>.], свободный.

365. Титиевский А.Н. Организация правовой работы на предприятии // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.distance.ru>.], свободный.

366. Указ Президента Республики Беларусь от 10 ноября 1997 г. № 572 «О некоторых мерах по совершенствованию правового обеспечения деятельности Президента Республики Беларусь» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://pravo.levonevsky.org>.], свободный.

367. Указ Президента Республики Беларусь от 23 января 1997 г. № 97 «Вопросы Администрации Президента Республики Беларусь» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://pravo.levonevsky.org>.], свободный.

368. Указ Президента Российской Федерации от 4 июня 2001 г. «О некоторых вопросах Министерства внутренних дел Российской Федерации» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://base.consultant.ru>], свободный.

369. Указ Президента Российской Федерации от 8 мая 2001 года №528 «О некоторых мерах по укреплению юридических служб государственных органов» // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://www.gov.cap.ru>], свободный.

370. Указом Президента Российской Федерации от 31 мая 2006 г. №549 «Об установлении профессиональных праздников и памятных дней в Вооруженных Силах Российской Федерации» // Электронный ресурс. Режим доступа [<http://base.consultant.ru>.], свободный.

371. Устав Белорусского общественного объединения юристов-хозяйственников (Зарегистрирован Министерством юстиции Республики Беларусь 16 августа 2006 года). // Электронный ресурс. Режим доступа: [<http://info@lex.by/about/ustav.shtml>.], свободный.

372. Romo Labisch, Rodrigo. Liberalization of trade on legal services. Degree: 2009, Universidad de Chile/ URL: <http://www.repositorio.uchile.cl/handle/2250/111183>.

373. Evans, John Adsett. Group legal services in Australia. Degree: Law, 1981, University of New South Wales/ URL: <http://handle.unsw.edu.au/1959.4/54163>.

374. Krasteva, G.M. Building innovative legal services for entrepreneurs in Bulgaria. Degree: 2016, Universiteit van Tilburg URL: <http://tilburguniversity.worldcat.org/search?q=scr.uvt.nl:6261358>.

375. Burns, Christine Vanda. Online legal services - a revolution that failed?. Degree: Law, 2007, University of New South Wales/ URL: <http://handle.unsw.edu.au/1959.4/32468https://unsworks.unsw.edu.au/fapi/datastream/unsworks:1687/SOURCE02?view=true>.

376. Manning, Laura Lou. Analysis of Incentives for Providing pro Bono Legal Services and Implications for Future Legal Services Corporation Policies. Degree: Political Science, 1979, Oklahoma State University/ URL: <http://hdl.handle.net/11244/18175>.

377. Denton, Darrell. Legal services firm branding : analysis of a marketing strategy in the Canadian marketplace. Degree: 2003, Simon Fraser University/ URL: <http://summit.sfu.ca/item/7624>

378. Garry, T. Affect and the Role of Corporate Customer Expertise within Business-to-Business Legal Services. Degree: Management, 2008, University of Canterbury/ URL: <http://hdl.handle.net/10092/3972>.

379. Naicker, Prian. Adoption of online legal services by law firms in South Africa. Degree: MBA, Gordon Institute of Business Science (GIBS), 2018, University of Pretoria/ URL: <http://hdl.handle.net/2263/64893>.

380. Hosticka, Carl Joseph. Legal services lawyers encounter clients : a study in street level bureaucracy. Degree: 1976, MIT Massachusetts Institute of Technology/ URL: <http://hdl.handle.net/1721.1/39855>.

381. Sumit Kumar. A juridical study of legal services authorities act with special reference to Lok Adalats in Ambala division of state of Haryana. Degree: Law, 2010, Punjabi University/ URL: <http://shodhganga.inflibnet.ac.in/handle/10603/4937>.

382. Sehgal, Sangita Dhingra. Delivery of legal services a critical and comparative study of law with special reference to Delhi/ Degree: Law, 2013, Amity University/ URL: <http://shodhganga.inflibnet.ac.in/handle/10603/10485>.

383. Beningfield, Perry Guy. Leading strategic change: driving the transformation in the provision of legal services to the Eastern Cape Provincial government./ Degree: Faculty of Commerce, Rhodes Investec Business School, 2006, Rhodes University/ URL: <http://hdl.handle.net/10962/d1003876>.

384. Burdett, Julia. Professional accountability and community control in legal services provision: A study of Community Law Centres in England. Degree: phd, 2004, London School of Economics and Political Science (United Kingdom)/ URL: <http://etheses.lse.ac.uk/1734/>.

385. Paolella, Lionel. Law and (Re)Order : Impact of Category-Stretching Strategies on Firms' Performance and Evaluation. The Case of the Corporate Legal Services Market (2000-2010) / Degree: Docteur es, Sciences de gestion, 2014, Jouy-en Josas, HEC/ URL: <http://www.theses.fr/2014EHEC0014>.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ. ЮРИДИК ХИЗМАТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ АСОСЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ	
1-§. Юридик хизматнинг ролини ошириш – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг объектив омили	7
2-§. Юридик хизмат тушунчаси ва моҳияти.....	25
3-§. Юридик хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларининг тарихий ривожланиши.....	45
4-§. Хорижий давлатларда юридик хизмат фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятлари	56
II БОБ. ЮРИДИК ХИЗМАТ ТИЗИМИ, ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
1-§. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тизими	88
2-§. Ўзбекистон Республикасида юридик хизматнинг ҳуқуқий мақоми.....	98
3-§. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари	113
4-§. Хўжалик бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари	133
III БОБ. АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ, НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА УСЛУБИЙ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛАРИ	
1-§. Адлия органларининг юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқлари ва функциялари.....	164
2-§. Адлия органларининг юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш бўйича фаолияти.....	171
3-§. Юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш механизмларини такомиллаштириш истиқболлари.....	187

**IV БОБ. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИГА ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ
БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛАРИ**

1-§. Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиши тушунчаси ва мазмуни.....	197
2-§. Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишининг ҳуқуқий асослари.....	209
3-§. Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатиши бўйича фаолияти.....	222
ХУЛОСА.....	237
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	246

